


84(540)
П 46

Абдурахмон ПИРИМКУЛОВ

Етти довон ҳайрати



САЙЛАНМА



СН0000034139

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ

ЕТТИ ДОВОН ҲАЙРАТИ

*Адабий-шмий, маънавий-маърифий
ва танқидий рисола*



Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2014

УДК:821.512.133

КБК 84(5Ў)6

Мазкур китобдан Амир Темур ва темурийлар салтанатидаги номдор маликаларнинг тарихий хизматлари, Алишер Навоийга муҳаббат қўйган ва бундан бир умр ўртаниб яшаган нозанин қисмати, давримизнинг кекса авлодига мансуб шоирлари ижодидаги ҳажвий образлар табиати, бадиий ижодда издошлик, ворисийлик ва ўзига хослик белгилари ҳақидаги мақолалар ўрин олган.

Китоб тарих ва тил-адабиёт муаллимларига, ёш тадқиқотчиларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Муҳаммаджон ИШОНҚУЛОВ,
педагогика фанлари доктори;

Маманазар БОБОЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент

84.(5Ў)6

Пиримкулов, Абдурахман.

Етти довон ҳайрати / А.Пиримкулов; масъул муҳаррир Ҳамидулла Болтабоев. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2014. – 236 бет.

УДК:821.512.133

КБК 84(5Ў)6

ISBN 998-9943-398-98-6

А.Пиримкулов, 2014
“MUMTOZ SO‘Z”, 2014

*Ушбу китобимни муҳтарам устозим – Ўзбекистон
Республикаси Фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги
Республика Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари
доктори, профессор Абдурашид Абдугафуровнинг
порлоқ хотирасига бағишлайман*

Муаллиф

- Буюк салтанатга саёҳат
- Сўз даҳосига эҳтиром
- Издошлик жилолари
- Ҳажвиянинг “заҳар” хандаси
- Адабий танқид минбарида
- Илмий тафаккур жабҳасида
- Бир лаҳза хотира қўйнида

АДАБИЁТ МУАЛЛИМИНИНГ ЖАСОРАТИ

“Муаллим”. Ушбу сўз замирида ўзидан кўра ўзгалар қисматини кўпроқ ўйлайдиган, ёш авлод таълими ва тарбияси учун кечани кеча, кундузни кундуз демай заҳмат чекадиган фидойи шахс тақдири мужассам. Шундай муаллимлар бўладики, уларнинг илмий-педагогик фаолияти ўзлари ишлаб турган ўқув маскани, шаҳар, ҳатто вилоят чегараларини синдириб, Республика талабалари ёхуд ўқувчи ёшларнинг илм-фанга бўлган эҳтиёжларини аъло даражада қондириш хусусиятига эга бўлади. Филология фанлари номзоди, истеъдодли адабиётшунос олим ва муаллим укамиз Абдурахмон Пиримқуловнинг қўлингиздаги китобини ўқиб, даъфатан хаёлимдан шундай фикрлар кечди.

Китоб бир-бири билан узвий боғлиқ етти фаслдан иборат. Унда муаллиф ҳозирги замон ўқувчи-ёшларининг руҳий, маънавий-маърифий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда қалам тебратади. Шайх Антор ва Шайх Саъдий ҳазратларининг умрбоқий ҳикоятлари, Амир Темур ва темурийлар салтанатида муҳим рол ўйнаган йирик мартабали маликаларнинг салтанат равнақи ёки инқирозига сабаб бўлган хизматлари, Улуг Алишер Навоий ижоди ва унга ворисийлик аломатларидан тортиб, ҳозирги Истиқлол даврининг етук, забардаст ва айрим навқирон авлоди вакиллари ижодининг сир-синоати, гоёвий-бадиий хусусиятларини ўқувчиларга самимий тилда тунтиради. Санъат ва унинг ижтимоий вазифаси, шеърӣй санъатлар бадииятини таҳлил қилишда ҳам олим ўз йўли, услубидан келиб чиқиб мулоҳаза юритади. Китобнинг “Адабий танқид минбарида” деган фаслидаги мақолалар ёшлар онгида адабий-эстетик тафаккурнинг шаклланишида фойда қилса, “Бир лаҳза хотира қўйнида” қисмидаги мақолалар ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш воситасининг бир тури бўлиб хизмат қила олади. Шу тариқа ҳар бир бўлимнинг алоҳида номланиши турли хилдаги мақолалар гоёсини бир ўзанда бирлаштиради. Китобдаги ҳар бир мақолани, назаримда, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги билан боғлиқ бир соатлик дарсга қийслаш мумкин. Айниқса, Навоӣй, Бобур,

Машираб ва Огаҳий ижодидаги ўзига хос тамсилий ифодалар, поэтик образ назокати, лирик қаҳрамоннинг шахсий дарди, полалари, шунингдек, ҳозирги ўзбек шеъриятининг таркибий қисми бўлган ҳажвий лирика таҳлилида ҳам тадқиқотчи ўзига хос йўлдан боради. Шу билан бир қаторда Абдураҳмон миллий истиқлол шеъриятининг тараққиёт тамойилларини белгилашда етарли материал бера оладиган замондош шоирларнинг издошлик даъволарини қатор мухаммаслар таҳлили воситасида исботлашга ҳаракат қилган.

Китобнинг илмий-назарий ҳамда маърифий-эстетик қимматини белгиловчи унсурлар ҳар ҳолда оз эмас. Аввало, олимнинг сўзларни танлаб, таъбир жоиз топилса, “чертиб”, уларнинг ифода тарзини таъминлай олиши алоҳида эътиборга лойиқ. Танқидчи ҳар бир асарнинг поэтик салмогини, гоёвий қудратини ўзига хос закийлик билан таҳлил қилади. Олимнинг устозлари асарларига эҳтиром билан қараши, тадқиқ объектига миллий мустақиллик мафкураси тамойилларига мос адабий ва илмий манбалар танлаши, таҳлилда синчковлик, чуқур илмий мушоҳада, муаммонинг туб илдизларига назар солиши, “коса ва нимкоса”лар жозибасини барча мураккабликлари билан илгашши, таҳрир ва маҳорат муаммоларини тўлақонли ёритиши, адабий ёки илмий услуб тамойилларига зид нуқсонларни изчил англаб тадқиқ этиши каби омиллар ёш мунаққид илмий салоҳиятига хос эътирофга лойиқ хусусиятлардир.

Биз одатда бадий услуб муаммолари хусусида кўп гапирармиз. Илмий услуб ҳақида эса камроқ сўзлаймиз. Абдураҳмон бир неча адабиётшунос олимларнинг монографияларига тақриз ёзишда худди шу масалага алоҳида эътибор қаратади. Унингча, “илмий услуб олимнинг билимини, дунёқарашини, шахсий иқтидорини бутун бўй-баста билан намоён этувчи, кўрсатувчи ўзига хос кўзгу”дир. Шу жиҳатдан мазкур китобда муаллифнинг хусусий услуби бутун назокати, оҳанрабоси билан ўқувчи диққатини жалб этиш хусусиятига эга. Бу рисола ни ўқиган китобхон уни яна қайта мутолаа қилгиси келаверади. Бу китобнинг оддий ё жўнлигидан эмас, аксинча, мазмундорлиги, мураккаб адабий ҳодисалар моҳиятини оддий тилда ифода эта олишидандир. Хуллас, мазкур китоб, асосан,

ёш адабиёт ҳавасмандларига мўлжалланган бўлса-да, ундан кенг китобхонлар оммаси ҳам бемалол фойдалансалар бўлаверади. Яна бир нарсани таъкидлашни истар эдим. Баъзи ёш олимларнинг илмий фаолияти номзодлик иши ёқлагандан кейин деярли сезилмайди. Абдураҳмон эса ҳимоягача ҳам, ундан кейин ҳам ижоддан сира тўхтаган эмас. Муҳими, унинг мақолаларида маълум бир муаммо қаламга олинади ва унинг ечими илмий жиҳатдан пухта далилланди.

Абдураҳмон аслида адабиётшунослик илмига огаҳийшунос сифатида кириб келган эди. Унинг кейинги изланишлари эса сермахсул тадқиқотчи эканини намоеън этди. У ҳам адабий, ҳам илмий асарларни изчил таҳлил қиладиган зукко мунаққид сифатида ўзини намоеън этиб келмоқда. Замонавий шеърят билан шуғулланувчи мутахассисларнинг ҳаммиша ҳам мумтоз адабиёт муаммоларига тишлари ўтавермаслиги ҳаётий тажрибада кўп кузатилади. Бироқ мумтоз адабиёт билимдони замонавий шеър таҳлилида ҳам ўрнак кўрсатиши мумкин. Мазкур рисола муаллифи худди шу хусусияти билан ҳам эътиборга лойиқ. Ҳозирги иқтисодий эврилишлар чоғида бу каби ўқимлиги китобни ёзиш ва чоп эттириш Абдураҳмон каби оддий муаллим учун чин жасоратдир. Дарвоқе, мазкур китоб муаллифи ҳанузгача эълон қилган учта илмий рисоласи, даврий матбуот ва илмий тўпламларда нашр этилган юздан ортиқ адабий-танқидий мақоласи билан ҳам илмий-адабий жамоатчилик эътиборини қозониб келмоқда.

Абдураҳмоннинг ушбу китобини ўқирканман, буюк озарбойжон мутафаккири Низомий Ганжавийнинг мана бу сатрлари ҳаёлимда қайта жаранглагандай бўлди:

Билимдонлик – ажаб, яхши матодир,
Бу бойликсиз қолмоқ катта хатодир.

Боқижон ТҶХЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

АВВАЛИ СУХАН

ёхуд сиз кутган китобга дебоча

Салом, азиз дўстим !

Сиз билан бизни, аниқроғи, иккимизни унча катта бўлмаган сафар чорлаётир. Бу сафарда биз эътиборга молик етти “довон”дан ошамиз. Мен билан баробар юрсангиз, қалбимдаги ёник дард ва армонларимни сизга илмий-маърифий мушоҳадалар шаклида етказаман. Етти довоннинг ҳар бирида сиз турли маърифат булоғидан турлича сув ичасиз, ранг-баранг тафсилотлар ёғдусидан баҳраманд бўласиз. Ниятим буки, сиз мени “эшитиш” билан чегараланиб қолманг. Гапларим орасидаги назм парчаларига алоҳида диққат қилинг. Мен уларни ўз тафаккурим қуввати етган қирраларинигина сизга илиндим. Менинг диққатимдан четда қолган ёғдулар тафтини сезсангиз, мен жуда хурсанд бўламан.

Сафар чоғида қокилманг. Мен ҳаётда гоҳо ноўрин қокилган пайтларим бўлган. Қоқилган одам ҳаётда кўп нарсани йўкотади, деганлар адашади. Йўқ. У йўқотмайди, аксинча, топади. Айниқса, зиёли одам қокилса, унинг ички хиссиётида, тафаккур тарзида оз бўлса-да, ўзгариш содир бўлади. Акс ҳолда мана шу сафар “довон”лари, унинг бағридаги “булок”лар жуда қисқа фурсат ичида барпо бўлмаган бўлур эди.

Ёзмокқа чоғланганим уйдирма эмас. Аммо улар орасида руҳий майл ҳосиласи бўлган муболағалар бор. Ижод табиати – шу. У гоҳида сизни ўз ортидан эргаштиради. Сиз эса уни етаклашга уринасиз. Ана шулар оқибатида ўзига хос адабий мулоқот қад кўтаради.

Бўлмаса, “йўл”га чиқамиз. Ҳазрат Навоий, Шох Бобур, Девона Машраб, Огаҳий мироб ва албатта, устози илм Абдулрашид Абдулғафур арвоҳидан имдод тилаб, ҳаётимдаги энг нодир ва қизиқарли китобни битмоқ учун қалам йўндим.

**БУЮК САЛТАНАТГА
САЁҲАТ**

***АМИР ТЕМУР САРОЙ МУЛК ХОНИМГА
УЙЛАНМАГАНДА ҲАМ КАТТА ТАРИХИЙ
ШАХС БЎЛИБ ҚОЛАРДИ. АММО БУ ҚАДАР
ЖАҲОНИЙ ШУҲРАТГА ЭРИШМАСДИ***

ФАРИДИДДИН АТТОРГА ТАЪЗИМ

Шайх Фаридиддин Аттор башарият адабий-илмий, маънавий-маърифий тафаккури ривожда бемисл рол ўйнаган алломалардан бири ҳисобланади. Аттор таваллуди бўйича бир тўхтамга келинмагани учун олимларимиз тадқиқотларида турфа маълумотларга дуч келамиз. У киши 1145 йиллар чамасида Нишопур яқинидаги Кадкана қишлоғида таваллуд топган. Асли оти Муҳаммад бўлиб, отаси Абубакр бинни Иброҳимдан қолган дўконда атторлик ва гоҳо табиблик ҳам қилган. Манбаларда унинг 114 йил яшагани қайд этилади. Бу маълумот манжабавий характерга эга. Аттор 1220 йил мўғуллар исёни чоғида ваҳшийларча ўлдирилган. Шунда у 75 ёш атрофида умр кўрган бўлади. Профессор Нажмиддин Комилов алломанинг вафоти ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Атторнинг ўлими фожиали содир бўлган. У ўз ажали билан ўлган эмас, балки лаънати мўғуллар қўлида ҳалок бўлган. Мўғуллар бало-казодай Эрон ерларини талайдилар, шаҳарларни ёндирадилар, китобларни қуйдирадилар, уламоларни қатор қилиб қўядилар. Ҳар бир мўғул аскарлари қўлига тушган нарсани ўмариб кетар, йстаган одамни асир қилиб, қул сифатида сотар ёки қилич билан чопиб ташлар эди.

Ривоят қиладиларким, бир мўғул аскарлари Атторни асир олиб, боғлаб, судраб борарди. Йўлда шоирни танийдиган бир одам учраб қолади. У шоирга раҳми келиб, мўғулга қараб, қулингни менга сот, минг динор бераман, дейди. Мўғул рози бўлиб турганда, Аттор, бу кам, сотма, мен жуда қимматман, деб айтади. Мўғул минг динорга бермай, яна судраб кетаверади. Йўлда бошқа бир одам учраб қолади. Мўғул ўз “моли”ни унга таклиф қилади. У одам: майли, розиман, бир қол сомон бераман, дейди. Шунда Аттор мўғулга қараб, тезда рози бўлгин, мен бундан ортиққа арзимайман, деган экан. Жаҳли чиққан бадбахт мўғул шу заҳотиёқ Атторни қилич билан чопиб ташлайди. Уни Нишопурга дафн этадилар. Ўн бешинчи асрга келиб, унинг мақбараси ҳаробага айланади, бунини эшитган Алишер Навоий Атторнинг сағанасини янгидан тиклаб, сало-

батли мақбара курдиради”¹. Мақбара ўшандан бери улуғ зиёратгоҳга айлантирилган.

Алишер Навоийнинг устоди Фаридиддин Атторга эҳтироми ниҳоятда баланд бўлган. Бу бежиз эмас, албатта. Одатда Навоийни Атторнинг “Мантику-т-тайр” достони болалигидаёқ ром қилгани, шоир бутун умри давомида ушбу асар таъсирида бўлиб турганлиги тилга олинади. Бу фикрда жон бор. Бироқ Алишер Навоий буюк шайх қаламига мансуб бошқа асарлардан ҳам яхши хабардор бўлган, улардан ҳам катта завқ ва илоҳий рағбат олган. Шоир «Лисону-т-тайр» достонида Атторнинг бир неча асарларини тилга олади, баъзиларига қисқача шарҳ беради. Жумладан, «Илоҳийнома» хусусида “илоҳий сирлар шарҳидин иборатдур” деган эътирофни кайд этади. Давлатшоҳ Самаркандий эса “Тазкирату-ш-шуаро”да Шайх Атторнинг Алишер Навоий тилга олган асарларидан ташқари «Асрорнома», “Ҳайдарнома”, “Мазҳару-л-ажойиб”, “Жавоҳиру-з-зот”, “Мухторнома», “Хусравнома”, “Шарҳу-л-қалб” ва “Булбулнома” сингари дostonлар ёзганини, назмий меросининг умумий ҳажми 250 минг байтга яқин эканлигини ёзиб қолдирган. Давлатшоҳнинг мана бу эътирофи ҳам диққатни тортади: “Аттор шарияту тариқатда ягона, шавқ ва ниёзмандлик, ўртаниш-ёнишдан шамъи замона, ирфон денгизига чўмган ва ҳақиқат дарёсига шўнғиб, дурлар терган кишидур...”

Шайх Атторнинг машҳур «Илоҳийнома» асарини Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ўзбек тилига таржима қилган. 2007 йил “Мусиқа” нашриёти мазкур таржимани нашрдан чиқарди. Таржимага нодир китобнинг эронлик шарқшунос Фуод Рухоний томонидан 2006 йилда форс тилида нашр этилган Техрон нусхаси асос бўлган. Таъкидлаш жоизки, Жамол Камол йирик ирфоний асар таржимасига киришар экан, имкон қадар аслият руҳини таъминлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Гўё мутаржим ноёб асар таржимасига киришар экан, аввало, Яратгандан, сўнг улуғ шайхнинг покиза руҳидан имдод тилайди. Афтидан, таржимонни улуғ шайх ҳазратлари-

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. Т.: Ф.Фулом номидаги нашр. ва Ўзбекистон, 1999. Б.47-48.

нинг руҳи поклари ҳимоятига олган, гўё олис ва машаққатли сафарга чиққан йўловчига йўл кўрсатган каби шоирни қўллаб-қувватлаб турганга ўхшайди. Бўлмаса, Фаридиддин Аттор билан бизнинг давримизни саккиз асрлик тарих ажратиб туради. Шунча вақт ўтиб, улуг шайхнинг бизга “ўзбекча сўзлагани”, гарчи бу иш замондош шоиримизнинг шахсий иқтидори ва маҳорати ҳосиласи бўлса-да, чинакам мўъжиза, нозик ақл ва таъб эгалари учун олий саодат деб баҳоланишга арзигулик ноёб адабий ва маданий ҳодисадир.

Китоб филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулнинг “Кўнгил кимёси” номли салмоқдор мақоласи билан очилади. Унда олим буюк аллома шахсияти, шайхлик мартабаси, асарларининг, айниқса, ушбу асарнинг ирфоний назокатидан сўз очар экан, маънавиятга ташна замондошларимизни “Илоҳийнома” мутолаасига ҳозирлайди. Улуг мутасаввифнинг «Илоҳийнома»си инсоният маънавий-руҳий олаmidан баҳс этувчи икки юз эллиқдан ортиқ нақл, ҳикоят, ривоят ва назмий қиссалардан иборат. Уни ўқиб XIII аср одамининг бадиий-ирфоний олами беҳад кенг, нақадар юксак бўлганига тасаннолар айтасиз. Таржиманинг тил ва бадиий нафосати ҳақидаги мулоҳазаларни таржимашунос дўстларимизга қолдириб, биз “Илоҳийнома” таркибидаги баъзи ҳикоятлар билан сизни яқиндан таништириш истагидамиз. Зеро, бу китоб ҳазрат Алишер Навоий айтмоқчи “илоҳий сирларнинг туганмас хазинасидан иборат” ноёб, дурдона асардир.

Кўришни кўрдан ўрган

“Илоҳийнома”да саховат, ҳиммат ва жасорат ишқий камолотнинг муҳим босқичларидан эканлигини кўрсатувчи бир неча ҳикоятлар бор. Шулардан бири Сулаймон алайҳиссаломнинг чумоли билан қилган ўзаро мулоқоти хусусида.

Бир куни Сулаймон алайҳиссалом қаергадир шошиб бораётган экан, йўлда бир гала чумолига дуч келибди. Чумолилар жам бўлиб пайғамбарга таъзим қилишибди. Пайғамбар қараса, минглаб чумоли унга пешвоз чиққан, бироқ улар орасида фақат

биттаси унга эътибор бермай, катта бир тепаликни қўлига сиққанча олиб, мисқоллаб ташир, уни ер билан бир текис қилишга уринарди. Буни кўрган пайгамбар: Агар сенда Нухнинг умри, Айюбнинг сабри бўлганда ҳам бу ишни уддалай олмас эдинг. Шундай экан, беҳуда уринишнинг маъниси нима? – деб сўраса, Чумоли: Сен менинг уринишимга эътибор берма, ниятимга боқ. Ният холис ва тўқис бўлса, Худонинг ўзи мадад беради. Менинг ниятим шу тепаликни ер билан яксон қилиш. Чунки мен бир чумолини севиб қолдим, у эса менга тегиш учун шу шартни қўйди. Мен бу йўлда қурбон бўлсам ҳам ниятимдан қайтмайман, деган экан. Ҳикоят сўнггида Аттор қиссадан ҳисса сифатида ўқувчига мурожаат қилади:

*Азизим, ишқни сен шу мўрдан ўрган,
Кўришни кўзи оғсиз – кўрдан ўрган.*

Шахзодага ошиқ бир аёл

“Илоҳийнома”да Шайх Аттор аёл кишининг шахсий феъл-атворидан баҳс этувчи ҳикоятларга кўп ўрин ажратади. Кўпинча, оқида ва фозила аёлларнинг ақлу заковатига таҳсин ўқийди, уларни ҳатто эркакларга ҳам ибрат қилиб тасвирлайди. Бир юрт подшоҳининг ғоят ақлли ва кўркем ўғли бўлган экан. Уни шу юртда яшайдиган аёллардан бири севиб қолибди:

*Ёниб ул ишқ аро сарғашта бўлди,
Куйиб жону тани оташда бўлди.*

Шахзода қаерга борса, аёл ҳам ўша ерга чопар, ҳатто уни сўраб саройга боришга ҳам ҳайиқмас экан. Ниҳоят, шахзода отасига “мени бу бедаводан қутқаринг”, деб шикоят қилибди. Шоҳ амр этибдики, аёлни отнинг думига боғлаб судрасинлар, токи бу каби енгилтаклик бошқа аёлларга ибрат бўлсин. Ҳукм ижроси чоғида ҳамма йиғилган, жувон эса:

*Менга, эй подшоҳ, бир ҳиммат айла,
Сочимни севгилим отига бойла.*

*Унинг оти оёғи остида жон
Берар бўлсам, дилимда қолмас армон.
Унинг йўлида ўлмоқ менга пеша,
Унинг кўйида қолгаймен ҳамшиша, –*

дея нола қилибди. Бу сўздан шоҳнинг дили юмшаб, ўғли билан ўша аёл ўртасидаги никоҳга розилик берган экан.

Ҳикоятда шоир аёл кишининг покиза муҳаббати ва уни ҳимоя қилишдаги жасорати ҳақида сўзламоқда.

Таъмагирлик – ёмон иллат

Бир одам ибодат қилиш учун хуфтон чоғида масжидга борибди. Қоронғи тушгач, энди кетаман деб турса, масжидга кимдир киргандек шарпа сезибди. Хаёлидан кечибдики, келган киши тақводор ё шариат пешволаридан бўлса керак, шунинг учун ибодатни давом эттирганим маъкул. Шу ўй билан ҳалиги одам кўзини юмганча тун билан ибодат қилибди. Тонг ёришгач:

*Очиб кўз, боқди ул атрофга уйғоқ,
Чу кўрди ит эди бир четда ухлоқ.
Тушиб жонига ўт, жисмини ёқди,
Кўзидин қатра-қатра ёши оқди.
Хижолат оташида ёнди жони,
Дили ўртанди, чун куйди забони.*

Ҳикоятда аллома Аллоҳдан бўлак бирор зотнинг эътиборини қозонишга уриниш ва бу йўлдаги ҳар қандай юмуш – таъма, бунинг эвазига бандадан нимадир умид қилиш таъмагирликдир, деган ғояни илгари сурган.

Хокисорлик – камолот нишони

Ҳазрат Сулаймон подшоҳ амр этдики, саҳобалар шундай бир кўза ясатсинлар, унинг тупроғи тоза, яъни бирор бир мурданинг тупроғидан холи бўлсин. Одамлар бутун ер сатҳини

айланиб бу каби тупрокни тополмабдилар. Шунда бир дев ўртага чикиб, покиза тупрокни мен топиб келаман дебди ва денгиз тубига тушиб, ўша жойдан уч-тўрт кисм лой олиб чикибди. Уни куришиб, сўнг кўза ясабдилар. Сулаймон кўзадаги сувдан ичмокчи бўлса, кўзадан:

*Дедиким, мен фалон ибни фалоним,
Сувимни ич, не сўргайсен нишоним.
Бу ердан ул балиқ сиртигача то,
Шу олам халқ танидан бўлди пайдо.
Яшашга кўза тандин поку фориғ,
Тиларсен бўйла тупроқ даҳр аро йўқ, —*

дея садо чикибди. Бу билан аллома одам авлодини камтарликка, хокисорликка даъват этипти.

Икки Маҳмуд

Султон Маҳмуд бир неча сарбоз ва навкарлари билан овга чикибди. Қараса, саҳрода бир чол ниҳоятда ночор, жулдур кийимда сарсон кезиб юрганмиш. Шунда подшоҳ ундан исмини сўрабди. У одам Маҳмуд деб жавоб берибди. Шоҳ эса: нима қилибди, сен мен каби бўлолмайсан, деган экан, ҳалиги мўйсафид шундай жавоб берибди: Тўғри, ҳозир ўртамизда катта фарқ бор. Сен юрт сўрайсан, кийиминг зардан, емишинг ҳам шоҳона. Лекин мен сенга ҳавас қилмайман. Атрофингни шунча одам кўриқлайди, бироқ уйқунгда ҳаловат йўқ. Сен бутун мамлакат ва халқнинг ташвишини қиласан. Юртингга бошқа ўлкаларнинг бостириб келишидан чўчийсан. Менда эса ҳеч қандай ташвишим йўқ. Шу боис уйқум яхши, корним ҳам бир чимдим нонга тўяди. Бироқ шундай кун келадики, бизнинг ўртамизда тафовут қолмайди. Устингдаги бу либослар ечилади, тахтинг тобутга айланади. Менга бир газ ер етгани каби сенга ҳам шунча жой камлик қилмайди.

Ҳикоятда Фаридиддин Аттор Шарқ адабиётида машҳур шоҳу дарвеш муносабатларига, бунинг ижтимоий-фалсафий

негизига диққатни тортади. Шоҳларнинг ботиний жиҳатдан дарвешлар ҳаётига орзуманд бўлишига ишора қилади ва подшоҳларнинг таҳликали турмушини дарвешнинг осойишта ҳаётига зид қўяди. Бу билан шоҳларни ўтқинчи дунё неъматларига ружуъ қўймасликка, инсоф ва диёнат билан иш бошқаришга даъват этади.

Матонатнинг дилрабо қўшиғи

“Илоҳийнома” таркибида ишқ ва ошиқлик сифатларини улуғловчи катта-кичик ҳикоятлар мавжуд. Улар орасида “Покиза аёл садоқати” деб номланган бир ҳикоят борки, у ҳажман ва мазмунан жуда салмоқдор бўлгани боис тадқиқотчилар уни “аёл садоқатининг бетимсол дурдонаси” дея юқори баҳолайдилар. Чиндан ҳам Аттормнинг ушбу ҳикоятини аёл кишининг сабру бардоши, вафодорлик фазилатини тараннум этувчи ноёб асарлардан бири деса бўлади. Алқисса, соҳибжамол аёллардан бирининг эри ҳажга кетаётиб, аёлини ёт кўзлардан ҳимоя қилишни укасидан илтимос қилади. Укаси эса, афсус, омонатга садоқат кўрсатолмайди. Янгасига сийму зарлар инъом этиб, “уйланмоқчи” бўлади. Аёл таклифга рози бўлмайди. Йигит эса янгасини зинокорликда айблаб, қозига топширади. Уни саҳрога чиқариб, тошбўрон қиладилар. Жони узилмаган аёлни бир араб сайёҳи олиб кетади ва даволайди. Кўрса, бу топиб олинган аёл чунонам чиройли эканки, эси бор эркак унга ошиқ бўлиб қолиши тайин экан. Бироқ аёл шаръий эри борлигини айтиб, унинг таклифини ҳам инкор қилади. Улар ака-сингил тутинадилар. Аммо араб сайёҳининг бир қули бор эди. У ҳам покиза аёл билан ҳеч бўлмаса, бир маротаба бирга бўлишни жуда истаб қолади. Таклифи рад этилган қул тун палласида арабнинг бешиқда ётган чақалоғини пичоклайди ва қонли яроғни бегуноҳ аёлнинг ёстиғи остига қўяди. Араб эса бу қотилликни бу аёл қилмаганини, шунга қарамай уни уйида олиб туриш ножоизлигини билиб, қўлига уч юз дирам беради ва тонг қоронғисида кузатиб қўяди. Аёл бир манзилга етиб қараса, кўп одам йиғилган, ўртада дор, одамлар кимнидир осийшга ҳозирлик қўришяп-

ти. Аёл суриштира, бир одам бож тўламаган, юрт эгаси бош-қаларга туртки бўлсин учун шундай жазо қўллаётган экан. Аёл унинг божини тўлаб, ўзини олиб кетади. Энди унинг йўлида навбатдаги ошиқ пайдо бўлган эди. Гуноҳкор йигит “сенга мубталло бўлиб, етолмагандан кўра боя осилиб ўлиб кетганим яхши эди” деб гина қилади. Сўнг йўлда тўғри келган савдогарларга аёлни сотиб юборади. Савдогарлар бир денгиздан ўтишлари лозим эди. Улар кемада сузаётиб, покиза аёл билан навбатма навбат ишрат қилмоқчи бўладилар. Аёл эса: Эй Худо, мени бу кўргуликлардан ўзинг қутқар, нажоткорим ёлғиз сенсан, дея яратганга илтижо қилади. Шунда қутилмаган қиёмат содир бўлади. Аввал тўфон, сўнг аланга пайдо бўлади. Савдогарлар шу алангада ёниб кул бўладилар. Аёл кемадаги барча буюмларни олиб, эр киши либосида юрт подшоҳининг ҳузурига боради ва ундан ибодатхона куриб беришни илтимос қилади. Энди у ибодат қилиш билан бирга табиблик ҳам қила бошлайди. Игтifoқo, аёлнинг эри ҳаждан қайтса, укасининг кўзи кўр, oёқ-қўли шол бўлиб ётган эмиш. Ҳoжи укасини даволатиш учун қўшни юртлардан бирида oвозаси чиққан табибга олиб боради. Қараса, табиб ҳузурида шунга ўхшаган дардга йўлиққан уч-тўрт бемор бор эмиш. Табиб уларни чорлаб, қилган гуноҳлари ҳақида суриштирибди. Касаллар ўз айбларини бўйниларига олишга мажбур бўлибдилар ва табиб олдида Аллоҳга тавба-тазарру қилибдилар. Худди шу пайтларда юрт подшоҳининг қазоси етиб, васият қилган эканки, ўрнимга табиб йигитни подшоҳ этиб сайланглар. Энди аёлнинг “сир”ни ошкор этишдан ўзга чораси қолмайди. Эрини подшоҳ қилиб кўтаради, ҳў бирда уч юз дирам бериб, кузатиб қўйган араб акасини вазир қилиб сайлайди. Ўзи эса ибодатини давом эттиради.

Фаридиддин Атторнинг бу ва бу каби ҳикоятларининг илдизи халқ оғзаки ижодидан озук олган. Шоирнинг бош мақсади аёл кишининг севги ва садоқатини улуғлашга қаратилган. Бироқ мутафаккир аёл садоқати ҳақидаги фикрини шунчаки баён қилмайди, балки покиза ва дилбар аёлни бир эмас, бир неча жисмоний ва руҳий кийноқларга гирифтор қилади. Бу эса ишк йўлидаги синов босқичлари эди. Бу босқичларнинг рамзий-

тафсилий воситасини таъминлаш учун улуғ алломага ҳаётий замин зарур эди. Худди шу заминни таъминламоқ учун шоир бир неча эркакларнинг нафсга тобелигини, бу эса уларни кутилмаган кўргуликларга етаклаши мумкинлигини бадий тасвирлаб беради. Бундоқ караганда, чиройли аёлнинг ошиғи кўп бўлади. Аттор буни инкор қилмайди. Бироқ улуғ шоирнинг суюкли қаҳрамони бировнинг шаръий хотини. Унга кўз олайтириш эса шахвоний хирсни жиловлай олмаслик, бу эса катта гуноҳдир. Шу билан бирга ожизага бир эмас, бир неча кишининг шахвоний хирс билан ёндашишга ҳаракат қилиши умуман кечириб бўлмайдиган гуноҳ экан. Шунинг учун ҳам кемадаги савдогарлар Аллоҳнинг қудрати билан қуйиб, кул бўладилар. Бинобарин, Аттор тараннум этган ишқ тақомилига етган, энди илоҳий қудрат касб эта бошлаган эди. Шундай қилиб, улуғ сўфийнинг ушбу ҳикояти аёл кишининг ишқи, садоқати, жасорати ва матонатини яққол намойиш этувчи кўзгу, мардлик мадҳияси, матонатнинг дилрабо қўшиғи сифатида мудом қалбларга фарах бағишлаб келмоқда.

Атторни англаш машаққатли жараён. Унинг мутолаасига киришиш киши қалбида тозаришга, покликка майл қўйишга бўлган интилишнинг ибтидосидир. Аллома асарларида, айниқса, “Илоҳийнома” бағрида ирфоний ва илоҳий ҳақиқатлар машғаласи тинимсиз порлаб туради. Бироқ бу нур тафти савияси ночор, дунёқараши танг, фикру ўйи бойлик тўплаш, шахсий манфаатга қаратилган худбин ва ғофил бандаларнинг тошга айланган юрагини илитмайди. Уни ўқиш, ўрганиш, ўзгаларга тарғиб қилиш учун киши қалбида аллома шахсиятига чинакам ихлос ва соф муҳаббат нигоҳи ила боқишга интилиш керак. Шунда Шайх Аттор назарда тутган сирлар хазинаси нозиктабъ ўқувчига оз бўлса-да, юз кўрсатади. Аллома асарларини ўқиш, уқиш, ҳаётда унга сидқидилдан амал қилиш маънавий-руҳий камолотнинг муҳим, таянч белгиларидан бири бўлиб, бунга эришмоқ биз ва биздан кейинги авлод учун чинакам омад, олий саодатдир.

САЪДИЙДАН САККИЗ САБОҚ

Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” номли асари 1257 йилда “Гулистон”дан сал аввал ёзилган. Шарқ дунёси сўз дурдоналари орасида “Гулистон” қанча машхур бўлса, “Бўстон”нинг шуҳрати ҳам ундан кам эмас. Бироқ “Гулистон” кўп тилларга таржима қилингани ва турли халқ олимлари томонидан тадқиқ қилингани боисидан оддий халқ бу ноёб асар ҳақида кўпроқ тасаввурга эга.

“Бўстон” ҳам худди “Гулистон” каби Ўрта Осиё мадрасаларида асосий кўлланма сифатида ўргатилган. Саъдийдан тўрт девон, уч панднома асар бизгача етиб келган. Саъдийнинг ўттиз йиллик умри сайру саёҳатда ўтган. Турли ўлкалар ҳавосидан баҳрамандлик ҳосиласи бўлса керак, шоир жисмоний жиҳатдан ҳам ниҳоятда соғлом ва бақувват бўлган. Ва дейдиларки, аллома юз ёшдан ортиқ умр кечирган экан. Саъдий Шерозийнинг номи нафақат Шарқ, балки Ғарб бадий тафаккури ривожига ҳам катта мавқега эга бўлган. 1976 йил Саъдийнинг Шоислом Шомухамедов таржимасидаги асарларидан намуналар нашр қилинган бўлиб, китобчанинг асосий қисмини “Бўстон” мундарижасига кирган турфа йўналишдаги ахлоқий ҳикоятлар ташкил этади. Уларнинг мазмуни инсоният маънавий-руҳий камолотидан баҳс этгани ва башариятни покиза ахлоқ сари етаклагани важҳидан сўз санъати дунёсида боқий яшаб келмоқда.

Ўғрилиқ ёмон, ғийбат-чи?

Ўғрилиқ ёмон иллат, бироқ Саъдий ундан-да, ёмон иллатлар ҳам йўқ эмаслигини уқтиради. Шоир бир ҳикоятида ғийбат ва ғийбатчилик ҳақида тўхталиб, бу каби кимсалар панада туриб, ақли солим ва покиза одамлар қалбига тиг қайдиладар, ўғри эса ночорлик, эҳтимол, очликдан ўлмаслик учун ўзга одамлар мулкига кўз олайтириши мумкин, дейди. Хуллас, Саъдий Шерозий қаламида ғийбат, фиску фасод ўғрилиқдан ҳам тубан ва жирканч иллат экани ғоят гўзал ифода этилган.

Хотин ақлсиз бўлса

Саъдий Шерозий аёл кишининг гўзаллигини ташки чиройида деб ҳисобламайди. Унингча, хушхулқ, хушмуомала, бори-га кўнган, йўғига қаноат қилган, боз устига эрининг яхшисини ошириб, ёмонини яширадиган, саранжом, саришта, болаларига меҳрибон аёл ғоят гўзал саналади. Хотиннинг ақли кам бўлса-чи? Аллома дейдики, ўзи чиройли бўлсаю, ақли ноқис бўлса, бандага бундан ортиқ кўрғилик бўлмас. Қарға билан тўти бир қафасда яшай олмагани каби ақлли эр билан ақли ожиз хотин бир уйда яшай олмайди. Эр ишдан келганда, уй бекасининг қавоғи уюлса, бундан кўра, зиндонга кирган яхшироқ. Шунингдек, тор этик кийиб байрамга боргандан кўра оёқ яланг сахрога чиққан афзалдир. Хуллас, Саъдий хазратлари ёмон хотинни шу каби тимсол-воситалар билан аёвсиз фош этадилар.

Илм – зеб, манманлик-чи?

Шарқ бадий тафаккурида илм ва амал бирлиги учун курашган, аҳли илмни шунга даъват этиб асар ёзган шоирлар жуда бисёр. Саъдийнинг бир ҳикоятида илмга амал қилиш ҳақида эмас, олим одамларнинг кеккайиши, манманлиги, ўзгалар ишига беписанд муносабати унинг илмига жиддий соя ташлаши ҳақида гап боради. Яъни аллома дейдики, олимнинг биринчи ва асосий фазилати камтарлик бўлсин, бошқа жами фазилатлар ана камтарликдан нур эмиб қарор топади. У қанча кам гапирса, қанча одми кийинса, қанча оддий тановул қилса, ўшанча яхши. Ундан сўнг олим билганини эмас, халқ учун, айниқса, шогирдлари учун зарур бўлган нарсалар ҳақида кўпроқ гапиргани дуруст экан.

“Ш”ни айтолмаган нотик

Бир воиз она тилини пухта билар, йиғинларда дину диёнат ва фазлу камолотдан ғоят гўзал нутқ ирод қилар экан. Одамлар ҳар йиғинда унинг маърузасини тинглар, суҳбат сўнггида кизи-

қарли саволлар бериб, унинг беназир илмидан баҳраманд бўлишар экан. Тингловчилардан бирига бу ҳолат унча хуш ёқмай, бир йиғин охирида: Ҳой биродарлар, бу воизга бунча яқин бўлмасанглар, ахир у “ш”ни айтолмайди-ку, шу товушни айтганда тили тиши орасидан чиқиб кетади. Ичимизда бошқа воиз йўқми, ахир унинг бир тиши кемшик-ку, шуни ҳеч ким кўрмаяптими? – деб иддао қилибди. Шунда тўпланганлардан бошқа бири: эй нодон, сен унинг биргина айбини кўриб, шунча жаврайсан, саноксиз фазилати ҳақида нега индамайсан, деган экан:

*Биргина айбини кўриб қолибсан,
Юз фазлидан кўзинг юмиб қолибсан.*

Пати юлинган шунқор

Билаги кучга тўлган йигитлар базми жамшид қурган. Бири ўйнайди, бошқаси қўшиқ айтади. Бир йигит қараса, чеккароқда бир мўйсафид жимгина хаёл сурар, базмга ҳеч аралашмай ўлтирарди. Шунда ҳалиги йигит: эй отахон, нега бизнинг даврага қўшилмайсиз, бу сукутнинг маъниси нима, деб сўрабди. Шунда мўйсафид бир оҳ тортиб, тубандаги жавобни берган экан:

*Келишмас ўйнасам, мен ёшларсимон,
Юзимда кексалик тонги намоён.
Сизга етмиш бугун базм навбати,
Биздан ўтиб кетмиш шўхлик фурсати.
Сочларимсогини босди оппоқ қор,
Булбулдек бог кезиш менга уят, ор.
Товус патин ёйиб юрар сервиқор,
Не кўрсатар пати юлинган шунқор.
Менинг бугдойзорим ўришга тайёр,
Сизнинг кўкатиңгиз яшнар баҳузур.*

Бугун ёши етмишни қоралаб қолган баъзи отахонларимиз мўмай даромад илинжида сочларини бўяб, ёшлар орасида ивирсиб юришлари, боз устига иш, ҳатто мансаб талашишлари

нақадар хунуклигини Саъдий ҳазаратлари бундан минг йил бурун айтиб кетган эканлар.

Ношукрлик мазамматида

“Бўстон” таркибидаги ҳикоятларда саховат, хайру эҳсон, шукроналик мотивлари ғоят улуғланади. Ношукрлик, таъма-гирлик, фиску фасод эса жуда қораланади. Шулардан бирида Саъдий ношукрлик оқибатини ўзгача талқинда намоёиш этади. Алқисса, бир юрт сўровчи султоннинг яккаю ягона ўғли отдан йиқилиб, бўйни қийшайиб қотиб қолади. Сарой табиблари шахзодани даволай олмайдилар. Бироқ Юнонистондан келган бир табиб беморнинг томирини укалаш йўли билан уни асл ҳолига келтиради. Орадан бир неча муддат ўтиб, бояги табиб мусофир қиёфасида саройга ташриф буюради. Аммо унга ҳеч ким, жумладан, подшоҳ ҳам эътибор бермайди. Бундан аччиқланган табиб навбатдаги даво сифатида бир гиёҳнинг уруғини майдалаб, манқалда тутатсин учун ғуломи орқали шахзодага юборади. Шахзода уруғни тутатиб, бир акса уради ва яна бўйни қийшайиб қотиб қолади. Подшоҳ қилмишидан жуда афсусланади, аммо қанча уринмасин юнон табибини қайта тополмайди. Ҳикоятда Саъдий табиб қилмишини қоралаётгани йўқ, балки баъзи бир кимсаларнинг, ҳатто шоҳларнинг ҳам ношукрлигини, бировнинг яхшилигини унутиб қўйиш ёмонлигини фош этмоқда. Яъни аллома Худонинг ҳар бир куни синов, биз эса яхши-ёмон кунда шукр қилишимиз, яхшилиқни қайтара олмасак ҳам уни унутмаслигимиз лозим, деган ғояни ҳикоят бағрига жойлаган.

Ипакка ўралган мурда

Жамшид шоҳ хотини қазо қилгач, уни бир неча қават ипак матога ўраб, даҳмага кўмдирибди. Бир неча муддат ўтиб, абдий оромгоҳдан хабар олса, ипакни қуртлар еб битирган, мурда эса хокка айланган экан:

*Инакни олгандим мен қуртдан зўрлаб,
Гўр қуртлари қайтиб олибди, ё Раб!*

Хўш, аллома бу билан нима демокчи? Тиригида битта пайпок олиб бериш ёдига келмаган баъзи бир бойваччаларнинг ота ёхуд онаси оламдан ўтгач, юз килолаб гуруч дамлашлари, қимматбаҳо тошдан ёдгорлик қўйиб, унга фалончидан деб ёзиб қўйишларида ўзига яраша мактаниш борлигига ишора йўқмикин бу сатрларда.

Ғийбатга муносиб кишилар

Юкорида ғийбатнинг нақадар тубан иллат экани ҳақидаги ҳикоят билан танишдик. Бироқ Саъдий Шерозий жамиятда шундай одамлар ҳам бўладик, уларни бемалол ғийбат қилиш мумкин деб ҳисоблайди. Улар подшоҳлар, беҳаёлар, тарозибонлар. Подшоҳлар шунинг учун ғийбатга лойиқки, агар улар халқ фаровонлиги ва мамлакат равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилмасалар, уларни ғийбат йўли билан тўғри йўлга солиш мумкин. Ғийбат, миш-миш чиқишидан ҳайиққан подшоҳ тамомила инсоф ва виждон ишини бош шиор қилса, ажаб эмас. Беҳаёлар деганда Шайх Саъдий фоҳишаларни назарда тутган. Улар ҳам ғийбатдан оз бўлса ҳам чўчийди, оқибатда эса танфурушликдан воз кечади. Саъдий ғийбатга муносиб ҳисоблаган учинчи тоифа қўли эгри тарозибонлардир. Улар ҳам турли хил гап-сўзлардан қўрқиб, бу фирромликдан воз кечишлари мумкин экан.

Саъдий ҳазратларига фақат тасаннолар айтиш мумкин.

ТУРОН МАЛИКАСИНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

Соҳибкирон Амир Темурнинг жаҳоний мавқеи ва шуҳрати-ни таъминлаган муҳим омиллардан бирини ўтмиш муаррихлари ҳам, ҳозирги тарихчилар ҳам унинг оқила ва зукко хотини Сарой Мулк хоним таклиф ва маслаҳатларига қулоқ тутгани, кўп ҳолларда қатъий амал қилгани билан изоҳлайдилар. Бу

фигрлар олимларимиз томонидан ўйлаб топилмаган. Ушбу фикр ботинида инкор қилиб бўлмас тарихий ҳақиқат ҳукмрон.

Серқирра ижод соҳиби, адабиёт ва тарих фанининг заҳматкаш тадқиқотчиси Поён Равшанов Амир Темурнинг Сарой Мулк хоним билан алоқаси ришталари ёшлик, ҳатто болалик даврига бориб тақалишини ёзган: “Сарой Мулк хоним Амир Темурдан беш ёш кичик бўлиб, улар болалик чоғларидаёқ бир-бирларини яхши таниганлар. Амир Темурнинг унга қаттиқ боғланганлиги, Сарой Мулк хонимдан улуғроқ насабли маликалардан воз кечиб, уни биринчи малика, Улуғ хоним, кейинчалик Бибихоним тариқасида қадрлаганлиги сабаблари, бу сулув, ҳурлиқо, айни вақтда оқила ва донишманд аёлнинг Амир Темурга болаликдан қалб ришталари билан боғланганлигида бўлса, ажаб эмас...”¹ Демак, Амир Ҳусайннинг Амир Темурга хусумати сабабларидан бири ишқий кечинмалар гирдобига бориб тақалган бўлиши ҳам мумкин. Амир Темур Сарой Мулк хонимга уйланмаганда ҳам катта тарихий шахс бўлиб қоларди. Аммо бу қадар жаҳоний шуҳратга эришмасди.

Тарихчи олим Турғун Файзиев Амир Темурнинг Сарой Мулк хоним насиҳатларига ички эҳтиёж сезганини тарихий фактлар асосида қайд этган. Унинг “ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним, кўпинча, бирга юрган. Салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Амир Темур Сарой Мулк хонимга ошкора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган...”² Амир Темур вафотидан сўнг эса улуғ хоним ҳаёти таҳликада қолади. У темурий шахзодаларнинг деярли барчасига оналик, соҳибқирон набираларига бувилик қилса-да, ўз тукқан зурриёди бўлмагани учун ўзини ҳамиша ғариб ва ожиза ҳис қилган. Аксар ҳолларда юрагидаги изтироб зардобларини тунги кўз ёшлари билан бўшатган. Бибихоним она бўлолмаганидан эмас, кўпроқ Амир Темурга ўғил туғиб беролмаганидан ниҳоятда ўкинган. Ўз навбатида соҳибқирон ҳам суюкли хоти-

¹ Равшан П. Амир Темур хонадони. Қарши: Насаф, 1997. Б.26.

² Файзиев Т. Темурий маликалар. Тошкент: Мерос, 1994. Б. 6.

нининг дардига шерик бўлган, ҳатто катта хоним ўғил туғса, валиаҳд қилиб тарбиялаш нияти борлигини ҳам яширмаган. Соҳибқирон вафот этгач малика ўзини мутлақо ёлғиз хис қилади.

Сарой Мулк хоним вафоти хусусида ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам турли хил талкинлар йўқ эмас. Албатта, ҳозирги турфаликка ўша – тарихдаги ҳар хиллик сабаб бўлган. Аммо ана шу турфа талкинлар орасидан қайси бири тарихий ҳақиқатга мос эканини илғаш мумкин. Маликанинг заҳар воситасида вафот этгани аниқ. Бироқ ниманинг заҳридан ёхуд қандай заҳар билан ўлдирилган бўлиши мумкин? Неча ўн йиллаб теурий шахзодаларнинг бошини силаган, тўй-маъракада катта хоним сифатида маликаларга раҳнамолик қилган, буюк Темур салтанати мавқеини таъминлаш, нуфузини оширишда олий мажлис ҳайъати таркибида ҳал қилувчи овоз соҳибаси, жаҳонгирнинг шавкатли юришлари ва зафарли жангларида ақл ва тафаккур кучи билан туркий қўшин таркибида дадил рол ўйнаган Бибихонимни ким, қандай заҳарладийкин?!

Ибн Арабшоҳ «Ажойибу-л-мақдур фи ахбори Таймур» (“Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари”) китобида Шоди Мулк хонимни «...ўз севгилиси (Халил Султон назарда тутилган – А.П.) учун хавфсираб икки маликани – Сарой Мулк хонимни ва Тукал хонимни заҳарлаб ўлдирди», деган маълумотни ёзган. Бу гап бир оз ғалати туюлади. Маликанинг хавфсираши тўғри. Негаки, Халил Султон бобоси васиятига қарши равишда унинг тахтига зўрлик йўли билан чиқиб олган. Аммо икки хонимни заҳарлаш мантиқсизлик. Бу гапга Поён Равшанов ҳам унчалик ишонқирамайди. Олим шубҳасида жон бор. Шоди Мулк хоним айнан Сарой Мулк хоним аралашуви натижасида Халил Султонга етишган. Чунки бу никоҳга Амир Темур қарши бўлиб, уни қўндиришда Бибихонимнинг сайъ-ҳаракати асосий рол ўйнаган. Буни Шоди Мулк хоним унутмасди. Унутиши мумкин ҳам эмас эди. Негаки, Сарой Мулк хонимга барча хос қанизақлар ва кичик маликалар ичида Шоди Мулкнинг эҳтироми ўзгача бўлган.

Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг ўзаро қўшилиши жойи”) асарида Бибихонимнинг ўлими тафсилотини онг илғамас воқеалар силсиласида шарҳлайди. Эмишки, Бибихоним ёшлигида бир лўли хотинга фол очтирган, фолбин уни келажакда доврўғи дoston малика бўлишини, унинг шуҳрати подшоҳ эри сингари кенг қанот ёзишини, аммо фарзанд кўрмаслигини, заҳарланиб ўлишини башорат қилади. Воқеан, ожиза келажаги айнан фолбин айтганидек содир бўлади. Фолбин ёш жувонни қоракуртдан эҳтиёт бўлишини уқтиради. Сарой Мулк хоним эри вафот этгач, сарой иғволаридан кўрқиб, ношуд амалдорлардан бирортаси қўйнига ё ётоқ жойига заҳарли курт ташлаб қўйишидан чўчиб, узлатда яшаш учун Бахмал тоққа равона бўлади. Табиийки, шахзодалар хонимнинг бу истагига қаршилиқ кўрсатмайдилар. Кунларнинг бирида водий томондан келган меҳмонлардан бири хонимга узум ҳады этади. Узумнинг гўр доналари орасида қора курт бўлиб, иттифоқо ана шу заҳарли жонивор Турон маликасининг бурнига кириб, уни чақади ва Бибихоним, фолбин айтганидек, унинг заҳридан ҳалок бўлади. Шахзодалар маликанинг жасадини Самарқандга дафн этадилар.

Бретшнейдер деган Европа тарихчиси Сарой Мулк хонимни “Шоҳрух Мирзонинг онаси” деб таништиради. Тўғри, Сарой Мулк хоним Шоҳрухнинг ҳам, Амир Темурнинг бошқа фарзандларининг ҳам онаси саналган. Бироқ муаррих бу эътироф олдига ўғай деган сўзни ёзишни унутган ёки у бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Академик Бўрибой Аҳмедов ҳам шу маълумотга таянган шекилли, Сарой Мулк хонимни ҳеч иккиланмай “Мирзо Шоҳрухнинг онаси”, деб ёзаверган¹. Назаримизда, маликанинг сирли ўлими ҳақида Ибн Арабшоҳдан кўра, Абдураззоқ Самарқандий маълумоти ҳақиқатга анча яқин кўринади. Аммо биз ҳар қандай тарихий асар негизида бадиий ҳақиқат ҳам бўй кўрсатиб туришини унутмаслигимиз лозим. Сарой Мулк хонимнинг ибрат-

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент: Ўқитувчи, 1994. Б. 253.

ли ҳаёт тарзи фақат Амир Темур шуҳратининг кенг ёйилиши учун эмас, балки кейинчалик темурийзодалар мавқеига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Негаки, Сарой Мулк хоним салтанатда шахзодалар ва уларнинг фарзандлари тарбияси билан жиддий шуғулланган мураббий она ва буви, ниҳоятда доно, оқила, фусункор малика – Турон маликаси даражасига кўтарилган.

ХАДИЧАБЕГИМ ҲИЙЛАСИ

Амир Темур ва тумурийлар салтанатининг мавқеида, бекиёс шон-шуҳратида, шубҳасиз, Сарой Мулк хонимнинг роли катта бўлган. Аммо жаҳонгир асос солган буюк салтанатнинг йиллар ўтиб емирилиши, парчаланишига ҳам маликаларнинг, айниқса, Ҳусайн Бойқаронинг эрка ва талтик хотини Хадичабегимнинг шахсий манфаат юзасидан ўйлаб топган ҳийласи сабаб бўлган. Бу тафсилот шарҳини Бобуршоҳ қаламидан ўқиш мақсадга мувофиқ туюлади: “Яна Хадичабегим эди. Султон Абусаид мирзонинг ғунчачиси (ёш келин, мартабаси кичик малика) эди. Мирзодин бир кизи бор эди, Окбегим отлик. Ироқда Султон Абусаид мирзонинг шикасти (ўлими) дин сўнг Ҳирийга келди. Ҳирийда Султон Ҳусайн мирзо олди ва севди, ғунчачилиқ мартабасидин бегимлиқ мартабасига тараққий килди. Сўнгралар худ асру ихтиёр бўлуб эди. Муҳаммад Мўмин мирзони анинг саъйи била ўлтурдилар. Султон Ҳусайн мирзонинг ўғлонлари ёғиктилар, кўпраки мунинг жиҳатидин эди. Ўзини оқила тутар эди вале беақл ва пургўй (сергап) хотун эди, рофизия (шиалик мазҳабининг бир оқими) ҳам экандур. Шохғариб мирзо била Музаффар Ҳусайн мирзо мундин туғуб эди...”¹

Энди масаланинг илдизига нигоҳ ташлайлик. Хадичабегим Ҳусайн Бойқарога текканда олдида бир қизчаси бўлган. Демак, уни навжувон келин ҳисоблаш мумкин. Афтидан, у жуда чиройли бўлган. Шу жиҳатдан Бобур “Бойқаро уни севди”, деяпти. Масаланинг яна бир нозик жиҳати борки, Бойқаро ҳарамида

¹ Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1990. Б.152.

қанча хотин ва канизаклари бўлгани ҳолда, кўпинча, ана шу суюкли хотини Хадичабону билан бирга бўлган. Бобурнинг “ғунчачилиқ мартабасидин бегимлик мартабасига тарақкий қилди”, дейиши ана шундай хулоса қилишимизга имкон очади. Боз устига подшоҳнинг бошқа хотинларидан кўра шу эзма хотинига кўпроқ марҳамат ва эҳтиром кўрсатгани ўқувчиларимизга кундай равшан. Дейлик, Хадичабегим ўрнида шундай мартабага эришган бошқа малика бўлганда ҳам худди шу йўлни тутган бўлур эди. Бу ўринда унга фақат малика деб эмас, балки она, шахзода Музаффар мирзо ва Шоҳ ғариб мирзонинг онаси деб қарашимиз лозим. Сарой муҳити гоҳо маликаларни худбин ва баднафс қилиб қўйиши тарихда кўп кузатилади. Хадичабегим ўз хусну таровати (гўзалларда вафо йўқ – Фузулий) важхидан Ҳусайн Бойқарога ҳаддан ташқари эркалик қилган. Яъни малика ноз-ишвасида табиийликдан кўра, худбинлик, қай йўл билан бўлса-да, Бойқарога эришиш майли кучли бўлган. Умуман, ҳамма подшоҳлар ҳам бир малакка йўлиқсалар, ожизликлари ошкор бўлиши мумкин. Бобур шоҳ бекорга битмаган:

Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Хадичабегим, дейди тарихчи Турғун Файзиев, ўз фарзанди – танти ва шуҳратпараст Музаффар Ҳусайн мирзони Султоннинг барча ўғилларидан устун қўйишга жон-жаҳди ила ҳаракат қиларди. Бинобарин, турли макр-хйллалар ишлатиб, ота билан ўғиллар ўртасида низо чиқаришга муваффақ бўларди. Бу низо-лар, кўпинча, қонли жангу жадаллар билан тугарди. Султон Ҳусайн Бойқаро тобора Хадичабегимнинг макрига учиб, Музаффар Ҳусайн мирзодан бўлак ўғилларига унчалик илтифот кўрсатмас ва хавф-хатарда юрарди...¹

Хадичабегимнинг ўз ўғли келажагини ўйлаши, уни тахтга муносиб шахзода сифатида тасаввур қилиши яхши. Бироқ у ўғлини шунга муносиб қилиб тарбиялаш, унга илоҳий илмлар,

¹ Файзиев Т. Темурий маликалар. Тошкент: Мерос, 1994. Б.19.

дунёвий фанлар, фалсафа, мантик, айникса, саркардаликнинг бош фазилати – ҳарб илмини ўргатиш заруратини туймайди. Худди шу масалада малика ниҳоятда қаттиқ янгилишади. Ва бу хато оқибатда нималарга олиб келгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Худди шу туфайли улуғ Навоийнинг кичик шогирди, Ҳусайн Бойқаронинг суюкли набираси Мўмин мирзонинг ўсмир ёшида қатл этилишига боис бўлади. Бугина эмас, ўзини оқила тутса-да, аслида беандиша бўлган Хадичабегим ҳийласи бегуноҳ бир шаҳзоданинг – тахт ворисининг бевақт ҳалок бўлишидан ташқари, йирик бир давлатнинг аста-секин ичдан нураб боришига ҳам сабабчи бўлган. Аёлнинг бир макри бутун бир мустаҳкам давлатга раҳна солса, қирқ макри нима қиларкин?!

ДОРУЛҚАЗО НИМА?

Темурий шаҳзодалар фаолияти, хусусан, амир-амалдорларининг шахсий ҳаёти, фазилати, сиёсати, бинобарин, адолати талқинида, айникса, Ҳусайн Бойқаронинг аёвсиз фармонбардорлиги масаласи бизнинг давримизда турли хил тортишувларга сабаб бўлмоқда. Гап Ҳусайн Бойқаронинг ўз ўғилларидан бирини ўлим жазосига ҳукм этиши хусусидаги мунозаралар ҳақида бормоқда.

Филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов Бобур мирзо маълумоти ва темурийлар салтанатидаги қатъий интизомга таяниб, Бойқарони “ўз ўғлини қатл этишга ҳукм этган”, деган фикрни ўртага ташлайди.¹ Ушбу факт самараси ўларок улуғ Навоийнинг машҳур “Шоҳ Ғозий” ҳикояти юзага келгани ҳақидаги тахминлар олим фикрини қувватлаётгандай таассурот пайдо қилади. Таниқли матншунос олим Ваҳоб Раҳмонов эса, аксинча, Ҳусайн Бойқаро ўз ўғлини дорулқазога, яъни қозихонага юборган, – деб Б.Қосимов фикрини Бойқаро нуфузига соя соладиган гипотеза ҳамда тарих ҳақиқатига зид ходиса сифатида инкор қилади.² Адабиётшунос В.Раҳмонов

¹ Қосимов Б., Жумахўжа Н. Ўзбек адабиёти. Тошкент: Ўқитувчи, 2000. Б.114.

² Раҳмонов В. Сўз ғалат, маъно ғалат... // Шарқ юлдузи. 1999. 5-сон.

фикрларини рад этиб бўлмайди. Сабаби синчков олим мушоҳадаларининг ишонтириш қуввати анча баланд. Камина нуфузли олимлар мулоҳазасидан бирини қувватлаш, иккинчисини инкор қилиш фикридан йироқман. Аммо мавжуд ҳақиқатни ойдинлаштиришга ёрдам берадиган баъзи бир далилларга эътибор қаратмоқчи эдим. Мунозарага Бобурнинг Бойқаро ҳақидаги мана бу эътирофи сабаб бўлган: «Ҳарроф (улфат, дўст) ва хушхулқ киши эди. Хулқи бир нима гузарорак (авф қилувчи) воқеъ бўлуб эди. Сўзи ҳам хулқидек эди. Баъзи муомалатда шаърни бисёр риоят қилур эди. Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтургани учун конликлариға топшириб, дорулқазоға йиборди...»³

Шулар жумласида Бобур шоҳ Бойқарони ота томонидан Темурбекнинг, она томонидан эса Мироншоҳ мирзонинг набираси бўлганини, асл подшоҳ эканини ҳам алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, мафосил (ревматизм) оғриғи бўлгани учун намоз ўқимаслигини, кўп май ичишини ва ҳаргиз сабуҳий (пахмел, нахорда оч қоринга ичиш) қилмаслигини, ўн тўрт ўғли ва ўн бир кизи борлигини, улардан учтаси валидуззино (бу ўз никоҳидан учта эди, дегани) эмаслигини ҳам очик-ойдин ёзган. Юқоридаги иқтибосда тортишувга аниклик киритишга молик биттагина сўз бор: дорулқазо. Бу сўзни Бобур дастлабки маъносида – қазоват уйи, маҳкама идораси маъносида қўллаган. Ҳусайн Бойқаро даъвогарлар қонлиғи (талаби, хуни) учун ўз боласидан воз кечгани, эҳтимол. Негаки, подшоҳ шахзодани ўлимга маҳкум этганда, Бобур бунини яшириб ўтирмасди. “Бобурнома”нинг етакчи хусусияти рост баёнлик эканини унутмайлик. Дорулқазо – қазо маскани (қабристон) эмас. Бегали Қосимов сўзни ана шу маънода шарҳлаган. Бироқ олимни шундай хулоса чиқаришга туртки берадиган унсурлар узок тарих қўйнида йўқ эмас. Бойқаронинг ўз набираси Мўмин Мирзони қатл этиш ҳақидаги фармонга имзо чекиши унинг ўз ўғлини ҳам ўлимга маҳкум этиши мумкинлигига бизни ишонтирадигандай.

³ Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1990. Б.147.

Унутмаслик лозимки, Мўмин мирзо катли айнан Хадичабегим хийласи ва Бойқаронинг сархушлиги оқибатида рўй берган. Ўша даҳшатли фожиани рўқач килиб, Бойқарони ҳа деб қаҳри қаттиқ ҳукмдор сифатида талқин этиш инсофдан бўлмаса керак, деган ўйдамыз. Бояги иқтибосда Бойқарога нисбатан “шаърни бисёр риоят килур эди”, деган эътирофни ўқидик. Хўш, шариатда гуноҳсизни ўлдирган одам қандай жазога мустаҳик бўлади? Бундай одам ўлимга ҳукм этилади ё ўлган одамнинг хунини тўлайди.

Хусайн Бойқаронинг ўз ўғлини қозихонага юбориши ҳам оддий жазо эмас эди. Дейлик, қози уни ўлим жазосига ҳукм этса, подшоҳ ваколатида бу ҳукмни ўзгартириш ҳукуки бўлмаса керак. Тағин бир нима дейиш қийин. Ўша гуноҳ муҳокамаси ва натижаси бошқа тарихий манбаларда учрамайди. Буни Бобур ҳам негадир сир сақлаган. Худди шу ҳолат бизнинг давримизда жиддий тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Хусайн Бойқаро гуноҳкор ўғлини дорулқазога, ҳозирги жорий атама билан айтганда суд ихтиёрига топширган. Қози эса шахзодадан талабгорларга пул ундириб берган бўлиши эҳтимол. Ҳар ҳолда бу маълум миқдорда подшоҳ қаҳр-ғазабини намоён этишдан ташқари, салтанат соҳибининг адолатли иш юритишини ҳам кўрсатади. Аммо суд ҳукми ва унинг ижроси қандай, қай усулда амалга оширилгани ҳозирча олис тарих қаърида пинҳон турибди.

АРЖУМАНДБОНУ ВАСИЯТИ

Аржумандбону бобурийлар сулоласига мансуб оқила, зукко, шунингдек, ҳусну латофатда тенгсиз малика бўлган. У 1612 йил ўн етти ёшида Бобурнинг эвараси Шохжаҳон (Жаҳонгиршоҳнинг иккинчи ўғли, асли исми Хуррамбек)га турмушга чиқади. Малика Шохжаҳоннинг ҳукмдорлик фаолиятида жиддий рол ўйнаган. Бир пайтлар Сарой Мулк хоним Амир Темур салтанатида қандай катта мавқеда бўлган бўлса, Аржумандбону ҳам Шохжаҳон саройида қарийб худди шундай мақомга эга бўлган. Инглиз олимаси Л.П.Шарма

Аржумандбонуни негадир сиёсий ишларга муглако аралашмаган деб ҳисоблайди. Бу гап, назаримизда, тарихий жараёнга унча мос эмас. Негаки, жаҳон тарихида бирор бир малика сиёсатдан четда турмаган. Маликалар сиёсий ҳаракатнинг фаол иштирокчиси бўлмаслиги мумкин. Бу дегани улар сиёсатдан тамомила четда дегани эмас.

Аржуманд ҳуснда тенгсиз, ақлда ягона, араб, форс ва хинд тилларини яхши билган, шгу билан бирга мукаддас Каломуллоҳни ёд айтадиган ҳофиза аёл бўлган. Шунинг учун бўлса керак малика қайнотаси Жаҳонгиршоҳнинг ҳам алоҳида ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлади. Қарийб йигирма йиллик турмуши жараёнида малика ўн тўрт фарзанд дунёга келтиради. Бироқ фарзандларининг еттитаси болалигидаёқ турли касалликлар туфайли оламдан ўтади. Малика бўлса-да, турмушнинг турли зарбаларидан юраги шилинган Аржуманд, табиийки, эътиборга муҳтож эди. Шунинг учун ҳам Шохжаҳоннинг Аржумандбонуга шахсий эҳтироми ниҳоятда баланд бўлган.

Тарихчилар Шохжаҳонни ўттиз бир йил ҳукмдорлик қилганини айтишган. Бу бежиз эмас, албатта. Шохжаҳон, бир томондан, бобосидан мерос подшоҳликнинг темир интизомига қатъий риоя этган бўлса, бошқа жиҳатдан суюкли маликасининг оқилона маслаҳатларига ҳам қатъий амал қилган. Умуман, маликаларни эъзозлаш, уларга айрича эҳтиром кўрсатиш бобурийлар сулоласига, аввало, буюк Амир Темурдан, сўнг эса саркарда Бобурдан мерос эди. Масалан, Гулбаданбегим Бобурнинг малика Моҳимбегим билан узок вақтдан кейинги учрашувини “Ҳумоюннома”да қуйидагича тасвирлайди: “Подшоҳ дадам ҳазратлари от келтиргунларича сабр қилмай, пиёда йўлга тушдилар ва биз билан учрашдилар (Гулбаданбегим онаси билан Қобулдан Аграга қайтаётган эди — А.П.). Онам отдан тушмокчи бўлдилар, лекин подшоҳ дадам қўймасдан, ўзлари онамнинг отлари жиловидан ушлаб ўз уйларига етгунча пиёда кетдилар...” Бу каби воқеалардан хабардор бобурийлар салтанатда нафакат малика, балки, умуман, аёлларга чексиз эҳтиром кўрсатиш заруриятини туйганлар ва бунга бобурийлар сулоласидан истаганча мисол келтириш мумкин. Айниқса,

Шоҳжаҳоннинг Аржумандбону хотирасига бағишлаб курган макбараси дунёда етти мўъжизанинг бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас.

Аржумандбону Шоҳжаҳонга теккач, уни Мумтозбегим, Мумтоз Маҳалбегим номлари билан эъзозлайдилар. Таассуфки, маликанинг Шоҳжаҳон билан турмуши унчалик узоққа чўзилмайди. У 37 ёшида охирги фарзандини дунёга келтириш жараёнида кўп қон йўқотади ва борлиқ дунёни тарк этади. Малика вафотидан олдин эрини чопар орқали ҳузурига чорлаб, унга учта васият қилиб колдиради:

1. Бошқа уйланмаслик.
2. Барча фарзандларини тенг кўриш.
3. Ўзининг қабри устига дунёда ўхшаши йўқ макбара қуриш.

Воқеан, Шоҳжаҳон ҳар учала васиятни ҳам сидқидилдан амалга оширади. Айниқса, у қурдирган “Тоғ Маҳал” макбараси қарийб тўрт ярим асрдан бери нафақат Ҳиндистон, балки меъморлик санъатининг олий намунаси сифатида бутун ер юзига ҳусн, беқиёс салобат касб этиб турибди. Макбара деворига араб ёзувида бир неча оятлар ва ишқ-муҳаббатни улуғловчи сатрлар битилган. Шу боисдан бўлса керак сайёҳлар бу мисраларни тошга битилган дoston, дея эътироф этадилар.

1632 йил макбара қурилиши бошланади ва бу юмуш йигирма йилдан ортиқ давом этади. Унинг қурилишида турли мамлакатлардан келган йигирма минг нафар меъмор ва мингта фил иштирок этади. Қурувчиларга ўша даврнинг энг номдор меъмори устод Муҳаммад Исҳок бошчилик қилган. Бино қурилиши учун Ҳиндистоннинг ўзидан ташқари Россия, Бағдод,

* Шоҳжаҳон меъморий обидалар қуришга, шу орқали ўз номини абадиятга дахлдор этишга жуда ошиққан ва бунга эришган ҳам. Деҳлидаги Қизил қалъа, Жомеъ масжиди, Аградаги Моти масжиди, Девони Хос, Лаҳур қалъасидаги Девони Аълам, Музаммон Бурж, Шиш маҳал, Нов лаҳа ва хобгоҳлар ҳанузгача дунё сайёҳлари эътиборини қозониб келмоқда. Подшоҳ ўзи учун етти йил мобайнида қурдирган тахт товусдек жилоланиб тураркан. Унинг баҳоси миллиард рупйга тенг бўлган. Бу дегани Шоҳжаҳон даврида халқ орасида ҳеч қандай иқтисодий қийинчилик бўлмаган демакдир. Бундай иншоотларни, табиийки, халқ тўғ ва фаровон подшоҳгина қуриши мумкин. Шу боис ҳам гарб тарихчилари Шоҳжаҳон ҳукмдорлиги йиллари (1627-1658)ни теъмурийлар салтанатининг “олтин даври” деб ҳисоблайдилар (А.П.).

Нил ва Тибетдан зумрад, акиқ, гранит, феруза, марварид ва бошқа шу каби қиммат баҳо тошлар келтирилган. “Тоҷ Маҳал” тўрт томондан қараганда ҳам бир хил кўринишга эга. Бу унга исталган тарафдан зиёратга кириш имконини беради. Унда Ўрта Осиё, Эрон ва Жанубий Европа меъморлик санъатининг энг юқори анъаналари уйғунлашган. Айтишларича, унга биринчи таърифни ҳам Шохжаҳоннинг ўзи берган: “Ер юзида одам боласи қайтиб бунақанги ёдгорлик қуришга қодир эмас. Унинг шакл-шамойили осмондан тушган...”

Афсуски, Шохжаҳон йирик иншоот қурилиши ниҳоясига етмай, 1666 йил 31 январ куни оламдан ўтади. Уни қандайдир дард, айрилиқ ва ғам юки ниҳоятда толиқтириб қўйган эди. У умрининг охирида ўғли Аврангзеб томонидан Агра қалъасидаги Шох Бурж саройида саккиз йил тутқунликда яшашга мажбур бўлади ва узоқдан “Тоҷ Маҳал” мақбарасини томоша қилиш билан таскин топади. Подшоҳ вафот этгач, уни севимли рафиқаси Мумтоз Маҳалбегим ёнига дафн этадилар.

Тоҷ Маҳал нафақат малика хотирасига қўйилган ноёб ёдгорлик, балки у шаҳзода Шохжаҳон ва малика Мумтоз Маҳалбегим севгисидан дарак берувчи беқиёс муҳаббат қошиқонаси ҳамдир.



СЎЗ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

**КУЛМАНГИЗ НЕ БОР СЕНГА ДЕБ,
МИР АЛИШЕР ЁНИДА**

Эркин ВОҲИДОВ

ИБРАТ ВА ҲИКМАТ ДОСТОНИ

Ёр улдурки, шеърга майли бўлса.
Бобур

Мархум устозим профессор Абдурашид Абдуғафуров Алишер Навоий “Хамса”си, хусусан, “Ҳайрату-л-аброр” ва “Садди Искандарий” таркибидаги мақолатлар сўнггида келадиган ҳикоятлар хусусида гапирар экан, уларнинг “ҳаммаси беистисно, ўз мазмун ва ички структурасига, образлари ва ечими ўз “ҳиссаларига” эга бўлиб, уларнинг ҳар бири кичик, тугал асар даражасига кўтарилган: илова этилган ҳикоятлар боб-мақолатлардан шартли равишда ажратиб олинганида ҳам улар ўз мазмун бутунлигини йўқотмайдилар, маълум ғоявий-эстетик ва ахлокий тарбиявий вазифани бажариб келаверадилар...”¹ деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Дарҳақиқат, Навоийнинг “Хамса” таркибидаги достонлари, “Лисону-т-тайр”, ҳатто “Махбубу-л-қулуб” жисмидаги неча юзлаб ҳикоятлар, матал ва танбехлари замондошларимизга, шубҳасиз, келгуси авлод фарзандларига ҳам дину-диёнатдан, ахлоқ-одоб, меҳр-мурувват ва бошқа инсоний комиллик белгиларидан беминнат сабоқ беради. Бошқача айтганда, улуғ сўз даҳосининг жажжи ҳикоятлари кичик маърифат чироқчасига ўхшайдики, уларнинг нури неча минглаб, миллионлаб одам боласи қалбига, ақлу заковатига маърифат нурларини улашиб тураверади. Зинҳор базинҳор интиҳо топмайди.

“Ҳайрату-л-аброр” достонининг таркибий тузилиши мураккаб. У анъанавий ҳамд, наът, чаҳорёрлар таърифи, хотималовчи қисмлардан ташқари олтмиш бобдан иборат. Асосий қисмини йигирма мақолат ташкил этади. Мақолатлар сўнггида уларга қўшимча ҳикоятлар келтирилади. Таъбир жоиз топилса, муаззам достоннинг ички қурилмасини йигирмата чироқ турли жойлардан нурлантириб туради. Улар зиёсидан алоҳида баҳрамандлик киши қалбига ўзгача ҳузур, фусункорлик бахш этади.

¹ Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1995. Б.49.

Айримларини бадиийликни текшириш мезонлари, хусусан, образ ва ғоя жихатдан таҳлил қилишга уринамиз. Зора, улар устозимиз бошлаган хайрли ишларнинг давоми сифатида ҳамкасбларимизда яхши таассурот пайдо қилса.

Навоийшунослиқда шартли равишда “Нуширвони одил” деб юритиладиган ҳикоят дostonнинг олтинчи мақолатига қўшимча тарзда ёзилган бўлиб, у муаллифнинг инсонни бошқаларга иззат-икром, тавозеъ кўрсатиши, ҳурмат бажо келтириши лозимлиги хусусидаги фикрларини айрича ифодалаши билан диққатга сазовор. Нуширвони одил туркий ва қардош халқлар фольклорида қандай қучли ақл ва тавозеъ эгаси бўлса, Навоий ҳикоятида ҳам худди шундай эҳтиромга муносиб образ сифатида тасвирланади. Шоир Нуширвоннинг подшоҳ этиб кўтарилишига асосий омил унинг одоб ва ахлоқда энг баркамол инсон бўлганидир, деб ҳисоблайди. Ҳикоятда ўспирин Нуширвоннинг бир кизга ишқ қўйгани, унинг ўша пайтлардаги руҳий ҳолати чинакам ошиқ суратини эслатади:

*Ғунча каби кўнгли тўла қон эди,
Лек ғами хурдаси пинҳон эди.*

Шоир айтмоқчики, кўнгли ғунча сингари қон(ли) бўлса-да, ғам қуйқаси кўнглида пинҳон экан. Шоир Нуширвони одилнинг бир куни ўша гўзал билан суҳбатлашганини тасвирлайди. Нуширвон суҳбатдошини қўлидан ушлаш мақсадида сскин у тарафга қўл узата туриб, боғнинг бир жойига қараса, бир гул уларга қараб турибди. Одоб ва ҳаё эгаси бўлган ошиқ шу гул қаршисида бироз хижолат бўлиб, гўзал қизни боғ ичида қолдиради ва ўзи чиқиб кетади:

*То ани охир бу ариғ нияти,
Бўйла ҳаё шеваси хосияти.
Жумлайи олам аро шоҳ айлади,
Адлини оламга паноҳ айлади.*

Дostonнинг еттинчи сабр-қаноат хусусидаги боби сўнгида келадиган ҳикоятда эса жавонмардлик, покизалик фазилати-

нинг ҳаловати ва таъмагирлик иллатининг касофати хусусида ғоят қизиқарли манзара тасвирланган.

Форс элидан икки дўст Чин мамлакати томон сафарга чиқадилар. Узок йўл юргач, улар гумбаздек катта тошга рўпара келиб қоладилар. Тошнинг коқ ярми ер ичида, иккинчи ярми эса ер устида эмиш. Тошнинг тепа қисмида шундай ёзув битилган: “Ким тошни айлантирса, унинг остидаги маълумот орқали ҳисобсиз хазинанинг маконини билиб олади. Яна шу тошнинг остидаги бойлик ҳам ўшаники бўлади”. Буни ўқиган икки дўstdан бири енг шимариб, тошнинг остини кавлашга киришади. Иккинчиси эса ёзувга парво қилмайди. Ҳеч нарса кўрмагандек йўлида давом этади. Бу ерда жавонмардларнинг эътиқодига ишора аниқ кўриниб турибди. Улар меҳнатсиз эришилган ҳар қандай бойликни ҳаром ҳисоблайдилар. Умуман, бу ўринда Навоий жавонмард йигит деб атаган қаҳрамоннинг ижобий фазилатлари кўп. У, аввало, ўз нафсини тийишга кодирлигини, шу боис бепарволигини амалда исботлаяпти. Ҳамроҳининг таъмагирлигини сезган йигит уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат ҳам қилмайди. Бу ишнинг натижасизлигини тушунади ва ўз йўлида давом этаверади. Таъмагирнинг уриниши, тер тўкиб меҳнат қилиши эса самарасиз якун топади. У бир умр қазиганда ҳам улкан тошнинг муайян бир қисмини бўлса-да, оча олмасди. Бу ерда улуг сўз даҳоси йигитнинг таъмагирлигидан ташқари, ақлсиз ва фаросатсиз бир кимса эканлигини ҳам ўқитишга эришади. Унинг худди шу фаросатсизлиги қийналишига ва хорланишига сабаб бўлди, деган ғоя ҳикоят ботинида яшин туради. Сабр-қаноат эгаси бўлган йигитни эса кечга яқин гўзал бир шаҳар қаршилайди. Ҳикоят хотимасида аён бўладики, шу шаҳарнинг подшоҳи вафот этган, ерли халқ одатига кўра, шу куни шаҳарга кирган биринчи меҳмон юртга подшоҳ этиб сайланар экан. Ана сабр-қаноатнинг самараси. Бу билан Ҳазрат Навоий ўқувчини ана шу қаҳрамондан ибрат олишга чақиради.

“Ҳайрату-л-аброр” мақолатлари ва улардан кейин келадиган ҳикоятларда қандайдир тартиб, ички кетма кетлик, сюжет поғонасида узвий давомийлик кузатилади. Гўё Навоий ҳикоят-

да бир мавзуни каламга олдими, кейингисида шуни ривожлантиради, ғоявий асосни, панд-ўғитни борган сари куюклаштира боради. Бу фикрни боб билан ҳикоят боғлиқлигига нисбатан айтиш ҳам хато бўлмайди. Навбатдаги “Вафо бобида” мақолатига илова қилинган ҳикоят дарсликларда шартли равишда “Икки вафоли ёр” деб номланган. Ҳикоятда инсонлар аро меҳроқибат ва ўзаро садокат туйғулари улуғланади. У моҳиятан қадимги давр ўзбек фольклорида мавжуд бўлган “Дўндамас ва Амазак” афсонасига жуда яқин туради. Улуғ сўз даҳосининг халқ оғзаки ижоди сарчашмаларидан озукланиши илмда кўп ёритилган. Навоий айнан биз юқорида номини тилга олган афсонадан фойдаланган бўлмаса-да, ҳар ҳолда улуғ шоирнинг шу мавзудаги афсона ва ривоятлардан яхшигина хабардор бўлгани, шубҳасиз.

“Дўндамас ва Амазак” афсонасида Скиф қабиласидан икки дўстнинг бир-бирини қонини ялаб, дўст тутингани ҳикоя қилинади. Унда айтилишича бир куни Савроматлар қабиласи тўсатдан Скиф қабиласига бостириб келади ва кўп гуноҳсиз одамларни қириб ташлайди, маълум қисмини асир қилиб олади. Асир тушганлар орасида бояги икки ўртоқ ҳам бор эди. Улардан бири секин қочиб қолади. Хуллас, икки қабила Танамс (Сирдарёнинг қадимги номи) дарёсининг икки қирғоғида қоладилар. Асирларнинг қўлини боғлаб, олиб кетаётганларида, Амазак дўстининг номини тутиб, бор овоз билан чақиради. Буни эшитган Дўндамас ўзини дарёга ташлайди. Сувдан кечиб, тўғри душман қабиласи ҳузурига боради. Уни найза билан отмоқчи бўлишади. Дўндамас эса “заррин” (бу сўз олтин дегани, одатга кўра, асирнинг хунини тўлаб, олиб кетиш мумкин бўлган) деб қичкиради. Савроматлар қабиласи бошлиғи важоҳат билан “Қанча тўлайсан?”, деб сўрайди. Дўндамас эса: “Менинг ўзим қоламан, дўстимни қўйиб юбор”, дейди. Бу шартга қабила бошлиғи кўнмайди. Садокатли дўст яна: “Унда менинг кўзимни ол, дўстимни қўйиб юборсанг, бас!” деб қабила бошлиғига ёлворади. Қабила бошлиғи шартга рози бўлади. Икки дўст дарёдан сузиб ўтишгач, Амазак Дўндамасга: “Сен мени деб икки кўзингдан воз кечдинг. Сен учун зулмат бўлган бу дунёни

кўришдан мен ҳам юз ўгираман,” дейди ва у ҳам икки кўзини ўйиб ташлайди.

Алишер Навоийнинг “Икки вафоли ёр” ҳикоятида эса бошқача манзара, аммо юқоридаги каби садоқат ва вафо моҳияти ўзига хос кўтаринки руҳда ифода этилган. Икки дўст бир-бирига садоқати туфайли нафақат бир-бирини балки, бутун бошли халқни озод этади. Темур Кўрагон Ҳиндистонга хужум қилиб, бир неча навкарларни асир олади. Жаллод подшоҳнинг фармони билан бирин-кетин асир олинганларнинг бошини ола бошлайди. Навбат икки дўстга келади. Ўртада “низо” туғилади, яъни икки дўст жаллод тўғини талашади. Жаллод: “Иккин-гизнинг бошингизни бирдан олиб ташлайман”, деса, бири: “Йўқ аввал менинг бошимни ол, токи мен ўлгунча дўстим омон қолсин,”– дейди. Иккинчи дўст ҳам худди шу фикрни изҳор этади. Икки дўстнинг садоқатини кўрган подшоҳ уларнинг, уларга қўшиб барча асирларнинг конидан кечади.

Алишер Навоий ижодида ёлғончилик иллати ва унинг хунук оқибатлари хусусида “Ёлғончи Чўпон”, “Зоғ ва Булбул” ҳамда “Шер ва Дуррож” номли ҳикоят ва масаллар бор. Булардан иккитаси “Садди Искандарий”да, биттаси – “Шер ва Дуррож” эса “Ҳайрату-л-аброр” таркибида учрайди. Унда айтилишича, Дуррож билан Шер дўст тутинишади. Аҳдга кўра, улар бир-бирларининг ҳолидан хабардор бўлиб туришлари керак. Бироқ Дуррожнинг ёлғончилик одати бор эди. У бу одатини ҳеч тарқ этолмасди (шу нуктада шарқ адабиётида машҳур “Тошбақа билан Чаён” масали вариантлари ёдга тушади). Бундан шер аввалига беҳабар бўлади. Дуррож ҳар сафар: “Войдод, ким бор, тузokka тушдим... Қутқарингла-а-ар!” – деб бақирар, шўрлик Шер буни эшитиб югуриб келар, караса, Дуррож сайёд домига тушмаган, шер бўлса алданиб қолаверар эди. Кунларнинг бирида Дуррож чиндан ҳам овчи тузоғига илинади, Шер эса “бу сафар ҳам одатдаги ёлғон”, деган ўйда кўмакка бормайди. Шоир шу ўринда қиссадан ҳисса чиқариб, ўқувчига ҳаётий ўғит бериб ўтади:

*Ҳар кишиким ростни беҳост дер,
Айтса ёлгон дағи эл рост дер.*

*Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво наъмага таҳсин дегил.*

Алишер Навоий “Ҳайрату-л-аброр”даги ҳикоятларда у ёки бу ғояни илгари сураб экан, албатта, мақолатлар мазмунига хос образлар тизимини тузиб чиқади. Асосий ғояни юзага чиқариш учун бош образ ва иккинчи даражали образлар силсиласини яратади. Шунда ички ҳикоятлардаги образлар тузилишини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) бош ғоянинг намоён бўлишида фаол иштирок этадиган асосий образлар;

б) бош ғоянинг юзага чиқишида бош образга ёрдам берадиган ёки бош образ характерини тўлақонли очилишига хизмат қиладиган иккинчи даражали образлар. Булар ракиб характерида иштирок этадиган персонажлар бўлиши ҳам мумкин.

в) анъанавий образлар. Булар бош ғоя учун ҳамиша ҳам муҳим рол ўйнайвермайдилар. Бошқача айтганда, уларни асар таркибидан олиб ташласа ҳам шоир ғоясига путур етмайди. Лирик қаҳрамоннинг “соқий”га ёки “ё Раб” деб Оллоҳга мурожаат этилишида ўзининг ички андуҳи ёхуд руҳий кайфияти ифода этилади, холос. Аммо бу дегани ҳикоятларнинг шу жойлари мутлақо керак эмас экан, дегани эмас.

Ёрдамчи образлар табиати мураккаб. У юкорида айтилганидек, бош образ учун ракиб бўлиши ҳам мумкин. Шундай ҳолда бош образнинг у ёки бу жиҳатини кўрсатиш учун ёрдамчи образлар ҳам асарда муҳим ўрин тутаяди. Умуман, шундай ҳулоса қилиш мумкинки, дostonда, шу жумладан, мақолат ва ҳикоятларда ҳам бирор бир ўринда ортикча тафсилотта дуч келмаймиз. Яъни ортикча, бош ғоя учун хизмат қилмайдиган образ ёхуд деталнинг ўзи учрамайди.

Энди “Аввалги мақолат”га илова қилинган ҳикоятларнинг образлари билан танишамиз. Шоир ҳикоятга “Султонул орифинни ғамгин кўруб, муридиға савол тили очилғони ва ул шофий жавоблар била андуҳлик кўнглин холи қилғони” деб Сарлавҳа қўйган. Биринчи мақолат – иймон шарҳида. Унинг ортидан келадиган ҳикоят ҳам, албатта, шу шарҳни мустаҳкам-

лаш ниятида ёзилган. Ҳикоятда икки образ бор. Бири Султонул ориф – Боязид Бистомий, иккинчиси унинг шогирди – мурид. Дарвоқе, ҳикоятда шоир “мен”и ва унинг мурожаат манбаи бўлган “соқий” образи ҳам йўқ эмас. Умуман, бу хусусият деярли ҳар бир ҳикоятда кузатилади. Аммо бирор ўринда ҳам бош образ даражасига кўтарилмайди. Бу ҳолат, юқорида айтилгани каби, анъанавий характерга эга.

Машҳур шайх Боязид Бистомий атрофдаги баъзи кишиларнинг иймонсизлигидан ташвишланади. У ҳатто иймонсиз Кишини одам каторида санамайди. Унинг фикрича, иймон мусулмон юрагидаги буюк эътиқод. У охиратда одам авлодига “шерик” бўладиган ягона туйғу. Бистомий ғофилларни иймонга даъват этувчи комил шахс даражасига кўтарилган. Буни унинг муридига қилган маслаҳати билдириб туради. Мурид эса содда. У устозининг фикрига ҳайрон қолади. Боязиднинг:

*Ҳар кишига хуш кўринур ўз иши,
Бир киши йўқим – деса бўлғай киши, –*

деган фикрига шогирди эътироз қилиб (тасаввуфда муриднинг пирига эътирози беадаблик, унинг чиникмаганидан, сўфийлик шартларини етарлича бажара олмаётганидан далолатдир): “Нега ундай дейсиз, ахир ўзингиз ҳам шу замон элининг одамисиз-ку?!” деса, Шайх: “Мен-ку, мен, менга ўхшаш яна минг киши бўлганда ҳам, агар унда иймон бўлмаса, мен уни зинҳор одам ҳисобламас эдим”, деб жавоб беради. Бу гап буюк эътиқодли шайхнинг хокисорлиги ва камтарлигини англатиб турибди. Бистомий иймонсиз одамни ғам-қайғу аъзобида дучор бўлган кимса деб билади. Шу ўринда улуг шоир “ғам тиги” поэтик образини қўллайди. Бу образ иймондан маҳрум бечора, афтодаҳол халқ вакилларининг маънавий қашшоқ кифасини тўла ифодалай олади:

*Барча бу ғам тигидан афғорбиз,
Барча бу мотамга гирифторбиз.*

Бу гап Боязид Бистомий тилидан айтилмоқда. Улуг шайх атрофида иймонсизлар бор экан, “султон-л-орифин” ҳам ўзи-

ни гўё гуноҳкор санайди. Элдошларини иймонли килолмаганидан ўкинади. Бу билан Алишер Навоий ҳар бир мусулмон бандасини иймонга, мўмин-мусулмон бўлишга чакиради. Бизнинг дориломон кунларда бу ғояларнинг киммати, назаримизда, янада муҳим ва долзарб туюлади.

Ҳикоят охирида эса, айтилганидек, Навоийнинг ўз сиймоси, лирик «мен» билан дуч келамиз. Навоий улуғ шайх тилидан одамларни иймонга чакирар экан, энди Аллоҳдан ўзига ҳам иймон тилайди. Ўзи ҳам чин мўмин-мусулмон бўлиш орзусида эканини баён қилади:

*Ё Раб, ўшал тухфани охир нафас,
Айла Навоий ила ҳамроҳу бас.*

Сўнг муаллиф-ровий ўз тилак-истагини соқийга мурожаат билан ойдинлаштиради:

*Соқий, ўлибмен, майи иймон кетур,
Жисмима иймон майидин жон кетур.
Қуйма бу кун жонима даврон майи,
Жоним ол, оғзимга қуй иймон майи.*

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳикоятда соқий образи ҳам, май тимсоли ҳам бор. Табиийки, Навоийнинг соқийдан сўраётган майи бизнинг тасаввуримиздаги аччиқ ичимлик эмас. У ҳамма ҳавас қиладиган “иймон майи”. У кишини иймонлик қиладиган «шароб»дир. Демак, май образи тафаккур маҳсули. Навоий ижодида, умуман, мумтоз адабиётда майнинг маъно қирралари жуда кўп. Инчинун, “соқий”нинг ҳам. Дейлик, мумтоз шоирларда “маъни майи”, “ижод майи”, “адл шароби”, “жон суйи”, “ақл майи” ва бошқа шоир ҳаёлидаги мақсадга етакловчи ёхуд муайян ғоявий ниятни юзага чиқарувчи турли туман шароб турларига дуч келамиз. Булар моддий нарсалар эмас, балки ижодкорнинг шоирона парвози, орзу-истаги, шахсий кечинмаси ва аҳвол-руҳиясининг ифода воситаларидир.

Энди анъанавий соқий образига ҳам қискача муносабат билдириб ўтсак. Чунки дoston мақолатларида ҳам, ҳикоят ва

масалларда ҳам бу образга кўп дуч келамиз. Соқий “Ҳайрату-л-аброр” ва “Садди Искандарий”да, айниқса, кўп тилга олинади. У Навоий учун мурожаат манбаи. Каерда “Эй Навоий” дейилса, кўпинча “Эй соқий” деб ҳам айтилади.

Соқий мумтоз шеърятда энг кўп тилга олинadиган сўз – образдир. Унга шоирлар томонидан қайта-қайта мурожаат қилинишининг асосий сабаби унинг сермаънолилигида. Соқийнинг фақатгина улфатларга май улашувчи даврабоши сифатида талқин этиш мутлақо тор тушунчадир. Алишер Навоий ҳикоятларида соқий улуғ сўз даҳосининг яқин дўсти, сирдоши, маслаҳатдоши, ғамдоши, гоҳо илҳом париси сингари қиёфада жонланади. Боз устига шоир ҳикоят ёки масалнинг муваффақиятли чиққанидан хурсандлигини ўқувчидан яширмайди. Дастлаб “ё Раб!” деб Аллоҳга шукрона айтади. Кейин эса соқийдан май сўрайди. Бу май, табиийки, хурсандчилик шароби ҳисобланади. Хуллас, Навоийнинг аввалги мақолатга илова қилинган Боязид Бистомий ҳақидаги ҳикоятида одам боласи дину диёнатга, инсоф-иймонга чақирилади. Шоирнинг бу гоёсини юзага чиқариш учун битта бош образ – Боязид Бистомий ва битта ёрдамчи – мурид образи бор. Қолганлари эса анъанавий образлар доирасига киради.

Савол туғилиши мумкинки, анъанавий образ ва тимсоллар бош гоёга унчалик хизмат қилмаса, нима учун Алишер Навоий бу образларни кўп истифода этади? Саволда жон бор. Унутмаслик лозимки, ҳар қандай ижодкор, жумладан, Ҳазрат Навоийнинг ҳам ижодий жараёндаги руҳий ҳолатини ҳар ким ҳам ҳис қилавермайди. Шоир ижодга – “ижод дарёси”га шўнғиган. У ўзини бирдан тўхтата олмайди. Бу жуда мураккаб жараён. Қолаверса, ўша анъанавий образлар шоир билан “ҳамиша бирга”. Уларга мурожаат қилиш, улар билан асар воқеалари тизимида бақамти ҳаракат қилиш шоирга одат. Алишер Навоий уларсиз ўзини эркин ҳис қила олмайди. Бошқача айтганда, “Хамса”да “уч бирлик” мужассам: Шоир, Соқий, Худо. “Хамса” гоёлари ана шу уч бирлик уйғунлигида юзага балқиб чиқади. Бу адабиётшунослар тилида анъана дейилади. Анъанавий образлар жуда кўп. Биз уларнинг фаоллари хусусида гапирдик, холос.

“Шер билан Дуррож”да ана шу икки мажозий қаҳрамонни етакчи образ ҳисоблаймиз. Сабаби, Шер орқали шоир садоқатли, меҳрибон, ғамхўр, ҳақиқатпараст ва ростгўй кишилар қиёфасини тасвирлаган. Дуррож эса бунинг тамоман акси: қиладиган ишининг тайини йўқ, баттол, лаққи, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам вақтини йўқотадиган, ёлғончи, муттаҳам. У шу салбий қилиқлари оқибатида тузоққа тушади. Бу билан улуг шоир “бундай кимсаларнинг айби, албатта, фош бўлади, гуноҳкорлар ўз жазосини олади”, деб одамларни ростгўйликка, меҳр-оқибатга, вафо ва садоқатга даъват этади. Асарда ёрдамчи образлар тизими ҳам бор: шернинг боласи, чумоли боласи, сайёд образи ва тузоқ детали бош ғояни асосли, ёрқин намоён бўлиши учун хизмат қилган. Навоий ҳикоятидаги шернинг боласи бор эди. У чумоли боласини босиб ўлдиришни яхши кўрар эди. Табиийки, бу шерга ёқмас эди. Шу боис ўз боласини оғзида олиб юрар эди. Воқеанинг шу жиҳатлари билан танишган зукко Китобхон шернинг мард, танти, жасур, меҳрибон қиёфасидан хабардор бўлади. Сайёд (овчи) асарда иштирок этмайди. Алишер Навоий дуррожга сайёднинг доми орқали жазо қўллайди. Аёнки, тузоқ овчининг қуроли. У атай дуррож учун қўйилган эмас. Унга шер ёки унинг боласи ҳам тушиши мумкин. Аммо шоир наздида ҳар ким қилмишига яраша жазо олиши керак. Масалдан қутилган бош ғоя шундан иборат.

Ҳикоятнинг яна бир нозик фазилати хусусида гапирмасак, таҳлил кемтик бўлиб қолиши мумкин. Навоий шер боласи ва чумоли боласи воситасида асар бағрига ғоят ибратли муддаони жойлаштиради. Мутафаккир “яхшилар ўзидан кўпайсин, авлод қолдирсин, ёмонлар эса қуриб битсин, тузоқда чирисин”, деган ҳукми хуфиёна эълон қиладик, энди бу миллий ўзандан анча кўтарилиб, умуминсоний ғоялар тарғиби даражасига кўтарилади. Кўринаётирки, буюк даҳо қаламидаги бош ғоялар силсиласи ёндош ғоялар салмоғини ҳам такомиллаштиради.

“Ҳайрату-л-аброр”нинг учинчи мақолати султонлар фаолияти хусусида. Унда Алишер Навоий тарихий-афсонавий ҳукмдорлар номи, адли, зулми, қаҳру ғазаби, меҳр-шафқати, умуман, ҳар бир подшоҳ шахсиятининг ўзига хос жиҳатларини

ғоят қизикарли баён қилади. Эл ва элпарварни чиройли таш-
бехларда мактайди. Тадбир ва режасиз салтанат соҳибини қо-
ралайди. Шоҳни чўпон, элни эса сурувга ёхуд бирини боғбон,
иккинчисини боғ дарахтларига, гулу гулзорларга ўхшатади.
Шу йўл билан мутафаккир адолатнинг қарор топиш омиллари-
га юртбоши эътиборини қаратади, унга панд-насихат беради.
Шу бобдан сўнг келадиган машҳур “Шоҳ Ғозий”¹ ҳикояти чу-
қур ижтимоий-сиёсий мазмуни билан юқоридаги мақолат маз-
мунини бойитади, уни тўлдиради ва мантиқий жиҳатдан пухта
асослайди. Боз устига мазкур ҳикоят Алишер Навоийнинг
ижодда фольклор сарчашмаларидан баҳраманд бўлишига ки-
чик бир далил ҳам бўла олади. Воқеан, Шоҳ Ғозий бир неча
қурбонлар эвазига тахтни қўлга киритиб, зулмни даф қилади,
боғ-роғ қуради, йўл очиб, сув оқизади. Мактаблар, масжидлар
қуради. Тинч ва тотув ҳаёт тарзини ўрнатади. Бир кун сайр чо-
ғида бечораҳол бир кампир унинг этагидан тутиб шикоят қила-
ди: “Эй, шариатпаноҳ! Сенга арзим бор. Мен сенга шариат
юзасидан даъво қиламан. Шарт шуки саволларимга қози ҳузу-
рида жавоб берасан”, дейди. Подшоҳ рози бўлади. Кампир қози
ҳузурида: “Қозоқлар билан бўлган жангда бу шоҳ яккаю ёлғиз
ўғлимни ўлдирди. Энди жавоб берсин”, деса қози кампирдан
икки гувоҳ талаб қилади. Кампир эса: “Шоҳда инсоф ва адолат
бўлса, гувоҳга ҳожат йўқ”, дейди.

*Шоҳ деди: “Шаръ этса бу янглиз адо
Шаръи наби ҳукмига жоним фидо”.*

*Ёғлиғ ила боғлади бўйинини руст,
Юз ҳамённинг доғи бўйинини суст.*

*Тиз бериб золга беваҳму бийм.
Бир сори доғи тўқубон ганжус сийм.*

¹ Баъзи навоийшунослар Шоҳ Ғозийни Хусайн Бойқарога нисбат берадилар. Улар айтадиларки, Шоҳ Ғозий образида шоир Хусайн Бойқарони тасаввур этади, шу боис қўп ҳолларда бу сиймо шоир томонидан улугланади. Бўлса бордир. Профессор А. Абдуғафуров фикрича, “ҳамиша ҳам ундай эмас. Негаки, Бойқаро тахтга ўтирган 1469-йилларгача ҳам Навоий бу образни тилга олади”. Шу маънода бу сиймо баъзида шоир идеалидаги одил подшоҳни ифодалайди (А.П.).

*Деди: “Қасос айласанг оллингда бош,
Сиймни ол, гар гаразингдир маош.*

*Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр”.*

Яъни подшоҳ кампирга “ё бошим, ё маошим” деб унинг олдига юз ҳамён тилла қўяди. Кампир подшоҳнинг одил сиёсатига тан беради. Натижада даъвогар шоҳ бошидан ҳам, сийму заридан ҳам воз кечади. Аммо подшоҳнинг карами кенглик қилиб сийму зарни кампирга ҳадя этади. Эл ичра кампир “золу зар” – тилла кампир лақабини олади. Ҳикоят сўнггида роқим анъанавий тарздаги соқийга мурожаат қилиб, май сўради. Энди бу гал шоир соқийдан адолат майи – “жоми адл”ни сўрайди.

Достон хотимасидан кейин кўзга ташланадиган “Ул кул ҳикояти...”да эса моҳиятан биз ҳозир таҳлил қилган асарнинг ғоявий негизи ривожлантирилади. Алқисса, қадим замонда бир подшоҳ бўлиб, унинг лутфи марҳаматидан юрт тинч, эл обод ва фаровон, халқ эса тотув, аҳил яшар экан. Навбатдаги сарой базмларидан бирида хизматкорлардан бири шоҳга овқат келтираётиб тасодифан тойиб кетади ва иссиқ таомни подшоҳнинг бошига тўкилишига сабабчи бўлади. Эл бу нобакорни бир овоздан ўлим жазосига лойиқ топадилар. Подшоҳ эса гуноҳкорни жазодан мутлақо озод этади. Нега? Негаки, кул подшоҳга қасд ваҳҳи билан гуноҳга қўл урмаган. У тойиб кетган, тасодиф рўй берган эди. Хунук воқеа, қутилмаган даҳшатли манзара содир этган кул қилган ишидан ниҳоятда хижолат бўлади. Бунини одил шоҳ тўлиқ идрок этади. Авом эса жазолаш тарафдори. Шунда вазир хушомадлик билан авом фикринини подшоҳга етказди. Вазирга жавобан:

*Шоҳ деди лутф била завқнок:
“Қим ани худ хижлат этибдур ҳалок.*

*Қимса ўлукни яна ўлтурмади,
Тийғи сиёсат бошига сурмади.*

*Ҳар киши халқ ичра гуноҳкоррак,
Авфу иноятга сазоворрак”.*

Бу Ҳазрат Навоий кашф этган яна бир адолатли подшоҳ сиймоси эди. Ушбу ҳикоят билан дoston интиҳосига етади. Дарвоқе, бу ҳикоятда ҳам соқий образига дуч келамиз. Фақат шоирнинг соқийдан сўрайдиган бу галги майи алоҳида сифатланмайди. Фақат кўпроқ, тўлароқ “бир хум” ҳажмида ичиш истаги бор, холос.

Хуллас, “Ҳамса” таркибидаги, хусусан, биринчи ва бешинчи дostonлар таркибидаги ҳикоятлар ҳам улуг шоир меросининг ички тармоқчалари жумласига кирадики, уларни матн таркибидан “юлиб олиб” талкин қилиш, бекиёс бешлик маҳобатини камситмайди, аксинча юксалтиради.

“Ҳамса”нинг 1986 йилда Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган нашрида илова ҳикоятларнинг тушириб қолдирилиши, уларда диний-тасаввуфий ғояларнинг акс этгани билан боғлиқ. Машъум шўро мафкураси бу мавзудаги асарларни, ҳатто кичик ҳажмли ҳикоятларни ҳам нашр этишга монёлик кўрсатарди. Шукрки, Ҳазрат Навоий асарларининг истиқлол давридаги нашрларида сўз даҳосининг бирор бир сўзи тушириб қолдирилмади. Сўнгги тилак шуки, сиз Алишер Навоий “Ҳамса”сини тўлиқ ўқиб чиқишингиз балки шарт эмасдир. Илло, бунга сизнинг тафаккурингизнинг қуввати етмаслиги, эҳтимол. Аммо “Ҳайрату-л-аброр” ва “Садди Искандарий”ни, албатта, бутунисича, такрор ва такрор ўқишингиз керак. Чунки улар, айниқса, “Ҳайрат...” – ибрат, ҳа, ҳа, у тўла-тўқис ибрат ва ҳикмат дostonидир.

АТО РОЗИ ЭРСА

Алишер Навоийнинг безавол назмий меросида ахлоқ-одоб масаласи буюк шоир эътиборидан ҳеч соқит бўлмайди. Унинг саховат, адолат, инсоф, тавозеъ, каттага ҳурмат, кичикка иззат, етимпарварлик ва бошқа инсоний фазилатлар ҳақидаги панд-

ўғитлари назм риштасига шу қадар мустаҳкам боғланадики, гўё улар ўқувчи хотирасига худди халқ мақоллари, ҳикматлар, афористик иборалар сингари муҳрланади. Исталган мавзудаги адабий, маънавий, маърифий тадбирларда Ҳазрат Навоий сатрларини шиор қилиб олиш мумкин. Алишер Навоийнинг дўст ва шогирдларига меҳрибонлиги, ҳиммату саховати, етим-есирларга кўрсатган ғамхўрлиги, бир неча хонақоҳлар, рабоблар, мадрасалар ва шифохоналарни ўз маблағидан қуриши, илм аҳлига кўрсатган ҳомийликлари, шу мавзуга бевосита дахл қиладиган пандномалари, дostonларидаги етакчи қаҳрамонлар фаолияти бизнинг ёшларимиз, замондошларимиз учун ибрат намунаси эмасми?! Ҳатто, “бир навбат Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолига солинган юз минг динор қўшимча солиқни ўз маблағларидан тўлаб, мазлум аҳолини ундан қутқарди”, дейди тарихчи Хондамир “Мақориму-л-ахлоқ”да.

Алишер Навоий илм аҳли, айниқса, уламолар, фозиллар, диндорлар ахлокини жуда кадрлайди. Уларни маърифат ёлқини, мазлум халқ чароғбони дея эъзозлайди. Шу билан бирга динни ниқоб қилиб олган баъзи риёкорларни коралайди, улар қилмишини фoш этади. Унингча, дунёда динни ниқоб қилган риёкор ғофиллар элидан пасткаш зотлар бўлмас экан:

*Бу эл эрур барча ёмондин ёмон,
Ҳар не йўқ ондин ёмон, ондин ёмон.*

Ҳазрат Навоий оилада ота ҳурмати ва она иззатини ҳам жуда кадрлайди:

*Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Тун кунингга айлагали нурнош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Сўз санъатида, шубҳасиз, онани улуғ зот сифатида кадрлаш, эъзозлаш лозимлиги хусусида ҳисобсиз шеърлар ёзилган, бироқ таъби баланд шоирлар отани улуғлаш ҳақида ҳам талай

ашъор битишни унутмаганлар. Буни улуғ сўз даҳосининг юқоридаги парчаси ҳам исботлаб турибди. “Фарҳод ва Ширин”-нинг XVIII бобида Хокон қариликни ваҳж қилиб, тахтни ўғлига – Фарҳодга топширмакчи бўлади. Ушбу манзара шу қадар жонли, рухий энтиқишлар фонида тасвирланадики, отанинг ўғлига мурожаати, панд-насихати, тахтдан воз кеча олиш кудрати, ўғлини-да шу беқиёс салтанатга муносиб билиши, гўё, васият оҳангида жаранглайдики, мазкур садони Алишер Навоий тилидан тинглаш бағоят мароқли:

*Атоким сен каби фарзанди бўлғай,
Ҳаёти нахлининг пайванди бўлғай.*

*Ўлум вақти етишгач ғам егайму?
Агарчи ўлса ҳам ўлдум дегайму?*

*Чу йўқдур эътимоди умр ишига,
Қачон ўлмоқ яқин эрмас кишига?*

*Йигит истар қариликнинг навиди,
Қариға йўқ йигит бўлмоқ умиди.*

*Қарилик дарди бедармондур охир,
Бир иш кўнглимда кўп армондур охир*

*Ки, ўлмасдин бурун очиб кўзумни,
Сарир узра йигит кўрсам ўзумни*

*Ки, яъни тоғжу тахту салтанат ҳам,
Сипоҳу, мулку, молу, мамлакат ҳам.*

*Бори бўлса сенинг бирла музайян,
Сени ўз ўрнима қилсам муайян.*

*Санга тутсам мусаллам подшолиқ,
Халойиқ устида кишвархудолиқ.*

*Манга шаҳлиқда қуллуқ ҳам қил эмди,
Атолиқ ҳам, ўғуллиқ ҳам қил эмди.*

*Неким элнинг салоҳидир они қил,
Менинг будир салоҳим эмди сен бил.*

Отанинг, ота бўлганда ҳам фармонбардор отанинг мурожаати ҳар қандай ўғилни шошириб қўяди. Лекин Фарҳод ота учун муносиб фарзанд, фармонбардор учун муносиб ворис. У меҳру такаллуф, иззат-икром ила тубандаги жавобни беради:

*Туруб маъразда сўз – ҳаддимни билмон,
Жавоб айтурга ўз ҳаддимни билмон.*

*Неча туфроғ эса жисму ҳақирим,
Вале бир-икки сўздин йўқ гузирим.*

*Бири улким чу йўқ умр эътимоди,
Йигит-қарига тенгдур зулми доди.*

*Вале оламда ҳар не бўлса мавжуд,
Бақосига эрур бир навъи маъҳуд.*

*Қаю машъалки базм айлар музайян,
Учар юз минг шараф, ул шуъла равшан.*

*Гиёҳ юз минг бўлур бўстонда барбод,
Вале юз йил турар бир сарви озод.*

*Кичикларга кичикдир умр асоси
Улуғларга улуғроқдир қиёси.*

*Яна бири буки, ар топса юз йил,
Чекарму пашша, ҳар неким чекар пил...*

*Агарчи эрса холи қолса мутлақ,
Тутарму анда шоҳ ўрнини бўйдақ.*

*Күёш мағриб сари ёшурса дийдор,
Туман минг заррадин бир йўқ падидор.*

Кўрдингизми, Навоий Чин ҳокони қиёфасида баркамол ота сиймосини яратган бўлса, унинг зурриёди Фарход қиёфасида муносиб ўғил образини кашф этган. Алишер Навоий ижодида бу каби ибратга лойиқ қаҳрамонлар жуда кўп кузатилади. “Ҳайрату-л-аброр”нинг йигирманчи мақолати сўнггида учрайдиган ҳикоятда Хожа Муҳаммад Парсонинг (бу киши Шарқда кенг тарқалган тариқатлардан бири – накшбандийлик тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд халифаларидан бўлган) ўз ўғли Хожа Абу Насрга муносабати ҳикоя қилинади. Чунки йигирманчи мақолатда Навоий шаҳзода Бадиуззамонга кўп насиҳатлар қилиб, тилга олинган ҳикоятда Хожа Абу Насрнинг отасига кўрсатган иззат-икромини шаҳзодага ибрат қилиб кўрсатади. Алқисса, Шайх Хожа Муҳаммад Порсо ўғли билан ҳажга боради. Зиёратчилар Маккада дуо ўқишни шу шайхдан сўрайдилар. Бироқ шайх дуо ўқишни ўз зурриёдига – ўғлига топширади. Бунга йиғилганлар ҳайрон қоладилар. Ҳатто баъзилари эътироз ҳам қиладилар. Шунда Хожа Муҳаммад Порсо

*Айтдиким: ул манга фойиқ дурур,
Бўйла баланд иш анга лойиқ дурур.*

*Кимсаки йўқ раҳбари бу йўл аро,
Мумкин эрур озмоги ҳар қўл аро.*

*Йўқ эди ўз йўлда манго раҳномой,
Тангри мани қилди анга раҳномой, –*

деб фарзандига ижозат сабабини изоҳлайди. Ўғил дуо ўқийди. Унга ҳамма, жумладан, падари бузруквори ҳам жўр бўлади. Дуо сўнггида ўғил яна тангрига мурожаат қилиб: “Агар мен ўқиган дуо меъёрига етмаган бўлса, отам розилиги учун, дуога жўр бўлгани учун менинг илтижоларимни зое кетказма”, деб ёлворади. Шу дуо баҳона Алишер Навоий энди лирик чекиниш

қилиб, Хусайн Бойқаронинг ўғилларига насиҳат қилади. Афтидан, Ҳазрат Навоий “Фарҳод ва Ширин”ни битаётганида Хусайн Бойқаро салтанатида ака-укалар ўртасида низо пайдо бўлиб, бу улуг шоирни бефарқ қолдирмаган кўринади. Шоир шахзодалардан ўша омину дуо ёхуд ўша ота ва ўғил ҳурмати учун инсофга келишларини талаб қилади:

*Ё Раб, ул омину дуо ҳурмати,
Ё у ўғул бирла ато ҳурмати.*

*Ким бу ато бирла ўғилни мудом,
Давлату дин тахтида тут мустадом.*

*Ўзга ўғулларни ҳам эт муҳтарам,
Анга ўғул, бунга иниларни ҳам.*

Ота рози – Худо рози, дейилади халқ мақолида. Ўзбекларда ота уйда ётса, ўғил учун томга чиқиш гуноҳ саналади. Шунингдек, киз боланинг турмушга чиқиш олдидан ота тиззасига уч марта бош уриши, ундан нон-туз учун рози-ризолик сўраш одобини билдиради. Мусулмонларда ота мавкеи жуда баланд. Навоий айтадики, отаўғлига нисбатан кўрган чора-тадбирни ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ҳатто бу ишга ҳуқуқ органлари ҳам шариат бўйича аралаша олмас экан:

*Ато рози эрмас, Ҳақ рози эрмас,
Анинг зулмига ҳеч ким қози эрмас.*

Ҳиндларнинг “Соқов ва муҳаббат” деган киноси бор. Унда бир йигит бир қизнинг номусига тегиб, айбни ақли андек заиф ва тили гунг бўлган укасига ағдариб, қутулмоқчи бўлади. Катта ўғил нобакорлигидан хабардор ота беозор ўғлини, шу асосда ҳақиқатни ҳимоя қилиш учун катта ўғлини отиб қўяди.

Уч қизнинг меҳрибон отаси бўлган марҳум шоир Муҳаммад Юсуф шеърида қизларнинг отасига ғамхўрлиги ўғилларга нисбатан анча баландлиги жуда таъсирчан ифода-ланган:

*Айтинг, кимнинг паймонаси тўлмаган?
Қиз бор – ота ёт бағирда ўлмаган.*

Буни энди изоҳлаш ортиқча бўлса керак.

Ушбу мисралар улуғ Навоийнинг юқоридаги байти моҳиятини замондошларимиз учун яна-да, теранлаштиради. Яъни Навоий эътирофи бўйича бир фарзанддан ота рози эмасми, демак ундан Ҳақ–Худо ҳам норозидир.

НАВОЙНИ СЕВГАН НОЗАНИН

Улуғ сўз даҳосининг танмахрамга эҳтиёж сезмай, ёлғиз ўтиши сабаблари ҳар бир давр ўзбек ва қардош миллат вакиллари учун жуда қизиқарли туюлади. Аввало шуни айтиш лозимки, Навоий даврида уйланмаслик камчилик саналмаган. Бу ҳодиса ҳозир ҳам айб эмас. Боз устига ҳазрат турмуш икир-чикирларига берилганида ижод ва шу орқали абадиёт чўққисининг бу қадар баланд поғонасига эришмаган бўлур эди. Аммо барибир Навоий ҳаётининг сири, унинг ёлғизлиги сабаблари изчил ва теран ёритилмаган. Унутмаслик лозимки, Алишер Навоийнинг ўз ёзмишлари, замондошларининг баъзи ишоралари, кейинчалик ҳозирги замонда ҳам учраб турадиган баъзи кишиларнинг “эрлик қуввати бўлмаган” деган шубҳа, тахминлари мутлақо асоссизлигини билдиради. Гап шундаки, ишқий-интим муносабатлар тасвирида Алишер Навоий шу қадар жонли манзара, эҳтирослар ҳаловатини ифодалайдики, натижада висол лаззатидан, маъшуқанинг асални “хижолат” қиладиган лабидан баҳраманд ошиқгина тасвирнинг ана шундай жозибали маромини таъминлаши мумкин, деган хулосага келасиз. Буюк шоир авлодларнинг ушбу муаммо атрофида ўралашиб юришини сезган шекилли, беш аср наридан туриб бизни шундай огоҳлантиради:

*Айламанг бекаслигимни таън бир кун бор эди,
Менда ҳам бир нозанин, чобуксувор, эй дўстлар!*

Айламанг – қилманг, бекас – ёлғиз, таън – таъна-маломат мазмунида. Чобуксувор – чавондоз дегани. Демак, байт мазмуни кўйидагича: ёлғизлигимни ха деб таъна қилаверманг, яъни юзимга солаверманг. Менда ҳам бир чавондоз каби мадаксиймо, нозанин бор эди, эй дўстлар!

Кўрдингизми, демак Алишер Навоийнинг ёшлигида яхши кўрган севгилиси бўлган. Аммо уларнинг тақдири қўшилмаган кўринади. Фольклорда тилга олинган Гулининг тарихий-хаётий илдизлари бўлгани навоийшуносликда кўп таъкидланган. “Мажолису-л-ушшок” тазкираси муаллифи Мир Алишернинг ўз кулбасида бир хушсурат малак билан «тонгдин шомгача мажлис курганини», боз шоирнинг ўша жувонга бўлган оташин муҳаббати билан оламдан ўтганини ёзган. Демак, улуғ шоир билан суҳбат қилган ўша нозаниннинг Алишер Навоийда кўнгли бўлган. Шоир “Лисону-т-тайр” сўнггида мана бу маълумотни ёзиб қолдирган:

*Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир дoston.*

Навоийшунослар бу байтни “умрдин топсам амон” сўзларига таяниб, “шоир Худо умр берса, ўз ишқим шарҳини бир дostonда ёзиб қолдираман”, деяпти деб тушунтирадilar. Ҳақ гап. Лекин, назаримизда, бу ерда интуиция йўққа ўхшайди. Байтдан юқоридаги маъно анланса, бундан шоирнинг ўз тақдирига, ҳаётига ишончсизлик билан караган деган фикр тушунилади.

Маълумки, Навоийнинг қон босими бўлган. Эллик ёшдан сўнг шоирнинг қон босими тез-тез кўтарилиб турган. Бунга сабаб теурий шахзодалар ўртасидаги сиёсий курашлар, атрофдагиларнинг меҳр-оқибатсизлиги бўлган. Шу жиҳатдан юқоридаги талқин қониқарли-ю, аммо “умрдин топсам амон” сўзларини биз сал бошқачарок англаш ҳам мумкин, деган хулосага келдик. Навоий умр деганда, албатта, вақт ва унинг аёвсиз ҳукмини назарда тутган. Шоир вазиралиқдан истеъфо берса-да, унинг вақти жуда тигиз бўлган. Умри охирида

“Лисону-т-тайр” ва “Маҳбубу-л-кулуб” сингари асарлар устида жиддий ишлаган. Шунингдек, сўз даҳосининг Ҳусайн Бойқаронинг жанговор юришларига бағишланган “Зафарнома” типидagi тарихий-бадий солнома ёзиш, “Юсуф ва Зулайхо” сюжети асосида бир туркий дoston битиш режаси ҳам бўлган. Хуллас, “Умрдин топсам амон” деганда шоирнинг “вақтим етса, бошқа ёзмишларимни тезроқ тугатсам, давлат ва улус юмушларида, четлашсам, кейин ўз муҳаббатим тарихи баёнида бир дoston ёзаман”, деган улуг муддаоси изҳори кўпроқ муҳассам тургандек. Албатта, бу гап вақт деган шафқатсиз ҳакамнинг тигизлигидан ташқари, шоир режаларининг бисёрлигини, шунингдек, сўз даҳосининг соғлиги ҳаминкадар бўлгани хусусидаги маълумотларни ҳам қамрай олади. Шу маънода бу талқин юқоридаги мавжуд фикрларни инкор қилмайди. Балки улар бир олманинг икки юзи каби бош муддао изҳори учун муштарак хусусиятгаэга. Навоийнинг ёлғизлиги масаласи кўпчилик замондошларини, ҳатто, Ҳусайн Бойқаро ва Хадичабегимни ҳам анча ташвишга қўйган. Баъзи олим ва ёзувчилар (масалан, Хуршид Даврон) халқ оғзаки ижодидаги Гули илдиз эътибори билан Хадичабегимга бориб такалади, деган фикрни илгари сурадилар. Профессор Ҳамиджон Ҳомидий эса шахсий суҳбатларимиздан бирида: “Бу гапда тарихийлик йўқ, Алишер Навоийдай покдамон, буюк шоир Хадичабонудай танноз, ўз манфаати йўлида бошқа шахзодаларнинг бошини ейдиган қаҳри қаттиқ аёлни севиши мумкин эмас эди”, – деган гапни айтган. Тўғри, домланинг фикрларида жон йўқ эмас. Бирок Хуршид Даврон ҳам, унинг фикрини қувватлайдиганлар ҳам юқоридаги мулоҳазаларни ўзлари тўқиб чиқармаганлар-да! Қолаверса, Гулининг қисмати, унинг икки ўт орасида қолиши, у ёки бу даражада Хадичабегимнинг қизлик даврига ишора қиладигандек.

Хадичабегим асли ҳиротлик бўлиб, олти ёшида Султон Абусайид мирзо Ҳиротни забт этгач, унга ҳадя этилган. Ўн тўрт ёшида Абусайидга теккан. Унинг биринчи эридан бир кизи бўлиб, унинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. 1469 йил Султон Абусайид Ироқда ҳалокатга учрайди

ва тахтни Ҳусайн Бойқаро эгаллайди. Уч ойдан сўнг Султон Абусайиднинг гўзал хотини Хадичабегимни ўз никоҳига олади. Махфий колмасинки, Алишер Навоийнинг Самарқандга Абусайид томонидан сургун қилинишининг бир сабаби ҳам унинг Хадичага бўлган муҳаббати натижаси бўлиши мумкин. “Бобурнома”да бу сургун тафсилоти номаълум эканлиги ёзилган: “Билмон, не жарима била Султон Абусайид мирзо Алишерни Ҳиротдин ихрож қилди...”¹

Малика Хадичабегим кизлик даврида ҳам, кейин ҳам ҳусну латофатда тенгсиз бўлган. Ҳусайн Бойқаронинг қанча гўзал, ёш маликалари ва канизаклари бўлгани ҳолда тез-тез Хадичабегим билан суҳбат қуриши, майхўрлик оқибатида кўпинча ана шу латофатли ва танноз аёлни ҳузурига чорлаши, у билан ишқибозлик қилиши асло бежиз бўлмаган. Шу маънода Хадичабегимнинг кизлик даври Алишер Навоийни ром қилгани эҳтимолдан узоқда эмас. Шоирнинг юкорида келтирганимиз биринчи байтда “Бор эди бир нозанин” деб фарёд чекиши, Хадичабегимнинг ўша кизлик даврига ишора қилаётгандек таассурот пайдо қилади. Маликанинг ахлоқи эса сарой иғвоси ва фитналарининг оқибатида тубанлашган. Унинг феълидаги маккорлик, танбаллик, эзмалик иллати ҳақида Бобур шоҳ ҳам ёзган: “Ўзини окила тутар эди, вале беақл ва пургўй хотун эди...”²

Яна бир ҳақиқат билан ҳисоблашиш лозимки, Хадичабегим ҳам ўз навбатида Алишер Навоийга севги майли билан қараган бўлиши эҳтимолдан четда эмас. Акс ҳолда у буюк сўз даҳосининг бекаслигидан бунчалик ташвишга тушмасди. Буни навоийшунос Шухрат Сирожиiddинов мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди³. Боз устига Алишер Навоийнинг эрлик қувватига шубҳа билан қараган биринчи гумондор ҳам Хадичабегим бўлган. Бу билан шаккок малика ўз ҳусну латофатини рўкач қилиб, Алишер Навоийни ўз суҳбатига таклиф этмаганидан шикоят қилаётгани сезилиб турибди. Бойқаронинг жами 25 (14 ўғил, 11 киз) фарзанди бўлган. Табиийки, улар бир хотин ё бир кани-

¹ Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1990. Б.152.

² Ўша жойда.

³ Сирожиiddинов Ш. Навоий кимни севган? // Ёшлик. 1991.5-сон. Б.33-36.

закдан эмас. Бобур шох Бойкаронинг ўн тўрт ўғилдан бор-йўғи учтаси шаръий хотинларидан туғилганини ҳам айтган. Аммо Хадичабегимнинг бошқа киши, дейлик, бошқа сарой аъёнлари билан махфий алоқаси бўлгани ҳақида тарихда бирор бир ишора йўқ. Афтидан, малика Хусайн Бойқарога жуда садокатли бўлган. Зайниддин Восифий машҳур “Бадосеъ-л-вақоеъ” аса-рида Хусайн Бойқаро канизаклари орасида бир Давлатбахт деган нозанин бўлиб, Алишер Навоийнинг “кўнгул куши онинг ишқи ҳавосида парвоз этар эрди”, деган маълумотни берадики, бундан Навоийнинг чобуксувори ўша канизак бўлиши мумкин, деган навбатдаги тахмин юзага келади. Шунингдек, Султон Хусайн Бойқаро ва Хадичабегимнинг Навоийнинг эрлик кувватини синаш учун тузган тадбирлари ва унинг амалиёти ҳам “Бадосеъ-л-вақоеъ”да чунонам гўзал эпизодик саҳнада тас-вирланадики, бу ўринда ўша тарихий-бадий манзаранинг Муҳаммад Ризо Огаҳий қаламидаги таржимасини ҳукмингизга ҳавола этмоқчимиз: «Хожа Маҳмуд Тойбодий дер эдиким, бир кун Султон Хусайн мирзо Амир Алишернинг покдомонлик ва порсоликин таъриф ва тавсиф қилиб, бу ерга еткурмиш эрдиким, Ҳазрат Мир то адамдин вужудга келгандин бери исмати тўнининг этаги шахват лавойи била олуда ва футути яқосининг тугмаси ҳавою ҳавас илги била фарсуда бўлмамишдур. Билки-си замон, зубайдаи даврон Хадичабегимга бу сўз бовар туш-май деди: “Агар мундоқ эрса Ҳазрат Мир хездур ва рижлати (эрлик куввати) йўқдур” ва они имтиҳон қилмак тилади. Хадичабегимнинг Давлатбахт отлиғ бир канизаги бор эрдиким, пари-пайкар ва малак манзар ва нозпарвар, ишвагарликда жи-модга жон бериб, ўлукни ҳаракатга киргизур эрди. Султон Хусайн мирзо, Хадичабегим ва Амир Алишернинг аросидоғи пинҳон сўзларга ондин ўзга киши маҳрам эрмас эрди ва ҳа-миша Мир Алишернинг кўнгли куши онинг ишқи ҳавосида парвоз этар эрди. Хадичабегим Ҳазрат Мирни имтиҳон этмак учун анга неча мақдамалар (ўйинлар) ва хийлалар ўргатиб, они Мирнинг уйига юборди. Ва ул намозшом вақтидан сўнг Мир-нинг уйига борди ва ул вақт ҳамишаги вақт эрмас эрди, ҳайрон бўлди. Алқисса, канизак узоқ вақт ҳикоят бошлаб, кўб вақт ўлтурди ва сўз қизиған ҳолда деди: “Ох, нечук этарманким,

вакт кеч бўлубдур”. Мир деди: “Ҳеч бок йўк, бу кеча шу ерда бўлгил”. Ва унинг муддаоиси ҳам шу эрди. Мир ўз уйининг жавори (қўшни хона, даҳлиз)да онинг учун бир жой тайин этти. Ул ҳам шул уйга борди ва кечадин бир пас ўтгандин сўнг келиб, яна Мирнинг уйига кирди. Мир они кўриб фаросат ила билдиким, муддаоиси недур. Аммо тағофул қилди. Ул канизак ширинзабонлиг била деди: “Эй маҳдум! Ман андок тасаввур қиламанким, баданимининг ҳар бир мўйи бир занжирдек бўлиб, мани чекиб бу жонибга келтурди. Магар бу кашиш (журъат)га сабаб улдуким, бу камина канизакка иноят назарин солғайсиз”. Мир деди: “Мундок таъма ва таклифлар бекордур. Маълум бўлдики, на иш учун бу ерга келмишсиз. Сизнинг била бир жамоанинг аросига бир мушкул масала тушубдур ва онинг мақоламаси узокка чекубдур. Иншооллоҳ, ул мушkil кашфи анқариб (ҳозир) зоҳир бўлур”. Бу сўзни айтиб, канизакнинг қўлин тутиб, тортиб ўзининг тизи устига қўйди ва ...бу онинг мушкили қулфин очарга калид эрди, онинг илкига берди ва деди: “Яқин билингким, бу мусқаб била максуд дурин тешса бўлур ва бу калид била мурод дуржининг қулфин очиб, ком гавҳарин топса бўлур. Сизга маълум бўлсинким, бизда кадхудолик олати бордур ва кадхудолик қиладурбиз. Аммо бурун ҳам қилмамишбиз ва ҳоло ҳам қилмасбиз ва сўнгра ҳам:

*Тарки лаззатҳои шаҳвони сахост,
Ҳар ки дар шаҳват фуру шуд бар нахост.
Халқ пиндоранд ишрат мекунанд,
Бар ҳаёли нур худ пар мекананд.”*

Мазмуни: шаҳвоний ҳирсни тарк этмоқ саховат белгиси. Шаҳватга берилган киши фойда кўрмайди. Халқ ишрат қилиш ниятида юради. Ўзининг ана шу ҳаёлида пар тўкади.

Ва чун ҳикоят Султон била Хадичабегимнинг самъига етди ва Алишерга эътиқодларининг бири юз, балки минг бўлди...»¹

Кўринадики, Навоийга муҳаббат қўйган нозанинларнинг бири, эҳтимол биринчиси Хадичабегим бўлган. Унинг қизлик

¹ Огаҳий М.Р. Ишк ахлининг тумори. Танланган асарлар. Нашрга тайёрл. Ш.Шарафиддинов в.б. Тошкент: Мерос, 1999. Б.313-314.

даврида Навоий шухратида хабардорлиги, эҳтимол. Аммо у Султон Бойқаро саройига келгач, Алишер Навоийга ишқ майли билан қараган бўлиши мумкин. Шунингдек, маликанинг хос канизаги Давлатбахт ҳам Навоийнинг эҳтиромидан бутун умр умидвор бўлгани эҳтимолдан узоқда эмас. Алишер Навоийнинг бу умидворликка ижобий муносабатда бўлмагани эса нафси амморани енгитиш самараси сифатада баҳоланмоғи лозим.

Ҳар ҳолда ошиқ-шоирнинг:

*Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас, –*

деган оташин мисраларида тарихий ҳақиқат пинҳон кўринади. Бу мавзу, фикри ожизимизча, Алишер Навоийнинг биздан кейинги муҳибларини ҳам турли туман илмий изланишларга даъват этади.

«МАЖОЛИСУ-Н-НОФОИС»ДА ТЕМУРИЙЗОДАЛАР СИЙМОСИ

«Мажолису-н-нафоис» тазкирасининг еттинчи мажлиси бевосита Темур ва темурийзодаларнинг адабий-илмий, тарихий ва сиёсий фаолиятлари ҳақидаги маълумотлардан ташкил топган. Фаслда Навоий Амир Темурдан ташқари яна унинг йигирма бир авлоди ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. Ҳусайн Бойқарога эса Алишер Навоий алоҳида эҳтиром юзасидан махсус боб – саккизинчи мажлисни бағишлаган.

Еттинчи мажлис Амир Темур шахсияти ва фаолиятини тавсифлашдан бошланган. Алишер Навоий уни бадиий ижод билан шуғулланмаса ҳам наср ва назмни чуқур ҳис қиладиган, улардан турли муносабат билан жуда ўринли фойдаланадиган таъби баланд шахс сифатида таништиради: «Агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор...»¹

¹ Навоий А. Мажолису-н-нафоис. МАТ. 20 томлик. 13-том. Тошкент: Фан, 1997. Б.163. Иқтибослар шу манбадан олинади.

Тазкирада Мирзо Улуғбек ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатни жалб қилади: “Донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти кироат била Куръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат (астрономия) ва риёзий(математика)ни хўб билур эрди. Андоқким, зиж битиди ва расад боғлади ва ҳоло (ойнинг ёруғ гардиши) онинг зижи арода шоеъдур. Бовужуди бу камолот гоҳи назмға майл қилур”. Кўринадики, Ҳазрат Навоий Улуғбекнинг мукаддас китобни ёд билиши, астрономия ва математика билан ҳам жиддий шуғулланганини, юлдузлар жадвали таркибида ой шаклининг жойлашиши, бундан ташқари жавдалнинг илмий тавсифи (зиж битиди деярти, юлдузларга шарҳ ёзди, демакчи)ни ёзгани, шу билан бирга шеърятга алоҳида майл қўйганини ёзаяпти.

Алишер Навоий фаслда темурий шахзодалардан Абулқосим Бобур ҳақида ҳам ниҳоятда кизиқарли маълумот беради: «Дарвешваш ва фонийсифат ва кариму-л-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олдида олтиннинг дағи кумушнинг тош ва туфрокча ҳисоби йўқ эрди», дейди ва шахзодаларнинг илми тасаввуфга муҳаббати баланд эканини ҳам кайд этади. Ўша пайтларда Фаҳриддин Ироқийнинг арабча «Ламоъат» (“Шуълалар”) ва Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» маснавийси илм ва ижод аҳли орасида машҳур бўлиб, Алишер Навоий эътирофича, Бобур мирзо ўша асарлар мутолааси билан жиддий машғул бўлган. Боз устига Маҳмуд Шабустарийнинг:

*Неча юзунг кўруб ҳайрон бўлойин,
Илоҳи, мен сенга қурбон бўлойин,-*

сингари туркона байтлари ўша даврда анча машҳур бўлган. Бирок у девон тузмаган.

Алишер Навоий темурийзодалар орасида, айниқса, Саййид Аҳмад мирзо ва Кичик мирзо (Мироншоҳнинг невараси Муҳаммад Султон назарда тутилган)нинг шахсий иқтидори ва зехнига юксак баҳо берган. Жумладан, Саййид Аҳмаднинг туркий ва форсий девонидан ташқари, бир туркий маснавий битганини ёзиб қолдирган: «Салим табъ ва пок зехн киши эрди. Хили машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам машҳур туркий,

ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида «Латофатнома» анингдур...»

Кичик мирзо ҳақида эса мана буларни ўқиймиз: «Хўб таълиқ, тез идроклиқ, шўх зеҳнлиқ, кавий ҳофизалиқ йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум (илмнинг кўплиги) ва фунун (фан тармоқлари)дин ўз мутолааси била вукуф ҳосил қилди. Шеър ва муаммони хўб онглари эрди, балки кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди...» Шулар қаторида Навоий Кичик мирзонинг ҳаж сафари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтган. Алишер Навоий Кичик мирзонинг бир рубоийсини намуна сифатида келтириб, баъзилар ўша рубоийни Жомий билан таворуд (шарқда икки шоирнинг бир-биридан беҳабар ҳолда бир хил байт ёхуд тўртлик битиши ҳодисаси шундай номланган) содир бўлган деб ҳисоблайдилар, дейди. Агар шундай бўлса, дейди Навоий, улуғ давлат бўлур.

Мажлисида, боя айтилганидек, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳақида ҳеч нарса демайди. Чунки тазкиранинг навбатдаги саккизинчи фасли бутунисича Ҳусайн Бойқаронинг абадий-илмий ва сиёсий фаолияти хусусида битилган. Аммо шоир темурийзодалар ҳақидаги фаслда Бойқаронинг бир акаси ва тўрт ўғли ҳақида алоҳида тўхталади. Шохғариб мирзо ҳақида маълумот берар экан, улуғ тазкиранавис негадир унинг гавдасидаги нуқсонни айтишни истамайди: «Шўх таълиқ ва мутасарриф зеҳнлиқ ва нозик тахайюллик ва дақиқ тааққуллик йигитдур. Назм ва насрда назири маълум ва мутахаййила ва ҳофизада адили номаълум. Ов ва қуш хотирига марғуб ва қурро (кори, қуръонни ёд айтувчи) ва ўқиш кўнглига маҳбуб».

Алишер Навоийнинг эътирофи Мирзо Бобур қаламида янада содда баёнига эришган. У шундай ёзган: «Яна Шохғариб мирзо эди, букри эди. Агарчи хайъати (гавдаси) ёмон эди, таъби хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. «Ғарибий» тахаллус қилур эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий ва форсий шеър айтур эди...»¹

Ҳусайн Бойқаронинг бу нотавон ўғлига эҳтироми айрича бўлган. Подшоҳ узоқ сафарга отланса, салтанатни вақтинча шу

¹ Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1990. Б.149.

ўғлига ишонган. Бу бежиз бўлмаса керак. Афтидан, Шохғариб мирзонинг акли ва зеҳни Ҳусайн Бойқарони жуда каноатлантиради. Бирок мирзонинг умри киска бўлган. Фахрий Ҳиравий маълумотича, хиротлик шоирлардан бири Шохғариб мирзо вафотидан сўнг унга эҳтиром юзасидан ўзига Ғарибий деб тахаллус танлаган. Аммо Ҳусайн Бойқаро ўғлининг арвоҳи учун уни бу тахаллусдан озод этиб, ўрнига Мажлисий тахаллусини қабул қилишни буюрган.

Алишер Навоий мана бу маълумот билан Шохғариб ҳақидаги маълумотга нукта қўйган: “Девон ҳам жамъ қилибдур. Яхши матлаълари бор. Бу мухтасарға сиғмас, магар яна бир китоб битилгай...”

Тазкирада улуғ шоир Ҳусайн Бойқаронинг яна уч ўғли – Фаридун Ҳусайн мирзо, Муҳаммад Ҳусайн мирзо ва Бойсунғир мирзо ҳақида ҳам кизиқарли маълумотлар беради.

Умуман, темурий ижодкорларга баҳо берар экан, улуғ шоир тазкирада уларга муайян мезондан келиб чикиб, тавсифнома беради. Яъни, шахсий ахлоқи, икки тилда ижод этиши, девон тартиб бериши ва албатта, шеърӣ иқтидорига – маҳоратига алоҳида диққатни жалб этади. Шу жиҳатдан шоир темурийзодаларнинг ўндан ортиқ вакили соҳиби девон даражасига кўтарилган ижодкор эканини алоҳида таъкидлайдики, бу Темур авлодининг адабий-илмий муҳитга кўрсатган рағбатидан ташқари, ноёб истеъдод эгаларининг ўзлари ҳам бадиий ижод тараққиётига муносиб ҳисса қўшганликларини далиллайди. Бу ҳодиса оддий шоир эмас, улуғ Навоий томонидан тан олинishi эса, шубҳасиз, Темур ва темурийзодаларнинг тарихий-адабий хизматлари таҳсинга лойиқ эканига ёрқин далилдир.

ЧОРАМ АСБОБИН ТУЗУНГ

Алишер Навоийнинг ғоявий-бадиий оламини бутун салобати, ҳақиқий ва рамзий-мажозий сифатлар талқини, фалсафий-поэтик мушоҳада ҳикмати, шунингдек, «коса ва нимкоса»-лар латофатини барча нозик жиҳатлари билан илғаш ва тадқиқ этиш жуда мушкул. Улуғ сўз даҳоси кашф этган бадиият хази-

насидан баҳрамандлик завқи, лаззати ҳаммага ҳам бир хил насиб этавермайди. Гоҳида шоир тасвиридаги бекиёс ифода назокиати, турфа туйғулар, чуқур инсоний дард, ситам ёхуд ишқий кечинмалар изтироби зукко ғазалхон шуурида онг илғамас хиссиётлар, ҳаяжонлар, онги ва тафаккуррида эса кутилмаган фикр, таассуротлар пайдо қилади. Ногаҳонда мияда чарх урган ҳақиқат ҳайратлари сизни улуғ даҳо қаршисида нақадар ожиз ва нотаъон кимса эканлигини пинҳон суратда англатади. Қатор манбалар: афсона ва ривоятлар қатига назар ташлайсиз. Куръон ва ҳадис тафсиллари, улуғ Навоийнинг ижодий лабораториясида мавжуд манбаларнинг туб илдизи, асосий ғояси, ирфон ҳақиқатлари, турли хил луғатлар қувватидан илҳом ва завқ оласиз. Сўзнинг маъно қирраларини турли мушоҳада тарозисида тортасиз. Ҳазрат Навоийни шундай сўзлатган ва бўзлатган ўн бешинчи асрнинг тарихий-адабий муҳитига ҳаёлан сайр қиласиз. Барибир улуғ шоир изтиробларини, уларни шакллантирган хунрезлик ва мунофиқлик суратларини илғаш, теран тушуниш, таҳлилдан ўтказиш анча мураккаб. Шоир ғазаллари мутолааси ҳозирги ўқувчини анча толиқтириб қўяди. Шу тариқа у таффақурида эврилиш, покланиш ҳосил қилаётганини сеза бошлайди. Муҳими, бир мутолаа билан чегараланмаслик керак. Ўқиганда, албатта, луғат ва қўшимча изоҳларга суяниш лозим. Энг муҳими, қайта ўқиш ўқувчи тафаккурини борган сари теранлаштиради. Муайян бир ғазалнинг рамзий-мажозий образларини ўрганишнинг ўзи, қисман Навоийнинг ижод боғидан шарбат татигандек гап:

*Ошиқ ўлдум панд берманг—чорам асбобин тузунг,
Ишқ зор этганга зулм этманг— тараҳхум кўргузунг.*

Эътибор ва эътирофга молик бу ғазални сиз Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев ижросида эшитиб, бир неча бор завқ, беҳисоб лаззат туйгансиз. Ана шу завқ сизда ҳозирча мусиқанинг сеҳрли навоси воситасида пайдо бўлиб келган. Агар сиз дилтортар қўшиқнинг бирламчи асоси ғазал моҳиятидан ҳам қисман бўлса-да, хабардор бўлсангиз, ишонаверинг, ўша завқ, ўша ҳаяжон, ўша эҳтирос икки марта ортади. Мумтоз

ғазал навосидан сармаст бўлиб, аввал ижрочига, сўнг созанда-ларга, ундан кейин эса ушбу лаззат ва завқни таъминлаган биринчи омил яратувчиси улуғ Навоий шаънига чексиз дуолар ўқийсиз.

Шоирнинг ишк йўлига киргани тушунарли. Энди уни бу йўлдан панд бериш орқали кайтариб бўлмайди. Яхшиси, унинг «чора асбоби»ни тузмок керак. Шоир бу илтижо билан ишк сарсонларига мурожаат қилмоқда. Чинакам ошиқ ҳақ васлига етишиш учун турли йўллар – воситалар излайди. «Асбоб» деганда улуғ шоир ана шу йўриқ воситаларини назарда тутган. Ишк аҳли эса зулм кўрсатишдан бошқага ярамайди:

Ишқ зор этганга зулм этманг— тараххум кўргузунг.

Энди газалнинг давомини ўқиймиз:

*Эйки, дерсиз ишқ аро сабринг уйин обод қил,
Мундоқ этгунча, ҳаётим қасри бунёдин бузунг.*

*Сарвинозимким борур кўз боғидин, қилмон қабул,
Гар анинг ўрнида тубо нахлини ўлтургузунг.*

Ошиқнинг дарди, ситами, нола-фарёди оғушидан сизиб чикқан мазкур илтижо ва афсус надомат нидоси унинг маъшуқа васлига эришиши учун ҳар қандай зулм ва шафқатсизликка бардош беришини аниқ билдириб туради. Ишк аҳли Ҳазрат Навоийнинг лирик қаҳрамони қисматидаги зулм оғриқларини бошидан кечирган. Аммо Алишер Навоий тақдири ишк аҳлининг у мурожаат қилган вакилларикидан тубдан фарқланади. Шунинг учун шоирнинг лирик қаҳрамони “сабр уйин обод қилиш” истагидан анча йироқ. Унга “сабр эт” дегандан кўра, жонини олаверинг. Бунга ўзи иқрор бўляпти:

Мундоқ этгунча, ҳаётим қасри бунёдин бузунг.

Кейинги байтда ошиқ маъшукасини сарв коматига менгзаш йўли билан уни жаннат дарахтидан ҳам устун қўймоқда. Негаки, сарв ўз қадди комати билан маъшуқага яқин, бинобарин, чинакам ошиқ учун у жаннат дарахтидан ҳам афзал:

*Онсизин, эй дўстлар, не захру не оби ҳаёт,
Ким мусовидур менга гар ўлтуринг, гар тиргузунг.*

*Гар ажал турғузмади жисмимни ул ой кўида,
Дўстлар, наъшимни боре онда бир дам турғузунг.*

Ошиқнинг мажруҳ қалбида ишқ шу қадар баланд туғён урадики, у маъшуқа васлидан махрум қилинса, тирикликнинг аччиқ ёки чучук томонлари билан ҳисоблашмайди. Яъни у маъшуқа билан бирга эмас экан, унинг учун фанийлик ва боқийлик ўртасида заррача тафовут йўқ. Шу боис лирик қахрамон “бе-шафқат ажал умримга зомин бўлса, наъш (тобут)имни маъшуқа хузурига бир дам қўйинг, зора ошиқ қалбим фақат уни деб ҳаракатдан тўхтаганини билсин”, дея васият битади. Ишқда сидку содиқлик висол онларига қафолат белгисидир. Алишер Навоий сидки-содиқликда шарқ ошиқларига юксак ибрат намунасини кўрсатган. Юқоридаги байтлар шу даъво исботи учун ёзилган.

*Дурд келтурдунг дебон ёзгурмангиз, эй аҳли ишқ!
Бок йўқ зухдим ридоси кунжига солиб сузунг.*

Дурд – мумтоз адабиётда майнинг қуйқасини ифодалайди. Ишқ аҳли илоҳий май лаззатидан ҳамиша баҳрамандлик эвазига ўзларини ғолиб ва эркин ҳис қиладилар. Шоир яна ҳам-маслакларига мурожаат қилиб, ўзини май қолдиғини келтирганликда айбламасликларини сўраяпти. Байтнинг иккинчи мисрасида эса ушбу қуйқа номакбул бўлса, уни зухдим ридоси (такво суви)га солиб сузинг, дея ўз айбига иқдорлик хисси бор. Мақтаб:

*Чун Навоий кўнглини қилди гириҳ бир тори зулф,
Дўстлар, сарриштайи умидни ондин узунг.*

Улуғ шоир бу ўринда дўстларга сўнгги бор мурожаат қилиб, ўзининг ошиқ кўнглида ёр зулфи билан боғлиқ бир тугун (бу рамзий ифода сифатида ошиқнинг адоқсиз армонларини билдиради) мавжудлигини, ана шу тугундан «умид ипини узинг» дейиш билан барча орзу-истакларини амалий интиҳо-

сига умид боғлайди. Навоий қаламида ошиқ жисми-сурати андай хорғин, андай вазмин, рухий дунёси ҳам ишқ изтиробларидан толикқан, афтодаҳол кайфият белгиси сифатида таассурот пайдо қилади. Бирок ўзини буткул ожиз ҳисобламайди. Уни ишқий саргузаштлар шу ҳолатга туширган. У бу йўлда яна қанча азоб, машаққат синовлари бўлмасин, бир сония бўлса-да, олдинга, висол гўшасига интилаверади. Ғазал соф мажозий характери билан ҳам барча ошиқларга ибрат намунаси бўла олади.

Ғазалнинг ҳар бир байти, мисраси, образ ва тимсоллар дунёси унга ошуфта ҳар қандай ғазалхонни, айникса, мумтоз адабиёт шинавандасини ром қилиш хусусиятига эга. Унда барча сўз ёхуд образ поэтик камров такомил билан ўқувчини беҳад кенгликларга, юксакликларга чиқариб қўяди. Афсуски, улуғ даҳо фикру даъвосини барча мураккабликлари билан илғаш, идрок этиш, айникса таҳлил қилишга мунаққиднинг илмий назарий қуввати шоир салоҳияти олдида кўп ҳолларда ожиз қолади. Бошқача айтганда, Алишер Навоий ошуфтаси унинг «косаси»ни кўриб ҳайратга тушади, «ним коса»ни эса тасаввурига сиғдиролмайди. Шоирни юксак жаҳоний мавқега кўтарган омиллардан бири, эҳтимол, биринчиси ҳам шунда бўлса керак.

Мазкур ғазалнинг бош мавзуси анъанавий ишқ ва ошиқлик сифатларини улуғлашдан иборат. Алишер Навоий кўп ғазалларида бўлгани каби бунда ҳам ўзини, ошиқни ғариблаштириш, қашшоқлаштириш воситасида маъшукни – ишқи илоҳийни улуғлайди. Навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққул айтмоқчи: «Замин ўз ўқи атрофида айланганидек, Навоий шеърияти ҳам ишқ теграсида тинимсиз айланади»¹. Айланадигина эмас, шу асосда ошиқ қалбидаги чанг-ғуборларни тозалайди ҳам. Унинг ишқи илоҳийга бўлган интилиш хусусиятларини тарбиялайди, такомиллаштиради. Юқоридаги ғазалнинг мўъжаз таҳлили ушбу фикр исботи учун кичик бир далил бўла олади.

¹ Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1991. Б.86.

БИЗНИ ҚУРБОН АЙЛАГАЧ

Алишер Навоий ғазалларидаги ишқий кечинмалар ёки фалсафий-бадий умумлашмаларнинг ғоявий негизи ҳар қандай давр китобхонини беихтиёр ҳайрат дунёсига етаклайди. Сўз даҳоси кучли завқ, эҳтирос, ҳаяжон ва самимият ила мадҳ этаётган ёр — маъшуқа ҳусн жамоли, ноз-ишваси, ҳаё-фазилати, сийм тани, қисқаси ўзгаларга ўхшамаган жонли талъати билан ўқувчи — ғазалхон диққатини тамомила жалб этиш, ҳатто унинг ҳам ўй-хаёлини банд этиш, ўзини мафтун этиш, “тангитиш” қудратига эга. Алишер Навоий ижодида, хусусан, йигитлик ва ўрта ёшлик лирикасида шундай ғазаллар туркуми мавжудки, гўё шоир уларда маъшуқа ташқи чиройини: қош-кўзини, ноз-ишвасини, сарвдек қоматини мадҳ этиш воситасида аслида унинг ички дунёсидан: жафожўлигидан, фироқу ситамкашлигидан, жабр-зулмию беҳад шафқатсизлигидан кескин шикоят қилаётган бўлади. Ана шундай шикоят, кескин норозилик мотиви, маҳоратни қаранг, шоир томонидан чунонам ёқимли сардо, ҳуш оҳанг, халқчил руҳ пардасида китобхонга етказилади. Ўзгача айтганда, манзурнинг киши қалбида нафрат уйғотувчи барча иллатлари: кибри, жафоси, жабру ситами, бешафқатлиги — бари, барчаси бекиёс ҳусн-жамоли олдида бир зумда йўққа чиқади ва кучли нафрат улуғ шоир қаламида аста-секин ғайритабиий йўсинда ўтли муҳаббатга дўна бошлайди. Яъни, маъшуқа қанча ситамкаш ва жафожў бўлмасин, барибир у шоирнинг беғубор нигоҳида меҳрга, эъзозга лойиқ бўлиб бораверади. Мана шу ғайритабиийлик ўзига хос тантанавор руҳи, ширатор услуби, мусиқий жилоси, мазмуний таровати билан ўқувчи, ижрочи ёхуд тингловчи эътиборини жалб этиб, онг ва шуурида ўзгача завқ, ҳаяжон ва фусункорлик ҳосил қилади. Қуйида шоир қаламига мансуб маълум ва машҳур “айлагач” радибли ғазални ғоявий-бадий жиҳатдан таҳлил қилишга уринамиз.

“Айлагач” ғазали шоир ижодий тақомилининг учинчи даври маҳсули бўлган “Ғаройибу-с-сигар” девони таркибидан ўрин олган, арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Ундаги лирик кечинманинг етакчи қаҳрамони — маъшуқа.

Шоирнинг ўзга ғазалларида бўлгани каби бу ўринда ҳам маъшука бир нигоҳ ила сизни ҳушёр тортишга, бемисл ҳусн ва ла-тофат олдида ўзингизни йўқотиб қўймасликка даъват этади. Зеро, бу жон ўртовчи соҳибжамол улуғ шоирнинг нурли ка-лами орқали сўз санъати дунёсида ўзига, ўзлигига эришган ва сўз даҳосининг завқи шууридан, меҳру вафосидан баҳраманд-лик эвазига ўзининг бекиёс адабий сиймосини намоён этган. Алал оқибатда ўз яратувчисини, кашфиётчисини ҳам ром эт-ган, энди эса унга нисбатан бевафолик, боз устига жафожўлик расмини тутган. Бу ҳам етмагандай энди уни, аниқроғи, ошиқ Навоийни ишқ йўлида қурбон қилишга чоғланган. Маъшука мазкур ўринда ҳам, айтилгани каби чиройда тенгсиз, ақлда ҳам қиёси топилмайдиган санам. Вафода-чи?! Афтидан, у қанча гў-зал бўлмасин, вафода бешафкат кўринади:

*Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.*

Хусни ортар. Қачон? Юзда зулфин анбарафшон айлагач. Зулф – маъшука чиройининг беазаги. Гоҳо шу чиройни турли кўзлардан ҳимоя қилувчи тўсиқ – парда вазифасини ўташ билан бирга кўпроқ ошиқ димоғига уриладиган хушбўй иф-ор манбаи ҳам ҳисобланади. Унинг мумтоз адабиётимиздаги маъ-нолар силсиласини шарҳлашнинг ўзи алоҳида бир дафтар бўл-са, ажаб эмас. Зулфни сочдан фарқлаш лозим. Бадиий ижодда, хусусан, шеърятда уларнинг бири бошқаси ўрнида қўлланган ҳоллар жуда кўп кузатилади. Бу ҳол вазн ёхуд қофия талаби билан рўй бергани учун нуқсон саналмайди. Боз устига сўз санъатида қисм ўрнига бутун ё шунинг аксини ифодалаш ўзига хос тасвир усули ҳисобланади. Соч маъшуканинг бутун жисми-ни яшириши, ёпиши мумкин. Зулфда бундай имконият йўқ. У чехранинг икки чеккасини салгина бекитиши мумкин, холос. Зулф кулоқ олдида бир эгри чизик шаклига эга. Мумтоз шоир-ларимиз уни араб ёзувидаги “дол”га менгзайдилар. У висол умидидаги ошиқ учун “дор” вазифасини ўташи ҳам мумкин. Бунда, албатта, муболағага йўл қўйилган бўлади. Тасаввуфда зулф манзурнинг беқарорлигига, баъзан эса барқарорлигига

ишора қилади. Баҳарҳол унинг сўфиёна талкинидан кўра, адабий-рамзий маънолари шеърятда кўп истифода этилади.

Модомики, ёр ошиққа висол лаззатини ваъда қилмас экан, унда ошиғини шу зулфи билан “осиб, жонидан жудо” қилгани маъқул. Чинакам ошиқ учун бу айни кутилган қисмат. Шунингдек, зулфнинг маъшуқа томонидан лаб ёхуд тиш орасига олиниши яхшилик аломати эмас. Бу манзурнинг ўзига яраша ўр, жиззакилигини билдиради. Ғазал матлаъсида зулф ҳусн чиройининг ортишига сабабчи унсур, шу билан бирга мушки анбар таратувчи ёкимли ашё сифатида тилга олинган. Шамъ нури канчалик тор, ингичка бўлса, унинг ёғдуси шунчалик нурафшон бўлиши ҳаётий мантик. Худди шу мантиқ зулфнинг ҳусн чиройининг борган сари ортишини таъминлаш хусусиятини поэтик жиҳатдан далиллай олади.

*Юзни гуллардан безабму бизни қурбон айладинг?
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?*

Юзни гуллар ила безатмоқ маъшуқа жамолининг янада чирой очишига, бинобарин, ошиқни қурбон бўлишига боис бўлади. Йўқ. Бу ташбеҳ шоир наздида унча ўрнига тушмагандек. Афтидан, маъшуқа чехрасидаги қизиллик гул рангидан улги олиш эвазига эмас, аслида ошиқни қурбон қилгандаги қонлар маҳбуба бетига сачраган кўринади.

*Тиғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлгоч хароб,
Сув қуюб, тухм экдинг, ул кишварни вайрон айлагач.*

“Тиғ ила пайкон” рамзий маънога эга. Улар аслида беқиёс ҳусн эгасининг ситамкашлигини кўрсатувчи, ошиқни қурбон айловчи яроғлар. Бу ўринда тиғ тилга ишора эмас, албатта. У маъшуқанинг холи устидаги дона тукни билдиради. Пайкон эса киприк толаларини ифодаляпти. Навоий рамзий ифоданинг анъанавий мазмунини анча қуюклаштирган. Гўё улар тиғ ва пайкон эмас, балки ошиқнинг кўнгил боғида мавж урган майса толаларидир. Кўнгил боғи вайрон бўлгандан сўнг, табиийки, унинг майсалари ҳам эзилади, барбод бўлади. Ундан кейин маъшуқа сув қуйиб, тухум (уруғ) қадайд. Бу билан шоир вай-

рон бўлган кўнгил қасрини бошқатдан қад кўтаришига умид боғламоқда. Тухум экдинг – ошиқ қалбида маъшуқага нисбатан чексиз муҳаббат куртакларининг қайта ниш уришига умидни билдиради.

*Қон эмаским, ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.*

*Ошкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурин олди кўнгул, кўзумни ҳайрон айлагач.*

Алишер Навоий маъшуканинг ҳусн-жамолини борган сари авж пардаларда тараннум этади. Юздаги қизиллик дастлаб қонга, сўнг бу фикрдан қайтиб у жаннат кўрикбонининг маъшуқа бетига ёпиб қўйган қизил, ҳарир матосига менгзалади. Хўш, манзур бу матога қачон эҳтиёж сезади? Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагандан кейин шундай бўлади. Маъшуқа ушбу матони бетидан олиш билан ошиқ кўзини ҳайратга солган ва ана шу чалғитиш эвазига ошиқ кўнглини пинҳон равишда забт этган.

*Жонга қўйгач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.*

Ишқ нақди жонга малҳам бўлса, бордир. Лекин кўнгилга эмас. У ошиқ кўнглини ҳалок этган. У бамисоли ганж – хазина. Султон хазинани овлоқ жойга кўмиб қўйган одамни йўқ қилиб юборгани каби ишқ ганжидан воқиф ошиқ ҳам аслида ўлимга маҳкум. Мақтаъда эса ошиқнинг фарёди натижасида унинг оғзидан отилиб чиқаётган нола ўтли ҳайқирик эмас, гўё қон сачраётгани айтилган. Бу тасвирда ўта кучли муболағага йўл қўйилганини билдиради. Негаки, ошиқ висол лаззати ҳикоятига эмас, балки ҳижрон азоби шикоятига оғиз очган:

*Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас, недурким қон келур оғзингдин афгон айлагач?!*

Ғазалнинг лирик қаҳрамони шоирнинг ўзи. У жонон жафосидан, жабр-ситамидан шикоят қилмоқда. Бекиёс ҳусн эгаси, таассуфки, ошиққа нисбатан вафо русумини тутмаган. Билъакс,


ноз-ишваси, кибр-ҳавоси, беписанд муносабати билан ошиқни қайғуга, ҳасрат ўчоғига итарган. Шу сабаб ғазалда ошиқнинг рухий-жисмоний қиёфаси бироз сўлғин, афтодахол. Шунга қарамай, ошиқ ишқ йўлидан ортга чекинмайди. Қурбон бўлиш эса ошиқ учун сўнги манзил эмас. У Восили Муроднинг дастлабки, илк поғонаси, холос.

Махфий қолмасинки, Ҳазрат Навоийнинг ушбу ғазалига XVI асрда улуғ озарбойжон шоири Муҳаммад Фузулий, XIX асрда Моҳларойим Нодира ва каттакўрғонлик соҳиби девон шоир Аваз Муҳаммад Видоий назира ёзган. Шунингдек, XIX асрда ўратепалик шоира Дилшод Барно, ўтган асрнинг 70-йилларида эса замондошимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ушбу ғазалга муҳаммас боғлаган.

Дилшод Барно ҳам, Эркин Воҳидов ҳам муҳаммасда Алишер Навоий мадҳ этган манзур суврати ва сийратига ҳос беҳад гўзаллик ва жафोजўлик хислатини авж пардаларда қуйлайдилар. Тахмисчилар гўё улуғ шоир овозига жўр бўлиб, ошиқнинг ўртаниш, қийналиш, рухий энтиқиш ҳолатларининг асосий сабабларини янада кенгрок, мукамалроқ изоҳлашга эришадилар. Аммо Эркин Воҳидов негадир ғазалнинг учинчи ва тўртинчи байтини бешлик ҳолига келтирмайди. Бу тахмисчининг жузъий камчилиги бўлиб, муҳаммаснинг умумий ғоявий йўналишига зиён солмаган. Яна бир эътироф буким, Э.Воҳидов бу ғазални тахмисга айлантиришдан ташқари, унга махсус шарҳ ҳам ёзган¹. Шунингдек, филология фанлари доктори Н.Жумаҳўжа Алишер Навоийнинг бир неча ғазаллари жумласида ушбу ғазални ҳам мухтасар таҳлил қилган ва “Сатрлар силсиласидаги сеҳр” (Тошкент: Ўқитувчи, 1996) номли китоби мундарижасига киритган.

Ғазалнинг умрбоқий шуҳратини таъминлаган фазилатлардан бири унинг халқчиллигидадир. Шу боис ҳам бу ғазал яратилганидан бери мумтоз наво оғушида халқимизнинг етук хонанда ва ҳофизлари томонидан ижро этилиб келинмоқда.

¹ Воҳидов Э. Шоиру шеър ушуур. Тошкент: Ёш гвардия, 1987. Б.95-97.



ИЗДОШЛИК ЖИЛОЛАЛАРИ

**ИЗДОШЛИК – БАДИЙ ИЖОДНИНГ
ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ,
У МУАЙЯН ИЖОДКОРНИИГ ЎЗИНИ,
ЎЗЛИГИНИ КАШФ ЭТИШДАГИ
ТАЖРИБАСИ, МУМТОЗ АДАБИЁТ
НАМОЯНДАЛАРИГА, ЯНА-ДА АНИҚРОҚ
УЛУҒ НАВОЙГА ИНТИЛИШИНИНГ,
ЭРГАШИШИНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИДИР**

ВАФО ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

*Одамий бўлса, вафо ондин йироқ,
Ит вафо бобида ондин яхшироқ.*
Алишер Навоий

Шарқ мумтоз адабиётининг асосий хусусиятларидан бири воқеликни тимсол ва рамзлар орқали ифода этиш усулидир. Шу маънода сўз санъати ҳаёт ҳақиқатини борлиқ – оламда рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган ҳолатдан ҳам устунроқ тарзда намойиш этади. Бошқача айтганда, бадий ҳақиқат ҳаёт ҳақиқати бағридан униб чиқади ва уни ўз ортидан эргаштиради.

Бадий сўз оламида инсонга хос хусусиятларни ҳайвонлар образи орқали ифодалаш анъанасининг тарихий илдизлари халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Шу жиҳатдан маълум бир ҳайвоннинг ўз қавми ва одамзотга муносабатидан келиб чиқиб, унга бадий вазифа юкланади. Шу тариқа қатор ҳайвон, парранда, дарранда ва ҳатто майда ҳашоратлар ҳам адабиётда худди инсон сингари муҳим ғояларни юзага чиқарувчи образ ёки персонаж сифатида қаламга олинган. Бу ҳодиса нафақат туркий балки қардош, ҳатто жаҳон адабиёти тажрибаларида ҳам катта поэтик воситага айланган. От–ҳақиқатпарвар, эшак–гўл, йўлбарс–мардлик, шер–юрт эгаси, бўри–адолат, тулки–айёрлик, товус–гўзаллик, кўён–оғизлик, тошбақа–беозорлик, чаён–зулм қилувчи, ари–ризқ ташувчи, чумоли–меҳнатқаш, айиқ–вазминлик, фил–сабр–қаноат, дев–ёвузлик, тимсоҳ–нафс ва бошқа ҳайвонлар у ё бу хусусияти билан одам авлодига ибрат қилиб тасвирланади. Сўз санъатида, ҳатто бир жонзотнинг икки хил ранги бўлса, икки хил маънога эга бўлиши ҳам кузатилади. Оқ кабутар–эзгулик, кўк кабутар–тинчлик рамзи ҳисобланади. Ит гоҳо муайян нафс кўринишини ҳам ифодалайди. Шу боис Алишер Навоий тўқайзордаги шерни енгил машқ самараси, «нафс ити»ни жиловлаш эса шижоат ва мардлик белгиси дея эътироф этади:

*Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ.*

Ит – ибтидоий одамнинг биринчи уй ҳайвонидир. Нақлга кўра у одам аждодининг дастлабки саккиз авлоди билан бирга яшаган, сўнг одамни мукаррам билиб ўзидан насл колдирган экан. Сўз санъатида унинг турли хил бадийй вазифалари бор. Аввало, у вафо ва садоқат тимсолидир. Унинг табиатида ға-йирлик, йиртқичлик иллати мавжудлигидан кўз юмолмаймиз.

Алишер Навоий «Насойиму-л-муҳаббат» тазкирасида бир овчининг дунё неъматларидан воз кечиб, дарвешлик тариқини қабул қилганига унинг ити сабабчи бўлганини жуда таъсирли ҳикоя қилади. Абу Усмон Мағрибийнинг дунё ташвишларидан воз кечиб, дарвешлик маслагини қабул қилишига унинг ити сабабчи бўлган. У ҳар куни ўзининг чўпдан ясалган косасида сут ичар экан. Бир сафар Жазоирда ов пайтида шу косани қўлига олса, ити безовта бўлиб, вовуллайди. Косани жойига қўйса, тинчланади. Бу ҳол уч бор такрорланади. Мағрибий учинчи гал косани ерга қўйганда, ит келиб сутни ичади ва дарҳол жон беради. Маълум бўлишича, сутдан бир қисмини илон ичган, колганини эса заҳарлаб кетган экан. Ўз итидан шунчалик меҳр ва садоқатни кўрган Абу Усмон Мағрибий дарвешлик тариқини қабул қилади ва колган умрини хонақоҳларда кечиради.

Хўш, ит нега косанинг сутини тўкиб ташламайди? Шундай қилса, бевафолик бўлур эди. Хожасининг ризкини ҳайф қилган саналарди. Унда тил-забон йўқ. Аммо забондан кучли муҳаббат ва вафо бор. У ўз хожасига нисбатан чин вафодорлик хусусиятини ўз жонини фидо этиш билан исбот қилган. Ёинки улуғ шайх Нажмиддин Кубро пок назар билан итга таъсир ўтказган. Шайхнинг «нури каромати» тушган ит шу заҳотиёқ ўз шерикларидан ажралиб, хонақоҳга келади ва шайхнинг ҳамхонасига айланади. Бошқа итлар уни тавоф қиладилар. Ит ўлганда Нажмиддин Кубро уни худди авлиёдек дафн этган эмиш. Шу ва шу каби ҳодисалар моҳиятини билмай туриб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидаги ва умуман, шарқ шеърлятидаги ит образининг мазмунини етарлича шарҳлаб бўлмайди.

Шоир ижодида ит, кўпинча, чинакам ошиқ, меҳру вафо, садоқат тимсоли сифатида талкин қилинади. Ҳақиқий ошиқ маъшукага қандай яқин муносабатда бўлса, унинг итига ҳам шундай мулозамат кўрсатади. Шу маънода буюк салтанат соҳибининг, ўрни келганда, қаҳри қаттиқ саркарданинг ўз шахсиятини меҳру вафода бу қадар якто, камтар ва хокисор, айна пайтда садоқатли ошиқ, чин дўст сифатида тасвирлаши, унинг юксак инсоний фазилати ва шоирлик салоҳиятидан нишонадир. Шоирнинг ғоявий-бадий мушоҳадаларини юзага чиқариш учун ит образи фаол иштирок этган бир ғазалга диққатни жалб қилайлик:

*Қаёнга борсанг, итингмен, ўзумни еткуройин,
Етишмасам санга боқиб, дуо қилиб ҳуройин.*

*Юзум бўсаганга сурсам, не яхши айш дурур,
Иноят эт эшигингда бу айшни суройин,*

*Фироқинг ичра йигидин нечук йигай ўзни,
Ёшим бошурди жаҳонга, не навъ ёшуройин.*

*Неча тағофул этиб, менга боқмайин юрар ул,
Неча тазарруъ этиб мен анга боқиб туройин.*

*Қуёшга зарра назар солмағай севунмакдин,
Қутулса ғам тунидин кўрса яна Бобур ойин.*

Бобур шоҳ кундалик ҳаётда ҳар кун, ҳар сонияда ишлатиладиган оддий сўзларнинг тартибли тизмасидан гўзал санъат намунасини барпо этган. Ғазалда лирик қаҳрамон-ошиқ маҳбубага энг яқин киши сифатида ҳамиша унинг ёнида бўлишини, бунга имкон йўқ пайтларда эса маъшуканинг дуоғўйи бўлишини матлабдаёқ аён этади. Одатда шоирлар «ит каби», «итингдек», «итинг сингари» дея ташбеҳ қиладилар. Бобур мирзо эса тўғридан тўғри мажознинг ўзини қўллайди:

*Қаёнга борсанг, итингмен, ўзумни еткуройин,
Етишмасам, санга боқиб, дуо қилиб ҳуройин.*

Ит ошиқлик тимсоли эканига юқорида урғу берилди. Энди унинг маъшуқага бўлган самимий муносабати лирик қаҳрамоннинг мурожаати, илтифоти фониди ёритилади.

Маълумки, хўжайиннинг оstonаси – итнинг маскани. У ҳеч қачон оstonа ҳатлаб ичкарига қирмайди. Агар шундай қилса, бу такаббурлик ва таъмағирлик белгиси бўларди. Бобур худди шу манзарага бадий маъно юклайди. Яъни, ошиқнинг маъшуқага меҳри шу қадар баландки, у маҳбуба оstonасига бош қўйишни висолга эришишнинг сўнгги босқичи ҳисоблайди ва ёр бўсағасига юз қўйишни ўзи учун ҳузур-ҳаловат, айш-ишрат деб билади. Шунга эришмоқ учун маҳбубадан иноят сўрайди:

*Юзум бўсаганга сурсам, не яхши айш дурур,
Иноят эт эшигингда бу айшни суройин.*

Васл ҳар қандай ошиққа ҳам насб этавермайди. У кўп машаққатлар эвазига етишиладиган бахтли лаҳза. Бобурнинг лирик қаҳрамони ҳам васл ҳажрида ҳар қандай азоб-изтиробга бардош беришга тайёр. Айни пайтда фироқ натижасида оқаётган кўз ёшларини яширишни истамайди ҳам:

*Фироқинг ичра йигидин нечук йигай ўзни,
Ёшим бош урди жаҳонга, не навъ ёшуройин.*

Лирик қаҳрамон шу қадар садоқатли бўлса-да, унинг маҳбубаси айёр. У ошигининг жонфидалигини яхши билади, аммо ўзини билмасликка олади. Синашда давом этади. Шу боис ошиқ маъшукнинг раҳмсизлигидан, жабру зулмидан заррача таъсирланмайди. Ишқда содиқлигини исботлашга киришади. Нигоҳини ўзга томонга чалгитмайди:

*Неча тағофул этиб, менга боқмайин юрур ул,
Неча тазарруъ этиб, мен, анга боқиб туройин.*

Ғазал мактабсида эса висол илинжига ишора бор. Яъни шоир-ошиқ айрилиқ азобларидан қутулса ва висолга етса, севинчдан зинҳор безинҳор бошқа маъшуқага ҳавас қилмайди:

*Қуёшга зарра назар солмағай севинмақдин,
Қутулса ғам тунидин кўрса ёна Бобур ойин.*

Ғам туни – ошиқнинг айрилиқдаги рухий оламига дахлдор поэтик ифода. У шундан, яъни ҳажр азобидан қутилса ва ой (маҳбуба)га эришса, қуёш (бошқа гўзал)га мутлақо назар ташламайди. Мазкур тугалланма байтда ошиқнинг муҳаббатда собит ва ишқда содиқлигига яна бир қарра ишора қилинган.

Ғазал бадийи жиҳатдан анча пишиқ. Унда истиора, такрор, тажнис, тазод ва бошқа бадийи тасвир воситалари моҳирона қўлланган. Ошиқона руҳда, изҳор услубида, арузнинг «муҷ-тасси мусаммани маҳбуни мақтуъ» вазнида битилган. Шоир ғояси биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Маъшуқа ишти-рокчи эмас, тингловчи образ. Ошиқ нуткидан маъшуқанинг баъзи хислатлари намоён бўлади. Чунончи, маъшуқа такаббур ва иззатталаб. Шунинг учун ошиқ «иноят эт эшигингда бу айшни суройин» деб ундан изн сўрайди. Иккинчидан, маъшуқа – раҳмсиз. У ошиқнинг ҳажр азобида қийналишини хуш кўра-ди. Учинчидан, маъшуқа – айёр. У ошиқнинг садоқати, меҳри ва вафосини кўра-била туриб, кўрмасликка олади. Айни пайтда анойи ҳам эмас. Шу тариқа ошиқнинг садоқатини синайди. Де-мак Бобур ошиқ нутқи орқали маъшуқа характериға хос хусу-сиятларни ҳам моҳирона тасвирлай олган.

Ит – Бобур учун поэтик восита, холос. Асл мақсад эса чинакам инсоний фазилатлар: ишқда барқарорлик, собитлик, меҳр ва вафо сингари ноёб тўйғуларни бадийи йўсинда ифода-лашдир. Шоир бу муддога тўла-тўкис эришган. Ғазал муто-лааси ҳалқимизнинг «хотин-жафо, ит-вафо» деган мақолини хотирга солади. Халқимизда яна «ит эгасини қопмас» деган мақол бор. Шунингдек, «ит эгасини танимас» деган мақол ҳам йўқ эмас. Биринчиси яхшиликни кадрловчи, иккинчиси шу фазилатни унутиб қўювчи одамларга нисбатан ўйлаб топилган. Қутурган итнинг ҳақиқатдан эгасига ҳам, бошқаларга ҳам тан жароҳати етказиши, бу эса одамни ўлимга олиб бориши ҳаётда кўп кузатилган. Ит – баҳарҳол ит. У одам авлоди эмас. Бироқ баъзи каслардан фарқланувчи ижобий фазилатлари борлиги

учун ижод аҳли уни образ воситасига айлантирган. Ҳанузгача ҷўпоннинг ишончли шериги унинг итидир. Шу билан бирга уй ёхуд дала ховлининг кўрикбони ҳам ҳалигача соҳибнинг қучугидир.

Итни табиий офат, бало қазони қайтарувчи жонзот сифатида эъзозлаш туркий халқлар орасида ҳозир ҳам давом этаётир. Иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам уйида кўриқлашга ҳеч вақоси бўлмаган қишлоқ ўзбек хонадонида бир ёки иккитадан ит сақланишининг сабаби ўзлари ҳам билмайдиган ўша сеҳрли қудрат – итнинг ўз эгасини, унинг уйини, ҳатто бутун бошли қишлоқни табиий офатдан асраши билан боғлиқдир.

Юқорида итнинг одам аждодининг биринчи уй ҳайвони эканлиги айтилди. Савол туғилиши мумкинки, иккинчи ёки учинчи уй ҳайвони қайсилар? Одамзот уйидан жой ажратган яна бир ҳайвон мушукдир. Шунингдек, қалдирғоч ҳам инсоннинг энг яқин дўсти тоифасига кирувчи қушлардан бири бўлиб, у йилда бир, қисқа вақт – икки уч ойга меҳмон бўлади. Мушук одам боласи билан ёнма-ён ётса-да, у итга карама-қарши қўйилади. Унда итдаги «вафо»дан заррача учкун йўқ. «Қисаси Рабғузӣй»да унинг ўз жуфтига садоқати ҳам ҳамин қадар эканлиги жуда қизиқарли ҳикоя қилинган. Дарвоқе, қиссада итнинг ўз жуфтига садоқати, қалдирғочнинг одамга кўрсатган эзгу амали ҳам ғоят ибратли ҳикоя қилинадик, бу ўринда Рабғузӣй ҳикоятининг асосий мағзини сизга имкон қадар ҳозирги тилимизда айтиб бермоқчиман.

Алқисса, Нуҳ пайғамбар бошлиқ кемани бир сичқон тешиб қўяди. Пайғамбар тешиқни беркитган жониворнинг истагини бажо келтиришини маълум қилади. Тешиқни илон кулча бўлиб беркитади ва бир неча одам ва жонзотларни кема ҳалокатидан қутқаради. Нуҳ илонга “тила тилагингни” деса, илон: «қайси эт тотли бўлса, ўшани бергил», дейди. Нуҳ энг тотли этни келтиришни пашшага буюради. Пашша эт кидириб кетади ва ҳадеганда келавермайди. Уни излаш қалдирғочга топширилади. Йўлда улар учрашиб қоладилар. Қалдирғоч ундан қайси эт ширинлигини сўрайди. Пашша «одам эти» деб жавоб қилади. Қалдирғоч: «Ул этнинг тоти оғзингда бор, оғзингни очгил, бир

искаб кўрай» деб айтади. Пашша оғзини очади, қалдирғоч унинг тилини чўкиб олади. Сўнг улар икковлашиб Нухнинг олдига келадилар. Пашша гунгиллайди. Нух сўрайди: «Не деюр?» Қалдирғоч жавоб килади: “Кўп вақт кетганидан хижолат бўлиб, кўрқиб сўзлай олмас. Менга айтдики, сув бақасининг эти тотлиғ экан”. Нух амр этдики, «Илон сув бақасининг гўштини еб кун кўрсин...» Ўша воқеадан бери қалдирғоч илонга душман, одамга дўст эмиш. Рабғузий айтадики, «қалдирғоч ёлғон сўз билан ўша эзгу ишни қилмаса, биз – одам авлодлари илонга ем бўлур эдик».

Ҳикоя давомини ўқиймиз: “Нух жонзотларга айтди: “Жуфтингиз билан қовушмангиз, кўпайиб кетсак, кемага сиғмасмиз”. Мушук кўрдики, ит жуфти билан қовушар эмиш. Тезда бориб Нухга айтди. Ит тонди. Мушук ёлғончи бўлиб қолди. Кунлардан бир кун ит жуфти билан яна қовушди. Мушук кўрди ва Худога: «Бу ит сенинг элчинга ёлғон сўзлаюр. Қудратинг билан уни уза (узоқроқ) тутгил. Мен бориб Нухга хабар қилай, ўзи кўрсин», деди. Аллоҳ унинг илтижосини қабул этди. Нух келиб кўрди. Ит уятга қолди... Аммо унинг касри мушукка тегди. Мушук ўз жуфтига эҳтиёж сезса, узоқ миёвлаши ўша чақимчилиги оқибати эмиш...”¹

Кўринаяптики, мушук табиатида ҳасад уруғи ҳам йўқ эмас. Ит эса Нухнинг сўзига кирмай, жуфтига садоқат кўрсатади. Аммо гуноҳга қўл ургани боис қовушиш муддати узоқроқ чўзиладиган бўлиб қолади. Хуллас, «Қисаси Рабғузий» ҳикоятларида ҳар бир жонзот тақдири феълидаги яхши-ёмон хислати ёки ёвуз ҳаракати оқибати бўлиб қолгани ғоят қизиқарли ҳикоя қилинган.

Қалдирғоч баҳор келишидан сал аввал келади. Демак, у эзгуликдан хабар беради. Эзгулик элчисига эса уй тепасидан жой бериш удумга айланган. Охиратда одамзотнинг қақраган оғзига икки жонзот – қалдирғоч ва ит сув берар экан. Итнинг оғзидан томчи оқиб юриши ҳам эгасига садоқати эмиш. Хўш, шундай экан одамзот мушукни нега асрайди? Нега унга ўз

¹ Рабғузий Б. Қисаси Рабғузий. Нашрга тайёрловчи Э.Фозилов ва бошқалар. Тошкент: Ёзувчи, 1990. Б.44.

кўрпа(ча)сидан жой беради?! Ахир у «чакимчи» ва «хасадгўй» бўлса?!.

Бизнингча, мушукни ҳимоя қиладиган ягона хусусияти унинг сичкон овлашидадир. Зиён-заҳматда сичкон мушукдан беш баттар бўлса керакки, уни йўқотиш учун ожиз банда мушукка кўрпачадан жой ажратади. Халқда шундай тасаввурлар ҳам борки, мушук ўз эгасининг болалари кўп бўлишини, бироқ уларнинг кўзи кўр бўлиб қолишини истар эмиш. Чунки улар кўрмаса, олддаги таомини ейиш илинжида шундай дер экан. Унинг руҳсатсиз дастурхон титкилаши, сузилган таомга ўзини уриши шундай фикрларнинг тугилишига сабаб бўлган. Ит эса, аксинча, «хўжайинимнинг болалари кўп бўлсин, мен уларнинг кўлидан тушган нон ушоғи, косасидан ортган тоами билан яхши яшайман», дер экан. Баъзи ривоятларда ит кўзи кўр эгасига овқат едириб қўйиши, қуйкасини эса ўзи ялаши ҳақида ҳам ибратли воқеалар келтирилади.

Итнинг ўз эгасига нисбатан садокати, соғинчини кўз ёши воситасида намоён этишини раҳматли аллома Ғайбуллоҳ ас-Салом дўсти профессор Эрик Каримов хотирасига бағишлаб ёзган ёдномасида жуда таъсирли баён қилади: “Эй вох! Ҳовлингга дуои фотиҳа ўқигани борсам, ҳамма ёк хувиллаб ётибди. Дарвоза берк. Сени ногаҳонда йўқотиб, нима бўлганлигини билолмай, эшик тирқишидан жовдираб, қараб турган кадрдон итинг кўзларида ёш кўрдим. Э дунё-о-о-о!...”¹ Шунингдек, домла кенжа қизи бир итнинг боласини асрагани, ўша кучукча бир ғиштнинг устида ётиб ўргангани, ҳозирда бўридай келбати бўла туриб, ҳалиям шу ғишт устида ётишини, ўз ўрнига (демак, Ватанга) садокатини ғоят таъсирли баён қилган.

Итни қўлга ўргатиш бобида немислар бошқа халқлардан, хусусан, биздан анча илгари кетганга ўхшайди. Уларнинг “Комиссар Рекс” деган киносини кўрсангиз итнинг унча-мунча одам эплай олмайдиган ишларни олий даражада уддалай олишидан ҳайратга тушасиз. Ё тавба! Ҳайвон эгасига шу қадар садоқат кўрсатса-я! Одамларнинг бу каби жонзотларга мурув-

¹ Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан одамзод. Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. Б.309.

ват кўрсатиши бежиз эмас экан-да. Хуллас, итнинг одам авлодига дўстлиги, садокати, уни турли офатлардан химоя қилувчи хусусияти, қискаси, бекиёс вафо ва садоқати ҳали кўп талкин ва таҳлилларга сабаб бўлиши турган гап.

ЮРУБ СЎРДУМ ТАБИБЛАРДИН

Бобораҳим Машраб ўзининг безавол, пурмаъно ижоди билан, шубҳасиз, миллий адабиётимиз тарихида туб бурилиш ҳосил қилган йирик адабий сиймо ҳисобланади. Унинг қол (мантикий тафаккурга асосланган дунёвий илм эгалари) аҳлига сир бой бермайдиган сўфиёна ашъорлари табъ ва назм аҳли орасида қарийб тўрт асрдан бери узлуксиз баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Собик шўро тузуми адабиётшунослари унга тап тартмай «ғалаёнчи, исёнкор шоир» тамғасини қадаб қўйганлар. Унга шундай «ёрлик»нинг берилиши бежиз эмас. У ҳақиқатдан ҳам Ҳақ маърифати йўлида ҳеч нарсадан ҳайиқмаган, «Мансур дор»га тикка борган, ҳаёт ва ижод эътиқоди билан ички руҳият дунёсида онг илғамас ғалаён қўзғаган, исён кўтарган валий шоир бўлган. Шу маънода унга ёпиштирилган «исёнкор» тамғасини буткул инкор қилмасдан, уни андай рамзийлаштириш, руҳий олам исёнчиси сифатида талкин этиш, бизнингча, хато бўлмайди.

Машраб шеърляти ўзанида илоҳий ишқ кечинмаларининг турлича талқини ранг-баранг мажозий сифат ва белгилар паноҳида тасвирланади. Ўзгача айтганда, Машраб ашъорлари ичида ҳаракат қилаётган лирик қаҳрамон илоҳий сифатлари билан мажнун характериға эға. Шу боис уни оддий ошиқ даражасида талкин этиш ўз-ўзидан валий зотға нисбатан ғайри илмий мулоҳазаларнинг туғилишиға йўл очади. Машраб «Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай?» деганида муқаддас Каъбани тавоф этиш ақидаларини инкор қилаётгани йўқ. Бу ерда гап тасаввуфда солиқ ахлоқиға соя соладиган икки тушунчалар – таъма ва риё каби нуксонларни бартараф этиш хусусида бо-раётганини таъкидлаш лозим. Юқоридаги машҳур сатрдан аввал Машраб «ёрсиз ҳам бодасиз» яшаш тарзининг ғоят маъни-

сизлигини қаламга олади. Таассуфки, айни иборалар шўро олимлари томонидан ўз ҳолича қабул қилингани боис шоир «буюк исёнкор» тамғасини олган. Бу атама ўз-ўзидан сиёсий тус олгани яна-да ачинарли ҳолдир. Унутмаслик лозимки, Машраб «ёрсиз ҳам бодасиз» деганда маъшуқи жамол ва ҳозирги тассавуримиздаги спиртли ичимликни назарда тутмаган. Аксинча, «ёр» деганда маъшуқи азал, «бода» эса унга чин ихлос ва муҳаббатнинг рамзий ифодаси сифатида тушунилиши лозим. Шунда Машрабнинг «эски дўкон» ҳақидаги исёни моҳияти бироз англашилгандай бўлади. Яъни Машраб демоқчики, дилда таъма ва риё губорлари мавжуд экан, эски дўконга ташрифдан тийилмоқ лозим. Солик ҳаётида ҳамиша Ёр (Худо), дилида эса уни ҳеч қачон унутмаслик, ғоявий эътиқодида унга доимий интилиш – Восили муродга талпиниш ҳисси жўш урмоғи лозим.

Энди Машраб гарданига Офок Хожа томонидан қиздирилган темирнинг босилиши масаласига келсак, бу ҳол буюк шоирга нисбатан замонасининг жазоси эмас, балки ўзига хос сийлови сифатида қаралса, тўғри бўлур эди. Бу ҳақда устоз Абдурашид Абдуғафуров мана буларни дарж этган: “Эшон даргоҳидаги канизакларнинг бирига муҳаббат туфайли шоирнинг жисмоний жазоланиши масаласига келсак, бу онгли равишда қилинадиган шаҳват ўлдириш, нафсни тийиш, томоман илоҳий ишққа берилиш ниятида қилинадиган расмий маросимларни эслатади... Нафсни бундай қурбон қилиш ислом дунёси тарихида унча-мунча учрайди. Машраб «фожиаси»ни Шайх Шиблийнинг ўз кўзига ўзи нил тортиб кўр бўлиши ёки Хожа Аҳмад Яссавийнинг ёруғ дунёни тарк этиб, қоронғу ғорга кириши билан қиёслаш ўринли кўринади...”¹

Ҳақиқатдан ҳам, юкоридаги ҳолат онгли муносабат натижаси экани эҳтимолдан узоқ эмас. «Қиссаи Машраб»да шоирнинг канизак билан «алоқа»си ҳам ихтиёрий равишда рўй бергани ҳақида маълумот учрайди. Эмишки, Машрабнинг «гуноҳ»га қўл уриши моҳиятида ўзига яраша мақсад бўлган. Яъни

¹ Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги кадрятлар. Тошкент: Ўқитувчи, 1998. Б.162.

илоҳий муҳаббат ишқида бутун умр ўртанган шоир қиёмат кунда ўзининг Аллоҳ томонидан сўроқ қилинишига умид боғлайди. Худди ўша «гуноҳ» туфайли жазога, эҳтимол, дўзахга юборилишидан аввал сўроқ пайтида шоир бир сония бўлса-да, Аллоҳ жамолидан баҳраманд бўлиш истагини билдиради. Шоирнинг «Мақбули Ҳидоят бўлайин деб гуноҳ эттим» мисраси машрабшуносликда юкоридаги тезиснинг шаклланишига сабаб бўлган. Аммо, «қисса»даги барча воқеаларни тарихий ҳақиқат билан мутлақ уйғун деб қабул қилиш ярамайди. Унда манокіб (шарқ дунёсида авлиёлар, пайғамбарлар, шайхлар ва сўфийлар ҳақида яратилган асарлар шундай деб юритилган) асар характериға мос тўқималар биринчи планга кўтарилиши эвазига тарихий шахс анча улуғланган.

Машрабнинг авом томонидан идрок этилиши қийин бўлган ғазаллари туркий қавмлар орасида кенг тарқалгани боис у «девона», «шоҳ» ва «дарвеш шоир» сифатида латифалар қахрамонига айланган. У ишқ девонаси, ўз мулкининг – кўнгил салтанатининг шоҳи. Елкасида хуржуни, қўлида ҳассаси ва качқули билан дунёни "шатталаб" дарбадар кезган дарвеш. Унинг ички ҳиссиётида илоҳий ишқ тинимсиз туғён уради. Ана шу дардларини бартараф этиш учун шоир – ошиқ кўпинча табиблардан даво излайди:

*Юруб сўрдум табиблардин: Бу дардимга даво борму?
Алар айтурки: Эй нодон, бу дардни бедаво дерлар!.*

Машраб ишқ расмида шу қадар кучли туғён эгаси бўлганки, ҳатто унинг олдида неча Фарҳоду Мажнунлар қисмати ҳам оддий тақдирдай туюлиши мумкин. Негаки, Машраб наздида уларга ишқ дарсидан валий зотнинг шогирдлари сабоқ берган экан:

*Фарҳод ила Мажнун не билур ишқ рамузин,
Ишқ бобида ул шогирдларимки ўқутубдур.*

Машраб сўфийликнинг қаландарийлик тариқатига мансуб валий зот ҳисобланади. Шу боис шоир ғазаллари моҳиятида

қаландарларга хос «дунё»дан устунлик аломатлари кўзга жуда кўп ташланади:

*Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди,
Борғил нари деб, кетиға бир шатталаб ўттум.*

Машраб ижодда ўз замонасигача бўлган Яссавий, Лутфий, Оллохёр, Бокиргоний ва Навоий анъаналарини изчил давом эттирган. Унинг Алишер Навоий ижодига назира усулида бир неча ғазал, мухаммас ва мустахзодлар яратгани машрабшуносликда таъкидланган. Шоир сўз даҳосининг машҳур «Келмади» радифли ғазали таъсирида мустақил ҳолатда ўн икки бандли мухаммас ёзган. Машраб ижодидаги «Айт», «Кошки», «На қилай?» (Алишер Навоийда «Нетай?») радифли ғазаллари улуг Навоийнинг худди шу радифдаги ғазаллари таъсирида ёзилган. Шунингдек, унинг баъзи байт ва мисралари ўз ғазаллари аро такрорланиб юрадики, бу ҳол шоир ижодини бизга қадар тарқоқ ва пала-партиш сақланганини далиллайди.

Машраб ижоди ўзидан кейинги ижод аҳлига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Масалан, Нодиранинг «Нодира аҳволидин огоҳ бўлинг» мисрали машҳур ғазали, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Бу кун» радифли ғазали бевосита Машрабнинг шундай оҳанг ва радифдаги ғазаллари таъсирида ёзилган. Машрабнинг XIX аср туркман шоири Махтумқули ижодига таъсири аниқ сезилиб туради. Хуллас, валий зот, кўнгил қасрининг подшоҳи, ишқ аҳлининг телбаси, дард аҳлининг дардманди Бобораҳим Машраб мероси ҳали кўп мухлисларнинг беминнат мунозарасига сабаб бўлади.

“ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО”НИНГ МУАЛЛИФИ БАҲСИДА

Халқ зиёлилари газетаси – «Маърифат»нинг 2002 йил 1 июнь сонидан бир мактаб ўқувчисининг «Баҳсимизни ечиб беринг» деган мурожаати эълон қилинибди. Афтидан, ўқувчи ўқитувчисидан қониқарли жавоб ололмаган. Боз устига у ўзи мактубида тилга олган дарсликларни ҳам жиддий ўқиб чиқма-

ган кўринади. Айниқса, ёш китобхон профессор Натан Маллаевнинг олий ўқув юрти талабалари учун ёзган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг Дурбекка тегишли саҳифаларини синчковлик билан ўқиганда, бир синфдоши билан арзимас мавзу устида баҳлашмас эди. Қизиғи шундаки, Дурбекнинг шу номдаги достонидан хабардор ўқувчи бошқа бир неча муаллифлар ижодида ҳам шундай сарлавҳали дoston бўлиши мумкинлигини тасаввурига сиғдиrolмайди, хатто «Абдурахмон Жомий ижодида бундай дoston йўқ» деган ғалати хулосага келади. Мен бу ўринда зинҳор ўша мактуб муаллифини айбламокчи эмасман. Балки бундай иккиланишнинг боиси айрим мактабларимизда, эҳтимол, баъзи олий ўқув юртларида ҳам бир мавзу ва сюжет асосида бир неча дoston вужудга келгани ва бу ҳодиса фан тилида «сайёр сюжет» атамаси билан юритилиши ўқувчи ва талабаларга пухта ўргатилмаётганидан, деб биламан.

Шарқ бадий тафаккури дунёсида энг кўп тарқалган севги саргузаштларидан бири, шубҳасиз, «Юсуф ва Зулайхо» достонидир. Бу сюжетни бир халқ адабиёти мисолида кузатадиган бўлсак, туркий тилда ҳам насрда, ҳам назмда яратилган Юсуф пайғамбар номи билан боғлиқ бир неча қисса, дoston ва халқ китоблари бор. Бу асарларнинг илдизи жуда чуқур. Мазкур сюжет араблар ва яҳудийлар дунёсида «Таврот»дан униб чиққан бўлса, Шарқда Қуръони каримнинг “Юсуф сураси”дан қувват олиб илдиз чиқарган. Шунингдек, Юсуф ҳақида «Инжил»да ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Шу маънода сюжетнинг шаклланиши, тараққиёти, мазмун-мундарижаси ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш учун дастлаб ўша маълумотлар, хусусан, “Юсуф сураси” моҳиятидан яхши хабардор бўлиш лозим. Қуръон сураларидаги мазмунни такомиллаштириш, улар ғоясини талқин этиш бадий ижод тарихида жуда кўп учрайди. Юсуф аслида Яъқуб пайғамбарнинг ўғли, бадий ижодда ақл ва ҳусну камолатда беҳад гўзал, шу билан бирга сабру қаноат тимсоли ҳамда вафодор ошиқ сифатида талқин этилади. Ўзбек мумтоз адабиётида Алишер Навоий давригача Юсуф ва Зулайхонинг севги можаролари хусусида кўплаб ижодкорлар:

Фирдавсий, ас-Саолибий, Ибн Сино, Шаҳобиддин Аҳмад, Қул Али, Саййод Ҳамза, Бурхонуддин Рабғузӣ ва бошқа баъзи шоирлар форс ва араб тилида дoston ҳамда қиссалар яратганлар. Шунингдек, Шайх Фаридиддин Атторнинг машҳур “Илоҳийнома” асари таркибида ҳам “Юсуф ва Зулайхо” номида бир ҳикоят мавжуд. Фикримизча, дostonнинг ёзма адабиётдаги сюжет тарихини юқоридаги манбалардан бошлаш мақсадга мувофиқ туюлади. Фирдавсийгача Абулмуайяд Балхӣ ва Бахтиёрӣ деган форсийзабон шоирлар ҳам шу мавзуда дoston ёзганлари маълум.

Маълумки, XV асрнинг йирик мутафаккири, Алишер Навоийнинг устози ва маслакдоши Абдурахмон Жомӣ ҳам ҳамсачилик анъанасига ҳисса қўшган. Худди шу даврда яҳудийларнинг дostonнавис шоири Шохин Шерозӣ ҳам форс тилида шу мавзуда дoston битган. Жомӣнинг етти дostonдан иборат «Ҳафт авранг»и таркибидаги учинчи дoston «Юсуф ва Зулайхо» деб номланган бўлиб, уни форс тилидан ўзбек тилига биринчи марта XIX асрда Муҳаммад Ризо Огаҳӣ таржима қилган. Огаҳӣнинг Жомӣ ижодига муҳаббати анча баланд бўлгани учун унинг юқоридаги дostonидан ташқари яна икки асари – «Баҳористон» пандномаси ва “Саломон ва Ибсол” дostonини ҳам ўзбек тилига таржима қилган. Аммо охириги икки асар таржимаси ҳанузгача топилган эмас.

Жомӣнинг «Юсуф ва Зулайхо» дostonи таржимасини Огаҳӣдан анча кейин замондошимиз Олимжон Бўриев 1986 йилда амалга оширган эди. Бундан ташқари XVII асрда Нозим Ҳиравӣ, XVIII асрда Жунайдулла Ҳозик, туркий шоирлардан Андалиб ва Хиромӣ, XIX асрда эса Салоҳӣ, Холис Тошкандӣ, Собир Сайқалий ҳам мазкур сюжет асосида дoston ва қиссалар яратганлар. Шунингдек, уйғур шоири Мулла Юсуф Ёркандӣнинг 1791 йилда шу номда бир дoston яратгани адабиёт тарихчиларига яхши маълум.

Туркий тилдаги «Юсуф ва Зулайхо» Жомӣ дostonидан ҳам аввалроқ Дурбек деган шоир томонидан яратилган. Бу фикр илк бор профессор Фитрат томонидан 1928 йилда тузилган “Ўзбек адабиёти намуналари. I-жилд” мажмуасида

сўнгра йирик шарқшунос олим Е.Э.Бертельс томонидан 1944 йилда ёзилган мақолаларида илмий муомалага киритилган. Дурбек ва унинг мазкур достони ҳақида адабиётшунос Саттор Ҳайдаров 1960 йилда, тилшунос Жондор Лапасов эса 1971 йилда номзодлик диссертацияси ҳимоя қилган.

Профессор Н.Комилов ва Б.Тўхлиевнинг 9-синф учун тузган дарслик-мажмуасида бу дoston муаллифи номаълум асарлар рўйхатида тилга олинадики, бу ҳақиқатга мос бўлмаса керак. Чунки профессор Натан Маллаев кузатишлари тарих ҳақиқатига анча якин туради. Боз устига олим адабий манбалардан ташқари Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд ва Д.Т.Вороновский каби йирик олимларнинг маълумотларига суянган. Шунга қарамай, бу мавзу хусусидаги баҳс-мунозаралар қарийб қирқ беш йилдан буён давом этиб келмоқда. Ваҳоланки, академик Ботурхон Валихўжаев 1974 йилда эълон қилган «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» номли китобида дostonнинг яна бир қўлёзмасини қўлга киритганини, бу қўлёзма самарқандлик маърифатпарвар Абдуҳамид Пўлотийнинг шахсий кутубхонасида сақланаётганини, унда "Айлади бу қиссани Дурбек назм" деган мисра мавжудлигини таъкидлаб, масалага узил-кесил нуқта қўйган.

Савол туғиладики, шарқ дунёсида мазкур сюжет асосида қатор дostonлар, қиссалар, «Юсуф ва Аҳмад» каби бир неча халқ китоблари яратилган экан, унда бу улкан адабий ҳодисага Алишер Навоийнинг муносабати қандай бўлган? Фарҳоду Ширин, Лайли ва Мажнун, Баҳрому Дилором сюжетига янги либос ўраган, уларни қайта жонлантирган улуғ сўз санъаткори «Юсуф ва Зулайхо» мавзусида бирор нима ёзмаганмикин? Ҳақли савол. Аввало шуни айтиш керакки, улуғ шоир мазкур сюжет тарихини ўз давригача бўлган тараққиёт тарзини яхши билган. «Мажолису-н-нафоис»да 459 ижодкор ҳақида маълумот берган шоир улардан бирортасини шу мавзуда дoston ё қисса яратган бўлса, албатта, шуни ҳам айтиб ўтиш заруриятини туяди. Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарининг «Юсуф алайҳиссалом қиссаси» бобида мазкур мавзуда туркий дoston битиш орзусида эканлигини айтган: «Хомаи фотир хотирға бу орзуни кечирурким, иншооллох, умр омон берса, турк тили била-ўқ кофиру кавн варақ узра хомаи муш-

кин шамомани сургай ва бу қисса назмин ибтидо қилиб, интихосига еткургай...»¹ Шу билан бирга улуғ сўз даҳоси мазкур сюжетнинг тарихий илдизи ва бадий ижоддаги камолоти хусусида ҳам маълумотлар беради. Ҳазрат Навоий қалами орқали биз яна бир дoston муаллифи ҳақидаги маълумотга эга бўламиз. Достоннинг, асосан, форс тилида ёзилган муқобиллари ва ижодкорлари хусусида ғоят қизиқарли шарҳлар ёзган Алишер Навоий Фирдавсий ва Жомийдан кейин Ҳожа Масъуд Ироқий ҳам «балоғатнинг додин берибдур» деб яхши бир дoston ёзганини айтган. Юсуф образининг таърифини ҳам Ҳазрат Навоий тилидан тинглаш наҳоятда завкли, фарахбахш: «Юсуф алайҳиссалом бани Одам жинсининг жамилроғидур. Бир кун ўз юзин кўзгуда кўриб, андоқки ҳусн истиғно ва ғурурга муқтазодур, кўнглига кечдиким, оё, агар мен қул бўлсам эрди, меннинг баҳойимни ким бера олғай эрди?...»²

Умуман, Юсуф тавсифи ва ҳусну назокати хусусида «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да ғоят қизиқарли ва ибратли маълумотлар берилган. Бирок нима учундир Алишер Навоий мазкур сюжетнинг туркий тилдаги намунаси, хусусан, Дурбек ва унинг достони ҳақида ҳеч нарса демайди.

«Юсуф ва Зулайхо»нинг XVII–XIX асрларга мансуб ноёб қўлёзмалари Тошкент Шарқшунослик институти ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида, Самарканд Давлат университетининг ахборот ресурс марказида ва боя тилга олганимиз маърифатчи Абдуҳамид Пўлотийнинг шахсий кутубхонасида – ҳаммаси бўлиб саккиз нусхада мавжуд. Шу билан бирга Туркиянинг Тўнқоқи саройи кутубхонасида хижрий 922 йилда қўчирилган Ҳирот қўлёзмаси, Париж Миллий кутубхонасида хижрий 971 йилда қўчирилган қадимги ноёб нусхалари сақланиб келади. «Юсуф ва Зулайхо» номида бизнинг дориломон кунларда ҳам бир нодир асар юзага келган. Бу драматик дostonни Ўзбекистон халқ шоири Разм Бобожон ёзиб, 2000 йилда Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйида босмадан чиқарган.

¹ Навоий А. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Асарлар. 15 томлик, 15- том. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1968. Б.200.

² Уша жойда.

Хуллас, бир сюжет, бир мавзу ва бир ном асосида бир неча мулликлар бир неча дoston ёзганликларини ва бу фан тилида “сайёр сюжет тармоқлари” деб юритилишини адабиёт муаллимлари ва демак, шинавандалари ҳам яхши билишлари лозим.

ОЛИМ УЛДУРКИ

Жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган хоразмлик сўз санъаткорлари орасида Муҳаммад Ризо Огаҳий беназир шоир, зукко тарихчи ва мохир таржимон сифатида алоҳида ажралиб туради. Унинг тарихий асарларида инсонни ахлокий покликка даъват этувчи кичик ҳажмли маснавийлар кўп учрайди. Муайян воқелик заминида яратилган бу сатрларни умумий матндан айри ҳолда ўрганиш мушкул. Негаки, улар насрда ҳикоя қилинган воқеаларни тўлдиради, далиллайди ва мантикий ҳулосалайди. Шу боис уларни насрий баённинг шеърий тақрори деб эмас, балки “қиссанинг ҳиссаси” деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Огаҳийнинг 1844 йилда ёзилган “Риёзу-д-давла” номли илк тарихий асарида Оллоҳқулихон Хивага ҳукмдорлик қилган давр (1825-1842) воқеалари ўз аксини топган. Асарда турли муносабат билан ёзилган назмий парчалар мавжуд. Ўқиймиз:

*Кишиким, агар жубн қилса шиор,
Эл олдида доим бўлур шармисор.*

*На ёлғуз халойиққа матруд ўлур,
Ҳақ олдида ҳам зору мардуд ўлур.*

*Топар бу жаҳон ичра бадномлиғ,
Ҳам ўлғуси уқбода нокомлиғ.*

*Киши жубндин топса маъзуллиқ,
Топар халқу ҳам Ҳақга мақбуллиқ.*

*Шак эрмас дурур икки олам аро,
Неким комидур тенгри қилгай раво¹.*

¹ Огаҳий М.Р. Риёзу-д-давла. Қўлёзма. ЎзРФАШИ. Сақланиш раками 5364. Иқтибослар шу манбадан олинди (А.П).

Маснавий ёлгон ва ёлгончилик оқибати хусусида. У Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги ёлгончи чўпон билан боғлиқ машхур ҳикоятни эсга солади. Агар киши ёлгончилик билан шуғулланишга одатланса, нафакат халқ, балки Ҳақ олдида ҳам “зору мардуд ўлур”. Аксинча, бу иллатдан холи бўлса, “коми” ҳар икки оламда “раво” бўлғай. Ушбу маснавий ўзига хос мазмун ва тугалликка эга бўлса-да, у асарга маълум тарихий воқеа баёнидан сўнг муаллифнинг унга шахсий муносабатини ифодалаш мақсадида киритилган. Огаҳий ёзишича, айғоқчиликка юборилган қуллар ақобири Обиддин марҳам Хоразм денгизида икки-уч кемани узокдан кўради-ю, Оллоҳқулихонга бу ҳақда маълумот беради: “Ул ҳазратнинг мулозаматига етиб, арз қилдимким, тожикдин икки юз отлиғ кема билан дарёдин ўтуб, устумға келди ва ман аларни иккисин милтиқ била отиб ўлтурдим...”

Хон бу гапни эшитгач, айтилган жойга одам юбориб тафтиш қилдиради. Шунда айғокчи келтирган хабар мутлақо ёлгон бўлиб чиқади. Бундан ғазабланган хон ёлгончига тегишли жазо қўллайди. “Ул ҳазрат онинг жубни жиҳатидин ғазабнок бўлиб, от ва яроқ асбобини илкидин олиб, ўздин боргунча таёклатиб, бир оқшом совукда мажруҳ бўлгон пайкарин ялонғочлаб қўйдурди...” Шоир бу воқеани назмга солиш орқали кишиларни ёлгончиликдан, қаллобликдан тийилишга, маънавий жиҳатдан пок бўлишга, ростгўйликка чақиради.

Огаҳийнинг тарихий асарларидаги маснавийлар реал воқеликка асосланган бўлса, таржималаридаги, хусусан, “Гулистон” таржимасидаги маснавийлар нореал, аммо ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган воқеалар заминида яратилган.

Маълумки, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари ахлокий ҳикоятлар ва шеърӣ парчалардан иборат. Ҳикоят эса гарчи оғзаки адабиёт жанри ҳисобланса-да, қоғозга туширилаётганда муаллифнинг гоявий нияти билан уйғунлашади. Ҳикоятга қўшилган назмӣ парчалар муаллифнинг ўз ижоди маҳсули бўлиб, ҳикоятни янада такомиллаштиради. Масалага шу жиҳатдан қарасак, “Гулистон”нинг Огаҳий қаламига мансуб таржимаси унинг айнан ўғирмаси эмас. Огаҳий таржима жараё-

нида йигирма беш хикоят, уч юзга яқин шеър, бир неча арабча жумлаларни ташлаб кетган. Бунинг асосий сабаби бир-бирига ўхшаш мазмундаги хикоятлардан бирини танлаб, бошқасидан воз кечиш оркали асарни ихчамлаштиришдир.

“Гулистон”нинг “Дар ахлоқи дарвешон” бобидан ўрин олган хикоятлардан бирида Саъдий илм ва илм аҳлининг юксак одоби ҳақидаги ибратли фикрларни келтирган. Хикоят таркибида тўрт байтли бир маснавий, бир байт шеър, олти байтли китъа, жами ўн бир байт шеър бор. Огаҳий эса таржима жараёнида бир оз бошқача йўл тутган. Хикоя ўртасида тўрт байтли, ниҳоясида эса беш байтли, жами тўққиз байтдан иборат маснавий келтирган. Шеърий парчаларнинг шакли ва сони асл нусхадан фарк қилса-да, уларда таржимоннинг (айни чоғда, муаллифнинг ҳам) илм ва илм аҳлининг юксак одоб – фазилати ҳақидаги ўлмас фикрлари зуҳур топган. Асл нусха қийматини инкор этмаган ҳолда, Огаҳийнинг таржимонлик фаолиятидаги мазкур хикоятни шу мавзуда яратилган туркий тилдаги сара асарлар жумласига киритиш мумкин.

Хикоятда дастлаб бир шариат билимдонининг отасига айрим олимлар ўзлари айтган гапга амал қилмасликларини афсус-надомат билан сўзлагани баён этилади. Сўнгра таржимоннинг бу воқеага муносабати назм риштасига терилади:

*Элга дунёдин берурлар бимлар,
Ўзлари дойим йиғурлар сиймлар.*

*Чун амал қилмас эса олим агар,
Ўз сўзига, айлағай кимга асар.*

*Олим улдурким, асар қилғай сўзи,
Демағай ул сўзниким, қилмас ўзи.*

*Қайси олимким баданпарвар бўлур,
Ўзи гумраҳдур, нечук раҳбар бўлур¹.*

¹ Огаҳий М.Р. Гулистон. Қўлёзма. ЎзФАРШИ. Сакланиш рақами 899. Кейинги иқтибослар ҳам шу манбадан олинди (А.П.).

Кўринаётирки, Огаҳий йигитнинг фикрига қўшилмоқда. Негаки, ҳақиқий олим шогирдидан талаб қилаётган улугъ фазилатларга, аввало, ўзи эга бўлмоғи, айтган ҳар бир сўзига ўзи амал қилмоғи лозим. Тил ва дил бирлиги ҳақидаги бадий ҳақиқат юкоридаги учинчи байтга сингдирилган. Бу ўринда шоир зиёлиларни “нишон”га олиши бежиз эмас. Таниқли олимнинг илмий мактабидан илм-фан тараққиётининг у ёки бу жиҳати учун хизмат қиладиган бир неча шогирд етишиб чиқиши мумкин. Демак, устозлик макомига эришган олимнинг зиммасидаги масъулият бошқа касб эгалариникидан анча устундир. Буни аллома Саъдий ҳам, мутаржим Огаҳий ҳам жуда яхши англаганлар.

Огаҳий маснавий сўнггида ўзига оро берадиган ва нафс бандасига айланган раҳбарларни “бандапарварлар” деб қоралайди. Чунки илм ички гўзалликдир. Маиший фароғатга берилиб, ташки чиройни гўзал ҳисоблаган олим – гумроҳдир. Бундай кишидан раҳбар чиқмаслиги ҳам тайин. Энди ҳикоятнинг давомига диққат қилинг: “Отаси деди: “Эй фарзанд, маҳз бундоқ ботил ҳаёл била носихлар тарбиятидан юз эвурмак ва уламони залолатга мансуб қилмак пок олим талабида илм фойдасидан махрум қолмак бир кўр ҳолига ўхшарким, лойға ботмиш эрди ва кичкирур эрдиким: “Эй мусулмонлар, менинг йўлумга бир чирог келтиринглар”. Ул чоғда бир фоҳиша хотин анго бонг уруб деди: “Сен ким чирог кўрмассен, чирог била нимани кўрарсен”. Бас, мажлис баззоз дўкониға ўхшарким, онда то нақд бермагунча мато ола олмассан, то ибодат келтирмагунча саодат элта олмассан”.

Зукко ва оқил отанинг дунё илмидан беҳабар фарзанди саволига бундан ортиқ жавоби бўлиши мумкинми?! Жавоб ичида келтирилган ички ҳикоятча ҳам моҳият эътибори билан умумматнинг бош ғоясини юзага чиқариш учун хизмат қилган.

Огаҳий воқеанавис сифатида отанинг жавобига ҳам муносабат билдиради, гўё уни ўз қарашлари билан мустаҳкамлайди:

*Рағбатинг бирла эшит олим сўзин,
Гар мувофиқ қилмас ул сўзга ўзин.*

*Муддаийларнинг бу сўзин билма чин,
Ким дегайлар зоҳирида қаҳру кин.*

*Ҳар кишиким ўзи уйқуда ётур,
Уйқуда ётгонни найлаб уйғотур.*

*Мард улдурким, амал қилгай анга,
Панд агар ёзилса бир девор аро.*

*Зоҳид ўзни зўр бирла қутқарур,
Неча гумраҳларни олим бошқарур.*

Таржимон-муаллиф “домланинг айтганини қил, қилганини қилма” деган қадимги ҳикматни ҳам ҳаёлидан форигъ этмаган. Шогирд устоз фикрини рағбат қулоғи билан тинглаши, рақибу муддаийлар гапига юрмаслиги лозим. Чунки муддаийларнинг ўзлари уйқуда. Уйқудаги одам ухлаб ётган бошқа кишини уйғота олмайди. Айниқса, юқоридаги парчадан тўртинчи қўшмисрани шоҳбайт деб атасак бўлади. Панд-насихат, ҳатто, деворга битилган тақдирда ҳам, ҳамиша инсонни покликка, комилликка ундайди, унга амал қилган киши эса мард одам ҳисобланади.

“Гулистон” таржимасининг “Сухбат одоби зикрида” деб номланган қисмида ҳам илм аҳлига хос фазилатлар ҳақида қатор ҳикматлар мавжуд. Улардан бирида айтилишича, дунёда икки киши беҳуда азоб кўради ва бесамар яшайди. Бири – кўп мол йиққану ўзи емаган, иккинчиси – кўп илм ўргангану унга амал қилмаган одам. Шоир шуни назарда тутиб ёзади:

*Илм аро гар воҳиди давронсан,
Амалинг бўлмас эрса нодонсан.*

*Топмагунг дониш аҳли ичра ҳисоб,
Бир эшаксен, сенга юк ўлди китоб.*

*Бўлмагай ҳаргиз ул эшакка хабар,
Ўтун устида ё эрур дафтар.*

Шоир бутун умр мол-давлат йиғиб, сарфлай олмаган киши ҳақида лом-мим демайди, бироқ илм ўрганиб унга амал қилмаган кишига ниҳоятда ачинади. Уни ҳатто устидаги юкка бепарво қарайдиган эшакка менгзайди. Бу манзара улуғ Навоийнинг “Махбубу-л-қулуб” пандномаси таркибидаги “Илм ўқиб унга амал қилмаган, шудгор қилиб унга уруғ экмаганга ўхшар ёки уруғ сочиб ҳосилидан баҳра олмаганга ўхшар” деган танбеҳ билан мос тушиб турибдики, бундан алломаларнинг ғоявий нияти муштарак эканлиги ойдинлашади. Илм ўрганиш, дейилади “Тулистон”да, мол давлат тўплаш учун восита эмас. Кимки ундан шу йўлда фойдаланса, бу ўзи йиққан хирмонга ўзи ўт қўйиши билан баробардир.

Умуман, Огаҳийнинг инсон одоби, унинг жамиятдаги мавқеи, яшашдан муроди ҳақидаги қарашлари кўпчилик маснавийларида ё бевосита, ё билвосита зуҳур топган. Шоирнинг машҳур “Таъвизу-л-ошиқин” девонида “Даҳреки бир боғ...” дейдиган маснавий мавжуд. У ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-тарбиявий мазмунда бўлиб, муаллифнинг табиат ва жамият, дунё ва ҳаёт, инсон ва унинг мавқеи ҳақидаги қарашларини айрича ифодалаши билан диққатга молик. Шоир ҳаёт инсонга бир маротаба бериладиган улуғ неъматлигини, ўткинчи дунёнинг ҳар бир дақиқаси ғаниматлигини, умрни мазмунли ўтказиш учун мол-дунёга ружу қўйишдан, бойлик тўплашдан кўра ақл – “фаҳму хирад” тўпламок афзаллигини эслатиб, жумладан шундай дейди:

*Давлатига ҳар киши топса даст,
Бўлса неча кун анго мағруру маст.*

*Борғуси давлат қолибон ҳасрати,
Ҳасратига арзимагай давлати.*

*Онда гар шоҳу гадо гар дурур,
Чеккали ҳасратни баробар дурур.*

*Кўрки Скандар била Баҳромۇ Жам,
Ёлғуз алар йўқки – неча шоҳ ҳам.*

*Мақсадига ҳеч бири етмади,
Манзилига шод бўлиб кетмади.*

*Бас, кишиким оқилу доно дурур,
Фаҳму ҳирад бирла тавоно дурур¹.*

Бу сатрлар бағрида жуда теран фалсафий маъно мужассам. Зеро, қанча мол-давлатга эга бўлсалар-да, Искандар Зулқарнайн, шоҳ Баҳром, шоҳ Жамшид, қисқаси, жаҳоннинг барча шохлари боқий дунёга ҳасрат ила кетдилар. Демак, одамзот бойлиги билан эмас, балки акли, фикри, дунёқараши ва равшан тафаккури билан қудратли экан.

Хуллас, Огаҳийнинг ахлоқий маснавийларини ўқиш ва ўқиш инсоният маънавий ҳаёти учун факат фойда келтириши, шубҳасиз.

ТИЛИМ ШАҲДИНИ СЎР

*Белию оғзи кўрар – кўрмаста чун пинҳон эрур,
Бас, мунӣ қучмоқ, онӣ ўпмоқ қачон имкон эрур.*
Алишер Навоий

Шарқ мумтоз адабиёти, табиийки, шарқона одоб-ахлоқ: та-возеъ, каноат, сабр, маърифат ва юксак маънодаги шарму ҳаёни жуда мураккаб, баъзан эса жуда оддий, поэтик либосларда тарғиб этади. Шуниси ҳам борки, туркий адабиёт яловбардорлари ошиқ ва маъшук ўртасида бўладиган ишқий кечинмалар, интим муносабатлар тасвирида бирор бир ижодкор шарқ ахлоқига зид парнографик ҳодисаларни тарғиб қилмайди. Аксинча, ҳар бир ижодкор лирик қаҳрамонлар орасидаги ишқий-интим муносабатларнинг самимий, покиза ва мустаҳкам ишонч заминига қурилишини хоҳлайди ва шу ҳодисани бетакрор манзаралар фо-нида тасвирлашга эришади ҳам. Мумтоз поэтикада бу тасвир «қабих» санъати дейилади. Бу атама одатда шеър илмида

¹ Огаҳий М.Р. Таъвизу-л-ошиқин. Қўлёзма. ЎзРФАШИ. Сакланиш рақами 938. 212 б сах.

“малих” деб аталувчи тасвир воситаси билан бирга «қабих-малих» деб юритилади ва ана шу икки санъат биргаликда муайян ғазал асосини ташкил этади. Бундай ғазалларнинг биринчи мисрасида айтилган қабих ифода иккинчи мисрасида хаспўшланади, пардозланади, яъни малих-ёқимли, гўзал санъат асосида аввалги гаплар кескин юмшатилади. Мавлоно Лутфий, Муқимий, Фуркат ва Хомуший ижодида қабих-малих санъати асосида яратилган бир неча ғазаллар бор. Аммо биз мазкур ўринда қабих санъатининг ўзи ҳақида баъзи мулоҳазаларни баён қилмоқчимиз. Айтилганидек, ўтмишдаги назарий манбаларда бу санъат ҳамиша “малих” сўзи билан биргаликда қўлланган. Биз уни илк бора айро ҳолда тадқиқ этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Унутмаслик лозимки, “қабих” сўзи шаклан салбий таассурот пайдо қилса-да, у тасвир воситаси сифатида бундай хусусиятга эга эмас. Аксинча, у ошиқ-маъшукларнинг ўзаро интим муносабатларини гўзал, моҳирона тасвирлаш тамойилларига таянади.

Қабих санъати ўзига хос тасвир усулларида бири бўлиб, бир ёки икки сўздан иборат эмас. Бундай усул оркали муаллиф ошиқ ва маъшукнинг ўзаро интим муносабатларини жонли лавҳа, манзара ва картиналар фонида тасвирлайди. Одатда лирик қаҳрамоннинг маъшуқадан бўса талабгорлиги унинг айна ҳодисадан кейин бўладиган умид-интилишларини ҳам ифодалаб келади. Зеро, бўса ошиқ учун биринчи кадам. Ошиқ ана шу биринчи кадамдан эҳтиёт бўлиб ўтса, бас. У ёғи секин-аста давом этаверади. Ҳазрат Навоийнинг:

*Дедим: Зақанинг тутуб, сақогингни ўпай,
Кўз қошингга суртибон қабогингни ўпай,
Гулдек юзунг ислабон дудогингни ўпай,
Йўқ, йўқ, йўқ десанг агар аёгингни ўпай, –*

деган рубойиси оддий халқ орасида унча машҳур бўлмаса-да, адабиёт тарихчиларига жуда яхши маълум. У шакл ва мазмун эътибори билан улуғ сўз даҳосининг:

*Кўз била қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз била сўзунг яхши, дудогинг яхши,*

*Энг бирла менгинг яхши, сақогинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёгинг яхши, –*

рубоййси билан жуда уйқаш. Фикримизча, бу рубойиларнинг бири бошқасининг синтези сифатида яратилган. Сабаби ҳар икки рубойида ҳам маъшуқа сиймосининг турли нукталари, бошқача айтганда, унда мумтоз адабиётимизда кенг куйланиб келинган бўса талаб махзанлар тилга олиниб, муаллиф томонидан кўтаринки руҳда мадҳ этилади. Мумтоз адабиётда бўса олиш узвлари бисёр: “юз”, “кўз”, “қош”, “қабог”, “сақог (ияк)”, “дудоғ (лаб)”, “тил”, “занах (зақан ҳам дейилади – энгак дегани)”, “занахдон (ияк чуқурчаси)”, “бакбақа (ғабғаба ҳам дейдилар)”. Шулар жумласида “сўз” ва ҳатто “из” ҳам бор. «Сўз» ва «из»дан бўса олиш тасаввурга мос эмас. Бадий ижодда «ширин лаб» бўлгач, «ширин сўз» ҳам бўлиши табиий эътироф ҳисобланади. Бу билан ошиқ манзурнинг лутфи эҳсонидан, яхши гапидан умидвор бўлади. «Из» унчалик изох талаб эмас. Шарқ ошиқлари ёрга вафодорлиги, чинакам садоқатини исботлаш учун маҳбуба босган изга илтифот кўрсатишлари мумкин. Шу маънода ошиқ маъшуқа изини кўзига тўтиё қилиши, уни ўпиши ҳам ошиқлик сифатини улуғловчи ҳодиса сифатида тасвирланган. Шарқ шоирлари бу ҳодисани ор эмас, ифтихор санаганлар. «Яхши» радифли рубойида ҳам зимдан бўса илинжида бўлган шоир маҳбуба жамолининг турли узвларини “яхши” дейиш билан чекланган. Бу эътироф унинг юқоридаги «Ўпай» радифли рубойида аниқ ва ошқор намоён бўлган. Рубойида лирик қаҳрамоннинг ўз севгилиси билан хилватда учрашиши, дастлаб маъшуқа жамолининг уч маҳзанидан: сақоғи, қабоғи ва дудоғидан бўса олиш истаги билдирилади. Аммо бу истак шунчаки бир лаҳзалик эмас. Дастлаб ошиқ икки қўли билан маъшуқа иягини тутиш орқали унинг ўртасидан, кўзини маъшуқа қошига суртиш билан қабоғидан, сўнг манзурнинг гулдек юзини ислаб, лабларидан бўса олиш илинжида. Сўнгги мисрада «йўқ»нинг уч марта такрорланиши бежиз эмас. Лирик қаҳрамон ёр жамолининг уч нуктасидан бўса талабгор. Маъшуқа ҳар учала хоҳишга ҳам кескин тарзда «йўқ» деб жавоб берса, унда

ошиқ ҳеч бўлмаса маҳбубанинг оёғидан бўса олишга ҳам орқилмаслигини изҳор қилмоқда. Бу манзара ўқувчида салбий таассурот пайдо қилмайди. Аксинча, улуғ шоирнинг қабих санъати воситасидаги мурожаати ошиқ сиймосини яна-да, баланд чўққига олиб чиқади.

Кейинги давр санъаткорлари ижодида бу ҳолат ва манзаралар ўзгача тус ва поэтик лавҳаларда ривожлантирилади. Қабих санъатининг энг гўзал намуналаридан бир нечтасини биз улуғ шоир анъаналарининг муносиб давомчиси бўлган буюк шоир, тарихчи ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодида кузатамиз. Анъанавий боғ ёки хилват гўшалардаги висол лаззати, шарқона одоб ва шарму ҳаёга унча тўғри келмайдиган интим кайфият, ўзаро муносабат буюк шоир ижодида табиатнинг турли манзаралари фонида жуда ёрқин тасвирланади. Бундай шарқона эътироф маданиятига зид туюлган лавҳаларни рўқач қилиб, буюк сўз устасини беҳаёликда айблаш инсофдан бўлмаса керак. Зеро, шоир асарлари балогат ёшига етганларга – севгимухаббат туғёнларини бошидан кечирган соғлом фикрли, ақли расо, ахлоқи пок китобхонларга мўлжаллаб ёзилган. Шунингдек, ярим экзотик эпизод тасвирида Огаҳий қаҳрамонлари жаҳон адабиётининг «Минг бир кеча», «Танҳоликнинг юз йили», «Гаргантюа ва Пантагрюэл», «Декамерон» сингари ноёб асарларидаги қаҳрамонлар ёхуд Оноре де Бальзакнинг енгил табиат қаҳрамонларига ўхшаб, тасодифан учрашиб, ўзаро келишиб, вақтни кўнгилхушликда ўтказиш учун ўзларини панароқ жойга олмайдилар. Балки уларнинг ўзаро интим муносабати самимий севги, садоқат ва ишонч туйғуларининг амалдаги исботи сифатида табиий йўсинда содир бўлади.

Огаҳийнинг баъзи ғазалларида маъшуқа ошиққа нисбатан бераҳмлик қилиш йўли билан ўз қадрини оширишга интилса, баъзи ғазалларида бунинг акси, ошиқнинг ҳар қандай истак-хоҳиши маъшуқа томонидан бажону дил қабул қилинади. Гоҳо Огаҳий қаламидаги маҳбуба бамисли насроний аёл каби қабих таассуротлар пайдо қилаётгандек туюлади. Лекин... Келинг, яхшииси шоир қаҳрамонларига улар билан яқиндан танишгач, ҳолис баҳо берайлик:

*Дедим: Лабинг ширинлигин билдур, эй шўх, ўрготиб,
Деди: Била олмас киши то кўрмаса они тотиб.*

Бу қабих санъати асосида ёзилган ишқий ғазалнинг матлаъси. У ўн бир байтдан таркиб топган. Ғазалнинг ҳар бир сатри ошиқ тилидан узвий равишда «дедим» ва «деди» шаклида бошланиши ошиқ-маъшуклар ўртасидаги мунозаранинг тобора шиддатли авж олиши ҳамда асар драматизмининг борган сари кескин тус олишини таъминлаган. Ғазалда йигитнинг шаккоқлиги, беадаблиги, қизнинг ҳам шунга муносиб тарзда шаддодлиги, ноз-ишваси, сўзамоллиги бутун самимияти билан намоён бўлган. Биринчи мисрада ошиқ томонидан манзурга «эй шўх» деб мурожаат қилиниши бежиз эмас. Иккинчи мисра жавобидан унинг шўхлиги ойдинлашади: «Била олмас киши то кўрмаса они тотиб».

Ошиқнинг маъшуқадан юқоридаги каби фавқулудда бўса талаб қилиши одобсизлик, айни пайтда жасорат ҳам. Ҳақиқий ошиқ маъшуқага лутф, хушомад, тавозсў кўрсатиши, унинг сочларини силаб эркалаши, сайру саёҳатга таклиф этиши, мавридини топиб, ундан бўса сўрашга ўзида журъат сезиши мумкин. Юқорида шундай ҳол озгина беадаблик билан бўлса ҳам юз берди. Маъшуқа жавобидан унинг шаддод ва сўзамол, ҳазил-мутойибага ўч бир қиз экани ҳам аён бўлди. Энг асосийси, шеърдан бош мақсад парнография эмаслигини куйирокда билиб оламиз. Асосий мақсад – вафо муаммоси. Уни очиш учун шоир ўзига хос йўл билан келмоқда.

Навбатдаги байтларда ошиқнинг вафодорлик фазилатларини намоён этувчи сифатлари: ёр ҳуснига ошуфталиги, хижрон ўтида азият чекиши, кулбаси ҳам кўнгли каби «бузук» ва «мажруҳ» экани, висол онларига рақибнинг ҳалақит бериши, ўз навбатида маъшуканинг талаб истаги: ошиқнинг ўз базмига таклиф этиши, рақиб фаолиятига уни «уриб ҳам судратиб» барҳам бериши, хуллас, ошиқнинг ҳар бир истаги маъшуқа томонидан қабул қилиниши ёрқин образлар воситасида тасвирланади:

*Дедим: Белинг шавқида йиғлардин бир оқшом тинмадим,
Деди кулуб: Кўб йиғлама, бу тун белим кучгил ётиб.*

Ошиқ маъшуқа жисмининг ҳар бир аъзосига алоҳида лутф, таъвозеъ кўрсатади. Қуйидаги мисралар эса ғазалнинг гўё шоҳ-байти янглиғ гўзал ва жонли таассурот пайдо қилади:

Дедим: Белинг қучмоқ била сабр этмаса кўнглум нетай?

Деди: Тилим шаҳдини сўр, кўксингда жисмим агнотиб

ёки:

Дедим: Сени гар ногаҳон уйқуда кўрсам на қилай?!

Деди: Юзум оҳиста ўп, тасдеъ берма уйғотиб.

Тасдеъ берма – чўчитиб қўйма, дегани. Яъни, маъшуқа “мени уйғотиш учун юзимни оҳиста ўпсанг, кифоя” демоқчи. Савол туғилади: Наҳотки, Огаҳийнинг лирик қаҳрамони шу қадар шарм-ҳаёсиз, беодоб, енгилтак бўлса?! Бу хусусиятлар Шарқ Ширин ва Лайлиларига, Зухро ва Гуландомларига, Кумуш ва Раъноларига мутлақо ёт эмасми?! Ахир улар ўз ҳиссиётларини, ички рағбат ва майлларини, хоҳиш-истакларини, ҳатто ошиқларидан ҳам пинҳон тутадилар-ку?! Ахир улар мойиллик билдириш нарида турсин, бўса ҳақида оддий натижаси бўлмаган таклифдан ҳам уялиб, қизариб узоқ муддат аразлаб юрадилар-ку?! Майли, ҳукм чиқаришга шошилмай турайлик. Огаҳийнинг юқоридаги лавҳасига кўра, ошиқнинг маъшуқасини хипча белидан кучиши, кўксида жисмини ағанатиши каби орзу-истагига, эҳтимол, ишониш мумкиндир. Лекин маъшуканинг ошиқ истакларига рози бўлиши, ҳатто бу таклифларни ортиқчаси билан бажаришининг сабаби нимада? Маъшуқа айни пайтда ошиқ ҳам. Буни инкор қила олмаймиз. Лекин унинг ошиқлигида ўзгача фазилат бўлиши керак-ку?! Бу фазилат ҳаё ва ибод пардасида яширин сақланмоғи лозим эмасмиди?! Бу ерда эса... Келинг, энди ғазал мақтаъсининг биринчи мисрасини ўқиб кўрайлик:

Дедим: Бу сўзлар Огаҳий ҳақида чиндурму экан?

Ана энди кўп нарса аён бўлади. Бояги руҳий энтиқишлар орзу экан, чоғи. Юқоридаги ғаройиб манзаралар тафсилотидан шундай хулоса қилиш мумкинки, маъшуқа бу саволга «На қилурман они ёлғон сўз ила алдотиб» қабилида жавоб берса керак. Шунда мантиқ сакланади. Шунда ваъдага вафо юз беради. Шунда воқеаларнинг шиддатли ривожига, тасвир маромининг кетма-кетлигига путур етмайди. Ана шунда буюк сўз санъаткорига нисбатан Шарқ маъданиятига зид беҳаё лавҳалар тарғиботчиси сифатида таъна-маломат қилишимизга тўла асос пайдо бўлади. Шунда Огаҳийнинг лирик қаҳрамони феъл-атвори, шўх-шаддодлиги ва «амалий» фаолияти билан шарқ қизларининг «кўзини очиб қўйиш»га чоғланган «ҳақиқий қаҳрамон» сифатида тилга тушар-ов?! Ўқийлик-чи:

Деди: Қилурман шод они ёлғон сўз ила алдотиб.

Ана холос! Сўнгги мисра юқоридаги барча беҳаёликларнинг батамом акси. Ҳатто унда ғазалда шу пайтгача айтилган жами ҳаёсизликларнинг мутлақо тескараси ифодаланган. У юқоридагиларни бошдан оёқ инкор қилувчи, йўққа чиқарувчи, таъбир жоиз топилса, маъшуқага нисбатан бериладиган баҳони белгилаб берувчи овоз сифатида жаранглайди. Эътибор қилинса, ғазал тузилишида унинг асосий қисми билан сўнгги байти ўртасида жиддий «узилиш» бордек. Аммо бу «узилиш» мантиқсизликни эмас, балки китобхон кутган ажойиб бадий мантиқни юзага чиқарган. Бизнингча, маъшуқа характериға ана шу сўнгги мисра моҳиятидан келиб чиқиб, баҳо беришимиз керак бўлади. Худди шу мисрадан маъшуқанинг ким ва қандайлиги бутун назокати ила ойдинлашади.

«Таъвизу-л-ошиқин» девонидаги ишқий маснавийларда ҳам ошиқ ва маъшуқанинг ўзаро илтифоти, айниқса, маъшуқанинг ошиқ истакларига бажонидил розилик билдириши, унинг ҳар бир талабини кўнгилдагидек қабул қилиши каби ҳолатларни ҳам қабиҳ санъати воситасида юзага келган лавҳалар сарасига киритиш мумкин:

*Гоҳ ўтиб қош ила қабогимни,
Гоҳ шими хат ила дудогимни,*

*Гоҳ зебо юзумни қил бўса,
Гоҳ шахло кўзумни қил бўса.*

*Гоҳ сўр лабларим зилолини,
Гоҳ ўн лаълим узра холини.*

Шуларни рўкач қилиб, шоирни худди шундай ходисанинг тарғиботчиси сифатида талкин қилиш, содда айтилганда, гумроҳликдан ўзга нарса эмас. Маъшуқада ҳам ўзига хос ошиқлик, садокат туйғуси бор. Худди шу фазилат унда ўз ошиғига нисбатан айтмоқчи бўлган гапларини ошкор айтишга журъат пайдо қилади.

Яна бир ҳақиқат буким, у айнан ҳаёт ҳақиқатининг ёзувчи шууридаги бадиий синтези сифатида қоғозга тушади. Гап шундаки, XX аср иккинчи ярмидаги ўзбек адиблари ижодида экзотикага монанд ҳодисанинг салбий оқибатлари хусусида ибратга лойиқ жиҳатлар тасвир майдонига тортилган. С.Аҳмаднинг “Уфқ”, “Жимжитлик”, О.Ёқубовнинг “Диёнат”, Ў.Усмоновнинг “Гирдоб”, Мирмуҳсиннинг “Умид” романида, шунингдек, Ў.Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” киссасидаги шундай лавҳалар қаҳрамон ҳаётининг фожиали тус олишига сабаб бўлган омиллардан бири сифатида қаламга олинган. Чунончи, “Баҳор қайтмайди”нинг бош қаҳрамони Алимардон Тўраев синфдош дўстининг севгилиси бўлган ҳамшира кизга “зўр”лик йўли билан эришади. Бечора киз турмушнинг бу каби аччиқ зарбаларига чидашга мажбур бўлади. Аммо Алимардоннинг ёшликдаги “одат”и кейинчалик ҳам барҳам топмайди. Ҳатто хотини тўйга кетган кечада “замонавий аёл”лардан бирини ўз уйига таклиф этишдан тап тортмайди. Ичкилик, манманлик, кибру ҳаво, шу билан бирга фаҳш катта санъаткорни бадномлик ботқоғига ботириб қўяди. Бу ҳам етмагандек нуфузли санъаткорнинг ҳаёти автоҳалокат оқибатида интиҳо топади.

Ў.Усмоновнинг “Гирдоб” романида эса ёш ўсимликшунос олим Азиз Қосимовнинг гулдай рафикаси ёш умри ҳазон

бўлаётганидан нолиб, хиёнат йўлига кириб колганини ўзи ҳам билмай қолади. Синфдоши Йўлдош билан тоғ сайрига чикқан Салтанатни шайтон йўлдан уриб, кутилмаган қалгис гуноҳга рози бўлади. Худди шу “гуноҳ” Салтанатни бир умр бош эгиб яшашга маҳкум этади. Асар хотимасида эса ёзувчи Салтанатни яна ўз эри билан юзлаштиради. Гўё муаллиф уларнинг қайта ҳаёт бошлашларига хайрихоҳлигини билдиргандай. Асарнинг жумбок билан якунланиши бежиз эмас. Тўғриси, уларнинг ярашиб кетишини китобхон ҳам истайди. Бирок ўртага хиёнат аралашгани ўқувчининг тайинли ҳукм чиқаришига монъелик кўрсатади.

Маълум бўладикки, ҳар қандай ижодкор “қабих” санъати во-ситасида унинг тарғиб-ташвикини эмас, аксинча, бундай ҳаётий-табiiй ҳодисанинг шарқона одобга, ўзаро ишончга, чинакам муҳаббатга, айниқса, Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос “улуғ хато” сифатида мусулмонча урф-одатларга асосланиши-ни хоҳлайди.

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Муайян воқелик, шуурда шаклланган чақмоқдек ҳаяжон, кутилмаган туйғулар ҳосиласи шеър бўлиб туғилиши мумкин. Аммо шу туғилган шеър муаллифнинг тўлғоғи – қалб дардининг оғрикли мевасими ё ички ҳаяжон, ўй ва ҳаёлнинг эстетик натижасими ёки ўқиган, укқан, кўрган-кечирган ҳаётий тажрибаларининг йиғма поэтик хулосасими, бу ижод жараёнининг ҳар кимга ҳам юз кўрсатавермайдиган сирли, сехрли олами. Шуниси ҳам борки, муайян лирик кечинма тайёр барқарор адабий формулалар негизида қоғозга тушади. Масалан, ғазал, мураббаъ, рубоий, туюк ёхуд мухаммас ёзиш учун шоир эркин бўлолмайди. Сабаби, мумтоз лирик тур жанрларининг муайян конун-андозаси борки, муаллиф бир сония бўлсин бу мезон-талаблардан четлаша олмайди. Аммо тизгинсиз ҳаёл, эҳтирослар ҳаловати, фикр ва ҳаяжон вобасталиги шоир қалбида турлича бадiiй трансформацияга учрайди.

Мумтоз лирик тур жанрларида қалам тебратиш, фикр ва туйғуларни мумтоз оҳангларда ўқувчига таъсирли, жозибадор

килиб етказиш шарафи замондошларимиздан Э.Воҳидов, А.Орипов, М.Али, А.Обиджон, Ж.Жабборов, Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиева, Ж.Камол, Миразиз Аъзам, С.С.Бухорий, С.Сайид, А.Худойберди ва яна баъзи бармок билан санаш мумкин бўлган ижодкорларгагина насиб этган. Бу йўналишда ҳам ўтган асрнинг сўнгги чораги ва янги асрнинг бошлари ўзбек шеърятининг яловбардорлари Э.Воҳидов ва А.Орипов ижоди улардан кейинги ўрта ёш, навкирон ва табиийки ёш шоирларимизга ҳам ибрат намунаси бўлиб келмокда.

Миллий шеърятимизнинг тараққиёт тамойилларини белгилашда номлари тилга олинган истеъдодли шахслар орасида давримизнинг яна бир салобатли шоири борки, XX аср сўнгги чораги ва янги аср аввали ўзбек шеърятини унинг номи ва кенг қўламдаги ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мен Омон Матжонни Навоийнинг «Аввалгиларга ўхшамас» ва Огаҳийнинг машҳур «Устина» радифли ғазалига боғлаган иккита беназир мухаммаси ва санокли лиро-эпик дostonлари учун, шубҳасиз, ўзбек адабиётининг олтин фондидан жой олишга муносиб шахс деб биламан. Огаҳийнинг «Устина» радифли ғазалининг шуҳратида Омон Матжоннинг меҳнати йўқ, албатта. Сабаби, ғазал яратилганидан бери халқ ҳофизлари томонидан ижро этилиб келингани ҳолда бу ғазал мухаммасга айлангач ҳам ўз ҳолида – ғазал шаклида ижро этилиб келинмокда. Омон Матжон истеъдоди янги қирраларининг очилишида эса Огаҳий ғазалининг таъсири кучли бўлгани бешубҳа. Ушбун тaн олганимиз ҳолда иккинчи бир ҳақиқатдан тониб бўлмаслигини ҳам таъкидламокчи эдим. Юкоридаги фикрни Алишер Навоий ғазали заминида туғилган «Аввалгиларга ўхшамас» мухаммасига нисбатан айтиб бўлмайди. Тўғри, шоир истеъдоди олмос қирраларининг бўй кўрсатишида, шубҳасиз, Навоийнинг мухаммасга замин бўлган ўша ғазали таъсири кучли бўлган. Ҳазрат Навоийнинг мазкур радифдаги ғазалининг ҳозирги замонда кенг шуҳрат ёйиши бевосита Омон Матжон қалами билан боғлиқ. Мен ушбу ғазални Омон Матжон мисраларисиз мутлақо тасаввур қилолмайман. Сабаби, мухаммаснинг ҳар бир мисраси

худди менинг бўғзимдан отилиб чиқаётган дард-аламнинг сеҳрли ноласидай руҳиятимда ўзгача завқ, хаяжон, эҳтирос ва кандайдир ёқимли титроқ ҳосил қилади. Мухаммасни тўлиқ ёд айтганим ҳолда унинг таркибидаги буюк шоир қаламига мансуб ғазални шу бандлар жисмидан суғуриб олиб ёд айтиш жуда мушкул. Очиғи, мухаммас замини бўлган ўша машҳур ғазални ёддан айта олмайман. Қизик, ўттиз беш мисрали мухаммасни завқу шавқ билан ёд ўқиган одам етти байтли ғазални, боз устига ўша “таниш” мисралар таркибидаги ғазални ёд айтолмаса, бу ижод оламининг қандай сири бўлди экан?! Назаримда, бу ғазални алоҳида ёд этилмагани билан изоҳланса керак. Мана – издошлик. Мана – ўзига ҳослик. Мана – бадий маҳорат.

Мумтоз шеърятда издошлик ришталарини боғловчи муайян барқарор талаб-мезонлар бор. Издошлик – бадий ижоднинг ўзига ҳос усулларида бири бўлиб, у муайян шоирнинг ўзини, ўзлигини кашф этишдаги тажрибаси, мумтоз адабиёт намояндаларига, яна-да аниқроғи, улуғ Навоийга интилишининг, эргашишининг муҳим белгиларидан биридир. Тазмин, татаббуъ, мусаммат турлари, муайян радиф асосида ўхшатма ғазаллар ёзиш, пайравлик ва бошқалар бир байт ёки бир ғазал таъсирида яратилади. Булар орасида энг мураккаби тахмис боғлаш анъанасидир. Сабаби, тахмиснинг асоси кўпинча бундан аввал, эҳтимол, тўрт-беш аср олдин ёзилган, табиийки, унинг тили, вазни, радифи, ифода воситалари ҳам ўша замон руҳига ҳос ва мос равишда яратилган. Аммо ўша ғазал ғоявий кўлами билан ҳозирги замон шоири наздида ҳам жуда муҳим, ҳатто уни тўлдириш, ривожлантириш эҳтиёжлари бисёр. Худди шу эҳтиёжлар ижодкорни қалам йўнишга, ўша ғазал муаллифи билан ижод майдонида учрашишга даъват этади. Шу маънода тахмис боғловчи ижодий қобилият ва дунёқараш жиҳатдан оний лаҳзада бўлса-да, ўз халафи – устози билан бирлашади. Бошқача айтганда, ижод жараёнида муаллиф улуғ сўз даҳосининг руҳидан мадад олади, унинг ижодий меросига, айниқса, ғазалиётига айрича эҳтироми самараси ўлароқ ўз ҳолида ҳам тугал маъно ифодаловчи бекаму кўст ғазални янада ривожлантириб, кенг кўламдаги яхлит, муаззам санъат ҳодисасига ай-

лантиради. Таъбир жоиз топилса, ўн саккиз ёшли навнихолни пардозчи тилла тақинчоқ ва замонавий атир-упалар билан пардозлайди, унга атласдан куйлак кийдириб, янада кўркам, гўзал ва хушқомат бўлиши учун бор маҳоратини ишга солади.

Омон Матжоннинг «Аввалгиларга ўхшамас» ва «Устина» радифли мухаммаслари, шубҳасиз, икки буюк даҳо қаршисидаги ижодий имтиҳонидирки, шоир бу синовлардан аъло даражада ўтган дейишимизга етарли асослар мавжуд.

Алишер Навоий ғазалда ўз дарди, ёр хажри, унинг ҳусну латофати, жабру ситами шу пайтгача, яъни буюк шоир замонагача яшаган бирор бир ошиқ ёки маъшук қисматига ўхшамаслигидан азият чекади. Ғазалнинг сўнгги қисми ижтимоий тус олиб, нафақат ўзи ёки маъшуқа тақдири, балки замондошлар тақдири ҳам, яшаш ва кураш аъмоли ҳам, ҳатто юрт тепа-сида турган Шоҳ Ғозий лутфи карами, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ҳокимиятни бошқариш усули ҳам аввалгиларга ҳеч ўхшамаслигидан куюнади. Алишер Навоий афсус чекаётган «кўнгли ичра дарду ғам»нинг чексиз, чегарасиз оғриклари олдингиларига ўхшамаслигидан хабар топган Омон Матжон Навоийни надоматга қўйган ишқий можаролар ечимини изоҳлаш мақсадида улуғ сўз даҳосини безовта қилган ғам-андуҳлар сабабини бизнинг замонда кўндаланг қўйиб, уларга жавоб излайди. Қараса, нафақат Навоий айтган «дарду ғам» ёки «жабру ситам»лар, балки борлик олам – чарх авзойи (поэтик топилмага эътибор қилинг) ҳам, давр котиби (бу кенг маънода Оллоҳ, тор маънода подшоҳни ифодалайди) ҳам, инсон кадр-киммати ҳам, учар юлдузлар (булар собик партия арбоблари) ҳам, нафс иши ҳам, нотавонлар одати ҳам – барча, барчаси аввалгиларга ҳеч ўхшамас экан. Айниқса, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш ҳали-ҳануз давом этаётгани, даврнинг ақлли, зиёли қатламини қуйи оким – бир бўлак алифни калтак дейдиган лўтти-возлар баҳолаётгани, ишқ ўрнини ишқсизлик, маърифат ўрнини жаҳолат, адолат ўрнини хиёнат эгаллаётгани, атрофни ўғримуттаҳамлар, гала майнавозчилар эгаллаб олгани шоир қаламида улуғ Навоий мисралари билан чатишиб-битишиб, умумий гоёнинг кенг қўламдаги салмоғини юзага қалқитиб чиқаради:

*Бул жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир ҳужраким,
Ваҳ! Қуёш савдосига шамлар нечук бўлди ҳаким?!
Ишқ бу – ўз умрим анга нечун қасамлар ичмаким?!
Демангиз, Ширину Лайли онча бор ишқ ичраким,
Хўблиқда ул санам аввалгиларга ўхшамас.*

«Тун» билан «тонг» – эзгулик ва ёвузлик тимсоли. Шамчи-рокнинг қуёшга ҳакамлик қилиши шўролар даврида ақли расолар четда қолиб жамиятнинг бир тўда хунхўр-партия маддоҳлари ихтиёрига тушиб қолишини ифодалайди. Ишқ – даҳлсиз туғён. Лирик қаҳрамон унинг учун қасам ичишни истамайди. Банддаги «бирла», «ҳужра», «савдосига», «нечук», «ҳаким», «анга», «нечун», «ичмаким» ва бошқа шу каби ифодалар айна Навоий даври лексик қатламига мансуб сўзлар бўлгани учун мухаммасни тугал мумтоз асар намунаси даражасига кўтарилган дея оламиз. Зеро, мухаммас бошдан оёқ шу услубда – тарихий атамаларни кенг микёсда қўллаш ва уларни юксак ғояга сафарбар эттириш услубида ёзилган. Омон Матжоннинг бирор бир мисраси ёки бирор бир сўз ўз моҳияти билан ғазал нафосатига путур етказмайди, аксинча, шоир қўшган мисралар ипдаги маржон шодаларини кўпайтиргандек, улуг шоир байтларини тўлдиради, изоҳлайди, унда илгари сурилган ғоялар сабаби тахмисчи томонидан бирма бир поэтик йўсинда изчил характерланади. Масалан, юқорида ўқиганимиз учинчи банддаги Алишер Навоий мисраларида маъшуқанинг «ишқ ичра» Ширин ва Лайлидан фарқланиши, «хўблиқ»да эса у ўзигача бўлган санамларнинг бирортасига ҳам ўхшамаслиги таъкидланса, Омон Матжон ана шу тенгсизликнинг сабабини яхши билгани учун «нечун қасамлар ичмаким» дейиш билан тўла асослайди. Аммо бу асос ундан аввал келадиган ижтимоий-фалсафий ғоялар билан мустаҳкам боғланиб, яна-да, гўзал ва кўркем тасаввур ҳосил қилади. Тўртинчи бандда шоир фалакка мурожаат этиш йўли билан ундан ўз аламини, айна пайтда улуг шоирнинг ҳажр азобида чеккан изтиробини бартараф этишни сўрайди. Чунки маъшуқа ҳажр азобида кийнашдан ташқари энди бевафолик расмини тутиб, ошкор хиёнат йўлига ўтади, яъни

бошқа ёр билан учрашишга журъат қилади. Тахмис боғловчининг Ҳазрат Навоий ноласига жўр бўлиб: «Ўлмишамким бу алам...» дея фарёд чекиши лирик қаҳрамоннинг чексиз-чегарасиз азоб ва изтироблар исканжасида эзилган сўлғин қиёфасини кўз олдимизда тўла намоён қилади. Кейинги бандда мантик иплари янада тобланиб, мустаҳкамлана боради. Дастлаб маъшуканинг ишқ ичра Ширину Лайлидан фаркланиши, «хўблик» (гўзаллик)да ҳам аввалгиларига ўхшамаслиги қаламга олинган бўлса, энди ошиқнинг ҳам ишқ аро Фарҳоду Мажнунларга ўхшамаслиги, у илоҳий шаробдан сархушлиги – Бодайи Ҳақ масти экани, шу боис илоҳий ҳажр азобида қийналаётгани, ўз истиқболига ёруғ гўшалар тилаши ички ҳайқириқ ва чексиз хаяжон оҳангида жаранглайди:

*Она Шарқ тожсин кияр, зулматда ушлатманг мени,
Бодайи Ҳақ мастиман, ёлгонга уйғотманг мени,
Ўз хаёлимга қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ўхшатманг мени
Ким, бу расвойи дажам аввалгиларга ўхшамас.*

Омон Матжон улуғ Навоийнинг етти байтли ғазалини етти бандли мухаммас ҳолига келтирган. Мухаммас жуда раvon ўқилади. Унда ишқий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий ғоялар Навоий услубига хос юксак поэтик мушоҳадакорликда баён қилинган. Тахмисчи ҳам навоиёна бадий тасвир усулларини қўллашга эришган. Мажоз, ташбеҳ, тазод, талмеҳ, хитоб, идтифоқ сингари ўнлаб тасвирий воситалар мухаммаснинг ички мусиқийлигини, ўзига хос поэтик меъёр ва маромини таъминлаш ҳамда юксак умумбашарий ғояларнинг юзага чиқишида муҳим воситалар бўлиб хизмат қилган.

Тахмис боғловчи, одатда, анъанага мос равишда сўнгги бандда ўз таҳаллусини қўллаши лозим. Бу билан тахмисчи ким экани ойдинлашади. Бугина эмас, таҳаллус айни мухаммас ёки унинг сўнгги бандидаги ғоя билан чамбарчас боғлиқ бўлиши шарт. «Омон»ни ғоявий асосга йўналтирмаслик асарнинг бадий нафосатига бироз бўлса ҳам соя солиши мумкин. Шоир

худди шу сунъийликдан қочиш эвазига тахаллус эмас, иттифоқ санъатидан мохирона фойдаланади. Бу санъатнинг ўзига хослиги шундаки, у шакл жиҳатдан, бир томондан, ўз расмий маъносида ишлатилади, шу билан бирга шеър муаллифининг адабий тахаллусига ёки исмига ҳам ишора қилади. Шу боис у ҳамиша кичик ҳарф билан ёзилади. Омон Матжон мухаммасда ижтимоий ҳаётда аввалгилардан тубдан фарқ қиладиган нарсатушунчаларни бадий тавсифлар экан, энди «шу ҳаёт тилсимларини» очиш ақли соғлар, назари пок, ҳар томонлама етук, баркамол шахслар, қисқаси, «омонлар» вазифаси эканлигини, сабаби давлат тепасида турган Шоҳ Ғозий қарами ҳам аввалгиларга ўхшамаслигини мохирона тасвирлашга эришган. Зеро, “омонлар” фақат шоир ёхуд бир неча ижодкорлар эмас, улар катта-кичик ҳокимият раҳбарлари: зиёлилар, диндорлар, шу билан бирга шоирлар ҳам:

*Сўкмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,
Ўз замонин рост этар қавми мардлар асли ким,
Бу ҳаёт тилсимларин очмак омонлар касбиким,
Эй, Навоий, қилма Жамшиду Фаридун васфиким,
Шоҳ Ғозийга қарам аввалгиларга ўхшамас.*

Чинакам санъат ходисаси давр, жамият, ҳудуд, миллат ва элат танламайди. Муҳаммас шу фикрни тўла исбот эта олиш қудрати билан ҳам ибратли. Унда Навоийни безовта қилган ходисалар ҳозир ҳам муҳимлиги, эҳтимолки, Омон Матжон наздида яна-да, долзарблиги қаламга олинган.

Ҳақиқий асар ўз даври миллий ва даврий чегараларини синдириб, бани одам авлодига ҳамиша маънавий-маърифий озук берадиган илоҳий мўъжизадир. Омон Матжон ижодида бундай мўъжизалар бисёр. Бунга хайрон қолиш лозим топилмайди. У жаҳон илм-фани, санъати ва маданияти равнақиға муносиб улуш қўшган алломалар юртидан. Сўзни қойилмаком, санъат даражасида дарж этиш қудрати унинг зуваласида бор. Унга Яратганнинг ўзи эҳсон кўрсатган. Омон Матжон маҳоратининг яна бир жиҳати шундаки, унинг баъзи шеърлари ўз

оҳанги, хоразмча навоси билан туғилади. Шоир ижодининг бу қирралари унинг халқчил ғоялари билан уйғун тус олади. Айни шу халқчил сатрлар олис тарих қаъридан таралаётган туркман шоири Махтумкули ноаларининг акс-садосидек тингловчида кучли завқ, ҳаяжон кўзғайди. Бошқача айтганда, Омон Матжон мухаммаслар битишда Навоий ёки Огаҳий овозига жўр бўлса, лирик шеърлар ёзишда ўз созини Махтумкули танбурининг овозига мос равишда жўрлайди. Қиёсланг, Махтумкули:

*Бу дунёга бир келарсан,
Мол-дунёни гамин ерсан,
Изингда қолмаса зурёд,
Изинг ўчар дунё бу.*

Омон Матжон:

*Фано, бақо не ишдир,
Бир-бировни ейишдир,
Изиндан ваҳ дейишдир,
Ўртадаги дўст қани?!*

Ҳар икки парча ўз муаллифининг оҳу ноласи, ички дард-хасратини мунгли пардаларда намойиш этиш билан умумий халқчил рух касб этган. Ёхуд Омон Матжоннинг фахр ва ғурур туйғуларини намоён этувчи мана бу сатрларга зехн солинг, улар буюк туркман шоири ноаларининг акс-садосидек таассурот пайдо қилади:

*Ғамингданки тирикман,
Сенга доимийликман,
Оламда белгуликман,
Фалак имдода келмиш.*

Қаранг, лирик қаҳрамон тириклигининг бош омили ёр «ғами» экан. Ғам – маъшуканинг фироқи натижасида пайдо бўладиган ички андух. У бора-бора ошиқни ичдан емириб, фанога

юзлаштиради. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳар қандай ошиқни ана шу ишқ, ёр ғами адо қилар экан. Шоир иккинчи сатрда «сенга доим шерикман» демасдан, нега «сенга доимийликман», деярми? Одатда «тирик»ка «шерик» яхши қофия бўлади-ку?! Бу ерда бошқа мақсад бор. «Шериклик»да муайян вақт, чегара бор, «доимийлик»да бундай белги йўқ. У мангуликни ифодалайди. Яъни, ҳар қандай даврда маъшук учун ошиқ «доимийлик»дир. Худди шу эътирофни кейинги мисрадаги «олам»га нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Нега шоир «ватанда» демайди? Гарчи у кўпроқ она диёри Ўзбекистонда белгулик бўлса-да, шоир ўз ватанини олам қадар кенгликда ифодалайди. Бундан ташқари «ватан»да ҳам ҳад тушунчаси бор, «олам» эса беҳаддир. Шу боис шоир нафақат ватан, балки «оламда белгуликман» дея фахр ҳисларини туяди. Чунки унга фалакдан ҳамиша мадат келади. Унинг ҳар бир сатри «фалак имдоди» билан илоҳий мўъжиза янглиғ қоғозга тушгани боис ўқувчи, ижрочи, тингловчи, қисқаси кенг китобхонлар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Айниқса, шоирнинг таҳлил қилганимиз «Аввалгиларга ўхшамас» мухаммасини Ўзбекистон халқ ҳофиси Шерали Жўраев ижросида тинглаш гоят мароқлидир. Ана шу мароқли лаҳзаларни пайдо қиладиган оҳанг, фикр ва эҳтирос уйғунлиги илдизэътибори ила дастлаб Ҳазрат Навоий, кейин Омон Матжоннинг сеҳрли каламига бориб тақаладики, буни таъб аҳли, шеър аҳли, мусика аҳли жуда яхши идрок этадилар. Зеро, ҳақиқий санъатни идрок этиш йўллари ҳам, назаримизда, аввалгиларга ҳеч ўхшамайди. Юкоридаги мухаммаснинг ўзбек шеърятини дунёсида барқарор яшаш омилларини таъминловчи фалсафий, тарихий, адабий-эстетик унсурлар шунчалар бисёрки, у ҳали қўн шеършунос ва мусикашуносларнинг диққат марказида туради. Кейинги изланишлар эса, иншооллох, ҳозиргиларга ва демак, аввалгиларга ҳам мутлақо ўхшамайди.



Менинг каламим устозим, профессор
Абдурашид Абдуғафуровнинг илмий
тажрибаларидан тинимсиз баҳра олади.



Отам раҳматлидан менга бир неча
китоб ёдгорлик бўлиб қолди.



Ҳарбий хизматда. Красноярск,
1989



Булар “шоҳ асар”ларим. Қизим
Қумуш ва ўғлим Элёржон.
Тошкент, 1998



Мохир хикоянавис Қутлибека Раҳимбоева билан. Ангрен, 2014



Курсдошлар билан 20 йиллик учрашувда тоғ сайлига чиккандик.
Ангрен, 2013



Шоирлар Ўктам Садин, Рустам Очил
ва Амир Худойберди билан.
Қарши, 2006



Қизим Қумушой қўлигул
чевар бўлган



Устозим Муҳаммаджон Ишонқулов билан. Ангрен, 2013



Дукентлик ўртоғим Баходир Норалиев билан. Ангрен, 1987



Шоир Вафо Файзуллох ва адиба Шарофат Ашурова билан.
Қарши, 2008

КИРМА АҒЁР БАЗМИГА

Инсоният бадий тафаккури, ақл-заковати, зеҳн ва идрок қуввати, гоҳо, шундай гўзал санъат ҳодисасини қоғозга туширадики, беихтиёр катта талантнинг лирик воқелик ёхуд кечинма жараёнини тўлалигича англаши, ўз онги ва қалбига сингдириши, боз устига ўз ҳолича ҳам тугал мазмун ифодаловчи асарни яна давом эттириши, унинг ғоявий-бадий камолотини мустаҳкамлаши, эҳтимол икки, уч ҳисса орттириши мумкин. Ушбу даъвони бизнинг ўзбек адабиётимизда анъанавий тахмисчилик, назира, тазмин, татаббуъ ва бошқа издошликнинг шу каби шакллари исбот этади. Агар гап мумтоз ғазалларга тахмис боғлаш анъанаси ҳақида кетса, беихтиёр кўз ўнгимизда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон ва албатта яна бир Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов жонланади. Бир гап айтсам, муболағага йўйманг. Жуманиёз Жабборов арузга, айникса, мухаммасга айрича меҳру садоқати билан ажралиб туради. Жуманиёз Жабборовнинг бир қатор ғазаллари, Навоийнинг тўрт, Фузулий, Атойи, Муқимий ва Фурқатнинг биттадан ёзган ғазалига боғлаган мухаммаслари, ўзининг бир йўли ёзилган яхлит тахмислари, мустазод, маснавий, туюқ, рубоий ва фардлари XX аср сўнгги ва янги аср аввали ўзбек шеъриятининг бебаҳо бойлиги бўлиб қолди.

Жуманиёз Жабборов фалсафий-бадий мушоҳадаси кенг, лирик қаҳрамон табиатининг нозик қирраларигача чуқур ҳис қиладиган, лирик воқеа, замон ва макон сарҳадларини, шунингдек, анъанавий образларнинг ички психологик ҳолатларини онгли равишда инобатга олиб, воқеа ривожини бадий ғояга, поэтик мантикка бўйсундирган ҳолда қалам тебратади. Арузда қалам юритишнинг жуда кўп мураккаб томонлари бор. Айникса, ғазалга тахмис боғлаш жуда оғир ва мураккаб ижодий жараён. Негаки, тахмис бир кишининг ижодий маҳсули эмас. Тахмис боғловчи ғазал муаллифининг измида бўлади, унинг кўрсатмасидан бир сония бўлсин четга оғолмайди. Шундай қилса, санъат ҳодисасига зиён этади. Тахмисчи ғазал муаллифининг ғоявий концепсияларини чуқурроқ идрок қилса, унинг ўртага

кўяётган идеялари ҳозирги замон шоирининг дунёқарашига, ижодига мос тушса, шу билан бирга шоир ўз иктидорига, қаламининг қудратига ишонса, тахмис боғлашга киришади. Аксинча, бўлмайти. Ўзида ижодий салоҳият, «аруз»га ҳос жасорат сезмаган шоир тахмис учун бош қотирмайти.

Ж.Жабборов муайян ўтмиш шоирининг ғазалига тахмис боғлар экан, ўз мисраларини тайёр асар биноти устидан шундай мустаҳкам терадики, натижада XV ёхуд XVII асрда қаламга олинган ўша мавзу, ғоя ва муаммо ҳали-ҳануз ўз қийматини йўқотмаган, аксинча, тахмис боғловчи назарида ўша бедаъво дард яна-да, қучли ёлқинга айланган. Шоир озар элининг даҳо санъаткор Муҳаммад Фузулийнинг машҳур «Ўландан сўр» радибли ғазалига тахмис боғлаган. Ошиқнинг маъшуқасига дардли мурожаати, дил афғони каби жарангловчи бу таниш нолалар Ж.Жабборов қаламида икки ҳисса таъсир қувватини номоеън этади. Гўё Фузулийнинг лирик қаҳрамони маъшуқадан вафо расмини бажармоқ учун икки шарт қўйиб, «ёлворса», Ж.Жабборов бу шарт рўйхатига яна уч талабни қўшиб, санъат ҳодисасининг бадиий-ғоявий тароватини мустаҳкамлашга эришади:

*Тирикман то ҳаёлинг бирла, биздан энди йўл бурма,
Кириб ағёр базмига, ниҳоят бизни ўлдурма,
Ғубори мақдаминг бўлсин бизимбу кўзлара сурма,
Лабинг сиррин келиб гуфтора мандинўзгандан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.*

Муҳаммаснинг сўнгги бандида шоир лирик қаҳрамон висолга эришиш иштиёқида риёзат чекаётганини, жононга эришиш учун жондан кечишга тайёр эканлигини, модомики ўзи шундай вафо расмини тутган экан, маъшуқадан ҳам шуни талаб этишини ғоят гўзал тасвирлайди. Анъанага ҳос сўнгги бандда тахмис боғловчининг таҳаллусига ҳам дуч келамиз:

*Висол шайдолари бир кун бўлур ёр васлига восил,
Машаққат чекмайн кимдур қилибдур муддао ҳосил.*

*Ниёзий иштиёқингда риёзат бандасидур, бил,
Муҳаббат лаззатидин беҳабардир зоҳиди гофил,
Фузулий ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.*

Ж.Жабборов улуғ Навоийнинг «Гулоб ичра», «Тортайин», «Наврўз» ва «Қизил, сориғ, яшил» радифли ғазалларига тахмис боғлаган. Улар орасида «Қизил, сориғ, яшил» (бу ғазалга халқ шоири Жамол Камол ҳам жуда яхши тахмис боғлаган) радифли ғазал поэтик гоя, фалсафий негизи билан сўз даҳосининг энг оғир, мураккаб ғазалларидан ҳисобланади. Маъмла:

*Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.*

Ҳазрат Навоий айтадики, жонон кизил, сариқ ва яшил тус-ли кийим кийиб, кўзимни яшнатади. Шу боис менинг оҳимдан чор атроф ранги ҳам шу уч хил рангда товланмоқда. Бу ерда шоир маъшуқасининг фақат ташқи белгисини тавсифлаб қўя қолмаган, балки «шуълаи оҳим» дейиш билан ўзининг, бинобарин, маъшуқанинг ҳам руҳий ҳолатини тасвирлашга эришган. Ж.Жабборов ҳам табиат, атроф муҳитнинг шу уч ранг асосида жилоланиши фонида ошиқнинг ички психологик ҳолатини куюқрок чизишга эришган. Яъни тахмис боғловчининг ўтли ноласи, ғазал муаллифининг «шуълаи оҳи» билан туташиб, бир пардада жўровоз бўлиб, ўқувчи руҳиятига ўзгача қайғу, ғамгинлик бағишлайди. Натижада ўқувчи ошиқнинг изтироб исканжасидаги руҳий ҳолатининг туб сабабларини маъшуқанинг ўзига оро бериб, ошиққа парво қилмаслиги билан изоҳлашга мажбур бўлади. Мана юқоридаги «оҳ»нинг узвий асоси, бошланиш қисми. Уларни яхлитликда ўқийлик:

*Кўзларим лолдир кўриб, бўстон қизил, сориғ, яшил,
Неки бўстон, дашт ила майдон қизил, сориғ, яшил,
Йўқ тамомий ер бирлан осмон қизил, сориғ, яшил,
Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.*

Ж.Жабборовнинг Атойи қаламига мансуб «Ул санам-ким...», Муқимийнинг «Навбахор», Фурқатнинг «Сурмадин кўзлар қаро...» деб бошланувчи машҳур ғазалларига битган муҳаммаслари шоир адабий-эстетик оламининг ниҳоятда кенглигини, ғазал муаллифи билан ижодий муносабатга киришишда муайян анъанавий мезонларга изчил амал қилишини, ўз ҳолича ҳам яратилгандан бери таъ ва шеър аҳли эътиборини қозонган мукаммал асарни ривожлантириши, такомиллаштириши, манتيкий далиллаши, ўтмиш анъаналарга садоқат кўрсатиши билан бирга таҳмис боғловчининг юксак таланти, иқтидори ва қувваи ҳофизасидан дарак беради.

Муқимийнинг машҳур “Навбахор” ғазалида баҳор фаслининг бекиёс таровати, она табиатнинг яшил либосга бурканиб, “жўралар, ўртоқлар”ни дам олиш учун ўз бағрига чорлаши, унинг киши руҳиятига ором, хуш кайфият улаши кўтаринки руҳда тасвирланса, ўша маънога кўшимча равишда Ж.Жабборов мисраларида “бир дилоро” мадҳи тилга олиниб, ошиқ тенғсиз табиат қўйнида ўша гўзал билан сайр этиш истагини билдиради. Негаки, бунга табиатнинг ўзи гул очиб, ўзгача ҳусн таратиб, имконият тайёрлаб қўйган:

*Неча гулрўлар ичидан бир дилоро сайлайин,
Ишқ розин айтгали эмди ўзумни шайлайин,
Фикри мумтоз, ҳусни зебосин яна мадҳ айлайин,
Рух очиб кўздан ниҳон бўлса паридек, найлайин?
Айрилиб ҳушу ақлдан телба бўлмай соғлар.*

Зокиржон Фурқатнинг юқорида тилга олинган ғазалида эса шоир томдан тараша тушгандек маъшуқанинг кўзи, юзи, қоши ва қўлини васф этишдан бошлайди. Таҳмисчи эса васф этилаётган маъшуқа жамолини табиат манзараси ва ўз иштироки воситасида мадҳ этиш орқали датлабки икки байтнинг поэтик салмоғини анча кенгайтиради. Шу орқали тасвирнинг янада кўркам, салобатли, жонли ва таъсирли чиқишини таъминлашга эришади. Аввал Фурқат матлаъсини эслайлик:

*Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин доларанг,
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.*

Биринчи мисра унчалик изоҳга мухтож эмас. Унда сурма туфайли маъшуқа кўзларининг янада кўркамлашуви, хино туфайли қўлларнинг лола рангига монандлиги тасвири берилган. Иккинчи мисрадаги маъно биринчисининг узвий давоми. Байтда ёр жамоли таърифи келтирилган. Ғоза – кизил рангли бўёқ. Ҳозирги кизларнинг кизил пудрасига жуда ўхшаш. Қадимда хотин-қизлар турли байрамларда пардоз учун шундай кукунсимон моддадан фойдаланишган ва у ғоза деб юритилган. У бетнинг икки чеккасига думалоқ шаклда сурилади. Тоб – юзнинг шу кизилликда товланиши, жилоланиши. Яъни, Фурқат айтмоқчики, бу гўзалнинг кўзлари сурмадин қаро, қўллари хино туфайли лола рангига ўхшайди. Ғозадан юзлар жилвали, қошлар эса ўсма туфайли таранг тортган. Ж.Жабборов эса бу гўзалнинг кимлигини, қаердан келганини, ҳатто қандай либосга бурканганигача аниқ-тиниқ тасвирлаш заруриятини туяди ва юкоридаги икки мисра устидан ўзининг мана бу мисраларини «пайванд»лайди:

*Келди ногоҳ боғ тарафдан хуш садоли бир жаранг,
Ул томон пешвоз югурдим, ҳайрат ичра ҳангу манг,
Бир келинчак сайр этарди, худди чақмоқдек башанг...*

Мухаммаснинг сири, сеҳрли нукталаридан бири шуки, унинг таркибидан бемалол тахмисга асос бўлган ғазал байтларини ажратиб ўқиш, таҳлил қилиш ҳам мумкин. Аммо тахмисчи қўшган учликларни мухаммас таркибидан тортиб олиб, ўкиб ҳам бўлмайди, таҳлил қилиш имконияти ҳам йўқ. Ўзгача айтганда, мухаммас бандлари фақат ғазал байтлари билан яхлитлик, бир бутунлик касб этади. Шунинг учун ҳам мухаммас ғазал муаллифи тўпламига эмас, бевосита мухаммас боғловчининг тўпламига киради. Бу мумтоз адабиётимизнинг анъанавий белгиларидан бири.

Ж.Жабборов ғазал ва мухаммасларида «Ниёз», баъзан эса вазн такозосига кўра «Ниёзий» тахаллусини қўллайди. Унут-

маслик лозимки, шоир, дейлик тахмисчи ўзининг шеърий лақабини ўзини таништириш учунгина мисра бағрига кистирмайди. Ҳар қандай тахаллус маъно-моҳияти билан ўша ғазал ёки мухаммаснинг ғоявий-бадий мазмуни билан уйғун келиши лозим. Ж.Жабборовнинг мумтоз жанрдаги асарларида, хусусан, тахмисларида тахаллус муаллифнинг, шу билан бирга ғазал муаллифининг етакчи ғоявий нияти билан пайванд ҳолда дарж этилади. Шу билан бирга шакл жиҳатдан ҳар икки шоирнинг адабий унвонига ҳам ишора қилади. Анъанага мувофиқ тахаллус худди ғазалдаги сингари мухаммаснинг сўнгги бандида қаламга олинади. Мана, юқоридаги тахмиснинг сўнгги банди:

*Қай куни тақдир менга бул бахтни кўзгу айлади,
Жумла ошиқ, эй Ниёз, бахтини орзу айлади,
Зарра шафқатни қачон сенга парирў айлади,
Жаврларким, Фурқат, ул шўху жафожў айлади,
Бунчалик жабуру ситам қилмас мусулмонга фаранг.*

Зокиржон Фурқат маъшуқага қанча лутф-эҳсон кўрсатмасин, у жаврлар билан жафожўлик қилаверади. Шу жумладан, ўша парирў ошиқ Ниёзга ҳам зарра шафқат кўрсатмайди. Ниёз – эҳсон, инъом демакдир. Бу ўринда шоир ўз қалбини, вафосини ўша санамга ҳадя этса-да, ул жафожўдан заррача вафо эҳсонини қабул қилолмайди. Худди шу бадий ғоя тахмисчи тахаллусига вобаста ҳолда ниҳоятда кўркем тасвирланган.

Пифагор айтадики, «ҳақиқий шоирда бастакорнинг нозик диди, мусаввирнинг ўткир нигоҳи, файласуфнинг кенг дунёқараши бўлиши лозим». Шу жиҳатдан Жуманиёз Жабборов шеъриятида буюк олим талаб қилган жиҳатлар аниқ балқиб туради. Бу даъвони халқ шоири каламига мансуб мухаммасларнинг юқоридаги таҳлили ҳам ҳол ва қудрат исбот қилиб турибди.

БИР БАЙТ БАЛОҒАТИ

Қоғозга тушганидан буён ҳар бир давр хушовоз санъаткорлари томонидан маком ноласида ижро этилиб келинаётган улуг сўз даҳоси меросидаги машҳур:

*Кўзунг не боло қаро бўлубтур
Ким жонга қаро боло бўлубтур, –*

матлаъли ғазалнинг бошлангич қисми Навоий қаламига мансуб эмас. Унинг юқорида тилга олинган биринчи байтини улуг шоирнинг яқин шогирдларидан бири Мирзобек (аслида Мирзо Алибек) исмли ёш шоир битган. Бу ҳақда «Мажолису-н-нафоис»нинг иккинчи ғаслида мана бу иқрорни ўқиш мумкин: «Мирзобек – инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Таъ ва фаҳм, отару тутарда бу икки мулк йигитлари аросида саромади замона бу навъ таърифлардин мустағний...»¹. Шундан сўнг Навоий ғазалнинг матлаъсини келтириб, унинг кўш ва тескари кофия тури билан зийнатланганини, уни давом эттириш ёхуд унга ўхшатма ёзиш анча душворлигини таъкидлайди. Қизиғи шуки, Мирзобек шу ва шу каби байтларни кўп битса-да, негадир уларни тамомига етказмаган. Кўп ҳолларда чала қолдирган ёхуд якунига етган ғазалини ҳам асраб, авайлаш заруриятини кўп ҳам ҳисобга олавермаган. Шу билан бирга ўша даврда мустаҳкам ижодий таомилда бўлган баёз ёки девон тузиш тажрибасига ҳам майл кўрсатмаган. Алишер Навоийнинг мана бу маълумоти худди шу фикрни тўла тасдиқлайди: «Агарчи онинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерда битимас эрди. Бу матлаъин фақир туготуб, анинг ёдгори учун девонда битибмен...»

Демак, Навоий матлаъни шогирдининг хотираси учун тугал ғазал ҳолига келтирган ва девони таркибига киритган. Маъно ва шакл, оҳанг ва ички шеър ўлчовлари нуқтаи назаридан

¹ Навоий А. Мажолису-н-нафоис. МАТ. 20 томлик. 13-том. Тошкент: Фан, 1997. Б.67-68.

ғоят гўзал зийнатланган ўша байтни худди шу поэтик мезонлар асосида изчил давом эттириш, якунига етказиш, чиндан ҳам, Навоий айтмоқчи, маҳолдир. Буни факат зукко таъ ахли аъзоларигина уддалашлари мумкин. Юкоридаги иктибосдан маълум буляптики, Мирзобек канча ақл-идрок ва фаҳм-фаросат эгаси бўлмасин, ўз ижод намуналарига бепарво бўлган. Бу ҳодиса, табиийки, Алишер Навоийга маъкул тушмайди.

Улуғ шоир Мирзо Алибекка бир неча бор танбех берса-да, афтидан, унинг фсълидаги бепарволикни бартараф этолмаган кўринади.

Навоийшунослар Мирзо Алибекнинг асли самарқандлик эканини, Алишер Навоийга ва унинг устози Сайид Ҳасан Ардашерга фарзанд қадар азиз ва мўътабар йигит бўлганини айтишган. Ҳар ҳолда ёш, ўсмир йигитнинг бевакт вафоти улуғ шоир анча қайғуга қўйган.

Алишер Навоийнинг илк девони мундарижасидан ўрин олган мазкур ғазал ўша давр ҳофизлари томонидан нафис мажлисларда севиб ижро этилган. Унинг танбур навоси билан уйғун ҳолдаги ижросини Навоийнинг ўзи ҳам сармаст бўлиб тинглаган. Хуллас, ғазалнинг мусикий ижроси ханузгача давом этиб келаётгани бежиз эмас. Ғазалнинг поэтик тақомилини, маъшуқа хусну латофатини тараннум этишда шоирнинг ўзга ғазалларидан тубдан фарқланишини, ички ва ташқи қофияланишидан ташқари акс ва тазод санъати заминига асосланганини, уни дарж этишда Ҳазрат Навоий Мавлоно Лутфий тажрибаларидан озуқланганини таъкидлаш жоиз. Мирзобек байти улуғ шоир ижодида гўзал бир ғазалнинг яратилишига туртки берган бўлса, энди Ҳазрат Навоий ғазали ўзбек лирикасида, айниқса, истиқлол шеъриятида бир неча мухаммасларнинг вужудга келишига замин ҳозирлади. Бу ғазалга дастлаб XIX аср Хоразм адабий муҳитининг етук намояндаларидан бири Аваз Ўтар мухаммас боғлаган эди. У негадир ғазалнинг беш байтини тахмисга айлантирган, икки байтини эса тақомилига етказмаган. Менингча, шоир ўша икки байтни поэтик силсиласини узвий равишда давом эттира олмаган ёки ўз мисраларидан ўзи қоникмаган ёхуд ўша даврда Хоразм ҳофизлари томонидан

ижро этилиб келинган байтларгагина тахмис боғлаган бўлиши ҳам мумкин. Шоирнинг ғазал таркибидаги:

*Мажмуи давони дард қилди,
Дардинги манго даво бўлубтур, –*

ҳамда:

*То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анго ҳаво бўлубтур, –*

сингари байтларни бешлик ҳолига келтирмаслиги жузъий нуқсон бўлиб, мухаммаснинг бадий тароватига зиён солмаган.

Тилга олинган ғазал асосида истиклол шеъриятида бир эмас, беш тахмис юзага келган. Аваз Ўтардан сўнг бир аср ўтиб бу ғазалга яна бир хоразмлик шоир Ошиқ Эркин тахмис боғлан. Шунингдек, 77 ёшда “Дил садолари” номли кичик девон тузган самарқандлик шоир Саид Наби Воқиф, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, нуфузли адиб ва шоир Омон Мухтор ҳам ушбу ғазалга яхшигина мухаммас боғлаган.

Эътибор ва эътирофга молик мазкур мухаммасларда издошлик мезонларига жиддий ва изчил амал қилинган. Муҳими, уларнинг бирортасини жўн ёхуд саёз асарлар рўйхатида санаб бўлмайди. Бироқ тахмисларнинг бирортасини ҳам заррача қаситмаган ҳолда бир оддий ҳақиқатни таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Мазкур тахмислар орасида Ҳазрат Навоий тилга олган “кўзи не бало қаро”нинг жабру зулмини янада ёрқин ва таъсирли қилиб намоён этишда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид алоҳида маҳорат кўрсатган:

*Ким қошинга мубтало бўлубтур –
Ул икки қилич аро бўлубтур,
Дил ичра ики яро бўлубтур,
Кўзунг не бало қаро бўлубтур
Ким жонга қаро бало бўлубтур.*

Бу ерда гап зинҳор “икки қилич” ё дилнинг “икки яра”си ҳақида бораётгани йўқ. Тахмисчи ўзига хос рамз ва тимсоллар

орқали ошиқнинг маънавий ва жисмоний суратини тасвирлашга эришган. Бу каби нозик ифода бирликларини тахмиснинг бошқа ҳар бир бандида алоҳида кузатиш мумкин. Аммо Сирожиддин Саййид негадир бошқа тахмисчилардан фарқли ўлароқ мактаъда ўз тахаллусини тиркашни истамайди. Афтидан шоир “Сирож” ё “Сирожиддин Саййид”ни умумий ғояга йўналтира олмаган ё буни истамаган бўлиши ҳам мумкин. Бу эса зинҳор камчилик эмас, эҳтимол, фазилатдир. Чунки тахаллус қўллашнинг ҳам муайян мақсад ва вазифаси бўлади.

Таъкидлаш ўринлики, юзага келган мухаммасларнинг бирортаси ашула ҳолида ижро этилмайди. Эҳтимол, бу беназир тахмисларнинг давр макомчилари эътиборидан четдалиги билан изоҳланар. Аммо XV аср шароитида Мирзо Алибек бошлаган, улуғ сўз даҳоси интиҳосига етказган ғоят гўзал ғазал яратилганидан буён мумтоз маком жўрлигида ижро этилади ва неча минглаб мухлислар кўнглига завқ бағишлаб келмоқда. Уни ҳозирги кунда халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий танбури ва хониши садоларининг уйғунлигида тинглаш ниҳоятда мароклидир.

**ҲАЖВИЯНИНГ “ЗАҲАР”
ХАНДАСИ**

**ҲАЗИЛ – ТЕРАН ТУЙГУЛАР
ҲОЗИРЖАВОБЛИГИДИР**

Ф.М.Достоевский

ЎЗБЕК НЕГА ЮЗГА КИРМАЙДИ?

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг ўзбек адабиёти сахнасига бирин-кетин бир неча истеъдодлар кириб келди. Уларнинг ҳар бири сўз санъатида воқеа бўладиган асарлар яратдилар. Энг муҳими, улар сиёсий мафкура тазйиқи остида бўлса-да, инсоният руҳий дунёсининг тинимсиз тебранишларини, эврилишларини, гоҳо ўзи ҳам билмай қолган фурсатларда тубанлик ботқоғи томон ҳаракатланишини бетакрор поэтик манзараларда тасвирлай олдилар. Шу орқали одам авлодининг маънавий юксалиш чўкқиларини ва нафсоний қайишиш, тушиш манзилларини ҳам қоғозга туширдилар. Лекин ижодкор айтган бадий сўз қувватини бутун салобати, чигалликлари билан идрок этадиган ўқувчи жуда кам топилди. Шу боис истаймизми, йўқми, шеър қадри бироз пасайди. Бироқ бу ҳодиса узоққа бормади. Ўтган юзйилликнинг 80-йилларидан сўнг инсоният руҳиятида аста-секин эврилиш паллалари бошланди. Шубҳасиз, бу бадий ижод ўзанини кенгайишига, қирғоқларни емирилишига олиб келди. Миллий истиқлол мафкураси эса энди ижодкорлар эркинлигига тамомила янги имкониятлар дарчасини очди. Энди у кўз илғамас кенгликларга – ўз "ботини"га интила бошлады. Қай йўсинда бўлмасин ғурур, миллий ғурур бадий ижоднинг бош ғоясига айланди. Бадий ижод ва унинг бунёдкорига нисбатан эътибор ва эҳтиром кучайди. Нашр ва матбуот органларининг эшиги ҳамма учун очик. Мафкуравий андишалар барҳам топди. Энди бош қаҳрамоннинг эрки ўзида. Унга ҳатто ижодкор ҳам хўжайинлик қилмайди. Ёзувчи ўз қаҳрамонини ўз ихтиёрига қўймаса, китобхонни чалғитади. У ёзган гап қанчалик бежирим, воқеа қанчалик қизиқарли бўлмасин, зўрма-зўраки тўқилса, китобхон эътиборини жалб қила олмайди. Жамиятда муаммо кўпайгани сайин уни тасвирлаш муаммоси икки ҳисса ортади. Буни ижодкор юракдан ҳис қилмоғи лозим. Акс ҳолда, қаламни, инчинун, қоғозни ҳам безовта қилмагани маъқул.

Эркин Воҳидов шеърятни, хусусан, ҳажвий лирикаси ўзининг миллий нафосати, китобхон диди, дунёқарашига мос ҳаётий эпизодларнинг кулгули талқини билан ўқувчи диққатини

жалб қилади. У хоҳ ёшлар, хоҳ ўрта ёшлар, хоҳ кексалар, шунингдек, шаҳар ёхуд қишлоқ одамлари ҳақида ёзмасин, кўз ўнгимизда қўшни кўн қаватли уйда ёки маҳалланинг куйи томонида яшаётган яқин қариндошимиз ёйинки танишимиз ҳақида ёзган бўлиб чиқади. Сиртдан қараганда, шоир ўша қаҳрамоннинг ҳажвий қиёфасини, характерини тасвирлаш орқали унинг турмушга анқовларча муносабати ва ландавурлигига кулаётгандай таассурот пайдо қилади. Жиддий ўйлаб кўрилса, муаллифнинг нияти мутлақо бўлак экани аён бўлади. У энди сиз ва бизга “таниш”, “қариндош” бўлган ўша қаҳрамон воситасида сизни ва демак, бизни ҳам эҳтиёткорликка, тежамкорликка, ҳар бир ишни дид, фаросат билан қилишга чорлайди. Бошқача айтганда, шоир ним табассум ёки аччиқ киноя орқали замондошларининг ёғ босган кўзларини тозалаб қўйишга интилади.

Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” комедияси паноҳида Ўзбекистон Миллий театрининг қатор актёрлари сахнада ўзларининг шахсий манераларини намоиш этдилар. Тўғри, сахна асарининг муваффақиятини таъминлашда режиссёр ва актёрларнинг меҳнати катта. Аммо ана шу муваффақиятлар гарови илдиз эътибори ила, шубҳасиз, Эркин Воҳидов қаламига бориб тақалади.

Мен “Олтин девор”ни қайта-қайта ўқийман. Абдулла Қаҳҳор айтган ҳақиқий “қази”, назаримда, худди шу асар учун айтилгандай. Ишонаверинг, муаллиф унда ҳар бир актёрнинг, ҳатто қандай нафас олиб, чиқаришигача аниқ тасвирлаб қўйган. Томошанинг иккинчи пардасида Қиличбекнинг Зухра билан (Дилором деб ўйлайдиган жойи) диалоги бор. Қаҳрамон ёш ва гўзал кизга севги изҳор қилади. Унинг гапига Зухра гўё ишонмайди. Шу жойда ошиқ Лермонтовнинг шеъри воситасида ўз муддаосини изҳор қилади. Шунда киз ўзича, аммо овоз чиқариб, “Иблис!” дейди. Бу гапни киз айнан Қиличбекка нисбатан айтади. Қиличбек эса қувлик билан гапни бошқа томонга ағдаради. Гўё “Иблис эмасман” буни кейинроқ билиб оласан, дегандек.

– “Топдингиз. Лермонтов! Усмон Носир таржимаси”.

Қиличбек “Топдингиз” деб шеър номига ишора қилади. Буни қарангки, Қиличбек ўқиган “Онт ичаман” деб бошланадиган

шеър Лермонтовнинг “Иблис” деган асари экан. Шеърни танлаш, уни қаҳрамон муддаосига сафарбар этиш, боз устига, унинг юмористик пафосини ёрқинроқ тасвирлаш бу чинакам санъат белгиси эмасми?! Мавриди келди айтай: Ўзбек драматургиясини, хусусан, комедия жанрини, гарчи у муаллифнинг бизга маълум ягона комедияси бўлса-да, “Олтин девор” сиз тасаввур этиб бўлмайди. Мен 80-йиллардаги “Олтин девор” атрофида бўлган баҳсларни эсласам, ўша танкидчиларнинг айни масала юзасидан жуда саёз фикрлаганларини эслаб, жуда гашим келади. Танкидчиликда, хусусан, профессор Норбой Худойберганов чиқишларида айтиладики, гўё муаллиф олтин топган одам жим юрмасин, уни давлатга топширсин, демоқчи эмиш? Оббо-о-о! Бу гап тирноқдан кир кидириш билан баробар эмасми?! Наҳотки, асар олтин ёки уни топгач нима қилиш муаммоси ҳақида бўлса?! Йўқ, мутлақо ундай эмас. Комедиянинг бош мавзуси инсон ва унинг маънавий-рухий олами.

Комедияда ишқ-муҳаббат, куда-андачилик, виждон ва садоқат каби туйғуларнинг комик оҳангда ифодаланиши унинг ғоявий, адабий-эстетик қиммати анча юқори эканлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, гап олтин эмас, балки “олтин муҳаббат” ҳақида десак, хато бўлмайди. Комедия охирида бош қаҳрамоннинг: Бизга олтин не керак, олтин муҳаббат бирламиз, деган оташин мисраларини эсланг. Бунинг зукко танкидчиси кўрмаса ё кўрсаям етарлича идрок этолмаса, комедия муаллифидан айб кидириш яхши эмас. Бирок таъкидлаб ўтиш жоизки, комедия сюжети чет элдан, хусусан, Қадимги Рим драматургияси тарихидан олинганидан кўз юмиб бўлмайди.

Эрампдан аввал III-II асрларда яшаган улуг Рим ёзувчиси Тит Макк Плавтнинг “Хумча” деган комедияси бўлиб, у ўша давр адабий муҳитининг ўзига хос намунаси саналган. Асар қаҳрамони камбағал Эвклион ўчоқдан бир хумча тилла топиб олади ва ҳаловатини йўқотади. Шу орада қўшнисини бадавлат Магадер унинг қизи Федрага совчи қўяди. Эвклион эса совчининг асл мақсади тилла деб ўйлайди ва баттар ташвишга тушади... Плавт ҳам ўз навбатида юнон адабиётидан фойдаланган бўлиши керак. Чунки бу туркум сахна асарлари дастлаб

юнон ёзма адабиётида шаклланган. Хуллас, Эркин Воҳидов шу каби поэтик унсурлардан озукланиб оригинал тарзда миллий киёфада Мулла Мўмин образини кашф этган.

Э.Воҳидов давримиз ғазалнавислигининг ўзига хос мактаб яратган чинакам устоз вакили. Шоирнинг мумтоз адабиётимиз вакиллари, айниқса, Навоий ва Фузулий тажрибаларидан баҳрамандлиги натижасида коғозга тушган ғазаллари ҳақида илмда ижобий фикрлар айтилган. Э.Воҳидовнинг ғазалларида ишқий саргузаштлар кўпроқ тараннум этилиши ҳам ҳақиқат. Шунга қарамай, отахон шоиримизни фақат ишқ куйчиси дейиш етарли эмас. Э.Воҳидов ижодида шундай ғазал туркумлари борки, улар мумтоз шоирлар ижодига оҳанг жиҳатдан боғланади, холос. Уларнинг аксарияти мазмун ва ғоя эътибори билан бутунлай ўзгача йўналиш касб этади. Аникроғи, шоир бир неча ғазалларида донишмандлик, зукколик ва насихатгўйликнинг олий намунасини кўрсатган. Гап шоирнинг сатирик ва юмористик пафос билан суғорилган ғазаллари хусусида кетмоқда.

Э.Воҳидов “Кулги мушоираси” туркумида бир неча ғазал ва бошқа шаклга мансуб асарлар яратган. Шоирнинг сатира ёки юмор ҳисси билан гўйинтирилган талай асарлари ушбу туркум мундарижасига кирмаган. Ҳажвчининг мазкур туркумга тегишли:

*Ўн сакиз минг олам ошуби падар бошиндадир,
Не ажаб, чун ўғли онинг ўн сакиз ёшиндадур, -*

матлаъли ғазали улуғ Навоийнинг машҳур:

*Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадир,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур, -*

матлаъли ғазали таъсирида ёзилган. Алишер Навоий ғазалда ўн саккиз ёшли сарвинознинг ўн саккиз минг оламини мафтун этувчи беҳад гўзаллиги ва маънавий камолотидан баҳс этса, Э.Воҳидов ўн саккиз ёшли йигитнинг тантиқ, ишёкмас, бадфеъл ва бефаросатлигини юмор тили билан фош этади. Ўн

саккиз минг олам ташвишлари ҳозир бир отахоннинг елкасида. Чунки унинг ўғли ўн саккизга кирган. У шунча ёшга кирганига карамай ақл бобида анча оқсоқ, боз устига жуда бевош, тантиқ ва худбин. Бир пайтлар отанинг ўзи атрофдагиларни менсиманган, устидан кулган, изза қилган. Энди эса:

*Ўзгалардан кулгай эрди кўча кўйда бир замон,
Ақлга юз ҳайрат эмди бул унинг қошиндадир.*

Дарвоқе, биринчи байтдаги “ўн саккиз минг олам ошуби” билан мазкур байтдаги “ақлга юз ҳайрат” Навоий газали таркибидан ўзлаштирилган ва кўриб ўтганимиздек тамомила янги ғояни юзага чиқаришга сафарбар этилган. Бу ҳодиса шеършуносликда иқтибос санъати дейилади. Бир вақтлар улуг шоир ўн саккиз ёшли сарвинознинг ноз-ишвасидан юз бор ҳайрат туйган бўлса, энди Э.Воҳидов багтол отанинг тарбияда ночорлигидан, энди ўз қилмишлари ўз бошига кулфат келтираётганидан юз бор ҳайратга тушади. Шакл бир, маъно тамом ўзгача. Бу ҳодиса шоир маҳоратининг бир учкуни сифатида бизда яхши таассурот пайдо қилади. Ҳазал хотимасида маълум бўладикки, отанинг бу каби кўргиликларга дучор бўлиши бежиз эмас экан. У боласини ҳаддан ташқари эркалайвериб “ўз бошига чиқарган”. Энди ўғил бу жойдан тушишни истамайди. Эътибор қилсангиз, шоир халқ тилидаги “бошига чиқармоқ” иборасини шеър бағрига маҳорат ила жойлаштирган:

*Йўқ ажаб, ёшликда ўғлин ота ардоқлаб, суюб,
Эркалаб бошига қўйди, ул ҳамон бошиндадир.*

Шоирнинг “Қўлни ишга моҳир этма, тилни гапга уста қил” сатри билан бошланадиган газалини ўқисангиз, ҳажвчининг ишёкмас, такасалтанг, эзма, хушомадгўй ва бошқа хислатлари билан жамият таракқиётига ғов бўладиган кимсалар устидан беозор кулгисига гувоҳ бўласиз. Муаллиф шу йўл билан бу каби фиску фасод эгаларини инсоф ва диёнатга чорламоқда. Асарда шоир гапга уста, бироқ қўлидан тайинли иш келмайдиган, шунга карамай, бошликнинг пинжига кириб олгани, шу

важҳдан пичоги доим мой устида турганига пичинг қилади. Асарда лаганбардор, худбин, ишёқмас кимсага бир неча “наслаҳатлар” берилган. Гапга, бинобарин, хушомадга усталик, бошлик олдида секин ва майин сўзлаш, уни ҳеч қачон камчилигини сўзламаслик, уни меҳмонга тез-тез таклиф қилиб туриш, мустақил равишда бирор юмуш қилмаслик ва ҳоказо. Кўринадики, шоир кўлидан тайинли бир юмуш келмайдиган, бироқ бошлиғи олдида тавозеъ ва хушомадни ҳамиша қойил қиладиган устаси фарангларга киноя йўли билан насиҳат ўқийди. Асл мақсад эса шу каби лаганбардорларни ҳамда уларнинг бурнидан нарини кўролмайдиган раҳбарларини инсоф ва диёнатга чорлашдан иборат.

Шоирнинг “Кулги мушоираси” ҳамда “Донишқишлоқ латифалари” туркумига кирмаган, бироқ мохиятан жуда муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган бир неча ҳажвиялари борки, улар ўзига хос мазмуни, ғоявий кўлами ва бадий назокати билан китобхонни бефарқ қолдирмайди. Уларни ўқиганда, кўпроқ собиқ тузум маддоҳлари ва лаганбардорларининг худбинлик, ялқовлик ва тилёғламалик хислатларидан, айниқса, бу иллат собиқ иттифоқ бўйлаб кенг канот ёзганидан огоҳ бўласиз.

Э.Воҳидовнинг “Нега япон юз йил яшайди?” номли шеърида японларнинг узок умр кўриш сабабларидан бири уларнинг кам харжлигига олиб бориб тақалади. Ўзбекнинг шу ёшга бормаслигининг сабаби эса унинг кўп харжлигида экан. Бироқ асардан кузатилган мақсад бу эмас. Бу ўқувчи диққатини жалб этишнинг бир усули, холос:

– *Нега япон юз йил яшару*
Ўзбек бунча ёшга бормайди?
– *Чунки япон биздек қоронғу*
Саҳар туриб ошга бормайди.

Шунингдек, японлар азада кетма-кет зиёфат қилмаслиги, байрамда меҳмонлар келади деб, уч кун котиб кўчада турмаслиги уларнинг яхши ва фаровон яшашининг бош омили экан.

Шундан сўнг шоир асл муддаога кўчади:

*Гарчи биздан юз бор фаровон,
Гарчи биздан юз карра тўқдир.
Тўй харжиди юзта бой япон
Бир камбагал ўзбекча йўқдир.*

Шеърнинг мана шу учинчи бандида асл муддао ҳажвия либосига ўралган. Унда ўзбекка хос мардлик, олижаноблик, бағрикенглик, қўлиочиклик, меҳмондўстлик, айниқса, тўйсеварлик хусусияти муаллиф томонидан ифтихор билан ифодаланган. Шоирнинг бу туйғуларини бир шахс илхомининг меваси бўлса-да, у сизнинг, менинг, унинг, уларнинг туйғулари, қисқаси, миллий ғурур туйғуси бўлиб жаранглайди. Эркин Вохидов ушбу ғояни бор-йўғи бир тўртлик воситасида ҳам ифодалаши мумкин эди. Аммо у ўқувчи билан кўпроқ мулоқот қилмоқчи. Дастлабки икки бандда киноя, пичинг оҳанги устивор. Юқоридаги учинчи бандда асл ғоя ифодаланган. Шоир шу билан шеърни якунлаши мумкин. Бироқ икки банд билан ўқувчини "ҳозирлаган" шоир энди шеър завқидан сармаст китобхонни ўз "ҳол"ига, ўз "дунё"сига қайгаради. Охирги тўртинчи банд унча муҳим туюлмаслиги мумкин. Жиддий эътибор берилса, у шеърни хулосалаш билан бирга японларда ҳам ор ва ифтихор туйғуси борлигини, уларники бошқаларникидан, дейлик, бизникидан фарқланишини маълум қилиш билан ҳажвияга нукта қўяди:

*Бу сўзимни японга айтсам,
Деди баттар қисиб кўзини:
Япон бундоқ яшолмас ҳеч ҳам,
Харакири қилар ўзини.*

Шеърда бадий компонентларни завола билмас ифода воситаси сифатида қўлланганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Биринчи бандда "юз"нинг уч бор такрорланиши, шунингдек, ўзбекдаги "ўз"нинг "юз"га мос шамоийил топиши шеърга ички ритмика, жарангдорлик бағишлаган. Шакл жиҳатдан айниятлик касб эт-

ган бу сўзлар тўрт хил маъно ифодасини намоён қила олади. Шу билан бирга “гўқдир-йўқдир”, “япон-ўзбек”, “юз-бир” каби ифода бирликларида тазодий муносабат мавжуд. Шеърдаги “харакири” нисиз ўзимизнинг “Судхўрнинг ўлими” даги Қори ишкамбага ўхшаган япон образи бўлса керак десангиз, беҳад хатоликка йўл қўясиз. Японларда ор-ифтихор туйғуси бошқаларга нисбатан анча баланд. Уларнинг қорни ҳам тўқ, кўзи ҳам. Бунга улар тинимсиз меҳнат ва ақл имкониятлари оқибатида эришганлар. Уларда уят, андиша биринчи ўринда туради. Япон халқ томонидан кечириб бўлмас хатога, дейлик, жиноятга қўл урса, ўзини ўзи қурбон қилиши мумкин. Харакири қилиш – ўткир пичоқни қоринга уриб, юраккача тортиш дегани. Шу билан шахс миллий ифтихор ғурурини топтамаган бўлади. Уларда фалончи юрибди ё қўшилиб қочибди, деган гап йўқ. Бизда-чи?! Бизда ҳам “тиқ”қа эҳтиёж бор. Бироқ бу тиг мутлақо бошқа мақсадларга йўналтирилган.

Э.Воҳидовнинг “Ҳазрат Хизр ва замон аёли” шеърисида аёлнинг, ўзбек аёлининг кийим-кечакка ўчлиги, у тоганини ўзининг устига сарфлаши ҳақидаги ҳаётий ҳақиқат ҳажвия майдонига тортилган. Шоир айтмоқчики, бундай аёлларга ўзбек эркаклари чидаб юрибди, улар билан яшаса, Ҳазрати Хизр ҳатто “хизр”ликдан ҳам воз кечиши мумкин экан. Алқисса, ўзбек аёлларидан бири тасодифан Хизрга дуч келади. Табиийки, Хизр “тила-тилагингни”, деб сўрайди. Кейин шундай деганига, ҳатто фарёд чекиб Хизр бўлганига афсусланади. Шеър бир томоша кўрган қадар ўқувчига кучли завқ бағишлайди. Чунки аёл бояги саволдан хурсанд бўлиб, рўйхат туза бошлайди. У хоҳлаган нарсалар шеърда акс этмаса-да, ҳар бир ўқувчи ўша рўйхатда тахминан нималар бўлишини, хусусан, рўйхатнинг саксон фоизини латта ёки тилла такинчоқлар ташкил этишини тасаввур қилиб туради. Ҳажвия сўнггида муаллиф Хизрнинг яратганга мурожаати унинг чидамсизлигини эмас, балки баднафс аёлга йўлиққанидан ниҳоятда афсусдалигини ғоят гўзал ифодалайди:

*Жувон лол қолмади, арз қила кетди,
Рўйхат айта кетди беҳаду поён.*

*Ҳазрат чарчаб, ўлар ҳолатга етди,
Хизр бўлганидан юз минг пушаймон.*

*Шўрлик, кўкка қараб ҳасратда, доғда
Деди: Ишингни ол ё Парвардигор!
Йўқ эса, эй Тангрим, ёруғ дунёда
Мени аёлларга дуч қилма зинҳор.*

Шоирнинг мана бу тўртлигида эса инсонни бадном қиладиган ҳасад туйғуси мулоқот шаклида қораланади:

*– Мен яхшилик қилдим-қу сенга
Нега урдинг, недир гуноҳим?
– Сендаги бу ҳимматни нега
Бергани йўқ менга Оллоҳим?*

Махфий бўлмасинки, Э.Воҳидов яқинда мухлисларига навбатдаги ҳажвий китобини тортиқ қилди. “Табассум” номли мазкур салмоқдор китобни бемалол муаллифнинг навбатдаги сайланмаси дейиш мумкин. Чунки унда шоирнинг деярли умри давомида битган барча сатирик ва юмористик асарлари чоп этилган. Таркибий тузилиши жиҳатдан, мавзу йўналишига қараб, етти фаслдан иборат мазкур тўпламга Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон кириш сўз ёзган. Унда жумладан куйидагиларни ўқиш мумкин: “Кўп мунаққидлар Эркин Воҳидов беназир сўз заргари эканлигини қайта-қайта эътироф этишган. Бу, айниқса, энг нафис, энг жарангли, энг товланувчан сўзлар дурдонасидан тизилган маржонни эслатувчи лирик шеърларида кўзга тиникроқ чалинади. Ҳажвий шеърларда ҳам шу фусункорликка дуч келамиз, роҳатланиб ўқиймиз, ёдда тез сақлаб қоламиз...”¹

“Табассум” китобида кулгусевар мухлислар кутмаган бир янгилик ҳам бор. Унда шоирнинг машҳур қаҳрамони Матмуса

¹ Обиджон А. Кулгу – очикқўнгиллик гувоҳномаси. Э.Воҳидовнинг “Табассум” номли китобига сўзбоши. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2013. Б.6-7.

энди иқтидорли шоир сифатида иштирок этади. Ўзгача айтганда, Э.Воҳидов баъзи бир мутойибаларни ўз номидан айтмай, бу юмушни бош қаҳрамони зиммасига ағдаради. Бирок зукко китобхон янги шоирни ҳам, унинг шеърини ҳам аслида Э.Воҳидовнинг ўзи яратганлигини жуда яхши ҳис этиб туради. Дарвоқе, Э.Воҳидов бир пайтлар “Кизикувчан Матмуса” орқали қаҳрамонида шоирлик иқтидори ҳам мавжудлигига ишора қилган эди. Эсингизда бўлса, Матмуса жуда кизикувчанлиги сабабли симёғочга чиққан, унинг тепасидаги қоғоздан эса симёғочнинг бўялганини билиб қолган ва уйга келиб тўрт қатор шеър ёзган, шеърда эса замондошларига мурожаат қилиб, кизикувчан бўлсангиз, янги кўйлак киймангиз, деган тўпори насихат бор эди. “Табассум” тўпламида эса Матмуса тамомила янги фикр ва ғоялар тарғиботчиси, шу билан бирга маҳоратли шоир сифатида кўзга ташланади. Тўпламда Матмусанинг асарлари алоҳида бўлимда зикр этилган. Уларнинг ҳаммаси ўн бешта, ўн бештадан эса ўн биттаси тўртлик шаклида. Матмуса ҳам негадир катта шоирларга ўхшаб оз ва соз сўзлашни хуш кўради. Мана, унинг “Насихат” номли шеърини ўқиб кўрайлик:

*Бахт аршига чиққаннинг
Оёғидан ушлама.
Худо ерга тиққаннинг
Калласига муштлама.*

Бу ерда гап бахтли одамнинг ғийбатга нишон бўлиши, у бечора бу кулфатдан ўлса ҳам кутулолмаслиги ҳақида кетяпти. Шу боис Матмуса дунёдан ўтиб кетган одамни ғийбат қилиш гуноҳ эканига эътиборимизни қаратган. Бу ибора биров қўпол, бироқ жуда самимий ифодаланган. Ана шу ўқувчига қўпол гапирибди деган андиша юзасидан бўлса керак Э.Воҳидов бутун жавобгарликни Матмуса зиммасига юклаган. Умуман, Матмуса шеърларида ҳам турмушнинг у ёки бу иллатлари енгилгина юмор тили билан фош этилади.

Аччиқ ҳақиқатларни шеърга, боз устига ҳажвияга солиш оддий санъат эмас. Рус ёзувчиларининг бир гапи бор: “Биз

Гоголнинг “Шинел”идан чиққанмиз”, дейди улар. Назаримизда, XX асрнинг иккинчи ярмида етишган шоирларнинг кўпчилиги, айниқса, ҳажвчилар Эркин Воҳидов шеърятининг майин шабадалари таъсирида ижод боғига кириб келганлар.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ҲАЖВИЯЛАРИ

Абдулла Орипов! Бу ном кўхна Қашкадарё элининг шаъни, фахри, ифтихори. У истиқлолга юз тутган серкуёш юртнинг, меҳнаткаш ва жафокаш ўзбек элининг шукуҳли шоири. Унинг бадий ижод гулшанига кириб келганига қарийб эллик йил бўлаётир. Унинг ижоди, шахсияти, бадий ғоявий олами ҳақида илмда яхши гаплар ҳам, ўрнига тушмаган ножоиз фикрлар ҳам бор. На чора?! Ер думалок. Зотан, бутун бошли аср шеъряти эпкинини ўзгартирган ижодкорга нисбатан турли қараш – гипотезалар туғилиши табиий ҳодисадир. Мазкур ўринда безавол ижод соҳибининг ҳажвий йўналишдаги шеърятига холис баҳо беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳажвиянинг асосий негизини ҳазил – кулгу уйғотувчи унсур ташкил этади. Уни алоҳида жанр дейишга асос йўқ. Уни алоҳида жанр дейишга асос бўладиган унсурлар, формал белгиларнинг ўзи учрамайди. У исталган асар таркибида кузатилиши мумкин. Аммо унинг сюжет йўналишида қандайдир парадоксал воқеа бўлиши шарт. Воқеа эса турли давр, замон ва маконда турли сабаб ва баҳоналар билан рўй бериши мумкин. Ушбу сабабнинг оқибати, ҳулосаси эса гоҳ мавҳум қолади, баъзан эса муаллиф томонидан аниқ бир тўхтамга келинади. Мавҳум қолган фурсатларнинг ҳулосаси китобхон ҳукмига ҳавола этилади. Хуллас, А.Орипов ҳажвияларида ҳам диалектик қонуниятларга мувофиқ тасодиф заруриятсиз, сабаб эса оқибатсиз рўй Бермайди.

А.Орипов ҳажвияларининг мавзу доираси ранг-баранг, ғоявий кўлами беҳад салобатли. Уларни ўқиган ҳар қандай мухлис – китобхон ўзи учун бир эмас, бир неча ҳақиқатлар мағзини туйса, мумкин. Ҳажвиялар қаҳрамони ўқувчига “бегона” эмас. Улар ўзимизнинг кўчада ёхуд кўшни қишлоқда

яшайдиган оддий, чапани одамлар. Улар гоҳ “фан арбоблари” сифатида даврнинг долзарб муаммолари хусусида бош қотиришса, гоҳо обрў-эътибори ошиб кетаётган раҳбарнинг “тагига сув қўйиш” режасини тузадилар. Гоҳида эса ўз касбларини эплолмай, бошқа иш қидиришга тушсалар, баъзан арзимаган нарсаларни “ювиш” заруратини туядилар. Яна бир қизиқ одатлари борки, ўзларини ер юзида зўрға эплаганлари ҳолда чексиз коинот муаммолари ҳақида ҳам бош қотирадилар. Хуллас, халқ шоирининг сатирик йўналишдаги манзумалари мутолаасидан уларга хос бош фазилатни илғаш мумкин. А.Орипов катор ҳангомаларида ўзбек халқига хос бўлган, ўзга тилларга таржима қилиш душвор бўлган ноёб туйғулар: меҳр, оқибат, инсоф, диёнат, камтарлик, тавозеъ, иззат-икром, меҳмоннавозлик, ҳақиқатпарастлик ва тўйсеварлик фазилатларини улуғлайди ва аксинча анқовлик, ялқовлик, манманлик, сергаплик, шуҳратпарастлик, ҳасад каби салбий иллатларни қоралайди, фош этади. Хуллас, шоир ҳажвиялари мутолаасидан улардаги етакчи хусусиятларни илғаш қийин эмас. Назаримизда, А.Орипов ҳажвияларининг умумий негизида миллий рух ётади. Яъни, миллий ғурур ғояси шоир ҳажвияларининг асосий хусусиятини – бош феноменини ташкил этади.

1996 йилда А.Орипов асарларининг “Сайланма”си шоир Чори Аваз муҳаррирлигида нашрдан чиққан эди. Унда шоирнинг ўн учта ҳажвий шеърлари алоҳида “Ҳангомалар” фаслида нашр этилган. Уларнинг бирини бошқасидан устун қўйиб бўлмайди. Ҳар бири ўзига хос ҳаётий-маиший моҳият касб этади. Ҳар бирининг ғоявий негизига муносиб шакл танланган. Қаҳрамонларнинг ҳажвий қиёфаси, характери, ёрдамчи, баъзан эса маъжозий образлар фаолияти ёрдамида очилади. Баъзан маъжозий тимсоллар бош – етакчи образ даражасига ҳам кўтарилади. Ҳажвия доирасига бирор бир детал ўз-ўзидан киритилмайди. Унда ҳатто бир томчи сув ҳам ўзига яраша ғоявий юк кўтаради. Дейлик, “култ-култ” деган товуш шу номдаги ҳажвиянинг салмоғини таъминлашда жуда муҳим восита сифатида хизмат қилади. Аммо ҳангомадан мурод ичкиликка берилган иродасиз кимсаларни фош этиш эмас, балки жамиятимиз аъзо-

ларида, хусусан, балоғат ёшидаги одамлар орасида, ҳатто илим ва ижод аҳли орасида инсоф деган ноёб туйғу баъзан барҳам еяётганидан шоир азият чекади ва худди шу бедаво дардни даволаш учун ҳажвия тигини чарчлайди.

Алқисса, бир неча “зукко олимлар” йиғилишиб, табиатдаги барча овозларни магнит тасмасига туширадилар ва бу товушлар ниманинг садоси эканига қисқача шарҳ бериб, кўкка, гўё самодаги одамларга учирадилар. Улар бу билан ўзларининг зўрлигини, самода, аллақайси сайёрада яшаётганларнинг эса ожизликларини амалда исботлашга жазм этадилар. Сехрли қутича ичида мактуб ва тасма билан кўкка парвоз қилади:

*Манзили йўқ саёқ мактуб,
Фазони хўб айланди.
Охир бориб, аллақандай
Сайёрага бойланди.*

Буни қарангки, ўша номаълум сайёрада ҳам одамлар яшар экан. Фақат уларнинг яшаш тарзи бизникидан тубдан фарқлар экан. Хуллас, йиллар ўтиб ўша ўзга сайёра фуқаролари бизнинг ўзбек олимлари юборган сирли қутичани топиб оладилар. Аммо мактубдан, тасмадан ҳеч вақо англамайдилар. Худди шу англашилмовчилик тасвири фонида катта истеъдод эгаси асосий муддаони ҳажвия бағрига жойлаштиради. Бошқача айтганда, мана бу тўртликда асарнинг асосий ғояси акс этган:

*Ўзимизга қиёс қилиб,
Камситмайлик барчани.
Дейлик, биз ҳам билмаймиз-ку!
Инсоф деган нарсани.*

Шоирнинг асл мақсади шу эди. У жамият ва миллат аъзоларини инсоф ва диёнатга чорлаш заруратини ҳис қилиб, ушбу муддао учун “шиддаткор йўл – назм”га қўл уради. Ниҳоят, ўзга сайёра одамлари патефонни бир неча марта эшитгач, уларнинг орасидан фақат бир киши кутилмаган бир товушни – шиша-

нинг “култ-култ” деган овозини илғайди. Қизиги шундаки, бизнинг «зукко олимлар» ушбу овозни магнит лентасига махсус ёзмаганлар, мактубда унинг шарҳи ҳам учрамас эди. Улар хайрли ишнинг, яхши ниятнинг якунини “ювган”ларида ёзув патефонини ўчиришни унутган эдилар. Кўраяпсизми, олимларимизнинг юзлаб товушларни тасмага ёзганлари у тарафга аён бўлмайди. Фақат тасма сўнггидаги биргина овоз фойдали наъф беради:

*Сўнгги бора айланганда,
Патефоннинг бурови.
“Култ-култ” деган бир товушни
Илғаб қолди бирови.*

*Тўхтанг, деди, гап бу ёқда!
Таниш садо топилди.
Энди бирдан тушқунликнинг
Эшиклари ёпилди.*

*Юлдуз бўйлаб ўша заҳот,
Тарқалди-ку бу хабар:
— Олашимул янгиликдан
Қолманг, дўстлар беҳабар.*

*Минг-минг шукр, ёлғизмасмиз,
Ўшадошлар бор экан.
Аллақайси бир пучмоқда,
Шушадошлар бор экан.*

Улар ҳам ўз дунёсида беҳад бахтиёр эдилар. Хусусан, бир жойдан хабар келса, дарров жавоб ёзиш заруратини ҳис қилар эдилар. Улар патефонга катор саслар орасидан биргина “култ-култ” товушни танлаб, ёзиб пастга улоқтирадилар. Бу мактуб ҳозир йўлда, у биз томон келаётир, деб шоир хангомага якун ясайди.

Ушбу хангома шакл ва мазмуни, мохият-эътибори билан халқ шоирининг “Самовий меҳмон” ҳақидаги асарининг узвий

давоми сифатида яхши таассурот пайдо килади. Сабаби, шоир самовий меҳмонда ҳам олимлар фаолиятини кадрлаган ҳолда, уларда бир нарса – меҳр етишмаслигини маҳорат билан асар зуваласига кистиради. Худди шу ноёб туйғуни фаррош кампир табиатида намоён этади. Бу хангомадан ҳам мақсад самодан аллақандай бир маҳлуқнинг бемаврид ерга тушиши ёхуд ушбу тасодиф ҳақидаги олимлар тортишуви, ҳаракати эмас. Булар воқеа йўсинини таъминловчи сюжет бўлаклари, холос. У ерда шоир меҳрни, одамлар орасида тобора сийраклашаётган меҳр-окибат туйғусини ниҳоятда моҳирлик билан кулгу ўзанига тортган:

*Олимларнинг хизматлари
Йўқ, бекорга кетмабди.
Шунча ишни қилишибди,
Фақат Меҳр етмабди.*

Энди икки оғиз машҳур “Шарқ хикояси” хусусида. Тилга олинган “хикоя”нинг бош қаҳрамони ота ҳам, бола ҳам эмас. Шунингдек, “оломон” ҳам сюжет йўналишида асосий чизикнинг чеккасида туради. Бошқача айтганда, улар бош ғояни юзага чиқариш учун ёрдамчи образ вазифасини ўтайдилар. Аммо уларнинг асардаги ўзига хос вазифасини инкор қилиб бўлмайди. Шоир учун айнан ана шундай тортишув жумбоғи зарур. Ана шу жумбоқ фонида бош мақсад юзага балқиб чиқади.

“Шарқ хикояси”нинг бош қаҳрамони (бу сўзни муаллиф ғоясини юзага чиқарувчи асосий образ сифатида қўллаяпмиз) – Эшак. Ўз феъли, савияси, сажияси, анқовлиги, гўллиги, яғирлиги, бедармонлиги, қариллиги билан умумий тараккиётга, тинч ва осойишта меҳнат ва турмушга ҳалакит бераётган “икки оёкли эшак”лар шоир томонидан ҳажвия кўзгусига олинган. У ўз қилмиши билан ҳаётда устоз-шогирд, қариндош-уруғ, эр-хотин, ҳатто, ота-бола ўртасига ҳам раҳна солиши мумкин ва бу турмушда жуда кўп кузатилади. Энг қизиғи шоир уни гапиртирмайди. Фақат “андай бедармон ва яғир”лигини айтиб ўтади, холос. Айни шу бедармон ва яғир ҳайвон ота-бола ўртасидаги миллион йиллик қондошликка нукта қўяди:

*Қўл силташди бир-бирига,
Қолди фойда зиён ҳам.
Ота у ён кетиб қолди,
Буён кетди ўғлон ҳам.*

*Қондошликнинг миллион йиллик,
Ришталари узилди.
Ўртага бир эшак тушиб,
Оралари бузилди.*

Айтилганидек, Эшак умумлашма образ. У муаллифнинг бир эмас, бир неча муддаоларини юзага чиқарган. Шахсий манфаат, пул, мансаб илинжида ўзга бир одамнинг бошини янчадиган эшак феълли одамлар атрофимизда йўқ дейсизми?! Улар туфайли ота боладан, она қиздан, ака укадан жудо бўлиши ҳам бор гап. Хуллас, ушбу асарнинг ғоявий салобати анча баланд. Унда отанинг болага ва аксинча, боланинг отага ҳурмат-эҳтироми, оломоннинг иттифоқ бўлолмаслиги, ўзига тегишли бўлмаган нарсаларга ҳадеб бурун тикиши оқибатида эшак фаолияти билан “қондошликнинг миллион йиллик ришталари узилиши”, шу тариқа меҳр-оқибатнинг йўқолиши қаламга олинган. Савол туғилиши мумкин: эшак нега айбдор? Бу унчалик ҳам изох талаб қилавермайди. Аввало, у қари, “яғир ва бедармон”. Агар шу эшак бўлмаганда, ота-бола эҳтимол саёҳатга ҳам чиқмасди, оломонга майна ҳам бўлмасди. Аммо эшакнинг ярамаслиги оломон ёхуд ота-боланинг аҳиллигини кўрсатмайди. Уларда ҳам ўзига хос ўрлик, фиску фасод мужассам. Шу боисдан ҳам ушбу асарни бир мавзу билан чегаралай олмаймиз. У мавзу доирасининг кенглиги, ўзига хос миллий нафосати билан ўқимишли, таъсирли ва жозибали.

Эшакнинг сўз санъатидаги вазифаси узоқ тарихга эга. У одатда отга қарама-қарши қўйилади. Аммо бу эътироф унинг ўзи ўз ҳолича ҳам ижодкорнинг ғоявий ниятини юзага чиқара олишини инкор қилмайди. У фольклорда кўпроқ эзилувчи, меҳнаткаш, қора халқ образининг умумлашма тимсолини ифодалайди. Муайян ижодкор қаламида эса эшак табиати ва қиёфаси анқов шахс синтези сифатида конкретлашади.

Абдулла Ориповнинг “Ҳангома”сида тўйга чиққан икки чолни йўлда эшак бошқаради. Бу билан эшакни бошқарувчи одам ҳам феъли-хўйи жиҳатидан маълум маънода унга яқин кимса сифатида ҳажвия доирасида ҳаракат қилади. Бу ҳол ўқувчи ҳаёлида “мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади” деган нақлни жонлантиради. Аммо нима қилгандаям икки қадрдон суҳбатдошнинг тўйга боролмаслигига, адашиб сарсон бўлишига ўша шўрлик эшак айбдор бўлиб чиқади. Чунки вақт ярим кечадан ошганда, ортга қайтган йўловчиларни энди эшак эмас, от бошқаради. Отнинг ақллилиги туфайли сарсон кимсалар ўз уйларига қайтган бўладилар. Бу тасодифдан, ҳатто эшак йўлдан урган қаҳрамонлар ҳам хайрон қоладилар:

*Алқисса, шу – от йўлни
Уй томон бурган экан.
Чол-чи?! Ўз кампиридан
Жой сўраб турган экан.*

Хуллас, Абдулла Орипов қаламида Эшак андай бедармон ва яғирликдан ташқари аңқовлик ва гўллик хислатларига ҳам эга. Шоир хангомаларида минг йиллик шеъриятимизда анъанавий мажозий образ сифатида ишлатилиб келинган от – ақлли, эшак – гўл, маймун – маҳмадона, тулки – айёр, шеър – юрт эгаси сифатида ўзига хос маъно ифодалайди.

“Маймуният” асарида маймуннинг озгина имкониятдан фойдаланиб, кеккайиб кетиши, бошқа ҳайвонларни, ҳатто одамларни менсимай кўйиши танкид остига олинади ва шу орқали камтарлик улуғланади. “Ади-бади ҳақида ривоят” деган хангомада эса ўзбек хонадонларида учраб турадиган оилавий можаролар қаламга олинган. Унда шоир кўпроқ аёлларимизнинг сергаплигини фош этса-да, асосан, танкид тигини эрга, эр-какка қаратган. Шоир фикрича, турмушдаги оилавий можароларда сергап хотин унчалик айбдор эмас, унинг сергаплиги ожизлик аломати. Шу боис асарда тортишувчи аёл эмас, балки у билан бирма-бир айтишишдан ор қилмайдиган эркак бефаросатдир, деган ғоя ҳукмрон. Шунинг учун ҳам шоир шеърый ривоятни қутилмаган фожиа билан якунлайди:

*Хотин охир чарчади,
Ҳаётдан тўйди, ҳатто.
Бола-чақа, молу мулк,
Бисотдан тўйди ҳатто.*

*Ўзимни осаман деб
Эълон қилди сўзини.
Бунақа осмаслар деб
Эри осди ўзини.*

Хуллас, ҳажвияда майдагапликка ўч эркак ҳаёти ўлим билан якунланади. Шоир хотин киши билан, умуман ўзи билан тенг бўлмаган тоифа билан тортишиб юрувчи худди шундай кишиларнинг жамиятимиздан тамомила йўқ бўлиб кетишини истайди. Шу жихатдан мазкур ҳажвияда юмор эмас, сатира ҳисси устивор. Шундай қилиб, шоир ҳажвияларида ҳаёт ҳақиқатлари гоҳ сатирик, гоҳ юмор либосига ўралади. Кулгу ўзанида турмушнинг аччиқ, ачинарли манзаралари моҳирона инкишоф этилади. Афсуски, бу инкишоф фақат зукко ўқувчигагина юз кўрсатади.

Шоир ҳангомаларини аччиқ қалампирга қиёслаш мумкин. Қалампир инсон баданидаги тумовни бартараф этгани каби бу ҳажвий асарлар ҳам миллат аъзолари табиатидаги саноксиз салбий иллат хужайраларини беминнат даволайди.

ҲАЖВИЙ ҒАЗАЛЛАР УСТАСИ

XX асрнинг биринчи ярмида кўзга ярқ этиб ташланадиган ҳажвчилар сони жуда кам эди. Иккинчи ярми эса ўзбек адабиёти дунёсига қатор ҳажвчиларни инъом этди. А.Қодирий, Ғ.Ғулом ва А.Қаҳҳор бошлаган кулгу соҳасини кейинчалик С.Аҳмад, Н.Амин, Ў.Ҳошимов, Э.Воҳидов, А.Орипов ва бошқалар давом эттирдилар. Мазкур йўналишда жиддийроқ шуғулланиб, ўзбек ҳажвия адабиётининг тараққиёт тамойилларини белгилашда кўпроқ материал бера оладиган сўз усталари ҳам бор. Н.Аминов, С.Сиёев, Ш.Нурхон, М.Очил ва яна бир-икки

иждокорлар ўз қиёфаларига эга ранг-баранг ҳажвий тип ва характерлар яратганлар. Аммо бизнинг давримизда сон ва сифат кўрсаткичи жиҳатдан л и р и к ҳажвиянависликда Анвар Обиджоннинг олдига тушадиган бирор бир санъаткор ўзбек шеърияти, эҳтимолики, қардош халқлар адабиёти майдонида ҳам бўй кўрсатмади. Қани, айтинг-чи, ҳисобсиз ҳажвий ғазаллар, тўртликлар, учликлар, иккиликлар, ҳатто бирликлар (жаҳон ва ўзбек лирикасида бундай шакл учрамайди) ёзиш бизнинг давримизда кимга насиб этган?!

Анвар Обиджон, шубҳасиз, ҳозирги миллий истиклол даври адабиётининг қарвонбошиларида бири. У иждоҳ саҳнасига ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келган. Насрда ҳам, назмда ҳам ўз ўрнига эга. Адабиётшунослар уни болаларга атаб ёзган асарлари учун бадий иждоҳ шоҳсупасидан мустаҳкам ўрин олишга ҳақли деб ҳисоблайдилар. Бу даъвога эътироз қилиб бўлмайди. Ҳақиқатдан ҳам А.Обиджоннинг болалар китобхонлигига хос асарлари, ҳатто бу соҳага ҳам ғазал шаклини, унинг сатирик оҳанглари олиб кириши муаллифга хос иждодий салоҳиятнинг бақувватлигини далиллайди. Демак, ҳулоса қилиш мумкинки, А.Обиджон иждоди XX аср охири ва янги аср аввалидаги ҳажвиянинг, ҳажвий лириканинг бош бўғини — эталони бўла олади. Бундай фаразни ўртага ташлашимизга етарли адабий-илмий, маърифий-эстетик омиллар бор. А.Обиджоннинг лирик қаҳрамони шу пайтгача бўлган ҳажвий типларнинг, характерларнинг бирортасига ўхшамайди. Чунки у ўз қиёфаси, табиати, диди, фаросати, фикр ва дунёкараши билан барча ҳажвий типлардан, дейлик, А.Қодирийнинг Қалвак махзум Тошпўлат тажанг ва бошқа номлар билан юритилган бир неча қаҳрамонларидан тубдан фарқланади. Бошқача айтганда, А.Обиджоннинг Уста Гулмати ёхуд Кулкул афандиси А.Қодирий, Ғ.Ғулом ва А.Қаҳҳор ҳажвий қаҳрамонларининг қонуний «меросхўри». Яъни А.Обиджон яратган образлар юқоридаги машҳур уч адиб қаламига мансуб қаҳрамонларнинг характер-одатларидан бир чимдим ўзига юқтиради, уларни яхшилаб «тарбиялайди», ривожлантиради. Натижада кўз ўнгимизда фавқулодда ҳаракат ва қилиқлари билан бизга беғубор

кулгу улашадиган ғоят закий, айёр, маҳмадона, ишбилармон ва тадбиркор шахс киефаси намоён бўлади. У беминнат хизмати ва фаолияти билан кулгу, ана шу кулгу воситасида эса унча-мунча одам илғамайдиган маърифат ёғдусини улашади.

Ҳажвия асосини киноя, пичинг, лутф, қочирим иборалар ташкил этади. Ана шундай воситалар йиғиндисини ҳазил деб аташ жоиз. Чунки ҳажвия элементларининг қайси бирини олманг, улар моҳиятида у ёки бу даражада ҳазил намоён бўлади. Ҳазил жиддийроқ бўлса сатирик, оддийроқ бўлса юмористик оҳанг аниқ «эшитилиб» туради. А.Обиджон ҳажвий ғазалларида сатирик киефа бўртиб турса, нисбатан кичик лирик шеърларида юмор ҳисси аниқ балкиб туради. Баъзи ҳолларда бунинг аксини кузатиш мумкин. Назарий маълумотларда ёзувчи сатира тиғига олган қаҳрамонининг жамиятдан буткул йўқ бўлиб кетишини истайди, юмор остига олинган қаҳрамоннинг эса тузалишини, нуқсонларини бартараф этиб, тарбияланишини хоҳлайди, деган фикрларга дуч келамиз. Шу маънода А.Обиджон қаҳрамонларига хос иллатларнинг бартараф бўлишини, кўпроқ Уста Гулмат ёки Кулкул афандининг заиф томонларини, нуқсонларини фош этишни, уларни тузалиб кетишини истайди. Аммо бу фикр унинг баъзи ғазалларида сатирик оҳангнинг устивор йўналишини, ўшандай таъмагир, порахўр кимсаларнинг жамиятдан мутлақо супуриб-сидириб ташлаш лозимлиги ҳақидаги аёвсиз ҳукмни инкор этмайди. Уста Гулмат ҳам, унинг чевараси Кулқулий ҳам шоир. Улар моҳиятан салбий тип эмас. Уларнинг характерида ижобий фазилатлар гоҳо шундай юз кўрсатиб қоладики, уларнинг аклига, заковатига, фаросат ва дидига тан берасиз. Шундай ҳолларда ҳажвиядаги лирик қаҳрамон муаллиф билан «бирлашади». Бошқача айтганда, муаллиф ўзининг эстетик принципларини китобхонга, дейлик, ижод аҳлига Уста Гулмат ё Кулкул афандининг қалами ва дунёқараши орқали етказди. Шоирнинг «Қил» радиопли ғазали ёш шоирга насиҳат мазмунида ёзилган:

*Жўжа шоир, энди пандимга тоқат қил,
Сўзим умринг хонишига нақорат қил.*

Анвар Обиджон 1985 йилда ҳажвияларини тўплаб «Безгакшамол» номи билан нашр қилган эди. 2003 йилда эса ўша тўпламнинг мантикий давоми бўлган «Безгакшамол-2»ни кулгу мухлисларига тухфа этди. Ҳар икки тўплам муқоясасига эҳтиёж йўқ. Шаклий жимжима, маъновий тароват, ғоявий кўламдорлик, кулгу ранглари илк тўпламда ҳам диққатни жалб қилар эди. Аммо ҳажвий қиёфа салобати, ижтимоий-сиёсий, ишқий-интим кечинмаларнинг сатира ва юмор либосида пухта ифодаланиши, нозик қочиримлар, қисқаси, поэтик қувват жиҳатдан иккинчи тўплам анча мукаммаллик касб этади. Унда 45 ғазал, 28 тўртлик ва рубоийлар, 14 учлик, 17 иккилик, 45 бирлик ва якунда мухлис билан хайрлашув маъносидаги «Хўшлашув» шеъри бор. Муаллиф ҳар бир ғазалга унинг моҳиятидан келиб чиқиб сарлавҳа қўйган. Тўртлик ва учликларга умумий ном қўйилган: тўртқаватлилар, учпахсалар каби. Юкорида тилга олинган ҳажвия «Қўлланма зўр ғазал» деб номланади. У бадий ижод остонасида турган «жўжа шоир»га насихат тариқасида ёзилган. Уни ўқиб нафақат ёш, балки оз тажрибали шоирлар ҳам бемалол ибрат олсалар бўлади. А.Обиджон ҳаваскор шоирга ижод машаққати ва масъулиятдан сабоқ берар экан, ижод оламида фантазия, мушоҳада, хаёл парвози муҳимлигини, бунинг учун қалб ва тафаккур бирлигига эришиш лозимлигини уқтиради. Шунингдек, барчага манзур шеър ёзиш учун муаллиф ёш шоирга жуда кўп мутолаа заруратини кўндаланг қўядики, буни кейинги пайтда сафлари кенгаяётган «модернчи» шоирларимиз қалбларига муҳраб олмоқлари лозим:

*Назм чўнг мўъжиза, ноёб, муқаддасдир,
Назм битсанг, наср бирла таҳорат қил.*

Ғазалнинг бешинчи байтини шоҳ байт дейиш мумкин. Унда муаллиф қалбида истеъдод шаклланаётган шоирга ҳали хом ва ғўрлигини, бошқалардан камчилик изламаслигини таъкидлар экан, юмористик оҳангни авж пардасига кўтаради, аввал «жўжа» деган бўлса, энди «бит» дейишдан ҳам тап тортмайди:

Хатойимни қидирма гап титиб, эй бит!
Хатомни ҳам ўзингга сен маҳорат бил.

Бит – мурожаат манбаи бўлган ёш шоирга тегишли бўлса-да, уни фақат ўшандай тушуниш етарли эмас. «Бит» ифода во-ситаси сифатида полифоник хусусиятга эга. Сабаби, шоир «бит» орқали танқидчиликка ҳам ишора қилади. Бошқача айт-ганда, коса остида ним коса йўқ эмас. Мисрани ўқиганда, даст-аввал, Қодирий романлари, Чўлпон шеърляти, Ойбек ижоди атрофидаги, кейинчалик Э.Вохидов, А.Орипов, О.Матжон, шу-нингдек, мақоламиз қаҳрамони ижодига тегишли катта-кичик ғайриилмий мақолалар эълон қилган «зукко» мунаққидлар киё-фаси кўз ўнгимизда бирма бир жонланади.

Кулқулий кенг қамровли, мураккаб қаҳрамон. У қалбида ишк туғён урган ошиқ. Ошиқки, ўзбек адабиёти бундай «сер-туғён» севги эгасини ҳалигача учратмаган. У бир эмас, турли миллатга мансуб бир неча кизни бирдан севиб қолиши мумкин. Дарвоқе, унинг ўзбек кизларидан ҳам махбубаси йўқ эмас. Фа-қат бир жумбоқ бор: у эгизакларга –ҳам Фотимага, ҳам Зухрага бирваракайига кўнгил қўйган. Ана шу муаммо Кулқулийнинг бошини анча қотириб қўйган:

Икковининг феълин синаб, билдим аниқ, Кулқулмамат,
Ўлдиродур бир кун мени, ё униси, ё буниси.

«Безгакшамол-2»да турли мавзудаги, хусусан, ҳаётий-маиший муаммолар баҳсидаги ғазаллар ҳам диққатни жалб қи-лади. Шоирнинг «Ҳазилкаш зўр ғазал» деб номланган ҳажвия-си мазмунини яхлит ҳолда тушуниш учун кўп қаватли уйлар шароитини бир қарра тасаввур қилмоқ лозим бўлади. Акс ҳол-да ғазал сеҳри сизни ўзига жалб қилолмайди. Мана бу байтдаги ташбеҳни қаранг. Унда ёруғлик манбаи ўчиб, лифт ишламай қолгандаги зина товушлари пионино овозининг тартибсиз жа-рангига ўхшатилади:

Иш, ўқишга чопса ҳамма, зина «тақ-тақ», «тарақ-туқ», «гурс!»,
Ит югургон пионино товушининг гурбати бўлғай.

Ғазал мактаъсида эса лирик қаҳрамоннинг кечкурун ишдан ҳориб келиши, айна дақиқада юқорига пиёда чиқиш азоби ташвишлантириши ҳам ниҳоятда жонли, қизиқарли тасвирланади:

*Ишда роҳат қилиб Кулкул, безиллаб уйга қайтмакдин,
Қул Аҳмаддек ер остига кирарга рағбати бўлгай.*

Кулкулий – ошиқ. У маҳбубасига агар бевафолик қилиб қўйса, ўз жонини севгилисига жарима – «штраф» сифатида беришга тайёр:

*Шафқатинг, ёр, сероб бўлсин,
Лабинг бенул гулоб бўлсин.
Севги қондасин бузсам,
Бу жоним иштароп бўлсин.*

Кулкулийда маъшуқага нисбатан эътироз туйғулари ҳам йўқ эмас:

*О, мадам,
Бизам одам.
Ошиқларни
Деманг: подам!*

Бу митти ҳажвиянинг лирик қаҳрамони шоирнинг ўзи эмас. У бу ўринда иккинчи даражали, шикоятчи ошиқ даражасига тушиб қолган. Асарча бош қаҳрамони тингловчи шахс мадамдир. Мадам–варваризмга киради. Уни минг йиллик шеърияти-миздаги «шўх», «гўзал», «санам», «дилбар», «сулув» сифатлашлари ёхуд ҳажвий ифода воситалари бўлган «асал», «шакар», «новвот», «ширин» каби эркаловчи воситаларнинг бирортаси билан алмаштириб бўлмайди. Шундай қилинса, қофия, мантик ва ҳажвий тароватга путур етади. Шеър юмор туйғусидан маҳрум бўлади. Маъшуканинг биргина «пода» сўзидан ким ва қандайлиги, ҳатто «хусну латофати»ни илғаш мумкин. Мадам деганда кўз олдингизда семиз, бадкавоқ, ҳаддан ташқари ортиқча бўянган, зеб-зийнатларга бурканган, қизил кофта, ёпишқоқ спорт пижамаси кийган, ўзи асли ўзбек, кўринишдан

европа қизларини эслатадиган чиройли, бироқ сатанг қиз пайдо бўлади. Унинг ўз ошиқларини, шу жумладан, шоирни ҳам “пода” дейиши одобсизликдан бошқа нарса эмас. Ҳажвчининг “бизам” деган ифодаси бирдан икки маънони билдира олади. У бир пайтнинг ўзида шоир ошиқни, яъни “мен”ни, шу билан бирга унинг сафдошларини, яъни мадамнинг барча ошиқларини ифодалай олган. Шу билан баробар Анвар Обиджон митти ҳажвия бағрига баъзи бир «замонавий» қизларимизнинг беўх-шов қиёфасини жойлаштиришга эришган. Кўринадики, шеърда бир эмас, бир нечта ошиқлардан бирортасини ўзига муносиб кўрмаган бу танноз ҳа демай қатордан қолиши мумкинлигига ҳам урғу берилган.

Шоирнинг кичик лирик ҳажвияларида ҳам шундай бир нафосат, бадиий ҳақиқатни туйиш мумкинки, катта истиснод эгаси ижодда ихчамликка эришгани сайин жажжи асарнинг ғоявий салмоғини орттира боради. Бундай поэтик шакл ва маъно бирлиги ҳозирча бошқа ҳажвчида учрамайди. Қуйидаги учлик юмор оҳанги ва ҳаётий мазмуни билан ўқувчини бефарқ қолдирмайди:

*Уй ёнмоқда беомон,
Соҳиби юрар шодон,
Куймади деб соқолим.*

Бу ерда бекиёс поэтик манзарани намоён этувчи уч детал бор: уй, соҳиб, соқол. Улар ягона ўзанда бирлашиб муҳим ғоявий негиз пайдо қиладилар. Учликдан мурод уй ёниши ҳақидаги ахборот ёхуд соқолнинг бутун қолиши ҳақидаги маълумот эмас. Балки айна палладаги қаҳрамоннинг – уй эгасининг бепарволиги, лоқайдлиги ва шу орқали худбинлигини тасвирлашдир. Уй соҳиби тақдирида миллатнинг баъзи вакиллариға хос манфурлик, худбинлик ва ғаразгўйлик каби иллатлар мужассам. А.Обиджон шундай бепарво кимсаларнинг умумлашма қиёфасини юмористик оҳангда тасвирлаб берган. Учликни ўқиган кишининг ҳаёлида ўрдак ва унинг бепарволиги хусусидаги мақол тўла жонланади. Жажжи асардаги кичик воқеа диалектик қонуниятлар заминида содир бўлган. Кутилмаган бахтсиз-

лик шоир кўз ўнгида, ҳозир пайдо бўлган. Шу билан бирга воқеа замон ва макон чегараларига эга эмас. У исталган даврда ва исталган жойда рўй бериши мумкин. Уй тасодиф туфайли ёнган. Бунга уй эгасининг ва атрофдагиларнинг бепарволиги сабаб бўлган. Оқибатда уй соҳиби шодон юрибди. Бунга ҳам муайян сабаб бор. Чунки соқоли бутун қолган. Бу энди мутлақо кутилмаган тасодиф. Уй соҳибининг бепарволиги ҳодисага нисбатан инкор. Бунга муаллифнинг муносабати инкорни-инкор қилишга олиб келган. Шунингдек, ўқувчи қаҳрамон томонида эмас. Яъни, унинг соқоли қуймаганлигидан ўзидан бошқа ҳеч ким хурсанд эмас. Бироқ қаҳрамон тақдирига ҳамма ачинади.

Таъкидлаш жоизки, А.Обиджоннинг бадиий жиҳатдан ўртамиёна асар ёзмаслиги дастлабки изланишларидан маълум бўлган. Унинг «Кетмагил» (1985) тўпламига ижобий баҳо берган мунаққид Норбой Худойберганов ўз ҳукмини ғалати хулосалайди: «А.Обиджоннинг бир қанча машқлари жўн бўлиб, уларда ўзига хос яхши топилмалар йўқ. Айни чоғда, у ҳали катта поэтик кашфиётлар яратолмади, воқеа бўладиган ўта баркамол асарлар ҳадя этмади...»¹

Бу гап 1986 йилда ёзилган. Аммо қайси мантиқ асосида бу хулоса юзага келгани ажабланарли. Ўша пайтда шоирнинг ўта баркамол асарлар яратолмагани, эҳтимол. Аммо унинг дастлабки машқлари ҳам мутлақо жўн эмас. Уларда ўзига хос топилмалар йўқлиги ҳақидаги фикр ҳам анча мунозаралидир.

А.Обиджоннинг ҳар бир шеъри, улар қачон ёзилганидан қатъий назар, бизнингча, мустаҳкам поэтик мезонларга тўла амал қилади. Шоир ҳажвияларининг тили содда ва самимийлиги, халқ жонли сўзлашувига анча яқинлиги, гоҳо уларда мумтоз шеъриятга хос ифода воситаларининг қойилмақом ишлатилиши уларнинг ўқувчи қалби ва шууридан мустаҳкам ўрин олишига туртки беради. Ҳажвиянависнинг қатор «иккиқаватлар»и ва «ўртабармоқлар»и ҳам юксак ғоявий ниятларга сафарбар қилинадики, уларнинг бадиий латофатини текшириш, холис баҳолаш, шубҳасиз, бўлак мақоланинг мавзуси бўла олади.

¹ Худойберганов Н. Ўз дунёси, ўз кифоаси. Тошкент: Ёш гвардия, 1986. Б.69.

**АДАБИЙ ТАНҚИД
МИНБАРИДА**

**ЭНГ БУЮК ДАҲО ҲАМ ЎЗ
БАРКАМОЛЛИГИ ВА
КАМЧИЛИКЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ
ТАНҚИДГА МУҲТОЖ**

Н.А.Бестужев

ТАЛАБА БИЛАН УЧРАШУВ

ёхуд иншо қандай ёзилади?

Ижод табиати, сири, сеҳри, синоати ҳалигача ҳеч кимга тўлалигача маълум бўлмаган. Бу ҳодисада кўпроқ билим ва тажрибадан ташқари талант муҳим рол ўйнайди. Сизда билим бўлиши мумкин. Сиз Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни, Менделеевнинг элементлар даврий жадвалини, Дарвиннинг эволюцион таълимотини, Пифагор теоремасини, Эйнштейннинг нисбийлик назариясини, Бородино жангини, Сукротдек буюк файласуфга заҳар ичирилгани, Мирзо Улуғбек фожиаси, Нодираи давроннинг Насруллоҳхон томонидан қатл этилиши, Бобурнинг ихтиёрий жон таслими, Рудакий ва Навоийдек мутафаккирларнинг тоғ ўтгани, Гитлер кабоҳати, Сталиннинг қирғинбарот сиёсати, Каъбанинг муаллақ туришини, шунингдек, севгининг ёш танламаслигини жуда яхши биласиз. Аммо юкоридаги воқеаларни айтиб ва ёзиб билмаслик бу бир неча йиллик тил-адабиёт фанидан қилинган меҳнатнинг сароб бўлиши билан баробар. Ҳар ким ҳам воиз ёхуд ёзувчи бўла олмайди, дейсизми?! Ҳақ гап. Сизга ҳеч ким ваъз ўқинг деяётгани йўқ. Шунингдек, ёзувчилик ҳам қилманг. Лекин баён ёхуд иншо ёза олмаслик бу мактабда ўқитган ўқитувчиларнинг, айниқса, тил ва адабиётдан дарс берган муаллимларнинг фаолиятини йўққа чикариш билан баробар эмасми?! Хўш, иншо ўзи қандай ёзилади?

Тасаввур қилинг: сиз бир гугурт чўпини ёқдингиз. Газ бу-роғини бурасангиз “пишшилламайди”. Вақтинча узилган, дейлик. Бояги ёқилган гугурт донаси нима бўлади?

– Куяди.

– Йўқ, хато айтдингиз. Гугурт чўпи куймайди, ёнади. Синоним дейсизми?! Тўғри, мен ҳам синоним эмас деяётганим йўқ. Муайян сўзни ифодалашда синонимик қаторнинг нутқ жараёнида энг мақбул шаклини танлаш керак. “Юрак куйди”, дейиш мумкин, шунингдек, одам ҳам “куяди”. Бободехқоннинг пешонаси куёш нуридан қорайиб кетган, демак куйган. Юракнинг

куйиши рухий изтироб белгиси. Одам ёки юрак ёниши ҳам мумкин. Бунда сиз назарда тутган олов бўлиши шарт. Демак, ҳар икки тушунчани фарклаб олишимиз лозим. Қозонни ичидаги нарсалар куяди, тагидаги нарсалар эса ёнади. Бошқача айтганда, қорайиб битган ё кулга айланган нарсалар ёнган бўлади. Хуллас, чўп ёниб битди. Бу бир кичик маълумот. Унутмангки, бу ерда “фожиа” рўй берди. Демак, гугурт чўпининг қисмати бир иншо учун яхшигина материал бера олади. Фақат уни рамзий оламда тушуниш, гугурт чўпига “жон” ато этиш, жамиятга аралаштириш, алал оқибат ёндириш, ёндирганда ҳам фойдали қилиб ёндириш, бошқалар тафтини иситадиган қилиб ёндириш омилларини қизиқарли қилиб ёритиб бериш бу–иншонинг мазмунини белгилайди. Муҳими, чўп иншода жонлантирилади. Бировга халқ ва жамиятга фойдаси тегмаган одам, газ йўқ пайтда чақилган гугурт чўпига қиёсланади. Бунинг қизиқарли ифода йўналишини, ҳурматли талаба, топиш лозим. Шунингдек, сув, тош, гиёҳ, булут, гул, қоғоз, қалам, чумоли, тариг, соч толаси, Ҳимолай тоғлари, Капитолия кўрғони, Миср эҳромлари, Эйфил минораси, Хитой девори, онанинг кўз ёши, чакалоқ ингаси, маҳбубанинг дона холи, киприклари, шахмат донаси – буларнинг ҳаммаси адабиёт қуроли – иншо материали бўла олади. Улар орасидан сизга икки ёки учта мавзу тақдим этилади. Билингки, ўша мавзулар сизнинг қизиқишингиз даражасига мослаб тузилган. Ҳеч ким сиздан Гагарин ойда нима қилгани ҳақида иншо ёзишни талаб қилмайди. Шунингдек, Худоёрхон ёки Амир Олимхон ҳарами иншо мавзуси бўлмагани маъқул.

Шўро тузумидан мерос бир мавзу бор: “Мен севган шоир”. Буни ким, қачон ўйлаб топганига ҳайронман. Ростини айтсам, сарлавҳанинг шу тахлит қўйилиши менга маъқул туюлмайди. Сабаби бу гап тилга олинган шоирдан бошқасини ёқтирмайман деган мантиқни юзага чиқарадики, бу беписанликдан бошқа нарса эмас. Мен ўзимга бундай савол беролмайман. Негаки, мумтоз адабиётда Яссавийдан тортиб то XX аср аввалидаги Юсуф Сарёмийгача, ҳатто Ниҳонийгача бўлган йирик сўз санъаткорларининг ҳар бири менга алоҳида оламдек туюлади.

Мен уларда Чўлпон айтган “бир хил”ликни кўрмайман. Тўғри, оҳангда якранглик бор. Гояда-чи?! Тасвир усулида-чи?! Ички дард ва ҳасратда-чи?! Чўлпон айтган бир хиллик ботинида, билсангиз, турфалик, ўзига хослик мужассам. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайди. Шахсан мен чинакам шоирни ҳамиша қадрлайман. У ҳақда жўшиб гапиргим, ёзгим келади. Бу билан мен гапирмаган шоир ижоди мактовга лойиқ эмас, демоқчи эмасман. Бу ерда бошқа парадокс бор. Сизга яхши, кизиқарли туюлган шоир ёки унинг ижоди мен учун ундай эмас. Турфа буки, мен учун зўр, кизиқарли, маҳобатли туюлган шоир ва унинг ижоди сиз учун ҳам худди шундай бўлади. Сабаби, мен сиз учун бу ўринда оддий баёнчи эмас, балки айнан муаллим, эҳтимол, мунаққид бўлсам керак. Шу жаҳатдан мен сизга ёлғон гапирмайман. Гапиролмайман. Касбим шуни тақозо қилади.

Мумтоз адабиётимизни чексиз самоға қиёсласак, унинг тўрт бурчида тўрт маҳобатли, гигант юлдуз бор. Улуғ Навоий, Шоҳ Бобур, Девона Машраб, Оғаҳий мироб. Биринчиси Хирот, иккинчиси Андижон осмонида порлаб “ҳинд сари” юзланган, учинчиси Наманган, тўртинчиси Хоразм кўкидан нур таратиб турибди. Энди худди шу ташбеҳни ҳозирги истиклол даври шеъриятига нисбатан қўлласак, назаримда, бу осмонда ҳам тўрт юлдуз тўрт тарафдан ёғду сочаётгандай таассурот пайдо қилади: Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Анвар Обиджон, Омон Матжон. Бу билан бошқа шоирлар камситилмайди. Зеро мумтоз назм осмони ҳам, замонавий шеърят самоси ҳам тўрт юлдуздан иборат эмас. А.Орипов Қашқадарё, Э.Воҳидов ва А.Обиджон Фарғона, О.Матжон эса кўҳна Хоразм диёридан самоға кўтарилган. Буларни энг катта юлдуз ҳисоблаймиз. Савол бўлиши мумкинки ўн, ўн беш йил ўтиб ана шу ардоқли шоирлар ўрнини боса оладиган, шунга муносиб, ўқувчида умид уйғотадиган шоирлар борми, деб?! Бор. Албатта, бор.

Республикаимизнинг ҳар бурчагида ана шундай истеъдод эгалари бор. Бу ерда уларнинг ёшини назардан соқит қилиб, ижод саҳнасига бирин-кетин кириб келган даврини ҳисобга оламиз. Тошкентда Маҳмуд Тоир, Сурхондарёда Сирожиддин

Саййид, Фарғонада Иқбол Мирзо, Урганчда Матназар Абдулҳаким, Андижонда Фарид Усмон, Термизда Шафоат Раҳматуллаев, Жиззахда Зулфия Пардаева, Бухорода Нодида Афокова, Қашқадарёда Амир Худойбердининг номи фахр билан тилга олинади.

Бирор даврада халкимизнинг тўпори кишилари билан суҳбат курсангиз, гап шеърият ҳақида кетса, фалончи бизнинг қишлоқдан, деб ғурурланишади. Ижодини яхши билмаса ҳам “зўр” дейди. Бу бсжиз эмас, албатта. Боя номлари зикр этилган шоирларнинг ёшлиги ортда қолди. Энди уларни навқирон ва кексалик оралиғидаги ижодкорлар десак ҳам бўлади. Уларнинг аксарияти ҳозир пойтахтда ижод қилмоқда. Шеърият бир азим дарё бўлса, уларни шу дарёга қўшилиб оқаётган ўзига хос катта-кичик булоқларга менгзаш мумкин. Бу гап ҳозирги шеърият фақат шулардан иборат дегани эмас. Республикамизнинг турли вилоятларидан ўзининг сози, фусункор овозига эга бўлган бир неча ёш шоирлар ҳам борки, улар энди оёққа туриб беҳисоб қарвон ортидан эргашаётган бўғалоқ қиёфасини эслатадилар. Улар, шубҳасиз, ҳисобсиз қарвоннинг ҳақиқий аъзоларига айланишларига умид боғлаш мумкин.

Талаба халқи қизиқ бўлади. Мен билан мулоқотда доим шундай. Суҳбат авжига борганда биров “луқма” ташлайди. Бу суҳбат йўсинига мос савол бўлади. Баъзан мутлақо ўринсиз савол беришади. Саволнинг на дарсга, на талаба ҳаётига дахли бўлади. Бунақа пайтда “мен нима дейману, қўбизим нима дейди?” деган савол ҳаёлимдан кечади. Боя анави қиз савол берди: “Ҳозирги тўрт пешқадам шоирдан қайси бирига алоҳида эҳтиром билан қарайсиз?”, Камина бу саволнинг тайинли жавобини айтишга бироз ийманаман. Чунки одамдан “икки кўзингизнинг қайси бири яхши?” деб сўраш ўринлими?! Ижод бу дахлсиз ҳодиса. Майли, сиз ҳозир шу ёшда. Ҳамма нарсани – керак бўлса, бўлмаса билгингиз келади. Мен юқоридаги тўрт шоир ижодига хос асосий белгиларни санадим. Фақат биттасига нисбатан “унинг мумтоз садолари салобати ва шукуҳи эътиборимни кўпроқ тортади”, дедим. У – Омон Матжон. Шоирнинг мумтоз ғазалларга муҳаммас боғлаши, шоир ижодига хос лирик ва эпик

хусусиятларнинг ўзаро уйғун келиши, лирик қаҳрамоннинг дунёни ларзага келтирувчи оху ноласи, кўшиқларида Махтумқули нидосининг акс-садо бериши бор латофати билан менинг рухиятимда қайта жонланади. Гўё шоир айтган сатрлар айнан мен учун, менинг дилимда, ичимда ётган майда дард, алам хужайраларини кўзга, уларни тирилтириш, уларга жон бағишлаш учун ёзилган каби шууримда қайта-қайта янграйверади. Бошқача айтганда, шоир мисраларидаги ошиқнинг азоб ва изтироб нолалари менинг кисматимни ифодалаган қадар ички рухиятим билан уйғун ҳолда жаранглайди. Уни хоразмча наво оғушида бир хиргойи килиб кўринг-а:

*Бу не савдо ёр исминг,
Ҳар лаҳза ёда келмиш.
Ҳолим кўриб чўлларда,
Мажнун фарёда келмиш.*

Ҳолим кўриб...

Менинг ҳам сўнгги йиллардаги шахсий изтиробларимдан хабардор неча дўст-биродарлар ҳолимни кўриб, “Эй воҳ!” деб фарёд чекмадилар дейсиз. Майли, ҳозир гап мен ҳақимда бўлмагани маъкул.

Мен сизга ўзим севган шоирни айтдим. Энди сиз айтасиз. Хўш, сиз севган шоир ким? Ё яна мен севган шоир ҳақида гаплашамизми?! Майли, шундай бўлса, бўлақолсин. Кейинги саҳифаларда ҳам шу ёки шу сингари мавзулар атрофида бир неча баҳс юритамиз. Сизнинг тилингиз билан айтганда, иншо ёзамиз. Уларни ақл чиғириғидан ўтказиш ва баҳолаш эса, азиз ўқувчим, сизнинг чекингизга тушди. Бу мавзу ҳали кўп давом этади. Эҳтимол, уни айнан сиз давом эттирасиз. Аммо, унутмангки, мен севган шоир бу энди сиз севган шоир бўлиши ҳам мумкин. Балки айнан шундайдир.

ЎЗУВЧИНИНГ ИФОДА КАЛИТИ

Ўзувчи Давлатбахт (Қутлибека Раҳимбосва)нинг “Алданган киз қасоси” номли детектив ҳикоясини муаллиф ижодида ўзига хос ноёб ҳодиса, деса бўлади. Тўғри, бу каби воқеалар турмушда кўп учрайди. Бироқ ҳаётий воқеанинг қойилмақом ифода йўсинини бадиий жиҳатдан пишиқ, пухта тасвирлашни ҳар ким ҳам уддалайвермайдида. Мазкур ҳикояда ўзувчи китобхон эътиборини жинойтга эмас, балки уни юзага чиқарган ҳаётий омилларга қаратиб, тўғри йўл туган. Рухсора (асл исмини кейинроқ билиб оламиз) Суйима кампирни нега бўғиб ўлдирди? Шунингдек, у бу қотилликка, умуман, дахли бўлмаган бошқа яна бир хотиннинг умрига нега зомин бўлди? Бу ердаги нозик масала шуки, муаллиф ўз феъл-атвори, яшаш тарзи, хатти-ҳаракати билан ўзгаларнинг осойишта ҳаётига раҳна соладиган баъзи бир хотинбоз, қўшмачи, товламачи ва таъмагир кимсаларнинг жамиятимизда бамайлихотир яшашга ҳеч қандай ҳақлари йўқ, деган ғояни илгари сурмоқда. Ўзгача айтганда, ўзувчи жинойий иш ёки жиноятчининг маънавий олами ҳақида эмас, балки беозор қизни вақти келиб жиноятчига айлантирган жамиятимиздаги мавжуд ижтимоий иллатларни бадиий ифодалашни бош ғоя сифатида тасвир майдонига тортган. Бундай иллат кишилари ҳикоя қаҳрамони ва демак, ўзувчи нигоҳида нафақат бемалол юришга, балки тушакда ётиб умр кўришга ҳам лойиқ эмаслар.

Суйима кампирни Рухсора ўлдирмаса ҳам кўп яшамасди. Уч, тўрт кунлиги колганди унинг. Аммо қаҳрамон қалбида қасос туйғуси бор. Башорат (асл исми)нинг ҳаёти остин-устун бўлиб кетишига ёшлигида худди шу кампир сабабчи бўлган. У ўз ажали билан ўлса, Башорат ўзини кечиролмасди. Башорат ўша қария билан ҳисоблашиш режасини амалга ошириш вақтини узок – ўн беш, йигирма йил кутади ва ўзгалар нигоҳида мудҳиш, ўз назарида эса жуда зарур бўлган ана шу қалтис ниятини амалга оширади.

Ҳикояда Суйима кампир фожиасининг сабаблари тўлақонли ёритилган. Бу аёл бир пайтлар шаҳарда шоҳона ҳаёт кечир-

ган. Аммо, таассуфки, ҳалол меҳнат эвазига эмас. У уйида бир эмас, бир нечта қиз-жувонларни хотинбоз кишиларга қўшиб, шунинг орқасидан мўмай даромад топиб юрган. Ёши ўтгач, ишсиз ҳамда қаровсиз қолади. Уни меҳр-оқибатли кишилар шаҳар чеккасидаги овулнинг пастқамгина, кўримсиз ховлисига жойлаштириб қўядилар. Ёзувчи кампирнинг ана шу кулбадаги аҳволини кейинчалик Башорат ҳаёлидан кечган хотиралар орқали ўқувчига аён қилади: “Кампир кексайса ҳам қон-қонига сингиб кетган ёвузлик, шафқатсизлиги ўзи билан қолган экан...”

Кўринадики, агар киши қалбини ёвузлик, шафқатсизлик эгалласа, уни бу иллатлардан тозалаш душвор экан. Кампир чироқсиз, газсиз яшайди. Бу ерда ёзувчи томонидан қариянинг чироқсиз яшашига урғу берилиши бежиз эмас. Чунки унинг ёруғ кунлари ўтган, эндиги ҳаёти эса борган сари зулмат қаърига сингиб бораётганди. Кўп ўтмай бу зулмат қўшмачи кампирни бутунлай ўз домига тортади.

Ёзувчи асар охирида жиноятчини қонун идораларига топширмайди, балки унга қандай жазо қўллаш мумкинлигини ўқувчи-китобхон ихтиёрига ҳавола қилади. Бир эмас, икки қотилликни амалга оширган қиз ҳаёти, албатта, таҳликада қолади. Милицияларнинг тинтув ва сўрок ўтказишларидан бу қотилликлар эртами, кечми фош бўлиши ҳам муқаррар. Шунга қарамай, китобхон Башоратни буткул ожиза сифатида тасаввур қилмайди. Аксинча, ўч олиш лаззатидан сармаст мағрур жувон киёфасида тасаввур этади. Бошқача айтганда, ўқувчи нафрати худди қаҳрамон ва ёзувчи нафрати каби фожиага учраган аёлларга қаратилади. Қасоскор-жиноятчини бу қадар жасур, мард, эҳтимол, ардоқли қилиб тасвирлаш, назаримизда, ёзувчининг ўзига хос бадиий маҳоратидан бошқа нарса эмас.

Адабиётшуносликда детал деган тушунча бор. У жуда майда унсур. У қанча майда бўлмасин, ёзувчининг у ёки бу ғоясини юзага чиқариш учун очкич – калит вазифасини ўтай олади. Ҳикоядаги “тезак”, “ароқ”, “чироқ” ва “сигарет” деталлари худди шу вазифаларни адо этган.

Башорат айна балоғат палласида ўқишга киролмагач, кишлокка боришни, отаси кўз остига олиб қўйган чўпон дўстининг

“кийимидан тезак ҳиди келиб турадиган” ўғлига тегишни истамай, шаҳарда қолади ва кўп ўтмай, қисматни қаранг, ўзини устидан “ароқ ҳиди анкиб турадиган” бойвачча йигит кучоғида кўради. Бу манзара ўқувчи кўз ўнгида ёмғирдан қочиб, дўл остида қолган кишининг ачинарли қиёфасини пайдо қилади. Бу ўриндаги нозик нуқта – қизнинг отаси маъқул кўрган, эҳтимол, ўзига жуда муносиб бўлган йигитдан юз ўгиришида эди. Боз устига орзу-ҳаваслар оғушида романтик хаёллар билан юрган қизнинг ўқишга киролмагани унинг боши берк кўчага кириб қолишига боис бўлади. Худди шу ҳолат, аниқроғи, ҳамқишлоқ йигитни менсимаслик ҳисси уни шаҳарда қолиш истагини кучайтиради. Бу хоҳишнинг хато эканини бош қаҳрамон ўша пайтларда тушуниб етмасди. Худди шу хато аста-секин илдиз отиб, кенг қанот ёзади ва Башоратни умуман кутилмаган турмуш зарбаларига дучор қилади.

Ҳикояда икки хил ҳид ҳақидаги деталлар гўё бири бошқасига қарши қўйилгандек. Негаки, уларнинг бири кийимда, иккинчиси танада. Демак, бири ювса кетади, бошқаси ундай эмас. “Тезак ҳиди” билан “ароқ ҳиди” сюжет ҳалқасига бекорга илинмаган. Бири қаҳрамон киз тегишни истамаган йигитнинг яшаш тарзига ишора қилади. Модомики, ундан шундай ҳид келадими, демак у ўқишга кириш ҳавасидаги қизга муносиб эмас. Иккинчиси – бойваччанинг айш-ишратга берилганини, демак маънавий қашшоқ қиёфасини кўрсатган. Шу билан бирга ароқ детали ғоявий жиҳатдан бойвачча билан бир сафда турган кўшмачи ва таъмагир аёлларнинг феъл-атвори, ички дунёси салбий кирраларининг тўлақонли очилиши учун туртки – кўприк вазифасини ҳам ўтаган. Шу ўринда таъмагир хотин билан яқинроқ танишиб олишимизга эҳтиёж бор. Чунки у ҳам жинойт қурбони бўлган. Қасд олиш лаззатидан сармаст, гоҳо қилиб қўйган жинойтидан таҳликада ва баъзан хаёлидан ўз жонига қасд қилиш фикри ўтиб турган бир пайтда Башоратни у яшаб турган ижарага, афтидан, паст-баланднинг фарқига яхши борадиган, бошига зангори рўмол ўраган бир нотаниш аёл сўраб келади ва қизнинг қотиллигини яшириб юриши эвазига ундан тилла буюмлар таъма қилади. Башоратда тилла йўқ эди. Ма-

ҳалла-қўй эса қизнинг кампирни ўлдиришдан мақсади унинг Николай замонидан қолган тиллаларига эга чиқиш бўлган, деб ўйларди. Начора, эл оғзига элак тутиб бўлармиди?!

Ҳикоянинг яна бир нозик фазилати шуки, ёзувчи ҳар икки жинойт саҳнасини бутун тафсилотлари билан тасвирлаб ўтирмайди. Ғоят қисқа ва мазмунли воқеа тасвири билан бир йўла икки жинойт эпизодини кўрсатишга эришади. Бу ҳикоянинг сўнгги жумласида ўз аксини топган: “Башорат аёлни қандай қилиб уйга судраб кирганини билмади. Бир пасдан сўнг... Башорат дераза олдида турарди, сигарет чекиб. Зангори рўмолли аёл эса худди овул четидаги қора кулбада хириллаб ётган кампирга ўхшаб хирилларди...”

Кўчирмадаги “сигарет” ҳам ўзига хос детал эканини айтдик. Чунки бу манзара кўз ўнгимизда тушқун ёхуд саросимадаги жувон ҳолатини эмас, балки ўлжасини маҳв этган урғочи арслон каби жинойтчининг ўз қилмишидан руҳий коникиш ҳиссини туйган мағрур аёл қиёфасини пайдо қилади. Башоратнинг атрофга, ёвуз кимсаларга нафрати, айникса, нотаниш аёл ундан тилла таъма қилганида аниқ сезилади. Бу нафратни муаллиф унинг ички нутқи орқали фош этишга эришган:

– “Қанақа ифлос бу дунёси! Қанақа бу одамлар?! Одамми шулар?!” Шу тариқа яна бир жирканч аёлга дуч келган Башорат энди уни ҳам йўқ қилиш лозим, деган қатъий қарор қабул қилади.

Ҳикояда баъзи бир нарсалар мавҳум қолган. Буни зинҳор камчилик деб қабул қилмаслик лозим. Аниқроғи, бу ўқувчи идрокига боғлиқ муаммолар сифатида қоғозга туширилмаган. Биринчиси – Башорат тегишни истамаган йигитнинг кимлиги ва унинг бош қаҳрамонга муносабати масаласи. Адиба у ҳақда “Эшназар чўпоннинг уст-бошидан тезак ҳиди келиб турадиган ўғли”, деган маълумотдан бошқа нарсани айтмаган. Эҳтимол, у ҳақиқатдан ҳам гўл ё содда йигитдир. Балки тортинчоқ, беозор, меҳнаткаш бир ўсмирдир. Нима бўлса ҳам у Башоратнинг оёйишта ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборган бойвачча йигитга қарама-қарши персонаж сифатида кўзга ташланади. Иккинчи мавҳум ҳолат ана шу бойваччанинг тақдирига дахлдор.

Қўшмачи хотин билан таъмагир аёл ҳаётига қасоскор томонидан нукта қўйилди. Бу эса... Афсуски, бутун кўргиликларнинг юзага балқиб чиқишида ўқ томир ҳисобланган мана шу хотин-боз аслида тошбўрон қилиш каби мудҳиш жазога лойиқ эди. Ёзувчи эса бу масалага эътибор қаратмайди. Ким билсин, эҳтимол, у ҳалиям айшини суриб юргандир?! Ё у ҳам биронта жабрдийда томонидан йўқ қилингандир. Нима бўлса ҳам ёзувчи нигоҳида бундайларни буткул йўқотиб бўлмайди. Бирини куритсангиз, иккинчиси униб чиқаверади.

Зангори рўмол ўраган аёлнинг “хириллаб ётиши” учинчи мавҳум ҳолатдир. Чунки хириллаш бу ҳали ўлди дегани эмас. Аммо унинг Суйима кампирга ўхшаб хириллашига урғу берилганидан, буни ҳам унинг ортидан равона бўлган, деб ўйлаш мантиқан асослидир.

Ҳикоянинг сюжет тармоқчалари рақамлар воситасида қисмларга бўлиниши яхши. Бироқ унинг сарлавҳасини ихчамлаштириб “Қасос” деб қўйилса, яна ҳам яхши бўлур эди. Қасоскорнинг қизлиги ва алдангани ҳақида эса ўқувчи мутолаа давомида билиб олаверади. Боз устига қасоскор ўч олаётган пайтда энди қиз эмас, чамаси қиркка яқинлашиб қолган жувон экани кўриниб турибди. Хуллас, ёзувчи Давлатбахтнинг “Алданган қиз қасоси” номли детектив ҳикояси жамиятимиздаги фоҳишабозлик, ичкиликбозлик, қўшмачилик ва таъмагирлик иллатларини бадий жиҳатдан пухта ва пишиқ фош этиши билан муаллиф ижодида, бинобарин, ҳозирги ўзбек детектив ҳикоячилигида ўзига хос ўринга эга.

РИМ ИМПЕРАТОРИНИНГ «ОНА»СИ

*Бўри баковул экан.
“Эртақ”дан*

Ҳозирги ўзбек шеърятининг забардаст вакилларида бири Амир Худойберди ижодида «Метаморфоза»¹ дейдиган асар

¹ **Метаморфоза** – қадимги рим шоири Публий Авидийнинг машҳур асари номи. Унда ўша давр рим мифологиясида кўп учрайдиган афсонавий турланишлар: одамларнинг

бор. У жами тўққиз учликдан иборат. Унинг биринчи банди кириш – экспозиция вазифасини ўтаса-да, уни мустақил асар сифатида талқин ва тадқиқ этиш мумкин:

*Агар менга қайта тугилиш
Имконини берсайди Оллоҳ
«Бўри қилиб яратгин», – дердим.*

Қизик! Нега энди бўри? Нега ит эмас? Ёхуд нега бошқа жонзот, дейлик бургут эмас? Ахир у кўкда бемалол парвоз қилади-ку! Ё бўри узок яшармикин?! Эшқобил Шукур бир ўринда «Саҳрода бир калтакесак, етти юз йил думин судради», дейди. Бу билан у калтакесакнинг бир тури жуда узок яшаши ҳақидаги тахминни шеърга солган. Зоологияда тошбақанинг уч юз йил яшаши мумкинлиги ҳақида маълумот бор. Аммо бадий ижодда бирор бир ҳайвоннинг номи тилга олиними, билингки, у ё ибратга лойиқ фазилати ё нафратга лойиқ иллоти билан инсониятга намуна қилиб кўрсатилади. Ижод аҳлини жонзотларнинг қанча умр кўриши қизиқтирмайди, балки уларнинг қандай ҳаётий аъмол ва эътикод билан яшашлари жуда қизиқтиради. Ажабо! Амир Худойберди нега «ит» демайди? Ахир ит вафо ва садоқатда, бинобарин, «ишқ»да бошқа барча ҳайвонлардан устун туради-ку?! Товус деса ҳам бўларди. Ахир товус бадий ижодда гўзаллик ва нафосат тимсоли эмасми?!

Ҳайвонлар, хусусан, итнинг вафодорлик, отнинг адолат-парварлик хусусияти бадий ижодда одамзотга ибрат қилиб кўрсатилади. Бунини қарангки, бўрида ҳавас қилса арзийдиган фазилатлар итга ёки отга нисбатан анча кўпга ўхшайди. Акс ҳолда шоир бўри ҳаётига ҳавас қилмаган бўлур эди. Амир Худойберди наздида унда шердаги шоҳона ҳайбат, манманлик, кибру ҳаво; тулкига хос айёрлик ва ялқовлик; итга муносиб ғаюрлик, қизғончилик йўқ. Унинг ялови – Эрк. Ўлганда ҳам шундай экан. У мардлик, жасорат, фахр ва ғурур тимсоли.

жониворларга, ўсимлик ва тошларга, ҳатто юлдузларга айланиб қолиши ҳақида турли-туман ривоятлар бор. Амир Худойберди шеърининг шундай номланиши ўша машҳур асар номига ишора қилади.

Ўзбек халқ эртақларининг кириш қисмида «бўри баковул экан, тулки ясовул экан», дейдиган анъанавий хабар учрайди. Тулкининг ясовуллиги унинг айёрлигига соя солмайди. Шунингдек, бўрининг баковуллиги адолат тарафдори эканлигига ишора қилади. Эртақларнинг юқоридаги баркарор формуласи моҳиятида “бўрига қозонни ишониш мумкин, чунки у ғаюрлик ва мунофиқлик иллатидан холи жонзот”, деган ғоя ҳукмрон.

Бўри туркий халқлар эътиқодига кўра ит сингари вафодор эмас, аксинча, у одам боласи учун хавфли, ёввойи ҳайвон саналади. Шу боис унинг бадий ижоддаги кифаси, кўпинча, ваҳшийлик тусига эга. Марказий Осиёнинг қадимги нақл ва ривоятларида туркий қавмлар бўридан таркаган деган маълумотлар учрайди. Шунингдек, ўзга халқларда, хусусан, қадимги Римда бўрини «она» сингари эъзозлаш керак, деган қараш тарихан мавжуд бўлган. Бу бизга ғалати туюлиши мумкин. Аммо бу ҳодисанинг моҳияти ўша халқнинг қадимий ривоятларидан бирида ниҳоятда қизиқарли ёритилган: «Қадимда, милoddан аввал биринчи асрда Троя юнонлар томонидан вайрон этилгач, уларнинг бир қисми Еней бошчилигида Ласияга келиб ўрнашадилар. Ласия подшоҳи Лотин Еней ва трояликларни илиқ кутиб олади ва кизини Енейга никоҳлаб беради. Лотин вафот этгач, ўрнига куёви Еней ўлтиради. Подшоҳ Еней ўғил кўради. Исмни Асканий-Юл деб қўядилар. У улғайгач, Алба-Лонги шаҳрини барпо этади. Кўп вақт ўтиб Еней авлодларидан бири Нумитор укаси Амулий томонидан ўлдирилади. Нумиторнинг кизи Силвия билан Худо Марг никоҳидан икки ўғил – Рамул ва Рома дунёга келади. Акасининг котили Амулий: «Эгизаклар катта бўлиб улғайса, мени тахтдан ағдариб, бобосининг ўчини олади», деган ташвишда норасидаларни саватга солиб, Тибр дарёсига оқизиб юборади. Бир неча кун ўтиб, Худонинг инояти билан сават дарёнинг кирғоғига чиқиб қолади. Уларни она бўри эмизиб, омон қолишига сабабчи бўлади. Кейинчалик бир чўпон болаларни топиб олади ва тарбиялаб вояга етказди. Ака-ука ботир ва моҳир жангчи бўлиб етишадилар. Улар бир-галлашиб Ласия подшоҳи Амулийни ўлдирадилар. Эгизаклар ўртасида шаҳар барпо этиш ва унга ким ҳукмронлик қилиши

хусусида рақобат туғилади. Жанжал вақтида Рамул укаси Романи ўлдириб қўяди. Рамул ўзи барпо этган шаҳарга Рим (лотинча Рома, ўзининг исми) деб ном қўяди. Кўринадики, Италия халқларида ҳам худди туркий халқлар сингари қасд олиш туйғуси, шахзодалар ўртасида тахт учун кураш, қатл этиш ҳоллари қадимдан мавжуд бўлган экан. Аммо ривоятда Рамулнинг ўз укаси Романи ўлдириб қўйиши «бўри»лик аломати эмас, аксинча, шахслик – «мен»лик белгисидир.

Муҳтарам ўқувчи фожиа илдизини қаҳрамоннинг болалигида бўрини эмганига боғлаши, эҳтимол. Бунда ҳам маълум маънода ҳақиқат излари йўқ эмас. Бироқ фалокатни буткул бўрига ағдариш хатодир. Чунки Рамулнинг фожиага қўл уриши инсонга хос ожизлик, балки ёвузлик бегисидир. Римда бўрини «она» сифатида эъзозлаш лозим деган қараш ўша тарихий ривоят билан боғлиқ.

Милоддан аввал бешинчи асрларда Капитолияда бронзадан ясалган “Она бўри” ҳайкали ўрнатилган. Ёдгорликда акс этган Она бўри шаклининг пастроғида икки эгизак киёфаси бояғи ривоят мазмунига ишора қилган. Италия пойтахти марказларидан бирида “Она бўри” ҳайкали ҳозир ҳам қад кўтариб турилди. Италиянинг баъзи газеталарида унинг олтиндан ясалгани ҳам айтилган. Бу уларнинг юқоридаги эътиқоди ҳали ҳам сусаймаганидан далолатдир.

Чечен халқининг давлат тамғасида бўрининг сурати акс этган. Улар махсус тамғани тегишли органларнинг уч марта инкор этганига қарамасдан шу суратни қўйишни лозим топганлар ва бунга эришганлар. Тамға 2010 йилга қадар давлат рамзи сифатида қўлланган. Эрамиздан сўнг олтинчи асрлардаги туркий қабилалар тамғаси ва байроғида ҳам бўрининг сурати акс этган.

Амир Худойбердининг бўрилиқ ҳаваси сабаблари тушунарли бўлди. Бани одам авлодида меҳр-оқибат сийраклашаётган фурсатларни кўрган, унинг ҳайвонот дунёси қилмаган нобакорликларига гувоҳ бўлган ҳар қандай инсон шоирга ўхшаб бўрилиқ ҳавас қилса, не ажаб?! Бўри дашту биебонда бемалол увиллайди. Унинг увиллаши эркинлигидан дарак. У яширинча

қўй емайди: оғзи ошкора қон. Жонивор тухматларга бардош бериб яшайди: емаса ҳам оғзи қон. У ахил ва тотувликда ҳам бошқа барча жонзотларга ибрат – ўз қавмига бўрилиқ қилмайди. У ҳеч нарсадан қўрқмайди, чунки гуноҳкор эмас. Баъзи бир қариялар бўрининг қўй овлашида ҳам бошқа бирор ёввойи ҳайвон табиатида учрамайдиган ҳислат бор, дейишади. Биласизми, у гоҳо соғлом қўйга тегмас экан. Балки бир сурув қўй орасидан касалини бўғизлаб, кўздан ғойиб бўларкан. Бу билан бошқа қўйларнинг касалланишини олдини олиб, чўпонга беминнат ёрдам берар экан. Бўрида ғажолик ва ҳасадгўйликдан нишон йўқ. У ов пайтида сурувга ҳужум қилаётган бошқа бўрига ғажолик билан қарамайди. Одам-чи?! Бўри табиатида йўқ бўлган ҳасад, кибр, манманлик одам жисмида гоҳо бош кўтариб туради. Бу иллат баъзи бир замондошларимизда урчиб кетаётгани Амир Худойбердини жиддий ташвишлантиради.

Ҳаётда шундай одамлар бор. Сиз чўққига интиласиз. У оёгингиздан тортади. Сиз тагин юқорига интиласиз. Талай қийинчиликлар, сабр-тоқат эвазига муайян маррага эришасиз. Кейин бояги лўттивоз муваффақиятларингиз гаровини бошқа нарсаларга боғлайди. Ҳатто ўзини кўмаклашган қилиб кўрсатади. Оёгингиздан тортган дамларини эса тап тортмай ўша лўттивоз “итарганман” дейишгача етиб боради. Бу каби хунрезлик ва мунофиқлик иллатини Амир Худойберди содда, лекин жуда гўзал ифодалаган:

*Анави кимса чўққига чиқмоқ бўлибди қаранг,
Оёғидан тортмаса, ўзбек «ўзбек» эмасдир.*

Кўрдингизми, мана шундай пасткашлик иллатлари одам авлоди характерида гоҳо учраб туради. Шундай бўлгач, шоири даврон «бўри» бўлишни орзу қилади-да! Унинг бўри ҳаётига орзумандлиги инсон бўлиб туғилганига пушаймон бўлаётгандек таассурот пайдо қилиши мумкин. Йўқ, ундай эмас. Аслида шоир бўри қавмига хос ғайрат, шижоат, ғурур, мардлик, виждон, аҳиллик ва бошқа олижаноб фазилатларни одамлар орасида кенг тарқалишини орзу қиляпти. Бу билан замондош-

ларини, умуман, одам авлодини аҳил ва тотув яшашга даъват этапти.

Истеъдодли рассом Шавкат Музаффаров ижодида "Она бўри" деб номланган портрет бор. Унда чақалокли бешикни тишлаб турган бўри қиёфаси нигоҳидан оналик хисси, меҳрибонлик ва ғамхўрлик аломатлари балқиб турибди. Портретнинг тўзон орасида тасвирланиши гўё унинг бу ҳаракатига бошқалар, ҳатто табиат ҳам қарши эканлигини илғаш мумкин. Лекин булар унинг оналик ғурурини поймол қила олмайди. Рассом бўри сиймосида ғурур ва ифтихор, мардлик ва жасорат туйғусини намойиш эта олган. Портрет "Шарқ юлдузи" журнали (2006 йил, 2-сон) муқовасининг учинчи саҳифасида акс этган. Уни кўрган киши юкоридаги шеър мазмунини уққандек кучли завқ туйиши мумкин. Бу энди портретни томоша килувчи кишининг диди, савияси ва дунёқарашига боғлиқ. Шундай қилиб, бўри оддий ҳайвон эмас, у Римни барпо этган биринчи императорнинг «она»си сифатида ҳам ижод аҳлига илҳом манбаи бўла олади. Боз устига унинг қатор фазилатлари юкорида айтилганидек, бани башарга ибрат, мутлақо ибрат намунасиدير.

“САНЪАТ”МИ Ё “ИЛЛАТ”МИ?
ёхуд шеърятда бадий дид ва илмий
идрок муаммоси

Биринчи мақола

Севимли газетамиз “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” (бундан кейин шу номни қисқа шаклда қўлласак) саҳифаларида эълон қилинаётган турли мавзулардаги, хусусан, ҳозирги ўзбек шеърятинида ижодкорнинг бадий диди ва уни баҳолашдаги илмий идрок муаммоларига муносабат билдириш эҳтиёжи мени кўндан бери безовта қилиб келар эди. Мунозаралардаги фойдали ва фойдадан холи жиҳатларга холисона баҳо бериш баробарида муносабат паноҳида яна айрим нарсаларни ҳам “қистириб” кетиш илинжи бор эди-ю, ана шу нарсалар, ҳа деганда ҳаёлда пишиб етилмади. Айтилиши лозим туюлган

гаплар шу қадар кўп эдики, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш зарурати бор эди. Боз устига каминани ўлантираётган муаммолар бошқа муаллифлар томонидан айтилаётгани ҳам бирор нима дейишга монелик қиларди. Хуллас, газетанинг 2005 йил 21 октябрь сонидagi “Нутқ ва маҳорат” мақоласини қайта муталаа қилиш айрим нарсаларни қозоғза туширишга туртки берди. Уларни бир оз кеч бўлсада, сизга етказиш, муҳтарам мухлисим, менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Мен бир мухлис ҳам кўпроқ мутахассис сифатида ушбу газета саҳифаларида чоп этилаётган сўнгги йиллардаги мунозаралардан шундай хулосага келдимки, ўртамиёна ёхуд ундан ҳам паст даражадаги шеърларнинг кўпайиб кетишига асосий сабаб муаллифларнинг бадий сўз масъулиятини етарлича ҳис қилмасликлари, уларни санъат талаблари даражасида ифода эта олмасликлари экан. Мен бу асосий сабабга яна икки омилни алоҳида илова этишни истар эдим.

Биринчиси – бизда миллий истиқлол даври шеърляти инсоннинг маънавий қиёфасини бадий талкин этишда имкон қадар юқори жабҳаларга кўтарилгани ҳолда улар орасидаги салбий жиҳатларни илмий асосда таҳлил қилиб берадиган том маънодаги шеършунослик замон талабидан анча орқада. Шоир кўп, шеър-чи? ёки шунинг акси хусусидаги мулоҳазаларни эслаганда яна бир муаммо хаёлдан кечади: шеър кўп, шеършунос-чи?!

Иккинчиси эса муайян шеърй асарнинг наприётларда ёки матбуот шохобчаларида чоп этилишида жонбозлик кўрсатаётган ношир ва айникса, муҳаррирларнинг ўз вазифасига нисбатан беписанд муносабати нўноқ асарларнинг кўпайиб боришига сабаб бўлмокда. Жумақул Ражабнинг:

*Навоийдан бир газал ёдламаган муртаддан
Беш-олтита китобдор “шоирчалар” ясадик, –*

дея пичинг қилиши бежиз эмас. Назаримда, ношир ёки муҳаррир муайян асар ёхуд тўпламнинг босмадан чиқишига “фат-

во” беришдан олдин уни жиддий текширувдан ўтказиши лозим. Шу маънода муҳаррир шеършунос олимдан ҳам эҳтиёткор, талабчан ва саводли киши бўлиши лозим. Бошқача айтганда, эълон қилинажак ҳар қандай асарнинг гуноҳ-савоби, аввало, муаллифга, сўнг эса муҳаррирга (илмий нашрларда масъул муҳаррирга) бориб тақалади. Зеро тўпламни китоб деб аташга ҳуқуқ берадиган икки асосий жиҳат бор. Бири – гриф, иккинчиси муҳаррирга эга эканлиги. Китоб мутолааси вақтида иштибоҳ туғилса, дарров муҳаррир кимлиги билан кизикилади. Ўртамиёна шеър ва шоирларнинг кўпайиб кетиши худди шундай тоифадаги муҳаррирларнинг ҳам ортиб бораётганига далилдир. Шу жиҳатдан “Нутқ ва маҳорат” (Ўз АС, 2005, 21 окт.) мақоласининг муаллифи “кейинги пайтларда айрим китоблар, рисола ва тўпламлар мутлақо таҳрир этилмасдан муаллифларнинг ўзлари ёзган тақризлар асосида нашр қилиниши” хусусида бонг уруши эътирофга лойиқ. Ҳақиқатдан ҳам баъзи китоблар, ҳатто илмий-оммабоп рисолаларнинг кириш сўзи бошқа бир таниқли мутахассиснинг имзоси билан босилади-ю, ўша мақола билан китоб муаллифининг асари ўртасида жиддий фарқ кузатилмайди. Услуб дейилгучи унсур ҳар икки “иш”нинг бир киши қаламига мансуб эканини яққол кўрсатиб туради.

Боя эслатилган мақола муаллифи ҳар қандай ижодда нафақат сўз, балки кўшимча ишлатишда ҳам жиддий эътибор заруратини дастлаб соҳа мутахассислари – журналистлар ва филологлар зиммасига юклайдики, бу бежиз эмас. Ҳақиқатдан ҳам журналистларимиз нуткида “бежизга”, “бағоятда”, “нутқий”, “касбий”, “озорий”, “рахбарий” сингари ғоят кўпол эшитилувчи сўзлар шу қадар кўп ишлатиладики, ўша мухбирни қандай ўқигани, ўз устида қандай иш олиб бориши хусусида ўйлаб қоласан. Мен ҳатто “-ий”ни “баҳор”га қўшилишини ҳам ғалати ҳисоблайман. Негаки, салбий маънода «қиший кайфият» бўлмагач, ижобий маънода «баҳорий кайфият» тиланиши менга қандайдир эриш туюлади. -ий (-вий) ўзи соф ўзбекча кўшимча эмас. Шу боис уни қўллашда жиддий мулоҳаза лозим.

Аҳмаджон Мелибоев сўзга масъулият “юки”ни дастлаб мутахассис (журналист ва филолог)лар зиммасига юклайдики, бу

боя айтганимиздек асло бежиз эмас. Майдагапликка йўйилмаса, шу жойда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2005 йил 6-сонида тилшунослардан бири “Садди Искандарий” таҳлиliga киришар экан, асарнинг адиб (?) ижодида муҳим ўрин тутиши, кейинги давр зуллисонинан адиб(?)ларга таъсири масаласида фикр юритади. Ахир гап сўз даҳосининг насрий мероси ҳақида эмас-ку!? «Хамса» дostonлари ёки куллийт девонларидан бири таҳлил қилинар экан, муаллифга нисбатан “адиб” сўзини ишлатиш илмий услуб тамойилига мос эмас. Илмий услуб ҳар қандай сўзнинг синоним қаторидан энг муносибини танлаш заруратини талаб қилади. Боз устига “шоир” билан “адиб” сўзи синоним эмас. Улар “ижодкор” сўзининг маънодошлари ҳисобланади. Буни дастлаб, тилшунослик соҳаси вакиллари тўла идрок этмоқлари лозим, деган ўйдаман.

“Ўз АС”нинг 2003 йил 11 июл сонида ўқиймиз: “Бугун шундай бир нимарсалар (шеър эмас) пайдо бўляптики, уларга муаллифликка даъвогарлар (шоир эмас) шу нимарсаларни ёзаётганда, ақли ҳуши жойидалигига ҳам ишонишимиз қийин. Ўта жўн, куруқ, бачкана, ҳиссиз...” Нақадар топиб айтилган гаплар. Мен нафақат ўша ҳиссиз нарсаларни ёзганларни, ҳатто уларнинг “нимарсалари”ни таҳрир ва нашр қилганларни ҳам ақли ҳуши жойидалигига ишонмайман. Айни ҳақиқатни мунаққид эмас, шоир айтгани кишини қувонтиради. Зар қадрини, аввало, заргар билгани яхши-да!

Кўчкор Норқобил кўпчилик саёз қўшиқлар қаторида:

*Хушрўйгинам сизни оламан,
Онангизга куёв бўламан, –*

сингари сатрлар учрайдиган шеър матнини ҳам тилга олиб жуда тўғри қилади. Менингча ҳам буни камчиликдан холи деб бўлмайди. Агар шуни шеър деб аташ мумкин бўлса, унинг иккинчи мисрасини истаган одам “Укангизга почча бўламан” ёки “Поччангизга божа бўламан” қабилида давом эттириши ва шоирлик даъво қилиши мумкин. Асқад Мухтор луфт қилган-

лар: “шоирлик яхши, шоирлик даъвоси ёмон”. “Онангизга куёв бўламан” – деган бачкана истак «хушрўйгинам сизни оламан» таклифининг схоластик такрори бўлиб, у фан тилида салбий “плеонизм” деб аталади ва у шеъриятда санъат эмас, иллатдир. Аммо шу бадий жозибадан батамом бебахра “мисра”ларни рўкач қилиб, хонандани саводсизликда айблаш, изза қилиш одобдан четдаги ҳолатдир. Мунаққид мақоласининг туб моҳиятини адолат мезони ташкил этишини унутмаслик керак. Хонанда Собиржон Мўминовнинг:

*Ажойиб, дилбарсиз, хушрўй, ғаройиб,
Ажойибсиз, ажойибсиз, ажойиб, –*

сингари дилтортар қўшиқлари борки, улар айнан мусика жўрлиги ва хонанданинг ўзига хос ижро услуби фонида икки хисса таъсир кучини намоён қилади. Оддий ўқувчи буни ҳам такрор (етти сўздан тўрттаси бир хил: ажойиб) га асосланган жўн ходиса ҳисоблаши мумкин. Бу хато бўлур эди. Биринчи мисра синонимик такрордан, иккинчи мисра эса анафорик (бир хил) такрордан таркиб топган. Улар маъшуқа малоҳатини сўз ўйинлари воситасида таърифлайдилар. Такрорни бадий ғояга йўналтира олиш, шу тарика тавсифланаётган қахрамон қиёфаси ва характерини “чизиш” шеъриятда иллат эмас, санъатдир. Бу ўринда манзурнинг “дилбар, хушрўй, ғаройиб” ва “ажойиб”-лиги унга ошуфта лирик қахрамоннинг самимий эътирофи оркали тасвирланган.

Жиддий эътибор берилса, хонандалар ижросида икки хил нуқсон «ялт» этиб кўзга ташланади. Бири – ижрочилар муайян сўз ёки мисранинг мазмунини яхши тушунадилару, унинг “жўн, саёз, қуруқ ва ҳиссиз»лигига мутлақо эътибор бермайдилар. Иккинчиси – баъзи хонандалар сўз ёки мисра мазмунини, унинг бадий латофатини, умуман, тушунмасдан ижро қилаверадилар. Гап миллий қўшиқчилик ижроси хусусида кетганда, мумтоз ғазал ғоясини тўлалигича идрок этмай, ижро этиш ҳоллари хусусида ҳам баъзи нарсаларни айтиш жоиз. Адабиётшунос Улуғбек Долимов бир пайтлар “Тонг отгунча”даги “тўша”-нинг баъзи ижрочилар томонидан “кўча” тариқасида хато ай-

тилишига эътироз қилган эди (ЎЗАС, 1998. 8 май). Таъкидлаш ўринлики, бу ғазал қўлёзмалари ўртасида ҳам жузъий тафовутлар бор. Аммо унинг мукаммал матни мақомчиларга таниш бўлиши керак. Демокчиманки, “гўша”ни “кўча” деса, чидаш мумкин. Сабаби ҳар икки тушунчанинг объекти бир хил – ер. Изтироб исканжасидаги ошиқ кўчада ҳам, гўшада ҳам йиғлайверади. Шу боис у тингловчида унчалик эътироз туғдирмайди. Худди шу ашулани миллий эстрадамизнинг истеъдодли хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова ижросида тинглаш яна-да, мароқли. Таклиф буки, хонанда “Мен Вомиқу сен –Узро”ни аксинча “Сен Вомиқу мен – Узро” деб айтса ҳам бўлаверади. Чунки ижрони аёл киши айтаётир. Аммо ихтилоф бошка ўринда. Хонанда ашула матнидаги “бирён”ни мутлақо идрок қилолмайди. Ижрочи бу сўзни – жой, бир чекка деб тушунадики, бу мумтоз ғазал “Тонг отгунча”нинг умумий ғояси ва бадий назокатига тамомила зиддир. Гулсанам Мамазоитова бир концертида “бирёна тонг отгунча” деганда қўшиқ сеҳридан завкланиб, қўли ва кўз қири билан сахна чеккасига ишора қилади. Бу тўғри эмас. Худди шу сўз бирикмаси билан тугалланувчи мисра ижроси пайтида кўзни қисқа муддат юмиб, бошни азият чеккан қадар тебратиш “бирён” моҳиятига тўла мос тушади. Сабаби лирик қаҳрамон хижрон ўти оқибатида жисми “сўзона” (сўзон – бирёнга жуда яқин – куйдирилган дегани), юрак бағри эса ўртаб “бирёна” бўлгани, яъни куйгани ҳақида бўзлаётир. Мумтоз шеърятда бирён – куйган, қорайган, ўртаб эзилган, мажруҳ бўлган каби маъноларни билдирадиги, айти шу сўз ифодаси айрилиқ азобига гирифтор бўлган ошиқнинг маънавий-руҳий ва жисмоний қиёфасини тўла намоён этади. Шундай экан, уни “бир чекка” деб тушуниш ҳаттодир. Шунингдек, Мирза Олим Самарқандий қаламига мансуб кўпчиликка мансур “Жонон бўламан деб...” ва Зокиржон Фуркат қаламига мансуб машҳур «На бўлди нигоро?» ғазалининг хонанда ва бошловчилар томонидан “халқ қўшиқлари” деб юритилиши ҳам бизни жуда ажаблантиради. Негаки, ҳар икки матннинг оҳанги, мазмунига эътибор берилса, улар халқ қўшиқлари сингари ўйноқи ё ҳазин услубда жарангламайди.

Модомики, биз муайян ашула матнининг муаллифидан беҳабармизми, унда уни “халқ кўшиғи” деб тахмин гапиришимизнинг нима кераги бор?! Демокчимизки, “Алла”, “Ёр ёр”, “Воҳай бола”, “Хўп, ҳайда” сингари халқ кўшиқларини фалончи шоир қаламига мансуб деб бўлмагани каби муайян шоирнинг ижодий маҳсули бўлган, кейинчалик кўшиққа айланган шеърни ҳам халқ оғзаки ижоди намунаси деб бўлмайди. Яна шуниси қизиқки, бир мутахассис муайян бир хатони тузатиш учун узоқ изланади, матбуотда шу нуқсонни бартараф этиш учун мақола эълон қилади. Айбдор тараф ўша мақолага муносабат билдириш нарида турсин, ўша камчиликни тузатмайди ҳам. Ажаб! Тўртинчи ҳокимиятга эътибор шуми?! Ният буки, ёш хонандалар бирор бир мумтоз ғазал ижросидан олдин “Мумтоз адабий асарлар лугати” (“Ўқитувчи”, 1994)ни, жилла курси, “Навоий асарлари учун қисқача лугат (“Фан”, 1993)”ни бир варақчалар ёмон бўлмайди. Кейин “ЎзАС” газетасини ҳам вақтида ўқиб борсалар. Таклиф буки, хонанда ва ҳофизларимиз ўзлари ижро этаётган кўшиқ ёки ашула матнини тўлалигича идрок этсалар, тингловчи ва демак, мунаққид эътирозига ҳам сабабчи бўлмайдилар.

ЖИМ ТУРГАН КИМ?

*ёхуд шеъриятда бадиий дид ва илмий
идрок муаммоси*

Иккинчи мақола

Баъзи журналистлар, ҳатто туппа-тузук адабиётшунослар ҳам айрим сўзларга керагидан ортиқ жило берадилар. Негадир, омма тилида учрайдиган оддий, жўн ифодаларни ёки бошқа муаллифлар нутқида учрамайдиган варваризмларни, гоҳида эса оддий сўз бирикмасини ноўрин ишлатишни хуш кўрадилар. Масалан, мен журналистларимиз нутқидаги «кўшиқчи шоир» атамасини улар ўйлагани каби қабул қилолмайман.

Усмон Азимдай катта шоир бир радио сухандонининг «кўшиқчи шоир» деганидан хафа бўлганини айтибди. Бу нима де-

гани? – деб савол берибди (ЎзАС, 2005. 25 июл). Бу саволга мен жавоб бермоқчиман: қўшиқчи шоир дегани – «шоир эмас» деган фикрнинг ўзгача шакли. Ҳалиям Усмон Азим бағрикенг, сермулоҳаза инсон. Унинг ўрнида бошқа шоир, дейлик чет эл шоирларидан бири бўлса, ўша бошловчини кози хонага олиб борар эди. Ахир, қўшиқчи шоир дегани ўзлигини намоён этган шоир учун бориб турган ҳақорат-ку?! Наҳотки, мухбирлар шуни билишмаса?! Аввало, «қўшиқчи шоир» дегани грамматик тузилиши жиҳатидан «қўшиқ айтувчи шоир» деган маънони ифодалайдики, бу аввалгисидан ҳам баттар ҳақоратдир. Тўғри, қўшиқ айтиш айб эмас. У юксак санъат. Лекин уни фақат иж-рочига нисбатан тўғри ишлатиш керакмасми? Муҳаммад Юсуфдай истеъдодни қўшиқчи шоир дейишса, беихтиёр қошларим чимирилади. Ё бу гапни мен «хис қилолмасам» керак. Ёзувчи-шоир, ҳажвчи-шоир, классик-шоир атамалари бор. Анвар Обиджон ҳажвчи-шоир, зинҳор базинҳор қўшиқчи эмас. Бундай бўлмайди ҳам. Қўшиқчи шоир дегани «шоир» деган улуғ номни анча сийқалаштиради. Ундан кейин қўшиққа айланган шеърнинг бадий баркамоллиги фақат мусиқа билан боғлиқ эмас. У дастлаб ва биринчи навбатда сўз санъатининг мулкидир. Бу фикр ўз навбатида шеърнинг мусиқа жўрлигида янада, жозибали бўлиши ҳақидаги аксиомани инкор қилмайди. Аксинча, тақозо этади. Кўриняптики, «сўз қаҳатчилиги» фақат шеърятда эмас, балки соҳа миқёсида барча ижодга дахлдор кишилар фаолиятида жиддий кузатилади.

«Қойилмақом шеър ёхуд шеърятда очилмаган кўриқ» номли мақола муаллифи мунаққид Йўлдош Солижоновни модерн йўналишдаги «парадоксал ифода, кутилмаган ўхшатиш, сўз ва туйғулар ўйинига бой шеърларни ҳазм қилолмаган» (ЎзАС, 2003. 19 сент.)ликда айблайди. Ўша жойда муаллиф ўшандай юксак шеър тахлилига киришса, ҳеч бўлмаса намуна келтирса, эҳтимол, биз бу ўринда яна мавзуга қайтиб ўтирмаган бўлар эдик. Тиниш белгилари хусусидаги эътироз ҳам ўзини окламайди. Шермурод ака мени кечирсину Йўлдош Солижонов танқид объектига олган ранглар жилоси ҳақидаги ўша шеър «парадоксал ифода, кутилмаган ўхшатиш, сўз ва туй-

гулар ўйини»дан батамом бебахра. Шу жиҳатдан «акс-садо»-нинг «Қойилмақом шеър» деб қўштирноққа олинини муаллиф айтган даъвони эмас, биз қайд этган танқидий мулоҳазаларни қувватлайди. Мана, мунаққид Йўлжош Солижонов «тушунмаган» «қойилмақом шеър»лардан бирини қайта ўқийлик:

*Дош бермади кўз гавҳари
бу тусга
Ям-яшил эди чунки
қип-қизилдан қуюқроқ эди
ун эшолмасди қоп-қора ҳатто
тўқроқ эди сап-сарикдан ҳам.*

Наҳотки, шу парадоксал ифода ёхуд қутилмаган ўхшатиш бўлса?! Бу ерда ўқувчи энсасини қотирадиган санок оҳангидан бошқа нарса йўқ-ку?! Ё ундаги бадиият жиловларини мен тушунмасам керак. Айни шу шеър муаллифининг ижоди ижобий ҳодиса эканлиги танқидчиликда тан олинган. Унинг юқоридаги каби шеърларини ғоявийлик қудратидан маҳрум асар сифатида танқид қилишга журъат этган мунаққиддан миннатдор бўлиш керак эмасми?! Ахир Й.Солижонов шоирдан ўз мавқеи даража-сида ижод этишни таклиф қиляпти-ку?!

Баҳром Рўзимуҳаммад ижодида ўқувчи ҳаёлини жиловлайдиган, бир-бирига мутлақо боғлиқ бўлмаган сўз-иборалар оркали фикрни баён қилиш иллати мавжуд бўлгани ҳолда китобхон дидини ўстирадиган, чархлайдиган, уни мутлақо қутилмаган кенгликларга чиқариб қўядиган соф маънодаги парадоксал ифода бирликлари жуда кўп учрайди. Мана бу «юлиб» олинган сатрларни ўқиб кўрайлик:

*Суҳбатга тинимсиз аралашаверар
Сенинг жимлигинг.*

Оҳ! Биласизми, бу бир ярим мисра шеър менинг миямда шундай маънолар силсиласини уйғотиб юбордики, ишонаверинг, мен уларни бир жойга тизсам, тўрт ё беш бетли мақола

бўлиши ҳеч гап эмас. Энг қизиғи, шеърда шеърлик даъво қилувчи ўзига хос муҳим белгилар бор. Сухбат нима? Жим турган ким? Сухбат бу энди икки кишининг диалоги эмас. Майли, шундай ҳам дейлик. Аммо шу икки кишининг сухбати, ҳа деб, учинчи кишига – жим турганга бориб тақалаверади. Нега? Чунки у «жим»-да! Хўш, нега жим?! Қандай жим?! Унинг жимлигида айёрлик, кувлик, мунофиқлик белгиси йўқми?! Балки кўрқоқлик, мутеълик аломати бордир. Балки унинг жимлиги одобдандир. Ана шу жимлик бағрида, билсангиз, кулоқни қоматга келтирувчи ҳайқириқ, эҳтимол, исён мусажжасмдир. Аммо бу товуш ички дунёда шундай гулдурос солиб янграйдики, уни ёнидаги бояги икки сухбатдош эшитмайди. Шу боисдан ҳам жимлик сири хусусида баҳс қилади. Бу икки сухбатдош қанчалик бақирмасин, уларнинг овози қаърида, боя айтилгани каби, ҳеч вақо йўқ. Аслида улар ўша «жим»ликни бузаётирлар. Учкун Назар деган кашқадарёлик шоир айтганди-я: «Ким, ким, ким. Жим, жим, жим...» деб. Сиз буни оддий аллитерация деманг. Бу тугал маъноли шеър. Биз «жим» бўлмаганимизда 75 йил мутелик занжирида яшамаган бўлур эдик.

Сукут бизнинг “бош фазилатимиз” бўлгани учун асрдан асрга мутелик исканжасида ўтганмиз. Бу исканжанинг темир панжаралари синиб битибди ҳамки, биз ҳалиям ўша «психология» билан яшаймиз. Биз кўпчилигимиз ҳалиям жиммиз. Узок сукунат бизни «жим»ликка ўргатган. Худди шу мисралар профессор Й.Солижоновнинг «жасоратли мунаққидларимиз ҳалиям жим туришибди» деган фикрини бадий ифодалай олади. Аммо шеърдаги жимлик поэтик қамровнинг ниҳоятда кенглиги боис жуда кўп фикр ва туйғуларни қамрайди. Танқидчида эса битта маъно – баъзи бир журъатсизлик ҳақида ахборот бор, холос. Шу билан бирга бу бирдан ортиқ сатр Б.Рўзимухаммад қаламининг икки учи борлигини далиллайди. Бир учида ҳайқириқ, иккинчисида эса сукунат мужассам. Ҳайқириқ баъзан юқоридаги туслар рангига ўхшаш пала партиш жаранглайдики, бундан ўқувчи фақат оҳанг жилвасини туйса, мумкин. Мазмун ва ғояга эга бўлмаган оҳанг эса худди “Уммон” гуруҳи ё Шохруҳ реппернинг “замонавий” қўшиқлари каби кулоққа ёқмайди, ҳатто савияси баланд ўқувчи ёки тингловчини энсасини

қотиради. Шу маънода шоир қаламининг биринчи учи иккинчисида гоҳо учраб турадиган оддий, жўн санок оҳангини ҳаспўшлайди.

Модерн шеърда ҳис ва туйғулар жилоси сўз ўйини воситасида эмас, кўпинча, фикр тизгинсизлиги оқибатида, эҳтирослар ғалаёни натижаси сифатида яширин бир тарзда ифода этилади. Шу ўринда яна бир иштибоҳни айтиб ўтмоқчи эдим. Айрим шоирлар, баъзан туппа-тузук танкидчилар ҳам шеърни ўқувчи томонидан идрок этилишига кўра, иккига ажратадилар. Муайян шеър тушунилади ёки ҳис қилинади эмиш. Қизиқ?! Бу қандай гап бўлди. Наҳотки, шу икки теорема ўртасида жиддий тафовут бўлса?! Бу икки тушунчани бошқа ҳамкасб дўстларимиз қандай тушунтирадилар, билмадим. Менимча, бу икки тушунча бири бошқасисиз амал қилолмайди. Шахсан мен тушунган нарсаларимдангина завқ оламан. Яъни, мияда шаклланган фикргина қалбада, ҳатто бутун вужудда ҳаяжон кўзғайди. Ҳис қилиш мусиқа ёки раксга нисбатан айтилиши мумкин. Бироқ уларнинг ҳам ўз қондаси борки, ўша қондани тушунган одамгина мусиқа ёки раксни тўлароқ ҳис қилади. Буни қарангки, ҳис ёки ҳаяжоннинг турли «ранг»лари бўлар экан. Бу бошқа гап. Буни қувватлаш зарур. Зеро, эҳтирослар хилма хиллиги фикрлар турфалигининг ҳосиласидир. Адабиётшунос Мирзааҳмад Олим атрофлича тушунтириб ўтган пафос худди шу ҳаяжоннинг турли даражаларини намоён этади.

Шеърятда тиниш белгиларининг вазифаси тўғрисида тортишув бўлишининг ўзи кулгули. Наҳотки, шу долзарб масала бўлса?! Худди шундай эътирозни қофия баҳсига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Чунки қофия сўзамоллик, санъатпардозлик эмас, балки бадий мантиқ воситасидир. Бу масалага академик Алибек Рустамов ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ нукта қўйган. Шеърятда, нафақат шеърят, умуман, ҳар қандай услубдаги ёзма нутқда, ҳатто, чизикча (тире) «—» билан «-» дефиснинг ҳам ўз вазифаси борки, шоир ёки ёзувчи бунга жиддий эътибор бериши шарт. Юкоридаги «муҳим масала» хусусидаги баҳсларни ўқиганда, рус мунаққидлари ўртасида баъзан янграб турадиган бир «воқеа» ёдимга тушди: «Ёш шоирлардан бири янги

машқларини Маяковскийга юбориб, шеър сўнггида: «тиниш белгиларини ўзингиз қўйиб оларсиз, уларга фурсат етмади» деб ёзибди. Маяковский ёшлар ижодига бефарқ эмас экан, тезда жавоб қайтарибди: «бизга тиниш белгиларининг ўзидан юборинг, шеърни ўзимиз ёзаверамиз...»

Сарбаст ёки модерн шеърларда тиниш белгиси ишлатилмайди, деган қоида бўлмаса керак. Ўзбек пунктуациясидаги ўн белги – бу ижод аҳли учун ўн хил қуролдир. «Қўшин»ни шунча турдаги яроғдан маҳрум қилиш, унга тажовуз қилишдан бошқа нарсаси эмас. Зеро, улар адабиётшунос олим Баҳодир Саримсоқов айтганидек, «матннинг мантиғи, фикрий оқимни тартибга солувчи конун-қоидалари, лирик кечинманинг фавворасимон отилиб турувчи шиддатини изчил йўналтирувчи» (ЎзАС, 2004. 13 фев.) муҳим воситалардир. Шу жиҳатдан шеърда тиниш белгиларини нафақат ишлатиш, балки уларни тўғри ишлатиш ҳам жуда муҳимдир.

Шоир Баҳром Рўзимуҳаммад мунаққид Эргаш Очилов мулоҳазаларини андай оғир олибди. «Бир ёки икки мисрани «юлиб» олиб шеърда баҳо бериш» (ЎзАС, 2004. 8 окт.) одобсизлигини уқтирибди. Танқидчиликда бир байт ёки бир мисрани таҳлил қилиш йўли билан унинг муаллифига, шу орқали муаллиф мансуб давр шеърда баҳо бериш имконияти бор. Бу мумкин. Денгизга хос хусусиятларни аниқлаш учун уни ҳаммасини сипқориш шарт эмас, бир томчиси kifоя. Таникли олим Иброҳим Ҳаққул тасаввуф ва шеърда муносабатларига бағишланган машҳур рисолаида Ҳазрат Навоийнинг «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» мисраси, ҳатто ундаги биргина «ғариб» образининг тасаввуфий талқинлари хусусида етти ярим бет мулоҳазаларининг қўзғатилиши учун биргина «ғариб» атамаси очқич вазифасини ўтаган. Домла шу сўзнинг турфа луғавий изоҳлари, ҳаётий ва бадиий вазифалари фонида ўз қарашларини жуда чуқур ва изчил баён қилган.

Тўғри, Эргаш Очиловнинг баъзи бир чиқишларида аёвсиз қош этиш иллати қўзғатилган. Аммо бу иллат илмий му-

шоҳадалар ўзанидан сизиб чиққанидан кўз юмиб бўлармиди?! Б.Рўзимуҳаммад танқидчининг 80–90-йилларда ёзилган шеърлардан иктибос олишини ҳам камчиликлар сарасига қўшади. Бу қандай гап?! Ахир танқидчининг объекти чегараланган-ку?! У хоҳласа қадимий битиктошдаги шеърлар ҳақида, яна хоҳласа бугун ёзилган шеър ҳақида ҳам гапириши мумкин-ку! Наҳотки, 80–90-йилларда ёзилган шеърлар дарров эскирган бўлса?! Ахир у кундалик ахборот эмас-ку?! Чинакам шеър давр ва шахс манфаатлари билан ҳисоблашмайди, балки умумбашарий ғоялар тажассуми жихатидан абадиётга дохил бўлиб қолаваради. Афтидан, Эргаш Очилов ана шундай чинакам санъат ҳодисаси ҳақида қайғурган кўринади.

Умуман, бирор бир мунаққид шоирни манфаат юзасидан ёхуд ўз билимини намойиш этиш учун танқид қилмайди. Инчунин, шоир ҳам. Мутолаа жараёнида нўнок шеърнинг ўзи «мана мен» деб бўй кўрсатади. Нўнок шеър ва унинг муаллифини тартибга солиш танқидчиликнинг бош вазифасидир.

Баъзи бир мунаққидлар, масалан, профессор Қозокбой Йўлдошев, шоирларни «қандай ёзса, шундай ёзаверсин», «адабиёт осмонида жой кўп» (ЎзАС, 2004 й. 8 окт.) деб уларга эркинлик берадилар. Камина бу гапга қўшилолмай турибман. Худди шу эркинлик поэтик мезонларга жиддий путур етказиши мумкинлигини ҳам бир ўйлаб кўришимиз керакка ўхшаяпти. Шундай ҳам баъзи «нимарсалар» адабиёт оёғига кишан солиб турибди-ку!?

Профессор Б.Саримсоков «модерн атамасини қайси маънода қўллаётганлари гоҳо мавҳум қолаётганини» (ЎзАС, 2004, 13 фев.) жуда тўғри таъкидлайди. Кейинги пайтларда муайян атамани билиб-билмай ишлатиш, чиройли, пардозли иборалар воситасида асл моҳиятдан узоклашиш ҳоллари кузатиляптики, буни дабдабазликнинг бир кўриниши дейиш мумкин. Модерн атамаси ҳам бошқа илмий терминлар сингари луғавий маъноси чегараларини анча кенгайтириб, кўпроқ «янгича поэтик ифода йўналиши» маъносини ифодалайди. Аммо бу мантиксизлик назариясининг тарғиби эмас. «Мантиксиз» нарасада мантиқ бўлмайди. Бинобарин, «мантиксизлик мантиғи» дейди-

ган гап олимона тафаккур ҳосиласи эмас. Бу иборани «мантиққа ишора килувчи мантиқсизлик», баъзи ҳолларда «акс мантиқ» деб ифодалаш зарур деб ўйлайман.

Модерн шеър бир мисрадаёқ ўзини намоён этиши мумкин. Аммо эҳтирослар ғалаёни, фикрлар тизгинсизлиги, тиниш белгиларидан воз кечиш, ифода чучмаллиги, вазнсизлик, ҳаётий мантиқдан узоқлашиш модерн табиатига мутлақо ёт нарсалардир. Ўқиймиз:

*Мен оламдан ўтмадим, балки олам
Мендан ўтди...*

Мана шу «юлиб» олинган шеърда сиртдан қараганда мантиқ йўқдай. Негаки, ҳеч қачон «олам одамдан ўтмайди». Бу ақлдан, демак, мантиқдан четдаги ҳолат. Аммо унутмаслик керакки, бу ерда ўша Шермурод Субҳон назарда тутган парадоксал ифода бирлиги мужассам. Шоирнинг «олам мендан ўтди» деган мантиқсиз эътирофи – «мен оламдан ўтмадим» деган мантикий фикрни такрор юзага чиқарган. Шеърнинг бир қисми «юлиб» олинбди, деган эътироз бўлмаслиги учун қолган қисмини ҳам назардан ўтказайлик:

*Энди менинг зувалам
Буюк Кулол илкидадир. Хоҳласа
Кўза ясар, хоҳласа яна одам.*

Зувала – тақдирга ишора. Аслида шеърятда одам авлодининг вужуд сифатида шаклланиш жараёнини билдиради. Бирок шоир бу ўринда хаста кишининг руҳий ҳолатини тасвирлаган. Энди лирик қаҳрамоннинг «зуваласи» бошқатдан қорилади. Демак, айни ўринда сўз лирик қаҳрамон тақдирига ишора қилмоқда. Буюк Кулол – Худо. Кўза – мумтоз поэтикада худди тупроқ сингари абадиёт нишони сифатида талкин этилади. Одам эса умр санаси Оллоҳ томонидан чегаралаб қўйилган омонат жон. Бу ўринда «кўза» билан «одам» тушунчаси ўртасида зиддият мавжуд. Бири – бақо, иккинчиси – фано белгиси.

Одам боласининг рухий ҳолати шу икки «кутб» оралиғида муаллақ туради. Бу ёғи, А.Худойберди айтмоқчи, Буюк Кулол ихтиёрида. Фикримизча, модерн шеър таҳлилига киришувчилар озми-кўпми мумтоз адабиёт билан ҳисоблашишлари лозим кўринади. Зеро, ҳар қандай янгилик анъана бағрида қойим.

Мавриди келди, айтиб ўтай: мунаққид Улуғбек Ҳамдам ва Муҳайё Йўлдошеванинг баъзи чиқишларида тасаввуф билан Ғарб экзистенциализмини киёслаб, гўё ҳар иккисини бир дарахтнинг икки шохи сингари яқин ҳодиса сифатида талқин этиш ҳоллари кузатилади. Биз бу фикрни қувватлаш фикридан узоқмиз. Сўфизм билан иррационализм (ғарб экзистенциализмининг асоси шу) бир-биридан жуда узоқ бўлган (бу ерда уларнинг фақат шаклланиш даври назарда тутилмаётир) амал, таъсир, идрок ва бошқа ички қонуниятлари билан тубдан фарқланадиган икки хил олам – дунёқарашдирки, уларни нафақат бир хил нарса деб қараш, балки ўзаро киёслаш ҳам танқидчилик объекти бўлмагани маъқул. Чунки, фикри ожизимча, тасаввуф – ҳол, иррационализм – қол илмидир. Бунга яна тасаввуфшунос олимларимиз жавоб берганлари маъқул. Ҳол – шу мартабага эришмаган сўфийга ҳам сир бой бермайди. Сизу бизга йўл бўлсин!

Хўш, шундай қилиб чинакам шеър қандай бўлади?! Шеърнинг санъат ҳодисаси сифатида адабиёт оламида барқарор яшаш омилларини таъминловчи тўрт муҳим унсур мавжуд: шакл, мазмун, образ ва ғоя. Ана шу муҳим унсурлар бирлигидан миллий калорит намоён бўлади. Улардан бири етишмаса, билингики, ўша шеър унча мукаммал эмас. Адабиётшунослар ижодда адабий муҳит ролини инкор қилмайдилар. Тўғри, шоир учун муҳит кўп нарсани белғилайди. Пичокни пичокқа қайраганга нима етсин?! Аммо ҳақиқий ижод табиатини фақат муҳитга боғлаб бўлмайди-да! Шундай бўлиши ҳам мумкинки, қишлоқи бир шоирнинг кичик бир асари, марказдаги мана мен деб турган шоир шеъри билан шакл, мазмун, образ ва ғоя, бинобарин, миллий нафосат жиҳатидан бир-бирига уйқаш бўлиши мумкин. Анвар Обиджон шундай ёзади:

*Уй ёнмоқда беомон,
Соҳиби юрар шодон,
Куймади деб соқолим.*

Энди «чекка бир кишлоқнинг чекка бир уйида» яшаб, ижод қилаётган навқирон авлод вакилидан Жумакул Ражабнинг шу шакл, шу мавзу ва шу гоёдаги учлигига эътибор қилинг:

*Кема шикастланди тўлқин зарбидан,
Ҳамма ташвишдаю, аммо бир «ботир»
Соқолин қирарди бамайлихотир.*

Шакл жиҳатдан халқ шоири анча ихчамликка эришган. Аммо ёш шоир ҳам гапни кўп «чўзмайди». Ҳар иккисида бепарво, лоқайд, шахсий манфаатдан бошқа нарсани билмайдиган манфур шахс образи мужассам. Ҳар икки муаллифнинг мақсади бир хил – улар миллатни лоқайдлик иллатидан қутқариш пайида қалам йўнадилар. Шеър ўқувчида ним табассум ҳосил қилади. Ҳар икки шоир халқимизга хос бепарволикни юмористик оҳангда тасвирлашга эришган. Бу билан ёш шоир катта шоирга тенглаштирилаётгани йўқ. Шеърятда образли тафаккур тарзининг давом этиши кишини қувонтиради. «Уй соҳиби» ҳам, «бир ботир» ҳам лоқайд, беғам ва манфур шахсларнинг умумлашма образидир. Ҳар икки асарни ўқиган китобхон ҳаёлида «Дунёни сув босса, ўрдакка нима қайғу» деган мақол тўла жонланади. Чинакам шеър ўқувчини янги ва хилма хил ҳақиқатлар гирдобига етаклайди. К.А.Гельвицийнинг «агар ҳақиқатни образли шаклда ифодалай олмас экансиз, шеърятни тинч қўйинг» деган васияти ўзбек шоирларига ҳам тегишлидир. Шу маънода ҳар икки шеърда ҳам турмуш ҳақиқати образли шаклда жуда гўзал ифодаланганини таъкидлаш жоиз.

Яхши шеър мунаққидга ҳам илҳом ва завқ бағишлайди. У ҳақда тўлиб, тошиб гапиргинг келади. Жумладан, юқоридаги икки учликнинг қиёсий таҳлили ҳали поёнига етмаган. Моҳият ҳақида қисман гапирилди. Маҳорат хусусида ҳали ҳеч нарса дейилмади ҳисоб. Шеър таҳлилида маҳорат ҳақида гапирилма-

дими, демак ўша асар ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмади, деяверинг. Маҳорат нозик масала. У фақат зукко мунаққилгагина кўпроқ бўй кўрсатади. Бояги шеърларни поэтик жиҳатдан бирлаштирувчи воситаларни яна давом эттиришимиз мумкин. Бадий деталлар диалектик бирликка эга. Учликнинг ҳар бирида замон ва макон мужассам. Шу билан бирга уларда сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф рўй берган. Деталлар вобасталигига эътибор қилинг: уй – кема, ёнди – шикастланди, уй соҳиби – бир ботир. Охирги детал айнан бир хил – соқол. Худди шу детал ҳар икки асарни бир-бирига тортувчи оҳанрабога ўхшайди. Уйга кутилмаганда, тасодифан ўт тушиши унинг ёнишига, табиий офат эса кеманинг шикастланишига сабаб бўлган. Оқибатда ҳар икки макон вайрон бўлган. Бошқалар жонни қутқазиш билан овора бўлган бир пайтда ҳар икки қаҳрамон соқол қайғусини ўйлайди. Ҳар икки манзара ўқувчида фикр кўзгайди. Уни хушёрликка, дадилликка, майда нарсалар билан ўралашмасликка, ғайрат-шижоатга даъват этади. Ҳар икки шеърнинг ғоявий негизиди худди шу маърифий хусусиятлар мужассам.

Нафсиламрини айтганда, шоирларимиз ўз асарларини нашр қилишдан олдин жиддий таҳрир заруратини ҳис қилса... Ўқувчи ёки тингловчида иштибоҳ уйғотадиган жумбоқ ёхуд жўн нарсаларни шеърга солишдан ўзини тийса. Жилла қурса, устоз мунаққид Иброҳим Ғафуров ғоят куюнчақлик билан айтгани каби «шеърый талантнинг 99 фоизини фаросат, андоза, оҳанг ва сўз туйғуси» (ЎзАС, 2004. 5 нояб.) ташкил этишини унутмаса...

МУҲАРРИРДА АЛАМИМ МАНИМ

Ўз шоирин танимади шеър.

А.Обиджон

Таҳрир – бу бадий асарга шакл ва мазмун жиҳатдан сайқал бериш, муаллиф назаридан четда қолган жузъий камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, имловий нуқсонларнинг-да олдини олиш, хуллас, ижод маҳсулини нашр қилишдан аввал ҳар жиҳатдан поэтик маромга етказиш, пардозлаш

санъатидир. Хўш, бу масъулиятли вазифани ким амалга оширади?! Албатта, муҳаррир-да! Қандай муҳаррир? Ана бу саволга жавоб бериш бироз қийин. Сабаби, муаллиф ўзи тан олган муҳаррирагина ўз асарини, дейлик, шеърӣ тўпламини топширмоғи лозим. Шундай экан, муҳаррир шеър техникасини муаллифдан-да, пухтарок биладиган зукко мунаққид – таҳрир устасидир. Бошқача айтганда, шоир актёр бўлса, муҳаррир режиссёрдир. Шу маънода эълон қилинган ҳар қандай асарнинг гуноҳ-савоби дастлаб муаллифга, сўнг эса муҳаррирга бориб тақаладики, буни таҳрир ҳайъати доим ёдда тутмоғи лозим.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидаси 1965 йилдан бери даврий матбуот нашрларида ва муаллиф тўпламларида бир неча марта нашр этилган. У Ҳамид Олимжон ва Ойбекнинг шу номдаги, Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси сингари миллий шеърӣятда нодир ҳодиса сифатида қайд этилган. Аммо асар шоирнинг «Танланган асарлар»и I жилди (Ғ.Ғулом номидаги нашр., 2000)да таҳрирга йўлиққани китобхонлар эътирозига сабаб бўлаётир. Умуман, тўрт жилдлик таркибидаги асарларни аввалги нашрлар билан қиёсланса, мутлақо қутилмаган манзаралар ҳосил бўлади. Рост, бу мақола оддий шеър ихлосмандларидан бирининг «буни қандай изоҳлайсиз?» деган саволи оқибатида қоғозга тушмоқда.

Академик Бахтиёр Назаров бир пайтлар ушбу қасида ҳақида «ўзбек поэзиясида Ўзбекистон образи яхлит ва муфассал, бутун салобати ва қиёфаси билан мукаммал яратилган асарлардан биридир...»¹ деб ёзган. Шунга ўхшаш ижобий баҳолар академик М.Қўшжонов, проф. О.Шарафиддинов, тадқиқотчи М.Холёров ва Д.Бегимкулов мақолаларида ҳам кўзга ташланади. Ана шундай бекаму кўст асарни таҳрир қилиш эҳтиёжи қандай пайдо бўлдийкин?! Юқоридаги иқтибос асарнинг танқидчиликда юқори баҳоланганини кўрсатяпти-ку?!

«Ўзбекистон» қасидасининг сўнгги нашрларида «оқсоқ»ни «буюк», «демам»ни «айтгум», «Ва Ҳамза»ни «Ўғлонлар» деб

¹ Назаров Б. ва бошқалар. Ўзбек совет адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. Б.446.

ўзгартирилиши, назаримизда, бетакрор санъат асарини шаклий жимжимадорликдан, мазмуний бутунликдан, бадий нафосат ва ғоявий кўламдорликдан хийла йироклаштирган. Қизиқ, кўпчиликка манзур қасидани ким, нега таҳрир қилдйкин?! Ахир, унда миллий истиқлол мафкураси тамойилларига зид бирор бир жиҳат бўй кўрсатмайди. Ундаги «совет» ёхуд «коммунизм» сўзлари ҳам таҳрир заруратини туғдирмайди. Негаки, бугунги ёш китобхонлар ҳам бадий асарга баҳо беришда у яратилган давр билан ҳисоблашиш лозимлигини жуда яхши англайдилар. Таҳрир ўзини окламаганлигини баъзи мисолларда исботлашга ҳаракат қиламиз. Аввалги нашрларда:

*Ва Ҳамзанинг қатра қонида
Ўзбекистон номин олдинг сен.*

Сўнги нашрда:

*Ўғлонларинг қатра қонида
Ўзбекистон номин олдинг сен.*

Аввало, мисранинг «Ва» билан бошланиши катта истёдоднинг кичик бир учқуни бўлиб, у ифодаланаётган ғоянинг юкоридаги мисралар билан шакл ва маъно жиҳатдан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Қолаверса, Ҳамза XX аср биринчи чорагининг ноёб фигураси. У хотин-қизлар озодлиги, илм-маърифат, санъат ва маданият ривожини учун тинимсиз кураш олиб борган ва шу йўлда собиқ шўро ҳукумати амалдорлари томонидан ҳуфиёна отиб ўлдирилган. Унинг инқилоб мавзусидаги шеърлари ўша давр мафкурасининг таъсири ўларок яратилган бўлиб, улар янгилик тарафдорининг Миллат ва Ватан тараққиётига қўшган ўзига хос ҳиссасига зиён сололмайди. Боз устига шўро сиёсатиға мадҳия ўқиш ўша давр адабий муҳитининг ягона шиори бўлиб, ўтган асрнинг дастлабки чорагида ижод қилган барча шоирлар рус инқилобини буюк тарихий ҳодиса сифатида улуғлаганлар. Машъум ҳодисанинг байроқдори бўлиш Ҳамзанинг хатоси бўлиши мумкин, зинҳор айби

эмас. Унинг «Девони Нихоний»дан ўрин олган қатор ғазал, рубойи, қитъа ва мухаммаслари миллий уйғониш даври адабиётини ўтмиш мумтоз шеърляти анъаналари билан узвий боғловчи ришталар сирасига қиради. Унинг ўз даврида хурофот ва жаҳолатга қарши маърифат билан майдонга чиққани бугунги кун учун чинакам ибрат намунаси бўла олади. Шеърлятда муайян шахс номини бадийй ғояга йўналтириш талмех санъати дейиладики, юқоридаги таҳрир мисрани ана шундай бадийят сеҳридан ҳам маҳрум этган.

А.Орипов ёзган Ҳамза тарихий шахснинг ижтимоий-сиёсий фаолиятдан ташқари, шу шеър муаллифининг «Ҳамза монолоғи», «Ҳамза нидоси» ва умуман, ўзбек адабиётдаги Ҳамза ҳақидаги асарларни ўқувчи кўз ўнгида бирма бир пайдо қилиш қудратига эга. Шу ўринда бир савол туғилади: «Ҳамза»ни «ўғлонлар» деб ўзгартирган «зукко» муҳаррир у ҳақидаги мустақил икки асарни «Танланган асарлар» мундарижасидан нега тушириб қолдирмади?! Ё эътиборсизлик рўй бердимикан?!

Таҳрирга йўлиққан сўздан сўнг «қатра қон» бежиз ишлатилмаган. Афтидан, муаллиф миллат фидойисининг халқ озоғлиғи йўлида шаҳид кетганини назарда тутган. Аммо мақсад жаҳид намояндасининг қандай ўлдирилгани ҳақида эмас. Қатра қон – бир кишига нисбатан айтилади. “Ўғлонлар”ники бир неча қатра бўлса, мумкин. Қатранинг ўзи бўлмас-ов! Қатра қон – қаҳрамон танасидаги суюқликни билдираётгани йўқ. Шоир поэтик ифода воситасида 30-йилларда шаҳид кетган миллат фидойиларининг умумлашма образини тасвирлашга эришган. Ҳамза шахсиятига бўлаётган ҳозирги бирёқлама муносабат халқимизни нодир шахс ва унинг маърифатидан маҳрум этиш демакдир. Бу ҳодисага севимли шоиримиз «Ҳамза нидоси» шеърляда шу иллат бошланган йилларнинг ўзидаёқ муносабат билдирган эди:

*Ҳамзадирман боқмағайсиз
Сиз маломатлар билан.
Байтларим айтдим элу юртга
Мен ибодатлар билан.*

Тадқиқотчи Менглибой Холёров шоирнинг сўз қўллаш маҳорати ҳақидаги мақоласида юқоридаги сатрни «Абдулланинг қатра қонида» деб ўқийди ва таҳлил қилади. Унингча, «Абдулла» ҳам Абдулла Набиевнинг инқилобий кураш йўлидаги тарихий фаолиятини, ҳам мазкур шеър муаллифи номини, «Ўзбекистон» эса ҳам юрт, ҳам ушбу шеър номини бирваракайига ифодалай олади. «Қатра қон» эса Абдулла Набиевнинг миллий озодлик ҳаракати йўлида шахид кетганига ишора қилиш билан бирга, Абдулла Ориповнинг ўша қасидани битаётган пайтдаги руҳий тўлғоғи – изтиробларини намоён этар экан¹. Яхши гап. Жуда яхши. Таҳлил бизни қониқтиради. Тадқиқотчи мулоҳазаларида илмий ҳақиқат мужассам. Аммо мунозарага сабаб бошқа жойда. Негаки мисрадаги ўша сўз «Абдулла» эмас. Афтидан, тадқиқотчи ёд олган қасидаси сеҳридан бироз чалғиган кўринади. Чунки биздаги мавжуд нашрларнинг бирортасида ҳам «Абдулла» учрамайди. Энди бошқа байтни ўқиймиз:

*Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.*

Иқтибосдаги «оқсоқ» сўнгги нашрларда «буюк» деб ўзгартирилади. Хўш, айтинг-чи, «оқсоқ» нинг нимаси ёмон?! Ахир Темур Кўрагоннинг оқсоқлигини бутун дунё билади-ку?! Қолаверса, шоир буюк сулола асосчисининг жисмоний заифлигига таъна қилмаган. Ғарб олимлари соҳибқиронни Тэмэрлан, яъни “Темур ланг” деб айтадилар. Шоир уни оқсоқ бўлатуриб дунёнинг ярмини ларзага солганини ифтихор билан айтяпти-ку?! Боз устига таҳрир бадий мантикка жиддий путур етказган. Амир Темур дунёнинг ярмини буюклиги учун зир қақшатмаган, аксинча, зир қақшатгани учун буюклик маснадига эришган. Худди шу бандда «демам»ни «айтгум» деб ифоданинг мутлоқ аксини қўллаш ҳам бизга хато туюлади. Шоир бу ходисага нисбатан «биринчи нашрда юз берган жиндай таҳрир оқибати, аслида дейман эди» (4-ж, 222-б.) деган изоҳни берган.

¹ Холёров М. Бадийлик – асосий мезон // Ўзбек тили ва адабиёти. 1993. 1-сон. Б.59.

Ўша таҳрир, шоира Зулфия амалга оширган, банд ғоясига жуда мос тушган. Мантик «демам»ни тақозо қилаётир. Сабаби, бу ўринда шу сўз замирида тамом инкор эмас, балки тамом эътироф мужассам. Яъни мисрада «Амир Темурнинг кенг Осиёни забтга олганини айтишга эҳтиёж йўқ, чунки буни ҳамма билади» деган ғурур туйғуси ифодаланган. Бу ифода миллий ифтихор даражасига кўтарилганки, айнан «демам» буюк шахснинг тарихий-сиёсий фаолиятига нисбатан ор эмас, ифтихордир. Бундан ташқари, банднинг учинчи мисрасида «Мақтамасман мозийни бироқ» деб таъкидланадики, ана шу мақтамаслик ҳам «айтгум»ни инкор этади. «Бироқ» боғловчиси мақташга йўл очади, бинобарин, бадий ғоя «айтгум»ни тақозо қилади, дерсиз. Йўқ. Шоир «бироқ»дан кейинги даъвони аниқ айтган: «Ўтмишингни ўйлайман бир зум».

Хуллас, банд мисралари аввалги нашрларда жуда мустаҳкам боғланган, унинг «чоки»ни алмаштиришга ҳеч қандай зарурат йўқ эди. Шунга ўхшаш мулоҳазаларни таҳрирга йўлиққан бошқа сўзларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Назаримда, шеър таҳрири муаллиф юрагини турли жойларидан чимчиб қўйгандек бўлган. Ижод ахли бадий асарни фарзандга қиёслайдилар. Қирк ёшли навқиронни пластик жаррохга топширишга қандай зарурат туғилди экан?! Шеърда, фикримизча, бирор бир таҳрир ўзини окламаган. Ундаги номакбул сўзлар шеър яратилган пайтдаги машъум мафкуранинг садоси сифатида жаранглайди. Уни қандай қабул қилиш энди ўқувчи салоҳиятига боғлиқ. Таҳрир ҳайъатида ижод табиятини яхши англайдиган етти муҳаррирнинг фамилияси бўлгани ҳолда улардан бири «Абдулла Орипов мисралари таҳрирга муҳтож эмас», деган фикрни ўртага қўймагани жуда ажабланарли. Шоир ижодида, менинча, таҳрирга муҳтож бирор бир мисра йўқ. Абдулла Орипов ижодининг бошқа жонкуяр тадқиқотчиси Сувон Мели айтганидек, бадий асарда ҳам «айтилган сўз – отилган ўқ. Ўқ тепки босилгунча овчининг ихтиёрида, сўнг ўқнинг ихтиёри ўзида. Шеър ҳам худди шундай...»¹

¹ Мели С. Тилла балиқча фожiasi. Академик М.Қўшжонов билан ҳамкорликда ёзилган «Абдулла Орипов» номли тўпلامда. Тошкент: Маънавият, 2000. Б.83-84.

“Ўзбекистон” қасидасидаги «совет» ёки «коммунизм» сўзлари матн остида изоҳни тақозо этади. Таъби баланд шеърхон учун, ҳатто изоҳ ҳам шарт эмас. Зукко мухлислар муаллиф ҳукуки жиҳатдан шеърни Абдулла Ориповнинг ўзи таҳрир қилган бўлса-чи, деган ўйга борган бўлишлари ҳам мумкин. Бунга эътироз йўқ. Аммо ҳозир гап қасидани ким таҳрир қилгани ҳақида эмас, қандай таҳрир қилгани ҳақида кетмоқда. Камина шоир ижодига болаликдан меҳр қўйганим боисидан уни турфа шаклларда ўқиш истагидан жуда узоқдаман.

Бахт ва шодлик қўйчиси Ҳамид Олимжон Ўзбекистонни «Чиройлидир гўё ёш келин» дея эъзозлаган эди. А.Орипов қасидасининг таҳрири, таъбир жоиз топилса, ўша келин қулоғидаги тилла ҳалқани олиб, ўрнига бироз эски, андай занг босган ҳалқани такиб қўйгандек хунук таассурот пайдо қилади. Алқисса, таҳрир пардоз демакдир, аксинча эмас.

**ИЛМИЙ ТАФАККУР
ЖАБҲАСИДА**

*ИЛМДАН БИР ШУЪЛА ДИЛГА ТУШГАН ОН,
ШУНДА БИЛУРСАНКИМ, ИЛМ – БЕПОЁН.*

Абулқосим Фирдавсий

МОЗИЙДАН ЗИЁ ИЗЛАБ

Поён Равшанов номи, шахсияти, сермахсул ижоди республикаимиз илм ва ижод аҳлига яхши таниш. Унинг адабий-илмий, тарихий ва бадиий соҳадаги изланишлари, ҳар уч йўналишдаги қатор ижод намуналари, монографик тадқиқотларининг ҳажми ва қамрови беҳад кенг, салмоғи, ғоявий кўлами анча баланд. Миллий истиқлол йилларида олим илмий-ижодий изланишларининг самараси сони ва сифати яна-да, юксак чўққилар сариқўтарилганини эътироф этиш лозим. Шуниси муҳимки, устознинг беназир қалами исталган йўналишда бемалол олға босади. Унинг Ўзбекистон тарихи, араблар босқини, Муканна исёни, мўғул истилоси, Буюк Темур ва темурийлар сулоласининг тарих саҳнасидаги сиёсий мавқеи, ўзбек навоийшунослиги, бобуршунослиги, машрабшунослиги, шунингдек, собиқ шўро йилларидаги болалар адабиёти, Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмаси хусусидаги салмоқдор мақолалари, монографик тадқиқотлари, бадиий солномалари XX асрнинг сўнгги чораги илмий, тарихий ва бадиий тафаккурида ўзига хос ривожланиш жараёни кечганлигини кузатишга имкон беради. Уни тарихчилар «муаррих», адабиётчилар «адабиётшунос», ижодкорлар эса «ёзувчи ва шоир» деб биладилар ва қадрлайдилар. П.Равшановнинг истиқлол йилларида ёзган адабий, илмий ва тарихий асарларининг умумий сони йигирматага бориб қолди. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тақризлар чиқиб тургани илмий жамоатчиликнинг домла фаолиятига бефарқ эмасдигини далиллайди.

Янги аср остонасида олим ижодий фаолиятининг яна янги қирралари бўй кўрсатди. Унинг мемуар характердаги, қолаверса, миллий истиқлол жамияти барпо этишнинг ғоявий негизи, режа ва дастурига замин ҳозирлаган муҳит, унинг етакчи йўлбошчиси Президент Ислом Каримовнинг 1986–1989 йиллардаги сиёсий фаолияти хусусида жонли тасаввур пайдо қилувчи «Қашқадарё: истиқлол арафасида» номли салмоқдор китоби ҳам олим ижодида, ҳам республикаимиз сиёсий, маънавий, маърифий турмушида катта воқеа бўлди. Бугина эмас, таниқли

олим илмий мушоҳада ўзанига сигмаган, аникроги, шу йўналиш оқимига тўғри келмайдиган шахсий изтироб, дард ва армон, орзу интилишларини шеърга, қатор тўртликлар бағрига жойладики, бу ҳол мухлислар эҳтиёжини қондиришга бўлган ўзига хос санъаткорлик белгиси бўла олади.

Мен Поён Равшановнинг адабий-илмий фаолиятига баҳо беришга, эҳтимол, ёшлиқ қиларман. Бироқ домланинг адабиёт тарихига, хусусан, Навоий ижодига бағишланган қатор мақолалари хусусида баъзи фикрларимни ўртоқлашмоқчи эдим. Зора, ушбу мақола мухтарам домланинг қарийб эллик йиллик илмий-ижодий фаолиятига шахсий эҳтиром ва ҳурматимнинг рамзий белгиси бўла олса. Гап шундаки, Поён Равшанов илмий тажрибалари, хусусан, унинг Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди, қариндошлари, салафларига муносабати, кейинги давр ижод аҳлига таъсири масаласидаги қатор мақолалари ўзбек навоийшунослигининг янги аср бўсағасидаги ютуқлари сарасига қиради.

Камина академик Иззат Султондан тортиб то ҳозирги навоийшуносларга қадар катта-кичик олимларнинг Алишер Навоий хусусидаги тадқиқот ва мақолаларидан оз-моз хабардорман. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Поён Равшанов мазкур соҳанинг исталган вакили ёки унинг илмий ишлари билан бемалол «мунозара» қиладиган, улар фаолиятининг ютуқ ё камчиликларини дадил айта оладиган катта салоҳият соҳиби. Агар гап Поён Равшановнинг навоийшуносликка қўшган хизматлари хусусида кетса, фикримча, гап аввали домланинг 1983 йил «Шарқ юлдузи» журналининг 2-сонида чоп этилган «Алишер Навоийнинг шажараси» номли аргументларга бой мақоласига бориб тақалади. Унда муаллиф улуғ шоирнинг отаси ва онаси томонидан боғланган бир неча қариндошлари хусусида кизиқарли маълумотлар беради. Олимнинг «Тарих бадийяти» номли рисоласи (Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1989) эса истиқлол арафасидаги ўзбек навоийшунослигининг ажралмас бир бўлаги сифатида майдонга келган эди. Мазкур китобдан устознинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бевосита дахл қиладиган саккизта мазмун ва ғоявий нафосати билан бири бошқаси-

ни тўлдирадиган ғоят кизиқарли мақолалари ўрин олган. Хусусан, «Алишер Навоийнинг авлодлари», «Навоийнинг қаршилик котиблари», «Навоий мактублари», «Ҳинд соҳири», «Буюк Алишер таъзими» ва бошқа мақолалари мавзунинг қўйилиши, муайян илмий муаммо даъвосида шахсан Навоий асарларига ёхуд унинг замондошлари Мирхонд, Хондамир, Восифий ва бошқаларнинг тарихий асарларига суяниши, улардан керакли иқтибослар олиши тадқиқотчининг масала ечимидаги синчковлиги, закийлиги, киёсий-тарихий ва типологик мезонларга жиддий амал қилиши каби фазилатлари, Алишер Навоий шахсиятига, ҳаёти ва ижодига ташна замондошларимизни бефарқ қолдирмайди. Олим Навоийнинг хонадони, ота ва она уруғи, аждодлари, уруғ-аймоғлари фаолиятига зеҳн солар экан, уларни бир-бирига боғловчи ришталарни тарихий манбалар асосида бир ўзанда бирлаштиради. Таъбир жоиз топилса, олим сеҳрли кўзойнаги билан мозий қаъридан, тубсиз зулмат соясидан зиё излайди. Уни топиб, ўқувчи кўз ўнгида худди шамчирок сингари яшнатиб қўяди. Натижада, ўқувчи Алишер Навоий хонадони муҳитининг адабий-тарихий вакиллари – Алишернинг узок ва яқин уруғлари, қариндошлари, шоир тоғалари, акаси, укаси, асранди ўғиллари, дўстлари, мухлислари, уларга буюк сўз даҳосининг муносабати, шу билан бирга бу қариндошларнинг шоир ҳаётидаги ўрни, темурийлар салтанатидаги мавқеи ҳақида ҳам муайян тасаввурга эга бўлади: «Алишер Навоийнинг қариндош уруғлари ҳақидаги мулоҳазалар шуни кўрсатадики, – дейди олим, – шоирнинг ижодкор оилавий муҳити, шубҳасиз, унинг даҳо санъаткор бўлиб етишувида илк мактаб вазифасини ўтаган. Алишер Навоий «Вақфия» номли асарида ўз авлод-аждоди ҳақида ифтихор билан қуйидаги сатрларни битган эди, «агарчи бу хокисорнинг (яъни Алишер Навоийнинг) ота-бобоси ул ҳазратнинг (Хусайн Бойқаронинг) обо ва аждоди хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шижоат бешасининг ғазанфари эрдилар – улуғ маротибқа сазовар ва бийик маносибқа комгор бўлгон эрдилар...»

Кўринадики, олим Алишер Навоий даҳосининг бу қадар кенг шуҳрат тутишига оила муҳитининг ўзига хос таъсири бўл-

ган, деган ҳақиқатни изчил ва теран асослайди. Қизиги шуки, навоийшунослигимизда Алишер Навоийнинг икки тоғаси – Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий ҳақида кўп маълумот учрайди. Поён Равшанов шоирнинг Ҳасан Али Жалойир ва Муҳаммад Али Жалойир отли яна икки тоғаси ҳақида ҳам ишончли далил келтиради. Ушбу маълумотга дахлдор тоғаларидан бири ҳақидаги фикрни Поён Равшановнинг «Томут таворих»дан олган юкоридаги кўчирмасидан улуғ шоирни ўз ўрнига, яъни қабрига унинг тоғаси Ҳасан Али Жалойир кўйганлигига ҳам ишора кўзга ташланади. П.Равшанов ушбу маълумотни профессор Абдуқодир Ҳайитметов ҳам 1974 йилда ёзган бир мақоласида айтиб ўтганлигини эслатиб, ушбу даъвонинг ҳақиқатга мувофиқлигини бир тарихий манба орқали далиллайди: “Тому-т-таворих”да, деб ёзади П.Равшанов, Ҳасан Али Жалойирнинг Алишер Навоийга қариндошлиги хусусида «мазкур Амирнинг тоғаси Ҳасан Али Жалойир Навоий жасадини ўз масжиди жомеъи бурчагига қурган мақбарага дафн этди” дейилади. Бу маълумотдан яна бир нарса ойдинлашади. Манбаларда Алишер Навоийнинг дафн маросимида шахсан Бойқаронинг ўзи бошқош бўлгани айтилади. Шунингдек, маросимда улуғ шоирнинг оғаси Шайх Бахлул ва унинг ўғли Амир Камолиддин ҳам марҳум эгаси сифатида иштирок этганлари қайд этилган.

Навоийшуносликда буюк сўз санъаткорининг асранди фарзандлари ҳақида ҳам баъзи гаплар бор. П.Равшанов улардан икkitаси ҳақида маълумот беради. Бири – Мир Иброҳим. Бу тарихий шахс шоирнинг катта акаси Амир Низомиддин Шайх Бахлулнинг набираси бўлган. Навоий уни «ўғилчадай асрабмен» деб ўзи билан бирга истикомат қилганини аниқ айтган. Иккинчиси – Амир Ҳайдар Сабуҳий деган шоир бўлиб, у Навоийнинг тоғаси Мир Саид Кобулийнинг ўғли бўлган. Сабуҳий ҳақида ғоят кизиқарли тафсилотларни келтирган П.Равшанов ривоятлардаги Навоийни заҳарлаш эпизодининг тарихий илдизи Сабуҳий фаолиятига ишора қилади, деган фаразни ўртага қўядики, назаримизда, бунда жиндай муболағага йўл қўйилган кўринади. Сабуҳий феълида жиннилик аломати

борлигини тарих ҳақиқати инкор этмайди. Аммо олимнинг «табиатида бир оз жинниликдан асар бўлган Ҳайдар Алишер Навоийнинг Хиротга қайтишини тезлатмоқ учун ва чамаси шоир кетгач Астробод ҳокимлигини олиш учун қалтис ишга қўл урган кўринади» деган даъвоси ўқувчида шубҳа уйғотади. Сабаби, Ҳазрат Навоийдай шахснинг эҳтиромига сазовор бу шахс ўз отасидек бўлиб қолган устозга нисбатан қалтис ишга, хусусан, уни заҳарлашга қўл уриши мумкинлиги ҳақидаги маълумот кишини ишонтиролмайди. Мақола давомида яна: «Алишер Навоий қалтис хатога (эҳтимол, бу заҳарлаш ҳақидаги ғавғонинг тарқатилиши билан боғлиқ бўлса) йўл қўйган тоғаваччаси Ҳайдарни шафқат сўраб, шохга ёзган хати билан бир қарра муқаррар ўлимдан саклаб қолади...» деган маълумот учрайди. Навоий табиатида бироз инжиклик ва кек саклашга ўхшаш одатлари бўлган. Агар Ҳайдар уни заҳарлашга уринган бўлса, ҳазрат ҳеч қачон уни ҳимоя қилиб, Бойқарога мактуб йўлламаган бўлур эди. Юкоридаги хат Ҳайдарнинг бошқа қалтис ишининг узрхоҳлиги маъносида битилгани тарихий ҳодисага мос кўринади. Негаки, Алишер Навоий 1470 йилда муҳрдорлик лавозимини худди шу қариндошига топширади. Агар шоир билан унинг тоғаваччаси ўртасида қандайдир адоват бўлганида, бош вазир мансабига кўтарилган Навоий Сабухийнинг муҳрдорлик лавозимида қўйилишига қаршилик кўрсатган бўлар эди.

Термиз Давлат университети профессори Аҳмад Абдуллаев “Тафаккур” журналининг 2005 йил 1-сонида эълон қилган «Навоий фарзандлари» мақоласида унинг уч асранди ўғли ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Улардан иккитаси ҳақида П.Равшанов мақоласида етарли маълумот бор. А.Абдуллаев шоирнинг машҳадлик шогирди Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ҳам унга ўғил сингари яқин бўлганини айтади. Аммо таниқли олим Сабухийни Алишер Навоий акасининг набирасими ё тоғаларидан бирининг неварасими, бу ҳақда аниқ тўхтамга келолмайди. П.Равшанов эса бу шахснинг Навоий бобоси (онасининг отаси) Абу Саид Чангнинг набираси, яъни шоирнинг тоғаси Мир Саид Кобулийнинг ўғли эканлигини мазкур

мақоласида 1989-йиллардаёқ манбалар асосида айтиб қўйган. Аммо профессор А.Абдуллаевнинг юқорида тилга олинган мақоласи П.Равшанов мақоласида қаламга олинган мушоҳадаларнинг мантикий давомидек, гўё уни тўлдириш, мукаммаллаштириш ниятида ёзилгандек, яхши таассурот пайдо қилади.

«Тарих бадиияти» тўпламидан ўрин олган диққатга молик мақолалардан яна бири «Ҳинд соҳири»дир. Унда олим улуғ Навоийнинг адабий ва илмий тафаккури ўзига қадар бўлган бир қатор сарчашмалардан, хусусан, Шарк достоннавислари тажрибасидан озукланиш омилларига нигоҳ ташлайди. Тадқиқотчи бу кенг масштабли мавзунинг бир қиррасини – Алишер Навоийнинг Хусрав Дехлавий ижодига муносабатини илмий шарҳлаш заруратини ҳис қилиб, шу масалада диққатга молик фикрларни ўртага ташлайди: «Навоий ва Дехлавий «Хамса»ларини муқояса қилиш шуни кўрсатадики, шакл масаласида Навоий кўпинча Дехлавий кутбида туради...» ёки «Навоий «Лайли ва Мажнун» мавзусида Дехлавийни Низомийдан устун қўйган...» Бу гаплар тадқиқотчининг илмий тафаккурида ўз-ўзидан пайдо бўла қолмаган. Олим бу гипотезаларни ўртага қўйиш учун шарқ хамсачилиги тарихини пухта ўрганган. Ушбу мақола таркибида шарқ адабиётида Алишер Навоийдан сўнг «Хамса» ёзишга уринган, лекин хамсанавис сифатида шуҳрат тополмаган тўққизта ижодкорнинг номи қўшимча, кизикарли маълумот бўла олади. Сабаби, дарсликларда умумий равишда «Хамса ёзган бир неча ижодкорлар бўлган» деган ахборот учрайдики, бу ҳол аниқликдан кўра мавҳумликни юзага чиқарар эди. П.Равшанов эса ушбу мақоласида ўша мавҳумликни аниқлик жабҳасига олиб чиқади.

Олим асарларининг тили ғоят бой, услуби ўрناк оладиган даражада намунали. Бирорта жумласи иштибоҳ уйғотмайди. Бироқ мунозара кўзгайдиган жиҳатлар бот-бот кўзга ташланади. Бу тарихий мавзуда қалам сурган ҳар қандай тадқиқотчи ижодида кузатилиши табиий. Умуман олганда, Поён Равшановнинг «Тарих бадиияти» рисоласи муаллифнинг илмий фаолиятида ҳам, ўзбек навоийшунослиги тарихида ҳам муҳим манба бўлиб, у ҳали кўп ўқувчилар эҳтиёжини, айниқса, ёш навоийшунослар талаб-истагини етарлича қондира олади.

Дарвоқе, 2004 йилда “Минҳож” нашриёти Поён Равшановнинг серкирра ижоди ва унга илмий-адабий жамоатчиликнинг муносабатини акс эттирувчи “Эътироф” деган рисола чиқарилди. Рисолада домла сўнгги қирк йил ичида 28 китоб, 520 номда адабий-илмий, маънавий-маърифий ва танқидий мақола эълон қилгани таъкидланади. Буни кўриб, домла бутун ҳаётини ижод столида ўтказибди-да, қойил-э, деган ўйга борасиз. Тагин рисолада Поён Равшанов ижоди ҳақида қирқдан ортиқ тақриз эълон қилинган айтиладики, бундан домла республика адабий-илмий жамоатчилигининг диққатини кўпроқ жалб этган ягона олим-ёзувчи эканлиги ойдинлашади. Китобни ўқиб, ҳаёлимда шаклланган бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтмоқчиман. Юқорида олимнинг фақат навоийшуносликка қўшган ҳиссаси ҳақида қисман гапирилди, ҳолос. Мабодо домланинг илмий-ижодий тажрибаларини махсус тадқиқот доирасига тортиш зарурати туғилса, у тахминан куйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин: манба шунос ва матн шунос, адабиёт шунос (мумтоз, XX аср ва ҳозирги ўзбек адабиёти), тарихнавис, но-сир, шоир, ношир ва публицист. Айтиб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири алоҳида аспектда ўрганилишга муносиб ва бу иш амалга ошса, шубҳасиз, Поён Равшанов илмий тажрибалари бугунги ва келгуси ёш олимлар учун тап-тайёр илмий дастуриламал бўла олади. Зеро, Поён Равшанов умрининг эллик йилдан ортиқ даврини нана билан чуқур қазиниш каби ғоят машаққатли ва масъулиятли илмий-ижодий ишларга бағишладик, буни эътироф этиш мавжуд ҳақиқатни тан олишдан бошқа нарсасиз эмас.

РОМАНГА ХОС ИЛМИЙ ТАФАККУР

Бадиий наср, дейлик, кичик бир ҳикояни тадқиқ этиш учун мунаққид ҳеч бўлмаса ўзбек ёки жаҳон ҳикоячилиги саҳнасида муҳим ўрин тутган ёзувчилар тажрибасининг меваси саналмиш ўн беш ёки йигирма ҳикоядан яхшигина хабардор бўлиши лозим. Бугина эмас, биргина хабардорлик ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Ҳикоя тадқиқига киришган олим ҳикоячилик ҳақидаги

Ўзбек ва жаҳон адабий-илмий тафаккурида юзага келган ўнлаб, ҳатто, юзлаб мақолалар мазмунидан ҳам хабардор бўлиши эҳтиёжи бор. Шунда тадқиқ объекти ҳам, уни текшириш мезонлари ҳам тасаввурда тўлиқ жонланади. Тасаввур кемтик бўлмаслиги лозим. Бунинг учун, шубҳасиз, талант ва иқтидор ҳам зарур. Истеъдодсиз одам ҳеч нарса ёза олмайди. Ёзганда ҳам сизни ишонтиролмайди. Ишонтириш қуввати заиф бўлган ҳар қандай асар ёхуд илмий мақола ижод дунёсида узоқ яшамайди.

Ўзбек насри, хусусан, романчилик ва унинг тадқиқи борасида ўзбек адабиётшунослиги катта ютуқларга эришди. Қатор олимларимиз ўзбек романчилигининг шакли, тараққиёти, ўтган аср 50-йилларидан кейинги тадрижи ва ниҳоят, истиқлол давридаги романчиликнинг инсон ички руҳий оламини талқин этишдаги манзараларини чуқур идрок этдилар ва уларни илмий-назарий тадқиқ этиш борасида диққатга сазовор хулосаларни ўртага ташладилар.

Кичик бир ҳикояни тадқиқ этиш учун қанча заҳмат чекиш лозимлигини юқорида айтдик. Энди, тасаввур қилинг: романни тадқиқ қилиш учун бир ёки икки роман ёхуд беш ёки ўнта шу хусусдаги мақола мазмуни билан танишиш етарлимикин?! Боз устига ўзбек романчилигининг илдиз отганига қарийб бир аср бўлса-да, уни соф санъат ҳодисаси сифатида талқин этишга энди киришилгани сир бўлмай қолган бўлса. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”, “Навоий”, “Сароб”, “Уфқ” трилогияси, “Жимжитлик”, “Гирдоб”, “Диёнат”, “Умид” ва бошқа истиқлол даври романчилигининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда қиёсий-типологик асос бўла оладиган қатор романлар атрофидаги баҳслар, муаллифларнинг қаҳрамонга, қаҳрамоннинг мафкурага хизмат қилдирилиши ёхуд шунинг аксига бўлган муносабатларни билмай туриб, янги давр романчилигига етарлича баҳо бериб бўлмайди. Бундан ташқари, роман ва романга хос бадиий тафаккур тадрижини жаҳон адабиёти романчилиги эришган ютуқлар тажрибасида текшириш зарурати туғилдики, янги давр тадқиқотчилари ўзбек романига баҳо бериш учун албатта чет эл, ҳеч бўлмаса рус романчилиги ва унинг илмий талқинларидан хабардор бўлмасликлари мумкин эмас.

Академик Иззат Султон, М.Қўшжонов ва уларнинг давомчилари профессор О.Шарафиддинов, С.Мирвалиев, У.Норматов, А.Расулов, С.Содиқ, С.Мирзаев, Д.Курунов ва Б.Карим каби олимлар ўзбек романчилигининг тарихий илдизи, ғоявий-тематик асослари, тадрижий такомилли, бадиийлик элементлари: тил, характер, тип, сюжет, композиция, фабула, детал, образ, прототип ва бошқа ёзувчи идеясини юзага чиқаришда хизмат қиладиган унсурларни тадқиқ этдилар. Юқоридаги олимлар орасида фақат бир киши ўзбек романчилигини, хусусан, унинг 60-80- ва 90-йиллардаги тараққиёт тамойиллари, шунингдек, янги даврдаги яшаш мезонларини ҳол ва қудрат тадқиқ этиб келаётган олим, филология фанлари доктори Дамин Тўраевдир. Унинг дастлабки илмий изланишлари самараси бўлган “Ҳаёт ва сюжет”, “Ўзбек адабиётида реализм масалалари” номли тадқиқотлардаги ўзбек насри, хусусан, романчилик ва қиссачилик ривожига муҳим хисса қўшиши мумкин бўлган адабий факторлар ўзига хос илмий-назарий таҳлил асосида тадқиқ этилади. Домланинг “Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси” монографиясида эса аввалги тадқиқотларида ўртага қўйилган масалалар салмоғи анча кенгайди. Энди олим анъанавий текшириш мезонларидан воз кечиб, романга хос бадиий тафаккур имкониятларини ёзувчи маҳоратини чуқур анализ қилиш воситасида очиб беради. Д.Тўраев тадқиқотига хос муайян масаланинг туб илдизларигача назар солиш, бир давр одамларини, ҳатто бир оила аъзоларини ўзаро муқояса қилиб, уларнинг рухий-психологик оламларини илмий жиҳатдан ёритиш, бунда ёзувчи йўл қўйган ҳаёт ёки характер мантиғига мос тушмаган деталларгача, ҳуллас, асар қаҳрамонларининг “ҳол”и ва “кўзойнаги”гача эътибор қилиш, шуларни китобхон кўз ўнгида қайта жонлантириш – барча-барчаси мунаққид ижодий лабораториясига хос синчковлик фазилатини намоён этади. Худди шу синчковлик қаҳрамон ёхуд персонаж рухий оламини ички мураккабликлари билан тадқиқ этиш, аynи шу мавзудаги мақолаларнинг илмий-назарий савиясини оширган. Д.Тўраев ҳар бир қаҳрамон ё персонажнинг касб-кори, фикр-дунёқараши, яшаш тарзи, ҳаётий аъмолини пухта билмаса, унга баҳо беришга шошилмайди.

2004 йилда олимнинг “Давр ва ижод масъулияти” номли монографияси “Янги аср авлоди” нашриётида босмадан чиқди. Китоб таркиби жиҳатдан икки қисмга бўлинади. Унинг биринчи қисмида миллий истиқлол ғоясининг тарихий сарчашмалари, миллатнинг ватан ва халқ ижтимоий турмушини яхшилашдаги саъй-ҳаракати, турғунлик қурбонлари, ўзбек адиблари ижодида тарихий ва тарихий-бадий сиймоларнинг адабиётда акс этиши, давр муаммолари: истиқлолни қадрига етмаслик, бозор иқтисоди мураккабликлари, очарчилик оқибатларига муносабат, ўрганилаётган мавзунинг тарихий илдизи, жаҳон адабиётидаги шамойили, хуллас, давр муаммоларини елкасига олган қаҳрамон сиймосини яратишда ижодкор масъулиятининг ўрни ёрқин қиёсий образ ва манбалар таҳлили фонида ёритилади. Рисоланинг иккинчи қисмида юқоридаги инсоний дард ва туйғуларнинг янги давр шеъриятида бадий мушоҳадакорликда тасвирланиши муайян ижодкорлар асарлари мисолида тадқиқ этилади.

Китобнинг илмий-назарий савиясини таъминлаган баъзи фазилатлар йўқ эмас. Мухими, тадқиқотчи янги давр адиблари асарларини ўзбек насри ва жаҳон адабиёти романчилиги эришган ютуқлар андозасида текширади ва улар орасидан шундай юқори талабларга жавоб бера оладиган ўзбек адиблари асарлари галереясини тадқиқот майдонига тортади. Унингча, Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр”, Ҳ.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат” романлари ҳаққонийлик ва ҳаётийлик мезонларига дош бера олиши билан янги давр романчилиги тараққиётини белгилашга асос бўла олади. Ҳақ гап. Бир неча романлар қаторидан юқоридаги бакувват намуналарнинг танланиши олим диди, савияси ва илмий салоҳиятини теран намоён эта олади. Мунаққид йўл-йўлакай ўзбек ёзувчилари қўлга киритган тажрибаларни эслашдан ташқари Ж.Жойс, Г.Уэллс, Э.Хеменгуэй, У.Фолькнер, М.Бруст, Ф.Кафка, П.Коэло ва бошқа жаҳон йирик ёзувчиларининг шахсий фикрлари, қаҳрамонлари ва шу орқали муаллиф уларнинг ўлмас ғояларига ишора қилиши, улардан иқтибослар олиши, муаллифнинг кенг мушоҳада юритиш имкониятларини ва ни-

шонга олинаётган воқеа-ҳодиса ёки муаллиф маҳоратига жаҳон илмий ютуқларидан келиб чиқиб, баҳо бераётганини билдиради. Бу билан тадқиқотчи ўзбек ёзувчиларини зинҳор базинҳор жаҳон ёзувчилари чиққан минбарга чиқариб қўймайди. Балки ёзувчиларнинг ижодий изланишларида юксак санъатга ҳос тасвир ва ишонтириш салоҳияти мавжудлигини муайян мисоллар асосида ёритади.

Китоб мутолааси жараёнида олимнинг асар қаҳрамонлари ва ёзувчи шахсиятига муносабатидаги ҳолисликни, ҳар қандай воқеа-ҳодисага тилёғмалик қилмасдан ёхуд жузъий нуқсон бўлса, ёзувчини тажрибасизликда айблаб, саваламасдан бадиий асар ёки образ нафосатини ўқувчига ётиғи билан тушунтириш лаёқатига эга эканини англаш мумкин. Тадқиқотчи фикрида саёзлик сезилмайди. Шунингдек, сўз танлаш ва қўллаш маҳорати бошқа муаллифда эътироз туғдирмайди. Китобда олимнинг икки муаллиф – ёзувчи хизматига айрича эътиромини ҳис қиласиз. Бири – XX аср иккинчи ярмида етишган Қашқадарё ижодкорларининг пешвоси, марҳум ёзувчи Самар Нур. Иккинчиси эса олим томонидан “модерн йўналишдаги ёзувчилардан бири – экзистенциалист ёзувчи” деб тан олинган Улуғбек Ҳамдамдир. Мунаққид Самар Нурнинг “Қора тонг” романини “эпик тасвир ва бадиий қўлам жиҳатдан Қодирий ва Чўлпон анъаналарининг давоми” сифатида тақдим этади, шунингдек мазкур асарни истиқлол даври романчилигининг ўзига ҳос ютуғи эканлигини тўғри таъкидлайди. Чамамда бу шарҳ муаллифни қониқтирмайди. Шу боис у худди шу даъвони исботлаш заруратини туюб, китобнинг иккинчи қисмида марҳум ёзувчи маҳоратини кенгроқ масштабда ёритиш учун “Метин иродали ижодкор” номли махсус мақола эълон қилади.

Ҳақиқатан ҳам “Қора тонг” XIX аср охири ва XX аср аввалидаги романчилик уфқларини белгилашда муҳим омил бўлаган романдир. Унда XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Россия ҳоконлиги империясининг Туркистонга тажовузи ёрқин бўёкларда тасвирланган. Д.Тўраев фикрича, “Ўткан кунлар” ва “Кеча ва кундуз”дан кейин ярим аср вақт мобайнида бирорта ҳам ўзбек адабиётида ўша романлар билан тенглашадиган роман

туғилмаган. “Муболагасиз айтиш керакки, – дейди мунаккид, – “Қора тонг” ўзининг бадий эник кўўламдорлиги, бадий тил нафосати ва сюжетнинг таранглиги, кутилмаган бурилишларга, мушкулотларга, зиддиятли коллизияларга, қаҳрамонлараро кескин тўқнашувларга, аёвсиз курашларга бойлиги билан, халк миллий руҳини тўлақонли равшан манзараларда кўрсатилгани билан муаллифни Қодирий ва Чўлпон романчилик мактабининг издошларидан бири етишиб чиққанини англаймиз”. Шунингдек, асарнинг бош қаҳрамони Амир Музаффар, унинг ўғли Абдумалик тўра, амрлик билан фон – Коуфман ўртасидаги “сулҳ” ва бошқа масалалар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчиларнинг романга бўлган қизиқишларини кучайтиради. Мунаккид Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг мазкур асар сўз бошисида ёзган баъзи мулоҳазаларини инкор қилади. Ёзувчи ўз мақоласида мазкур асарни тўқима образлар системасидан холи деса, Д.Тўраев унга қарши асардаги Ойсулов, Бахши, Бойбўри ва Бойсаридан каби образлар фантазия – тўқимадир, деган ишончли далилни келтиради. Мақола сўнггида эса ёзувчи ижод мактабидан чиққан ҳозирги замон ижодкорлари, вилоят шоир ва ёзувчиларидан айримлари Самар Нур аънааларининг ўзига хос давомчилари сифатида тилга олинади.

Монографияда алоҳида самимият билан тадқиқ этилган адиб ёш ёзувчи Улуғбек Ҳамдамдир. Мен, очиги, Д.Тўраевнинг шу ёзувчига берган баҳосини жуда қадрлайман. Бошқа ёзувчиларга берган баҳо-талқинлари ҳақида ҳам салбий фикрда эмасман. Бироқ мунаккиднинг ҳозирги замон адабий жараёнини кузатиши, унга биринчилардан бўлиб баҳо бериши, хуллас янги асарнинг ўқувчига, бадийят оламига нима ҳадя этиши ҳақида қайғуриши эътирофга лойиқ фазилатларидан биридир. Демокчиманки, ўнлаб романлар галереяси орасидан Тоғай Мурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шукур Холмирзаев сингари тажрибали ёзувчилар ижоди билан бирга ёш иқтидорли ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг икки романи – “Мувозанат” ҳамда “Исён ва итоат”нинг Д.Тўраев томонидан таҳлил этилиши мутлақо тасодифий эмас. Шунингдек рисола таркибида Э.Воҳидов, А.Орипов, Ж.Жабборов, Н.Нарзий ва И.Отамурод каби

шоирлар шеърларидан намуналар келтириб, таҳлил этилиши диққатга сазовор.

Д.Тўраев рисолаининг махсус бир фаслини Амир Темур ва темурийзодалар ҳақидаги асарлар таҳлилига ажратади. Табиийки, бундай тарихий-бадний асарлар таҳлилига киришар экан, ҳар қандай олим ҳаётий ҳақиқат ва ўша давр тарихий муҳити билан ҳисоблашмоғи лозим. Боз устига шўро ҳукумати даврида Амир Темур шахси қанча оёқости қилинган бўлса, эндиликда ўзининг ҳақиқий баҳосини олаётир. Тадқиқотчи А.Фитратнинг “Темур сағанаси”, С.Бородиннинг “Самарқанд осмонидаги юлдузлар”, Ойбекнинг “Навоий”, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар доवони”, О.Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Авлодларга васият”, Б.Бойқобилнинг “Қутби миллат”, А.Ориповнинг “Соҳибқирон”, рус ёзувчиси Е.Березиков ва тарихчи Б.Аҳмедовнинг Темур ва унинг авлодлари хусусидаги ҳамда шу каби тарихий-бадний асарларни тарихий воқеликни текшириш мезонлари асосида таҳлил қилади. Қўринаётирки, бир мақола доирасида ўндан ортиқ асар жисмига кириш, унинг қахрамонлари руҳиятини очиш, шу асосда муаллиф маҳоратига баҳо бериш учун тадқиқотчида муайян тажриба, кенг қамровдаги билим, малака ва ўткир мушоҳада лозим бўладики, мазкур рисола муаллифида буларни етарли дейиш мумкин.

Маълумки, роман кенг қамровли ҳаёт тарзи, миллатнинг турли психологик кайфияти, образ ва характерларнинг ўзаро тўқнашувини жонли ҳаёт оқими фонида бадний жиҳатдан пухта ва пишиқ ифодалаш хусусияти билан муайян давр ва миллат адабиётининг ёрқин манзарасини намоён этади. Д.Тўраевнинг мазкур китобида XX асрнинг иккинчи чораги ва янги аср бўсағасида юзага келган миллат ҳаёти ва кишилари дунёқарабини тўлақонли намоён этувчи бир қатор романларнинг бадний хусусиятлари илмий асосда яхши таҳлил қилинган.

Энди баъзи бир зукко китобхонлар кутиб турган масалага ҳам муносабат билдириб ўтайлик. Камина мазкур ўринда таҳсинга лойиқ ҳисоблаган китобнинг баъзи жойлари танқидга ҳам учраган. Жумладан, профессор Умарали Норматов роман тадқиқотчисининг “Ф.Ницше супер инсонни тарғиб қилиб

бутун инсоният бошига ҳақоратлар ёғдирган. Фашизм Ницше ғояларини ўзига шиор қилиб олган эди” – деган фикрига ёқа ушлаб эътироз қилади. Бу фикр гўё Д.Тўраевнинг Ғарб фалсафаси тарихидан, хусусан, Г.Скирбекк ва Н.Гильенинг “Фалсафа тарихи” дейдиган ноёб китобидан беҳабарлиги оқибатида юз берган экан¹.

Д.Тўраевнинг ғарб фалсафасидан қай даражада хабардорлиги менга номаълум. Бирок унинг юқоридаги фикрида унчалик ҳайратга қолдирадиган жиҳат йўқ. Чунки домланинг юқоридаги гапи ғарб фалсафасидан хабардор кишида унчалик эътироз қўзғамайди. Негаки, Ницше фалсафаси моҳиятида олий инсон зухраси ётса-да, бу моҳият ғарбда турли, гоҳо ғайриилмий талқинларга йўл очган. Бинобарин, Д.Тўраевнинг Ницшега нисбатан билдирган эътирози “Фалсафа тарихи”дан беҳабарлиги оқибатида эмас, балки ғарбдаги Ницше ҳақидаги мавжуд уйдирмалардан хабардорлиги ва уларга ишончи кўплигидан коғозга тушган. Боз устига фашизмнинг Ницше ғояларини байроқ қилиб, уруш эълон қилгани ҳам, XX асрда Европада инсонни клонлаштириш тажрибаларининг тор доираларда бўлса-да, таркалиши ҳам илдиз-эътибори билан сунъий йўсинда бўлса-да, Ницше ғояларига бориб такалади. Шундай экан, Д.Тўраевни қайсидир китобдан беҳабарликда айблаш унча тўғри бўлмаса керак, деган ўйдаман.

Унутмаслик керакки, Ницше ақлан ва жисман Олий Инсонни орзу қилган. Супер инсон – клонлаштириш идеясини Ницше фалсафасига олиб бориб такаш, аслида, машҳур “Зардушт таваллоси” муаллифига нисбатан ҳақоратдан бошқа нарсаси эмас. Такрор айтаман, Д.Тўраевнинг юқоридаги фикри Ницше ғояларини яхши билишидан эмас, балки у ҳақдаги турли миш-мишлардан хабардорлиги оқибатида юзага келган.

Китоб мутолааси пайтида баъзи иштибоҳлар ҳам туғилди. Гап шундаки, романга хос тафаккур эгаси баъзан назм таҳлилида масалани туб чигалликлари билан қамраб ололмайди. Ж.Жабборов ёки И.Отамурод шеърятининг “фалсафий не-

¹ Норматов У. Ижод сەҳри. Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. Б.49.

гизи” ҳақида сўз очган олим худди шу негиз моҳиятини муайян мисралар таҳлили воситасида очиб бериш лозимлигини унутади. Ж.Жабборов ғазали ҳақида мулоҳаза юритган тадқиқотчи намуна сифатида шоирнинг машҳур муҳаммасидан мисол келтиради. Қизиқ! Бир неча йилдан бери ёшларга “Жанрлар поэтикаси”дан махсус маъруза ўқийдиган профессор лирик жанрлар ўртасидаги оддий тафовутни фарқлолмайди. Нормурод Нарзий шеърияти таҳлилида ҳам тадқиқотчи негадир шоирнинг танқидчиликдаги тақдирига бефарқ қарайди. Ваҳоланки, шоир шеърияти ўтган асрнинг 90- йиллар танқидчилигида формализмда айбланиб, соҳанинг сўл канотида роса саваланган¹. Ғараз буки, халқ шоирининг мана шу жиддий нуқсони ижодининг сўнгги палласига қадар давом этган. Медалнинг олди ҳақида жўшиб сўйлаган олим унинг ортига ҳам бирров назар солса, бунинг нимаси ёмон? Яна шуниси борки, жонкуяр тадқиқотчи “қўшиқчи шоир” атамасини расмий талкинда тушунади ва тушунтиради. Фикримча, бу атама “шоир” деган юксак номни хийла сийқалаштирадики, бу каби саёз ифода бирликларини танқидчилар ишлатмагани маъқул. Айтилганлардан қатъи назар “Давр ва ижод масъулияти” китобини ҳозирги замон ўзбек адабиётшунослигининг ўзига хос ютуғи деб ҳисобсак бўлади. Оддий шеър, дейлик, тўртликни таҳлил қилиш учун уни бир қарра ўқиш кифоя. Роман таҳлили учун эса бу етарли эмас. Бунинг учун узоқ заҳматдан ташқари тадқиқотчида кучли ақл, ирода, тафаккур, мушоҳада ва албатта истеъдод уйғунлиги муҳассам бўлмоғи лозим. Таҳлил этилган монография муаллифида шундай хусусиятлар мавжуд дейиш, менингча, муболаға бўлмаса керак.

НУТҚ ВА НАФОСАТ

Машҳур немис олими Гётенинг бир гапи бор: “Назария қуруқ ёғочдир, аммо яшнара ҳаёт дарахти”. Буюк файласуф «қуруқ ёғоч» деганда, назариянинг амалиётга хизмат қилишга

¹ Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. Тошкент: Ўқитувчи, 1993. Б.124-133.

яроқсиз бўлган жиҳатларини назарда тутган бўлиши, эҳтимол. Боз устига бу гап назариётчиларга қарата айтилмаган. Нега десангиз, ҳар қандай амалий фаолият назарий билимлар билан куроллансагина ҳақиқий моҳият касб эта олади. Тўғри, бадий асар яратиш учун ёзувчи ёки шоир назарий билимларни мукамал билиши шарт эмас. Аммо худди шу асар моҳиятини омага тушунтириш учун адабиётшунос пухта назарий билимга эга бўлиши шарт. Шу жиҳатдан назария Гёте айтган каби “қурук” эмас. Бундай бўлмайди ҳам. Агар ёзувчи ёки шоир назарий билимлардан ҳам яхшигина хабардор бўлса, унинг асари икки ҳисса гоёвий-бадий жиҳатдан мустаҳкам асосларга таянган ҳолда яратилади. А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаххор, Шайхзода, С.Аҳмад, П.Қодиров, О.Ёқубов, Ў.Ҳошимов, Т.Малик, Э.Воҳидов, А.Орипов, М.Али, Ж.Камол, Н.Нороқова ва У.Ҳамдам сингари ёзувчи ва шоирларнинг асарлари кенг шуҳрат тутишининг бир ирмоғи муаллифларнинг назарий тафаккурига бориб тақалса, бошқаси юксак бадий салоҳиятига бориб туташади.

Ҳар қандай тадқиқотчининг фикрлаш имконияти чегараланган. Энг зўр назариётчи ҳам бадий асар компонентларини бошдан оёқ анализ қилиб чиқа олмайди. Ҳатто кичик бир тўртлик, дейлик, ўнта тадқиқотчи томонидан ўн хил шарҳланса-да, у ҳақдаги фикрларга сўнгги нуқта қўйиб бўлмайди. Ҳар қандай бадий асар ҳар бир давр учун муайян бир янгилик инъом этиши мумкин. Бадий асар, хусусан, насрий асарлар тили бўйича ўзбек адабиётшунослигида талай ишлар юзага келган. Бу масалага дастлаб, ўтган асрнинг 30-йилларида профессор Фитрат, ёзувчи А.Қодирий, 50-йилларда А.Қаххор, Ойбек, Сотти Ҳусайн, 80-йиллардан сўнг И.Султон, М.Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Пиримкул Қодиров, истиқлол йилларида У.Норматов, А.Расулов, С. Мирзаев, Ў.Солижонов, шунингдек, Д.Қуронов ва Баҳодир Карим каби олимлар бадий асар тили, унинг жонли сўзлашув тилига мос ва тафовутли жиҳатлари, қаҳрамон ёки персонаж характери талқинида нутқ ва тилнинг роли, муаллиф нутқи ва унинг қаҳрамон руҳий дунёсини, бинобарин, асарнинг бош гоёсини очишдаги роли ва бошқа шу каби

масалаларга эътибор қаратганлар. Назариётчи олима, филология фанлари номзоди Гулчеҳра Имомованинг “Миллийлик ва бадий нутқ” (“Янги аср авлоди”, 2004) номли рисоласида юкорида номлари қайд этилган ёзувчи ва олимлар фаолиятининг узвий давомини кузатиш мумкин. Унда олима XX аср ўзбек ёзувчиларининг миллий тип ва характер яратишда бадий нутқ шаклларида моҳирона фойдаланиш усуллари муайян асар ва унинг қаҳрамонлари нутқини илмий тавсифлаш орқали ёритилади. Ҳақиқатдан ҳам нутқ бадий асарнинг миллий калоритини белгиловчи бош омил саналади. Рисолада назариётчи муайян қаҳрамон нутқидаги миллий ўзига хослик белгиларини у яшаётган давр ёхуд уни вояга етказган муҳит билан боғлиқликда таҳлил қилиш заруриятини тўғри ҳис қилади.

Тадқиқот объектига тортилган асарларнинг ўзбек адабиёти майдонида юзага келиш вақтига кўра таҳлилга тортилиши ва демак, хронологияга изчил эътибор қилиниши аналитик методнинг систематик усулини таъминлаган. Бу усул ўз навбатида, тадқиқотчини оддийдан мураккабга, гоҳо эса аксинча ҳаракат қилишига замин ҳозирлаган. Муҳими, тадқиқотчи таҳлил жараёнида бирор ўринда қоқилмайди. У муаллиф, қаҳрамон, персонаж нутқидаги муайян тон – белги орқали уларнинг аҳвол-руҳиясини очади, ўзига хос характерини миллий шароит ҳосиласи сифатида талқин этади. Рисолада «Ўткан кунлар»даги Кумуш, сўнг “Қутлуғ қон”даги Нуринисонинг тўй кечасидаги ички руҳий дунёси, бинобарин, характери, уларнинг маъшуқаси ҳузуридаги бирининг ҳаёли ва бошқасининг ўйловсиз, андишасиз нутқи орқали илғаш мумкинлиги, ҳар икки ҳолатнинг юзага келишида оила муҳитининг роли, жиддий таъсири бўлгани, бу жараён илдиз-эътибори билан муаллиф қаламига бориб тақалиши илмий жиҳатдан пухта ёритилган.

Китоб бутунисича муқаддима ва ҳулосадан ташқари яна икки бобдан таркиб топган. Биринчи бобда ўзбек ёзувчиларининг миллий тип яратиш принциплари, қаҳрамон нутқининг ўзига хос белгилари, монолог ва диалог шакллари, шунингдек, ички нутқ руҳий ҳолат манзарасини очувчи муҳим белги экани таҳлил этилади. Иккинчи бобда муаллиф нутқи билан қаҳра-

мон нутқининг ўзаро алоқаси, муаллиф нутқининг ҳокимлик мавқеи, қаҳрамон ёки персонаж нутқининг муаллиф измида бўлиши, шунинг натижасида ҳар бир образ ўзига хос миллий кийёфа ва характер касб этиши А.Қодирий, Ойбек, О.Ёкубов ва Ў.Ҳошимовнинг ҳозирги замон китобхонларига яхши таниш асарлари мисолида таҳлил қилинган.

Унутмаслик лозимки, бадиий асар тили халқ жонли сўзлашув тилидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Бир асар таркибида, дейлик, йигирма қаҳрамоништирок этади. Табиийки, улар турли ёш, турли жинс, турли касб, турли тоифа, характер ва кийёфага эга. Энди уларни жонли ҳаракатга келтириш учун ёзувчи уларда шунча хил сажия, характер кашф этади. Ана шу муҳим белги унингнутқи – тили орқали ўқувчига намоён бўлади. Г.Имомова XX асрнинг иккинчи ярмида қўпроқ шуҳрат қозонган “Ўткан кунлар”, “Қутлуғ қон”, “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Дунёнинг ишлари”, “Нур борки, соя бор” каби романларнинг етакчи қаҳрамонлари ва муаллифлари нутқини таҳлил қилиш орқали улар яшаган конкрет муҳит ва шароит манзараларини пухта илғайди.

Маълумки, типик шароит ёхуд муҳит бадиий асарда ҳамisha ҳам кино тасмасидагидек аниқ чизиб берилавермайди. Бу ижодий жараёни ишонарли, ёрқин манзаралар воситасида тасвирлаш энди ўз ўзидан муаллиф нутқи зиммасида қолади. Аён бўлаётирки, муаллиф нутқини тўлалигича идрок ва анализ қилиш қаҳрамон психологиясини ўрганишдан кўра анча мураккаб тадқиқий ҳодиса. “Миллийлик ва бадиий нутқ” китоби муаллифи худди шу мураккаб жараёни нозик ҳис этади ва муаллиф нутқини уч тоифага “муаллиф-иштирокчи”, “муаллиф-баёнчи” ва “муаллиф-ҳикоячи” каби турларга ажратади. Гоҳида эса муаллиф нутқи қаҳрамоннинг ички монологик нутқи билан боғланиб, чатишиб кетадики, Г.Имомова бу манзарани “Улуғбек хазинаси”даги Абдуллатиф нутқи мисолида таҳлил қилишга эришган. Таъкидлаш жоизки, “Улуғбек хазинаси”даги муаллиф нутқи қаҳрамон ва персонажларнинг руҳий оламини очиш учун етакчи хусусият касб этган: “Во ажабо! Унга не бўлди? Нечун титрайди? Нечун азоб чекади?” каби

нутқ моментини таҳлил қилар экан, Г.Имомова шундай ёзади: “Сўзларни муаллиф Абдуллатиф қиёфасига кириб сўзлаётгандек, ҳатто “Шахзоданинг гуноҳи не?”, “Парвардигори оламнинг қаҳридан кўркмай, коинот сирларини очмоққа жазм этган экан, ўз жазосини олди”, – деган сўзлар Абдуллатифга мансубдир. Аммо бу нутқ ичида муаллиф образи ҳам борки, у Абдуллатифни ўз нутқи орқали фош этади...”

Бадий асар тилини пухта билмай туриб, унинг бошқа компонентлари хусусида фикр юритиш, Американи у ерга бормай туриб таърифлашга ўхшайди. Бинобарин, ҳар қандай асарнинг бадийлик критериялари унинг тилини ўрганишдан бошланади. Шу маънода Г.Имомованинг юқоридаги илмий рисоласи назариянинг куруқ ёки жўн ҳодиса эмаслигини яна бир карра исботлай олади. Алхол, назария куруқ эмас. Уни билмаслик, идрок этмаслик эса тадқиқотчини турли йўналишларга оғиб, муайян ҳулосага келиш имкониятини чегаралайди, мураккаблаштиради. Шундай экан, назарияни билмай туриб, адабиётнинг бошқа таркибий қисмлари хусусида бонг уриб бўлмайди. Шу жиҳатдан Гулчеҳра опанинг “Миллийлик ва бадий нутқ” номли рисоласи нафақат талабаларга балки ёш тадқиқотчилар учун ҳам муҳим илмий-назарий манба бўла олади.

Эҳ! Бир нарсани унутмаёзиман. Гулчеҳра Имомова қаҳрамонлар нутқи ўртасидаги тортишув ҳар қандай асарнинг драматик руҳини таъминловчи восита эканлигини илғаш ва буни муайян мисолларда таҳлил этиши алоҳида таҳсинга лойиқ. Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай бадий асарнинг сўз санъати дунёсида барқарор яшаш омилларидан бири, эҳтимол, биринчиси унда драматик асоснинг таъминланиши билан боғлиқдир. Бу ҳодисанинг рисолада ёритилиши эътиборга ва демак, эътирофга ҳам лойиқдир.

ОЛИМНИНГ СИЙРАТИ

Ўзбек адабий танқидчилиги жаҳон адабий-эстетик тафаккурининг ажралмас қисми сифатида ўзининг тараққиёт жараёнини бошидан кечирмоқда. Лекин ҳозиргача танқидчилигимиз

олдида яқин ўтган йилларда вужудга келган адабий-илмий қарашларни умумлаштириб, унинг ҳолис баҳосини бериш зарурияти мавжуд эди. Яқинда филология фанлари доктори Бойназар Йўлдошев худди шундай ҳаётий илмий заруриятни амалга оширди. Олимнинг “Адабий жараён: танқидчи услуби ва маҳорат муаммолари” монографияси ўзбек адабий танқидчилигининг 60–70-йиллардаги тараққиёти ҳусусида баҳс юритади. Унда муаллиф шу давр бир неча ўзбек олимларининг тадқиқотларини услуб ва маҳорат муаммолари нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Китоб кириш ва ҳулосадан ташқари уч асосий бобдан таркиб топган. Биринчи бобда ўзбек адабий танқидчилиги тараққиётида жаҳон, айникса, рус адабий-танқидий қарашларининг ўзига хос таъсири, илмий-назарий муаммолар ечимида адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг тадрижий тақомили, шунингдек, танқидчининг ўзига хос услуби ва бадиий асарни тадқиқ этиш маҳорати ёритилади. Китобда айтилишича, рус танқидчилари Белинский, Чернишевский ва Добролюбовнинг танқидий қарашларидан таъсирланиш жараёни XIX аср охиридан бошланган. XX асрнинг 40-йилларидан кейин эса бу жараён маълум даражада ўз мураккабликларига эга экани, негаки ўзбек олимлари боя айтилган уч йирик рус мунаққидлари меросидан тўлиқ баҳраманд бўлиш йўлидан эмас, балки кундалик сиёсий мафкурага маъқул бўлган, қолаверса, конфликтсиз кўринишларига зид келмайдиган томонларидангина фойдаланиш йўлидан борганлари баён қилинади. Далил сифатида эса академик И.Султон, М.Қўшжонов ва профессор Ҳ.Ёкубовнинг тадқиқотлари рус танқидчиларининг асарларига муқояса қилинган ҳолда таҳлил этилади. Мунаққид услубининг ўзига хослиги ва маҳорат муаммолари таҳлилида эса муаллиф академик С.Мамажонов, профессор О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Л.Қаюмов, Ҳ.Абдусаматов, У.Норматов, С.Мирвалиев, Н.Худойберганов ва Б.Назаровнинг тадқиқот, монография ва илмий мақолалари ҳақида батафсил фикр юритади.

Иккинчи боб ёзувчи-танқидчиларнинг бадиий-эстетик ва илмий-назарий қарашлари, шу билан бирга бадиий ижод ва

адабий-эстетик тафаккур яхлитлиги муаммосига бағишланган. Бобда муаллиф танқидчининг ёзувчилик ва аксинча, ёзувчининг танқидчилик фаолияти хусусида маълумотлар беради: “Танқидчининг адиб ёки шоир, умуман олганда, санъаткор ва ёзувчининг эса кўп ҳолларда адабий танқидчи бўлиши, – дейди тадқиқотчи, – адабиёт, санъат, эстетика ва танқиднинг ўзаро ижодий уйғунлигидаги маҳорат мезонлари бўлиб хизмат қилиши мумкин”¹. Мазкур ўринда академик Иззат Султоннинг таниқли назариётчи, мунаққид ва адабиёт тарихчиси бўлганидан ташқари етук драматург эканлиги, 60-йилларда Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ва Максуд Шайхзода сингари йирик ёзувчиларнинг салмоқли мақолалар эълон қилгани, 70-йиллардан буён эса П.Қодиров, А.Мухтор, Э.Воҳидов ва А.Ориповнинг адабий-танқидий жараёнда долзарб мавзуларда илмий-адабий мақолалар ёзгани, бу эса ўзбек танқидчилигининг таракқиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилгани далиллар асосида ёритилади. Муаллиф бадиий ижод ва адабий-эстетик тафаккур ҳодисаларини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида тушуниш лозимлигини уқтиради. Бу ҳодисаларнинг ўзига хос тарихий замин ва таракқиёт босқичига эга эканлигини далиллайди. Яъни, Э.Воҳидов ва А.Ориповнинг танқидчиликдаги хизматларини тан олиш ва эътироф этиш, уларнинг шоирлик маҳорати ва бошқа танқидчиларнинг илмий фаолиятига соя солмаслигига диққатни жалб қилади.

Навбатдаги боб адабий танқидчиликда тарихий-биографик ёндашув тамойили хусусида. Унда автор танқидчиларнинг муайян ижодкор ҳаёти ва ижоди ҳақидаги монографик тадқиқотларига эътибор қаратади. Бу бобда ўндан ортиқ олимларимизнинг тарихий-биографик метод асосида яратган монографик тадқиқотлари хусусида атрофлича ахборот берилади. Аммо негадир бу бобда аввалги икки бобдаги сингари изчил таҳлилни кузатмаймиз. Тадқиқотчи бир неча олимларнинг биографик методда ёзган асарларини санаш билан чекланади. Ҳол-

¹ Ёўлдошев Б. Адабий жараён: танқидчи услуби ва маҳорат муаммолари. Тошкент: Фан, 2002. Б.90. Кейинги иқтибослар ҳам шу манбадан олинади ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади (А.П.).

буки, бу даврдаги монографик тадқиқот ва мақолаларда шўро ҳукуматининг тазйиқи сезилиб, бадий асар зўрма-зўраки тарзда коммунистик ғоялар тарғиботчисига айлантирилар эди. Қисқаси, монографияларнинг ютуқ ва камчиликлари атрофлича ёритилса, ёмон бўлмасди. Хуллас, китобнинг илмий қимматини таъминлаган унсурлар ҳар ҳолда йўқ эмас. Унда ўзбек танқидчиларининг жаҳон ва рус мунаққидларининг илмий тажрибаларини ўзлаштириш ва унинг ижобий самараси, бу ҳодисанинг ҳали-ҳануз давом этаётганлиги, танқидда ворисийлик, танқидчи услубининг ёзувчи услубидан фарқи, танқидчининг таҳлил килиш маҳорати, ўзаро танқид ва унинг ижобий томонлари ҳақида ҳам сўз юритилади.

Китобни, таассуфки, бошдан-оёқ фазилят деёлмайман. Услуб, яна қандай – танқидчи услуби ҳақидаги рисоланинг услуби шу қадар ғализ, гоҳо ниҳоятда пала-партиш жилоланадики, мазкур нуксон соҳа мутахассисларида жиддий эътироз қўзғашди турган гап. Ўн икки босма тобоқдан иборат китоб мутолааси жараёнида А.Қаҳҳорнинг “адабий эзмалик”, А.Ориповнинг “такрор айтилганда рангсиздир калом” деган фикри ҳаёлимда жуда кўп шаклланди.

Биринчи бобнинг дастлабки қисмида ўзбек адабиётшуносларининг Белинский, Добролюбов ва Чернишевский тажрибаларидан баҳрамандлик омиллари тадқиқ этилади. Икки саҳифали мақола жараёнида шу уч мунаққиднинг фамилияси кетма-кетликда ўн икки бор тилга олинади. Шунингдек, Б.Йўлдошев “ва” боғловчисини чунонам яхши кўрадики, уни бир жумла ичида тўрт, ҳатто беш марта ишлатганига ҳам гувоҳ бўласиз. Рус ёзувчиси М.Горький танқидчиларга қарата: “бундай қилма дейиш етарли эмас, мана бундай қил, деб қўшиб қўйиш керак”, деган экан. Шу жиҳатдан айтилган камчиликлар аслида қандай бўлиши лозимлиги ҳақида икки оғиз таъкидлаб ўтмоқчиман. Биринчи ҳолатда ўша донгдор рус ёзувчиларини “танқидчилар”, “муаллифлар”, “уч мунаққид”, “рус олимлари”, “донгдор назариячилар” сингари турли маънодош сўзларни истифода этиш, иккинчи ҳолатда эса “ва” ўрнига “билан”, “ҳам”, “ҳамда”, “шунингдек”, гоҳида эса “ила” каби боғловчиларни нав-

бати билан кўллаб, гўзал ва тўлақонли жумлалар тузиш мумкин-ку?! Ахир гап илмий услуб ҳақида кетяпти. Китобда саҳифадан саҳифага ўтган сари тўмтоқ жумлаларга дуч келаверасиз. У киши негадир жумла тузишнинг оддий элементар жиҳатларига ҳам эътибор бермайди. Бир ўринда “Адабиётшунос олимлардан (Б.144)” дейдию, мумтоз шоирлар номини санаб кетади, олимларнинг номи эса кавсда кўрсатилади. Мана бу жумлани уч бор ўқиб ҳам тайинли маъно чиқаролмадим. Ўқинг-чи, балки сиз бирор нима англайсиз: “Агар биз А.Чўлпон, А.Қодирий, Ойбек, Шайхзода, А.Қаҳҳор, П.Қодиоров, Э.Воҳидов, А.Ориповлар каби таниқли ёзувчилар адабий-танқидий мақолаларида фақатгина публицистик талкин ва эсселар ёзиш билан чегараланиб қолмаган (Б.91)”. Қизик, бу каби боши, қуйруғи йўқ жумлани наҳотки тажрибали олим ёзган бўлса?! Буни зинҳор техник хатога йўйиб бўлмайди. Майли, шундай ҳам дейлик. Бирок рисолада бу каби тўмтоқ, ўқувчи эъсасини қотирадиган жумлалар оз эмас-да?! Яна шуниси борки, 70-80 йиллар танқидчилиги ҳақида сўз юритган олим шу давр тадқиқотчиларини фақат оқ бўёқларда талқин этишга интилади. Ваҳоланки, сўз юритилаётган даврда баъзи мансабдор ёзувчилар ижодини улуғлаш, офаринбозлик, хушомадгўйлик, чинакам истеъдод эгаларига эса парда ортидан қараш тамойили пайдо бўлиб, бу ҳақда ўша давр танқидчилигида баъзи бир фикрлар айтилган ҳам. Б.Йўлдошев эса бу масалаларни таҳлил қилиш, ҳеч бўлмаса, муносабат билдириш эҳтиёжини ҳис қилмайди. Аниқроғи, миллий адабиёт ривожига тўсқинлик қилган баъзи саёз асарларнинг юзага келиш омиллари ҳақида ҳолис мулоҳаза юритишга ўзида ҳеч қандай журъат сезмайди. Афсуски, ушбу монографиянинг саёз нуқталари айтилганлар билан чекланмайди. Китобда “салмоқли” сўзининг ғашга тегиш даражасида кўп ишлатилгани ва баъзи жумлаларнинг “айниқса”, “аммо”, “шунингдек”, “шу билан бирга” каби боғловчи вазифасидаги сўзлардан бири билан бошланиши ҳақида индамаймиз. Фақат саводли одам жумлани бу каби сўзлар билан бошламаслигини айтиб ўтмоқчимиз, ҳолос. Китобда шу ва шу каби муаллиф услубининг заиф жиҳатларини кўрсатувчи унсурлар оз


эмас. Б.Йўлдошев баъзи ўринларда масалани икир-чикирларигача тушунтиришга интилади. Аммо бунга эришолмай, ўз услубининг саёз жиҳатларини худди кўзгудаги каби яққол кўрсатиб қўяди. Аниқроғи, танқидчи сўзбозликка ҳаддан ташқари ружу қўядики, бу каби сўзамоллик муаллифнинг хусусий услубига жиддий соя ташлайди. Бир неча китоб ва мақолалари билан “тилга тушган мунаққид”, боз устига Республика Ёзувчилар уюшмасининг бир неча йиллик аъзоси ўз ижодига бу қадар бефарқ бўлиши илмий ва адабий жамоатчиликда эътироз уйғотмайдими?! Зеро, илмий услуб бу олимнинг билимини, дунёкарашини, шахсий иқтидорини бутун бўй-басти билан намён этувчи, кўрсатувчи ўзига хос кўзгу ҳисобланади. Буни адабиётшунос дўстимиз Узоқ Жўрақулов шундай эътироф этади: “Олим ҳақида чин гапни унинг услуби айтади. Услуб – олимнинг руҳияти, сийрати, бутун борлиғидир”¹.

Агар сиз Б.Йўлдошевнинг 1998 йилда “Шарк” нашриётида чоп этилган “Қашқадарё бадиияти” номли китобини ўқисангиз унда диққатга молик мақолалар борлигига амин бўласиз. Очиги, бу китоб ҳозир таҳлил этилаётган монографиядан услуб жиҳатдан анча юқори савияда ёзилган. Қизиқ, муаллиф ижодида эниш рўй бергандек. Сабаби, ҳар икки китоб қиёсланса, уларни услуб жиҳатдан боғлаб турувчи ришталар ниҳоятда жонсиз эканлиги аён бўлади. Хуллас, илмий услуб бу боя айтилгани каби олимнинг сийратидир. Сийрат эса кўп ҳолларда ҳақиқий моҳиятдан узилмайдиган ўзгармас қонуниятлар измида бўлади. Айниқса, илмий услуб мағзи бутун ва теран фикрлар қаймоғидан таркиб топмоғи лозим. Б.Йўлдошев нимани ёзишни яхши билади. Энди у нимани ёзмаслик ҳақида жиндай бош қотирса, ёмон бўлмасди. Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмасам, бўлмайдиганга ўхшайди. Биз ўзимизнинг ўртамиёна ё сушт асарларимизга донгдор олимларнинг номларини соябон қилишдан тийилишимиз керак. Шу маънода бу китобга профессор Наим Каримов ва Умарали Норматов сингари йирик олимларнинг исми шарифи тақризчи сифатида кўрсатилганки,

¹ Жўрақулов У. Худудсиз жила. Тошкент: Фан, 2006. Б.202.

каминангиз бу заҳматкаш устозларнинг мазкур китобга ижобий тақриз ёзишларига сира-сира ишоналмайман.

Айтилган камчиликлар китобнинг умумий савиясига не чоғли соя солади – бу нисини билмайман. Аммо мен олтмишни коралаб қолган фан докторининг услуби ўттиз беш ёшли фан номзодининг услубидан ҳар жиҳатдан пухта, пишиқ ва жозибали бўлиши лозим эканини жуда яхши биламан. Шу нуқтаи назардан китобда таҳрир талаб ўринлар жуда бисёрки, Б.Йўлдошев кейинги ишларида ўз асарини ўзи тан олган бирорта мунаққид назаридан ўтказса, менимча, бошқа муаллифлар эътирозига сабабчи бўлмайди. Шунга қарамай, таҳлил этилган монографияни тамом инкор этиш фикридан йироқман. Бу ўринда халқимизнинг одобни кимдан ўрганиш ҳақидаги мақолини эсламаймиз. Муҳими, китобда ёш олимлар билса, зиён қилмайдиган жиҳатлар йўқ эмас. Уни ўқиш, ўрганиш ёш мунаққидлар учун қони фойда.



БИР ЛАҲЗА ХОТИРА ҚЎЙНИДА

– НЕЧУН ҚАДДИНГ ЭГИК, НЕЧУН БОШИНГ ХАМ,
НЕЧУН НИГОҲИНГИИ ТОРТАДИ ТУПРОҚ?
– МЕНИНГ ЕР УСТИДА ТАНИШЛАРИМ КАМ,
МЕНИНГ ЕР ОСТИДА ДЎСТЛАРИМ КЎПРОҚ!

Абдулла Орипов

СОФЛИККА МОЙИЛЛИК САОДАТИ

(Профессор Абдурашид Абдуғафуров қабри қошида)

Мархум устозим – Абу Райхон Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуғафуров ҳақида ўйласам, вужудумда ўзгача ҳаяжон, қалбимда чексиз ифтихор туйғулари жўш уради. У кишининг шахсий фазилати, илмий мушоҳада олами ҳақида бирор нима ёзишга чоғланиб, бир неча бор қалам йўнаман. Аммо нимани, қандай ёзиш керак?! Билиб – билмай бир нуксонга йўл қўйсам, ҳамкасблар, айниқса, устозим билан елкама-елка ишлаган, ижод қилган илм дарғалари олдида юзим шувут бўлиб қолмайдими?! Ана шу ҳис, масъулият, айниқса, устозимнинг покиза руҳи олдидаги бурчим мени ҳамиша одилона қалам тебратишга даъват этади. Нокамтарлик туюлмаса бир гап айтай: илм оstonасига кирибманки, ҳамиша, ҳар жойда, бу йиғит кимсан, фалончининг шогирди деган номни оклашга, шунга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Ҳаётда ноўрин қокилган, камситилган кезларимда эса ана шу фикр қалбимга беғубор таскинлик бахшида этади. Завқ билан, эҳтирос билан қалам тебратаман.

Ҳар гал устозимни эслаганда, Улуғ Навоийнинг поклик, ҳақгўйлик ҳақидаги машҳур китъаси ва унинг асл моҳияти миямда чарх уради:

*Тузлукка мойил ўлки, ишинг боргай илгари,
Юз мушкул ўлса йўқса, минг оллингда ҳар замон.
Юз саҳфа бир қалам бирла котиб қилур рақам,
Минг қўйни бир асо била ҳар ён сурар шубон.*

Абдурашид Абдуғафуров кўринишдан жадид зиёлиларини эслатадиган вазмин, сермулоҳаза, эҳтиёткор, ҳақиқатгўй, талабчан, қисқаси, бутун вужуди, эътиқоди, ҳаётий аъмоли билан Алишер Навоий китъасидаги “тузлук” маснадига эришган поктийнат инсон эди. Мен у кишига 1994 йилда шогирд тушган-

ман. Шогирдни фарзандга киёслайдилар. Шу маънода мен устознинг учинчи – ўғил фарзандиман. Менгача домла расмий равишда иккита шогирд чиқарган. Мендан кейин ҳам бир “ўғил”, икки “қиз”лари бор. Вафотларидан кейин аввал урганчлик Саломатхон Маткаримова, сўнгрок Ақром Дехқон ҳам химоя қилди. Хуллас, биз олти “фарзанд”миз. Улар орасида мени жуда омадли деса бўлади. Фанлар академиясига қарашли илмий текшириш институтларида педагогика институтларига нуфузи пастроқ даргоҳ сифатида қараш майли бор. Адабий-илмий суҳбатларда аспирант дўстлардан бири мени кўрсатиб: “Бу гапирмаса ҳам бўлаверади, чунки у Ангрендаги “педтехникумни (пединститутни демокчи) зўрға битирган” деса, бошқаси: “Индама, гапирсин, ахир у фалончи профессорнинг шогирдику!”, дерди. Ҳазил оҳангидаги бу эътирофда самимият ҳам йўқ эмасди. Институтимиз директори профессор Тўра Мирзаев домлани “институт барометри” деб атар, бирор муаммони ҳал этишда у кишига ҳал этувчи овоз соҳиби сифатида мурожаат этарди ва бу катта-кичик илмий ходимларнинг барчасига маъқул тушарди. Бундан биз – бўлим ходимлари ўзимизча фахрланиб қўярдик. Бир куни ўзаро суҳбатлардан бирида домлани “ғийбат” қила бошладик. Биров “принципиал”, бошқаси “сатирик” деди. Мен ниҳоятда каттиққўлликда “айб”ладим. Катта опамиз ферузшунос Гулсара Исмоилова юқоридаги фазилатлар ёшларга ибрат эканлигини айтди. Суҳбатга бўлимимизнинг етакчи илмий ходими, таниқли олим Иброҳим Ҳаққул яқун ясади: “Сизлар Абдурашид ака ҳақида ҳеч нарса билмас экансизлар. У кишининг нафақат ёшларга, балки биз катталарга ҳам ибрат бўладиган жиҳатлари бор ва улар оз эмас...”

Домланинг манбашунослик, матншунослик, Алишер Навойдан тортиб то Юсуф Сарёмийгача бўлган йирик шоирлар (Бобур, Машраб, Огаҳий, Амирий, Увайсий, Муқимий, Фуркат, Завқий в.б.)нинг адабий фаолияти, бадий маҳорати хусусидаги монографик тадқиқот ва мақолалари, беистисно, XX асрнинг иккинчи ярми ва истиклол даври мумтоз адабиётшунослиги ҳамда адабий танқидчилигининг ёрқин саҳифалари бўлиб қолди. Домланинг навоийшуносликка қўшган ҳиссаси

алоҳида таҳсинга лойиқ. Чунки у кишининг “Ҳамса” таркибидаги ҳикоятлар таҳлили ёки дейлик куллийётга оид жумбоқлар, илк девоннинг яратилиш санаси, “Чор девон” мундарижасига кирмаган ғазаллар, шоир ижодий эволюциясининг нозик кирралари, баъзи ғазалларнинг умрбоқий шуҳрати, уларга назир ва таҳмис боғлаш анъанасининг Қўқон ва Хоразмда қизғин давом этгани, шунингдек, гениал шоир туркий шеърятининг форс адабиётига таъсири ва қисман акс таъсир ҳақидаги мақолалари давримиз навоийшунослигининг нодир саҳифалари туркумига киради. Бу жиҳатдан домланинг “Буюк бешлик сабоқлари” ва “Қалб қаъридаги кадрийатлар” номли китобларидан ўрин олган мақолаларини эслаш, кифоя.

Ҳолислик ва ҳақгўйлик А.Абдуғафуров тадқиқотларининг асосий негизини ташкил этар эди. У киши мумтоз адабий омилларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилар, муҳим адабий ҳодисани тарихий-иҷтимоий муҳит ва долзарб назарий муаммо аспектида таҳлил этар, муайян давр адабий муҳитида жиддий ўрин тутган муқобил асар билан муқояса қилар ва ҳар қандай асарни тадқиқ этаётганда, миллий мафкура тамойилларини ҳисобга олар, айниқса, саҳна тўрида Улуғ Навоий турганлигини ҳис қилган ҳолда қалам тебратар ва бошқа олимларнинг тадқиқотларига баҳо беришда ҳам худди шу талаб-мезондан келиб чиқиб мулоҳаза юритар эди. Мен бирор нима ёзсам, маълум муддат домлага кўрсатолмай юрардим. Жим юришнинг ҳам иложи йўқ эди. Домла бирорта ишимни яхши демаган. У кишининг катта баҳоси “бўлади” ёки “бўлибди” эди.

Устоз қанча қаттиққўл бўлмасин, норасмий суҳбатларда даврага алоҳида файз бағишлаб, иштирокчиларга табассум улашиб ўтирар эди. У кишининг ҳазил-мутойибани хуш кўрадиган, ҳаётий латифалар айтиб ҳаммани кулдирадиган, суҳбат орасида қойилмақом лутф қиладиган одатлари бор эди. Бир сафар қадаҳ сўзига келганда, Бобурнинг май тўғрисидаги рубойсини эслаб ўтганлар. Домла шеърни ёд айтмасди, аммо муайян ғазал ёхуд рубойининг мазмунини бир жумлада ифодалаб берарди: “Ҳамма ичишни ўрганганимдан пушаймонман, деса; Бобур шоҳ ичишни ташлаганимдан пушаймонман, деган.

Оз-оз олиб турган маъкул. Бобурнинг аҳволига тушиб қолмайлик, дейман-да!”

Келинг, домланинг эътиборини тортган ўша машҳур рубоийни сизга ўқиб берай:

*Май таркини қилгали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*

Ана шундай зукко, норасмий учрашувларда ҳам давра аҳлига намуна бўладиган одам, очиғини айтиш керак, бўлар-бўлмас зиёфатлар, байрам шодиёналари, муҳокаманинг ”якуний кисми,” диссертация банкетларига боришдан кўп ҳолларда ўзини тиярди. У киши бўлимда, кичкинагина даврада ўзаро чақчақлашиб ўтиришни хуш кўрарди. Шунда ҳам асосий суҳбатимиз илм доирасидан четда бўлмасди. Устознинг ғоят талабчан ва қаттиққўллиги оқибатида камина бир икки аспирант дўстларим қатори ўттиз ёш бўсағасида ҳимоя қилганман. Демокчиманки, менинг илмдаги арзимас муваффақиятларим гарови илдиз-эътибори билан устозимнинг шафқатсиз принципига бориб тақалади. Назаримда, ана шу шафқатсизлик принципи Абдурашид Абдуғафуров феноменининг бош омили – таянч нуқтаси саналарди.

Мен номзодлик ҳимоясидан беш йил ўтиб, домлага янги рисоламни совға қилиш ниятида у кишининг ҳузурига бордим. Янги рисолам замонавий шоирларимиздан бирининг адабий портрети эди. Очиғи, бироз иймандим. Негаки, домлага мумтоз адабиётчининг замонавий шоир ҳақида ёзиши ё шунинг акси унча ёқмаслигини яхши билардим. Эҳтиёт шарт, қаҳрамонимнинг мумтоз шеърятга садоқати яхши эканига шама қилган бўлдим. Ички бир ҳадик йўқ эмасди-да. Домла китобчанинг у ёғ, бу ёғига қараб, мундарижа билан танишгач: “Қанотингиз озгина кўтарилибди, яхши?” дедилар. Ана шу “яхши” деган сўзни айнан устозимдан эшитиш учун мен илм жабҳасида роппароса ўн йил тер тўкканман.

Юқорида домланинг расмий шогирдлари озчиликни ташкил этади, дедим. Умуман, олтита шогирдни оз дейиш ҳам унча тўғри бўлмаса керак. Ҳар ҳолда у киши билан ишлаш учун ёш олимда катта журъат бўлиши лозим эди. Баъзи “билимдонлар”нинг ишни ташлаб, бошқа раҳбарга ўтганини, аксар ҳолларда эпложмаганини эшитганман, биламан ҳам. Дарвоқе, Сидкий Хондайликий ижоди бўйича номзодлик иши ёклаган Рамида Жавҳарова “Домла билан ишлаш учун сув келса, сибириш, тош келса, кемириш керак”, дерди. Домла ҳузурида эса шу гапнинг бош қисмини ўзгартириб “бу бўлимда...” деб сўзларди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан кейин адабиёт тарихидан кимки номзодлик ёки докторлик иши ёклаган бўлса, шубҳасиз, икки аллома – профессор А.Ҳайитматов ва А.Абдуғафуров “кўриги”дан ўтган ва уларнинг аксарияти ҳар икки жафокаш олимни ўзларининг устози деб билади. Бобуршунос Ҳасан Қудратуллаевнинг докторлик иши домла бошчилигидаги бўлимда – Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ўзбек адабиёти тарихи бўлимида муҳокама бўлди. Муҳокамада эл суйган таржимашунос, қомусий билим ва катта қалб эгаси Ғайбуллоҳ ас-Салом шогирдлари, таниқли олим Нажмиддин Комилов билан иштирок этдилар. Ғайбуллоҳ ас-Салом феъли-сажияси билан домланинг мутлақо акси эди. Болаларча беғубор, оддий ишларга ҳам рағбатлантириш учун бўлса керак, яхши баҳо берадиган, таниш-нотаниш диссертантлар ютуғидан катта завқ оладиган ниҳоятда бағрикенг аллома эди. У киши докторлик ишини бошдан-оёқ мақтаб, ҳимояга тавсия этдилар. Кўпчилик маъқуллади ҳам. Аммо мажлис раиси ниҳоятда самимият ва илтифот билан муҳокама ўзанини бутунлай бошқа томонга буриб юборди: “Тўғри, Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг фикрларида жон бор. Иш анча яхши. Лекин баъзи ўринларга илова қилиниши, аниқлик киритилиши лозим саналган саҳифалар ҳам йўқ эмас... Шулар ҳам амалга ошса, тегишли идорада иштибоҳ туғилмайди...” Шу тарика ҳимоя бир йил орқага қолиб кетди. Ҳасан ака ҳали-ҳануз домлани эҳтиром билан тилга олади, “Абдурашид ака ме-

нинг ҳам устозим”, деб кадрлайди. Энг муҳими, домланинг ўша маслаҳатлари диссертантнинг бобуршуносликда яна янги уфқлар очиши учун замин бўлган экан. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Ўша даврада, ўша диссертация мавзусини, диссертант ўз олдига қўйган концепцион муаммони, назаримда, кўпроқ А.Абдуғафуров яхши билар эди. Домланинг Бобур лирикаси, айниқса, унинг жаҳонда бирор бир тахт ҳукмдорида учрамайдиган сирли кобилият ва каромат соҳиби сифатидаги улугвор сиймоси, ҳаёти давомида бир эмас, бир неча бор қалтис вазиятлардан илоҳий мўъжиза туфайли омон қолиши, бир илтижо билан ўғлининг дардини ўзига “кўчириши”, онгли равишда ўғли Ҳумоюн учун жонини тасаддуқ этиши ҳақидаги ғайри табиий, аммо буюк саркарданинг ўз икrorича ҳаётда айнан содир бўлгани ҳақидаги нисбатан ихчам, бироқ жуда маъноли мақолалари истиклол даври бобуршунослигида муҳим саҳифалар бўлиб қолди.

Ўрни келганда таъкидлаб ўтишни хоҳлардимки, Абдурашид ака “Бобур лирикаси” сарлавҳаси остида бир эмас, икки мақола эълон қилган эди. Биринчиси 1983 йилда ёзилган бўлиб, у таҳлил назокати ила кенг қамровга эга. Иккинчиси шоир девони учун кириш сўз сифатида ёзилган. Уларда бир бирини такрорловчи ўринлар бор. Шунга қарамай, бири бошқасининг айнан такрори деб бўлмайди. Аниқроғи, девон учун ёзилган сўзбоши биринчи муқобил сингари изчил ва мукаммал характерга эга эмас. Домла бирини олимлар, иккинчисини эса кенг китобхонлар учун ёзган эдилар. Аммо бири бошқасини ислоҳ қилиш натижасида юзага келганидан кўз юмиб бўлмайди.

Мен илк дафъа 1994 йилнинг ноябрь ойларида домланинг ҳузурларига борганимда, у киши мен билан суҳбат ўтказиб, ижодий машқларимни олиб келишимни буюрдилар. Сўнг бир ҳафта ўтмай ишхонада хунук хабар тарқалди. Домланинг оналари қазо қилган эдилар. Ёш бўлсам-да, бориш заруриятини ҳис қилдим. Танишлардан бири домланинг манзилини берди. Эртаси кун бордим. Жамоа билан бир стол атрофида ўтирибмиз. Ўшанда шу даврадаги бир-икки домлани танийман, холос. Профессор Бахтиёр Назаров гап қотди: “Абдурашид ака-

нинг оналари табаррук 100 ёшда вафот этдилар. Ҳаммамизга шу ёш насиб этсин деб, руҳи покларига тиловат қилайлик...” Мурғак тасаввуримда бир фикр шаклланди: “Юз ёшли онахоннинг фарзандига, тўнғич ўғлига шогирд тушиш оддий қисмат эмас. Айни пайтда, оддий масъулият ҳам бўлмаса керак”...

1999 йил 20 январь. Камина катта синов олдида турибман. Домла менинг илмий ишимга ёзган тақризларини узата туриб, жиддий огоҳлантирдилар: «Абдурахмон, сиз озгина маҳмадонасиз. Айтиб қўй, кенгаш аъзолари ҳузурида маърузангизни ўқиб (илмий анжуман ва муҳокамаларда мен кўпроқ “гапирар” эдим, домла шунга шама қилган эдилар) берасиз. Савол тушса, шошилмай, пухта ўйлаб, жавоб берасиз. Кейин расмий оппонентларга эҳтиром кўрсатасиз. Нотўғри танбех берса, индамайсиз, баҳслашмайсиз...”

Шаклан таклифдек туюлган бу гапларда катъий буйруқ оҳанги устивор эди. Хўп бўлади, деб домлага тавозеъ кўрсатдим. Шундай бўлди ҳам. Оппонентлар менга нотўғри танбех бермадилар. Бу бахтли, омадли лаҳзаларга мен айнан устозим туфайли эришганимдан сира кўз юмолмайман. У кишида ҳақиқатан ҳам Иброҳим ака айтгани каби ибратга лойиқ фазилатлар жуда бисёр эди.

Устозим билан охирги суҳбатимиз ҳам эсимда. 2003 йил бошларида домланинг ҳузурига бориб, бизнинг жамоа (у пайтларда Қарши ДУда ишлардим) Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётганини, у ҳақдаги маърузалар чоп этилишини айтдим. Бу бежиз эмасди. Чунки академик шоир Абдурашид аканинг устози бўлганини, чамаси ўтган асрнинг 60-йилларида шу инсон раҳбарлигида номзодлик иши ёклаганини билардим. У киши устози ҳақида сўзлаганда, Ғафур ака деб эслаганларининг бир-икки гувоҳи бўлганман. Домла 70-йиллардаги нашрлардан бирида устози ҳақидаги мақоласи чоп этилганини, имкон бўлса, шуни топиб жузъий таҳрир билан тўпламга киритиш мумкинлигини айтдилар. Мен бу ишни бажонудил бажардим. Мақолани топиб, андай таҳрир билан “Ғафур Ғулом ва давримиз” (Қарши, 2003) номли тўпламга киритдик. Ўша тўплам, кўрган бўлсангиз, кириш сўздан кейин Абдурашид аканинг “Ғафур Ғулом – адабиётшунос”

номли мақоласи билан очилади. Мен, ожиз банда, ўша учрашув сўнгги дийдор эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Домла 74 ёшда боқий дунёга рихлат қилдилар. У кишидан яхши ном, беҳисоб илмий мерос ва ҳаммамизга ибрат бўладиган инсоний фазилатлар ҳамда меҳнат интизоми қолди.

2005 йил 16 июль куни қиблагоҳ қадар қадрли устозимнинг покиза юраги тебранишдан тўхтади. Фарзандлари у кишининг муборак жасадини С.Раҳимов туманидаги “Тешик қопқоқ” қабристонига, марҳум зотнинг оталари шоир Ҳайратий ёнига дафн этдилар. Мен шўрлик устозим вафоти ҳақидаги мудҳиш хабарни газета орқали билдим. Устозимнинг тобутини тавоф этолмаганим, яқинлари қатори ул зотни сўнгги манзилга кузатолмаганим мен учун унутилмас армон бўлиб қолди.

Мен устозим Абдурашид Абдуғафуровнинг руҳи поки олда ҳамиша қарздорман. Ана шу қарздорлик ҳисси мени ҳамиша, ҳар жойда эзгу ва савоб амалларга даъват этади.

ТИЙНАТИ ПОК, ФИТРАТИ ТОЗА

Мен халкимизнинг заҳматкаш, фидойи олими Бегали Қосимов билан ҳаётда жуда оз мулоқот қилганман. Аммо унинг шахсияти, илмий диапазони, дунёқараши, кенг қамровли тадқиқоти, иш услуби, одамгарчилиги ҳақида яхшигина тасаввурга эгаман.

Ўтган асрнинг 60-йилларида турли жойдан келган учта қотмагина йигит илм истаб ТошДУга ўқишга кириш учун ҳужжат топширади. Уларнинг икkitаси қорачадан келган, бирининг жуссаси кичикроқ, лекин кўринишдан илмга ташна, иккинчисининг кўриниши биринчисиникига нисбатан тетикроқ, қорачадан келган ўспирин, учинчиси қишлоқнинг энг содда, тўпори йигити, қулоғи юз тузилишига нисбатан каттароқ бўлган. Уларнинг биринчиси қашқақарёлик Бегали Қосимов, иккинчиси бухоролик Баҳром Бафоев, учинчиси ҳам бизнинг вилоятдан борган Очил Эргашев эди. Улар талабалар ётоқхонасида ҳам, аспирантлар уйида ҳам бирга истикомат қиладилар. Баҳром ака тилшунос, фан доктори, профессор. У киши талабалик даври-

мизда бизнинг гуруҳимизга тил тарихидан дарс берган. Академияда бирга ишлаганмиз ҳам. Очил Эргашевни танисангиз керак. Қарши ДУ профессори, файласуф. Улар орасида Бегали Қосимовнинг ўрни, шахсияти анча баланд бўлган. Бегали ака XX аср иккинчи ярмида етишган улкан фан арбоби, профессор Ғулом Каримов илмий мактабидан етишиб чиққан, янглишмасам, 25 ёшларида фан номзоди, кўп ўтмай фан доктори, профессор бўлган, вилоятимиздан чиққан энг обрўли, нуфузли, ҳалол ва принципиал олимлардан бири эди. Унинг ўзбек фольклори, мумтоз адабиёти, замонавий шеъриятидан ҳам, насридан ҳам яхшигина саводи бор эди. У киши ёшлигидан миллий уйғониш адабиёти намояндалари шахсияти ва ижодини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилган. Уларнинг аксариятини юзага чиқарган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида “Истиклол фидойилари” рукнида чоп этилган рисоаларнинг айримларини нашрга тайёрлаган, қўшимча изох ва луғатлар билан босмадан чиқарган. Сидкий Хондайлиқий, Мунаввар кори, А.Авлоний, Тавалло, Юсуф Сарёмий, шунингдек, сталинча катагон қурбонларининг ижтимоий-сиёсий ва маориф соҳасидаги тарихий хизматларини илмий жихатдан асослаб берган. Улгурмаган ишларини номзодлик мавзуси сифатида шогирдлари зиммасига юклаган, уларнинг муваффақиятли ҳимоясига бош-қош бўлган.

Домла 2003 йил апрель ойининг ўрталарида Қарши ДУга Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Республика илмий-амалий анжуманига келган эди. Хорижий тиллар факультети биноси олдида кўришиб қолдик. У киши тарихчи ва адабиётшунос олим Поён Равшанов билан бирга эди. Поён ака мени “ёш оғаҳийшунослардан” дея таништирган бўлди. Бегали Қосимов эса:

– Ҳа, эсладим, бу йигитни биламан, оғаҳийшунос бўлса, Абдурашид аканинг шогирди бўлса керак. Адашмадимми? – дедилар.

– Тўғри, – дедим мен. Кейин у кишининг Фитрат ва Юсуф Сарёмий ижоди бўйича номзодлик иши ёқлаган шогирдларини тилга олиб, улар билан изма-из ҳимоя қилганимизни қўшиб қўйдим. Бегали Қосимов бош ирғаб қўйди. У киши камгап одам эди. Гапирганда, жуда мазмунли, теран фикр айтарди.

Ғафур Ғулом юбилейига бағишланган илмий-амалий анжуманнинг ялпи мажлисида домла шоир ижоди, унинг бир шеърида Россия тажовузига муносабатнинг рамзий ифода воcиталари, умуман, XX аср йирик шоири назмий меросининг умумбашарий ва эстетик тамойиллари хусусида чунонам зўр маъруза қилдики, бу маърузани залда йиғилганлар, айникса, ёш тадқиқотчилар ва талабалар жон қулоғи билан эшитдилар. Назаримда, бундай теран ва мазмунли маъруза бу минбардан биринчи марта таралаётган эди. Таниқли олим ўз чиқишини шундай якунлади: “Хуллас, Ғафур Ғулом ижоди XX аср адабиётининг ажралмас қисми бўлиб, уни мумтоз андозалар доирасида текшириш илм учун жуда фойдалидир”. Залда гулдурос қарсақлар янгради. Мен шу мулоҳазани эшитгач, ўйлаб қолдим: “Хўш, модомики, Ғафур Ғулом ижодини мумтоз андозалар негизида текшириш мумкин экан, шу мезонга мос келадиган ижод намунаси ҳозир йўқми?” Худди шу савол мени ўша кундан 2003 йилнинг 18 апрелидан бэзовта қилади. Натижада устоз Б.Қосимов айтган андозага дош берадиган Э.Воҳидов, Ж.Жабборов, А.Орипов, А.Обиджон ва О.Матжон ҳақида ҳамда уларнинг издошлари ҳақида қисқа муддатда ўндан ортиқ мақола юзага келди. Мен ушбу долзарб ва қизиқарли мақолаларининг юзага келиш сабаблари, тарихий илдизи Б.Қосимов илмий қарашларидан озукланиш натижасида ниш урганини мамнуният билан қайд этаман. Бугина эмас, домла айтган даъво менинг кейинги илмий изланишларим учун асосий текшириш мезонига айланди.

Мен Амир Худойберди ижоди ҳақидаги рисоламнинг қўл-ёзмасини Б.Қосимов назаридан ўтказганман. Бу 2004 йилнинг ёзи, китобча нашрга тайёрланаётган палла эди. Яшириб нима қилдим, ниятим таниқли олимга сўзбоши ёздириш эди. Домла китобчага яхши баҳо берди, бироқ сўзбоши ёзишдан бош тортди. “Ҳозир бироз мазам йўқ, шифокор назоратидаман. Кўзимни яқинда операция қилдирдим. Шифокорлар кўп ўқимай турунг, деган. Шунча йўлдан келибсиз, ўқимасам яхши бўлмас, деб ўйладим. Ёмон ёзилмабди. Модерн ҳақидаги фикрингиз ҳам маъқул. Лекин мен, кечирасизу, модернни, умуман, ҳазм қи-

полмайман. Менимча, санъат ҳодисаси ҳаммага тушунарли бўлиши керак. Оммавийлик деган гаплар бор, тўғрими? Модомики, сиз Амир Худойберди ижодидаги шу йўналишни ҳам очиб-сизми, бу сизнинг ютуғингиз. Лекин рухий майлларга кўп берилманг. Озгина таҳрир қилсангиз яна яхши. Сўзбоши масаласига келсак, буни мен ёзмаганим маъкул. Чунки биз бир жойдан, ҳатто бир туманданмиз. Афкор нима деркин?!”

Домла қўлёзмани менга узатар экан, яна бир гапни таъкидлаган бўлди:

– Хафа бўлманг, ука. Сиз ишлайдиган университетнинг ректори менинг қўшним бўлади. Ҳозир келган. Унга айтиб қўяман, сизга алоҳида эътибор беради...”

Мен қўлимни кўксимга қўйиб, жавоб бердим: “Раҳмат домла, шарт эмас. Мен ҳозир у ердан кетганман...”

Шундан кейин хайрлашдим. Домла ҳам ортимдан хушлашиб қолди. Назаримда, у киши менинг эътирозимга нисбатан бериладиган “қаерга, нега?” деган саволни айтишга улгуролмай қолган эди. Мен шошилишча машинага ўтириб, Беруний метроси томон йўналдим. Шу воқеадан уч ой ўтар-ўтмас домла бандаликни бажо қилди. Бу машъум хабарни менга Низомий педагогика университети профессори Бокижон ака Тўхлиев етказган эди: “Ҳозир кузатдик, тумонат одам, оёқ қўйишга жой йўқ. Ўғиллари машинада ота юртига – Қашқадарёга олиб кетишди”.

Кўп ўтмай Касби туманидаги Денов кишлоғи қабристонида янги, қора рангли қабртош қад кўтарди. Унда тийнати пок, фитрати тоза олимнинг жадидларга хос таниш киёфаси биз тирикларга тўзим тилаётгандай термулиб турибди. Сурат остида эса мана булар ёзилган: “Унинг азиз вужуди Ватан тупроғига, муқаддас руҳи эса миллат калбига кўчди”.

Назаримда, Бегали Қосимовнинг илмий-ижодий режаси ҳали бисёр эди. Афсус, домла қоғозга тушмаган, бироқ миёда пишиб етилган талай мулоҳазаларини ўзи билан бирга олиб кетди. У кишидан бехисоб илмий мерос, касбга фидойилик, садоқат ва чинакам адолатпарварлик фазилати ҳаммамизга хотира бўлиб қолди.

АЪЗАМ ЎКТАМ СОҒИНЧИ

*Бўйдор бир дўст кетди,
Келди бўйдор гам.
Ҳ.Худойбердиева*

Мен у шоирни билмайман. Ҳаётда учратмаганман. Аммо шёърлари, сўзга кўчган қалби, дарди, хаёли, армони мени-да кийнайди, безовта қилади. Титратади, қакшатади, ўйлатади... Ногаҳонда тизгинсиз бир ҳисни туюб, ихтиёрсиз тўлғонаман. Азоб чекаман. Сўнг... Сўнг қаердадир учи синиқ ётган қаламимни излаб топаман. Кейин у билан каптар қанотидек беғубор қоғозни коралайман, доғлайман.

Ижод аҳли киска умр кўрган шоирлар ҳаётини чакмоқ умрига қиёслайдилар. XX асрда ўзбек адабиётида бир эмас, тўртта беназир истеъдод эгаси бирин-кетин чакмоқ умрини яшаб ўтди. Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Муҳаммад Юсуф ва Аъзам Ўктам. Ажал эпкинни водий сарҳадларида кўп эсди, қурмағур. Унинг сиртмоғи ҳа деб тенгсиз, бекиёс истеъдод соҳиблари бўғзига илинди.

“Кўп ҳали ҳаётда насибам”, – деди Усмон Носир ажалга жовдираб. Шафқатсиз ажал эса уни насибасидан айирди. Унинг сеҳрли бармоғи гўзал қиз ёноғини силамади. Ғунчалар ҳақида жўшиб-жўшиб шеър айтган лаблар гунча лаблар билан жилла курса бир маротаба туташмади. Унинг орзу ва умидга тўла нигоҳи маъшуқасининг шаҳло кўзларига тикилмади. У навқирон йигит ёшида бадқовок терговчининг совуқ нафасидан титради... Ғамга ботиб шеър қолди... Унинг бўғзида, кўксиди, қалбиди, бутун вужудида титраган, қакшаётган, тўлғонаётган сўз қолди.

“Тупрок билан оғайни бўлсам керак” – деди Муҳаммад Юсуф, гўё коғоз билан дўстлигини унутгандай. “Ғаниматмиз жуфти ҳалолим” – деди мунчоқдек қизларининг онасига. Оҳ, шоир!.. Бўғзингдагини чиқариб нима қиласан?! Нима қиласан жуфти ҳалолингни куйдириб... Нима қиласан мухлисларинг юрагига ўт қалаб?! Ёзмасанг бўлмас экан, ёзиб кейин йиртиб

ташламайсанми?! Ахир қанча шеърларингни йиртиб ташладинг-ку! Ажалга чап беролмадинг-а, шоир!? Уни нега шеър билан чалғитмадинг?! Ё у номард шеърингни тингламадими, а?! Ахир у сендан сал олдин ёш бир истеъдодни олиб кетган эди-ку! Ўзбек халқи, адабиёти Аъзам Ўктам деган ноёб истеъдод эгасидан маҳрум бўлганига ҳали кўп бўлгани йўқ эди-ку! Усиз шеърят осмони қорайганди-ку! Усиз юлдуз йиғлаганди-ку!

Аъзам Ўктам ўзбекнинг ўктам шоири эди, норғули эди. У ўз тенгдошлари, маслакдошлари орасида ажралиб турарди. У ижодда селдай тошарди. Унинг поэтик нигоҳини бошқа бирор шоирга ўхшатиш қийин. Унинг ижодий парвози, йўналиши, “ун”и ҳеч кимга ўхшамасди. Аммо ижод ўз-ўзидан гуркирмайди. Ҳар қандай ижод шуъласи ўзигача бўлган бирор бир қалам соҳибининг ёлкинидан нур эмади. Унга эргашади, интилади, шу аснода ўзлигини – ўз ижодий салоҳиятини намоён этади.

Аъзам Ўктам аср сўнггидаги Чўлпон эди. Унинг шеърӣ истеъдоди, оҳанги, ғоявий-бадий нафосати ўқувчи ҳаёлида Чўлпон садоларининг қайта жаранглашига сабаб бўларди.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2003 йил 3 октябрь сонида шоирнинг умр йўлдоши радио журналист Хулкар Ҳамроевнинг “Борму бўлак тадбирим?” номли мақоласи чоп этилди. Мақола сарлавҳаси шоирнинг бир шеъри бағридан суғуриб олинган. Айни ифода бирикмаси бир пайтлар шоирнинг шахсий нолаларини ифодалаган бўлса, энди мақолада шоир рафиқасининг мунгли қисмати, хижрон азобларини ифодалай олган. Ўша мақола билан танишгач, мен шоирнинг шеърларини излай бошладим. Тасодифни қарангки, қишлоқдаги отамерос китоб жавонимни бир кўздан кечирсам, шоирнинг 1993 йилда нашр қилинган бир кичик тўплами бор экан. Китоб юзида катта ҳарфлар билан “АЪЗАМ ЎКТАМ” деган ёзув ва саҳро табиати манзараси, шунингдек, дунёнинг ўткинчилигига ишора қиладиган нарсалар сурати. Муқованинг орқа томонида оловқалб шоирнинг сурати бор. Нигоҳида бироз жиддийлик аломати ҳукмрон. Аммо жуда келишган, хушқомат. Китоб номи муқовада ёзилмаган. Биринчи бетда ўқийман: ТАРАДДУД. Шошиб китобни ёпдим... Назаримда, бу сўз

шоирнинг шахсий қисматидан дарак берувчи охир замон каромати эди. Ҳар ҳолда мен шундай ўйладим. Ўйладиму китобчани ёпиб, секин жавонга қўйдим. Бироқ мени қандайдир сеҳрли куч жавон олдида тўхтатиб қўйди, кетолмадим. Бошқа китобларни титкиламоқчи бўлдим, бўлмади. Айвонда олтмиш яшар онам жаврайди: “Болам, ҳар келганингда шу жавонингга ёпишасан. Сенинг китобларингни ит ермиди? Ке, чойингни ич, озгина дамингни ол. Шунча ўқиганинг етар”. Ўқиш қаёқда, дейсиз. Ўқиш йўқ, бироқ бир тахлам китобни бир варақлаб қўришнинг ўзгача завқи, гашти бор-да! Кутилмаганда бирор нима чиқиб қолади. Сўнг шу ҳақда яхши бир мақола туғилиши ҳам мумкин. Бир мисра шеър беш ё ўн бетли мақолага туртки бериши ҳеч гап эмас. Биргина “Тараддуд” сўзи таъсирида шунча нарса қоғозга тушди. Аммо китобни, айниқса, шу номдаги шеърни ўқишга ҳеч юрак бетламайди, денг. Чунки мазмун қисман тушунарли. Сарлавҳа, астаффируллоҳ, ўлим тадориғига аниқ ишора қилиб турарди.

Оҳиста китобни очиб, ўша шеърни излайман. Унда мен кутган маъно, мен кутмаган оҳангда жуда салобатли жаранглайди. Мана, шеър моҳиятини кенгроқ қамраган сўнгги бандга эътибор қилинг:

Йўл аниқ, қайтиш йўқ

Мен кетдим энди.

Кечган нарсам – жонни ўйламам ҳечам

Битта майдон керак-курашгим келди:

Тўшакда ётгулик қилмасин, ўлсам.

Бадий ижодда интуиция деган тушунча бор. Бу сезги, ички ҳиссиёт дегани. Баъзи бир ижод эгаларида чиндан ҳам башорат қилиш қудрати мавжуд бўлади. Уларнинг ёзган ёки бирор нарсага ишора қилган нарсаси ҳаётда айнан ёхуд қисман содир бўлади. Машрабнинг талай ашъорлари ўз қисматидан дарак берган. Гулханий “Зарбулмасал”ида қаламга олинган мансабдор қушлар можароси шоир вафотидан сўнг бир аср ўтмасдан Қўқон хонлигида содир бўлган. Узоққа бормайлик: Муҳаммад Юсуфнинг бир неча шеърларида ўз тақдирига ишо-

ра бор эди. Айни Муҳаммад Юсуф башоратларининг хонанда Охунжон Мадалиев созида жаранглаши икки истеъдод руҳиятидаги айният билан боғлиқ. Аъзам Ўктам ҳам башоратгўй шоир эди. Унинг ички ҳиссиётида баъзан сўнгги манзил тадориғини кўриш туйғуси балкиб турарди. Биласизми, бундай шоирлар кўп ўйламайдилар, кўп ўкимайдилар ҳам. Уларга Яратганнинг ўзидан кўрсатма келади. Гўё “ёз, эртага кеч бўлади”, деяётгандай. Бўлмаса, Аъзам Ўктам муштдай ўғилчасига қабр ҳақида гапирармиди?!

*Эй кўзимнинг оқи – ўғилчам,
Кўп яхши ер чопишинг, бироқ,
Қабр қазимоқни-да, ўрганиб қўйгил.*

Бу шеър ўқувчида савол кўзгаши табиий. Унутмаслик керакки, “ўғил” бу ўринда восита, холос. Асл мақсад одамларни савоб ишга даъват этишдир. Диний манбаларда қазоси етган уч кишининг қабрини қазган одамга Оллоҳнинг беҳисоб савоби ёғилиши ҳақида қайдлар бор. Бу шеър ўзидан ўзи туғилмаган. Унинг ёзилишида шоирга ёш болаларнинг кетмонча ёрдамида ер қавлаб ўйнашлари туртки берган. Шу аснода шеърга бош ғоя – шоирнинг савоб ҳақидаги қарашлари жойланади. Бу гап “Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак”, деган бугунги сиёсий тамойиллар билан боғланиб кетадики, бу бадий ижоднинг башорат тендециясига яна бир далил бўла олади. Аъзам Ўктам кўп шеърларида тошқин кайфиятни, сўлгин руҳиятни дарж этади. Ва яна васиятга ўхшаган шеър ёзолмаганидан ўкинади. “Алам” шеърида қуйидаги сатрлар бор:

*Итоат этмайди
Ҳануз менга сўз.
Ё раббим,
Ғуноҳим ахир нимадир?!
Кўлимдан,
(Дилимдан),
Келмади ҳануз
Васиятга ўхшаган бир шеър.*

Йўқ, васиятга ўхшаган шеър Аъзам Ўктам ижодида кўп учрайди. Яхлит ҳолда васиятга ўхшаган шеър бўлмаса-да, унинг баъзи сатрларида, юқоридаги мисоллар каби, лирик қаҳрамоннинг охириги гапларидек, фарзандларига, миллатга, ёшларга айтаётгандек туюлади. Аммо шоирнинг лирик қаҳрамони ўзини ночор, турмуш ташвишларидан толиққан ёхуд боши берк кўчага кириб қолгандек ожиз ва нотаваб қилиб кўрсатмайди. У миллат дардларини, истибдод оғриқларини, халқ руҳиятидаги покиза туйғуларни, садокат ва ғурурни-да, шеърга солган. Биласизми, шоир шеърларида Чўлпонга хос жасорат ҳукмрон. Аъзам Ўктам “кишан”ни, “куз”ни, “кор”ни, “баҳор”ни ва бир неча ифода-тамсилларни Чўлпонга хос жасорат, санъаткорлик билан сатрлар бағрига жойлайди. Мана бу парчадаги “кўнгил”, “ёв”, “ой”, “юрт” ва бошқа иборалар худди Чўлпон қаламидан қоғозга тушган каби завқ уйғота олади. Аммо бу фикр муаллиф ижодининг ўзига хослигига соя солмайди. Ўқиб кўринг:

*Шу қора ер тушган чекимга,
Узолмадим кўнгилни ойдан.
Ҳасратидан тўйдим юпуннинг
Ҳафсалам кўп пир бўлди бойдан.*

*Юртлар кездим ёв қувиб бориб,
Дўст топмадим бирорта жойдан.
Аришдан тушган бўлса-да, одам
Яралгани рост экан лойдан.*

Аъзам Ўктам ижодининг яна икки фазилати хусусида алоҳида гапириш жоиз. У гоҳ халқ ижоди оҳангида қалам сурса, гоҳ мумтоз шаклларда, хусусан ғазал жанрида бемалол қалам тебратади. Унинг баъзи ғазалларида ҳам Чўлпон қаламининг таъсирини сезиш мумкин. Афтидан, Аъзам Ўктам жадид шоирнинг ижодиға айрича меҳр қўйган кўринади.

Дарвоқе, унинг “Чўлпон” деган шеъри ҳам бор. Унда жадид намояндасининг айбсиз айбдорлиги, катагон қурбони бўлиши машъум сиёсат найранги экани ачинарли оҳангда жангларлайди:

*Уни мен йўқ қилдим, демайди замон,
Уни мен янчидим демас сиёсат.
Уни мен чорладим деб айтар осмон,
Уни мен чақирдим дейди ер фақат.*

Шу ўринда мақолага нукта қўймоқчи эдим. Аммо шоирнинг тўпламдаги “Соғинч” номли адабий достони эътиборимни тортди. У халқ ривоятлари ўзанида яратилган бўлиб, жами ўттиз уч банддан иборат экан. Шоир достонда атрофдаги риёкор, хиёнатчи, фоҳиша аёлларга нисбатан нафратини ошкор намоён қилиш воситасида Зебунисо, Нодирабегим каби шарқ аёллари ахлоқини, садоқатини, ҳусну тароватини соғинганини ёзибди. Достон зуваласига бир эмас, уч ривоят мазмуни сингдирилган. Бири араб халқ ривоятини, иккитаси ўзбек халқ ривоятини қайта ишлаш орқали қоғозга тушган. Улар шоир қаламида умумий бирликни ташкил этади. Шоир моҳиятан бир-бирига яқин бўлган дастлаб арабча, кейин ўзбекча ривоят ўқийди. Уларда аёлнинг, қабоҳатга юз ўгирган аёлнинг аччиқ қисмати фош этилади. Шоир китобхонни огоҳлантиради: гўё муаллиф айтмоқчи бўлган даҳшатли сўз оддий эмас. У таъсир кучи билан нафақат ўқувчи қалбини, ҳатто, арши аълони ҳам титратишга қодир экан. Бу ифода зинҳор шоирнинг ўз иқтидоридан фахрланиш туйғуларини ифодалаётгани йўқ. У аршни зириллатадиган “воқеа” ҳақида гапирмоқчилигини айтипти, холос:

*Машиҳар қўпмас йўлимдан қайтсам,
Гарчи у жим, инсофга келмас.
Арш зириллар бир сўзни айтсам,
Йўқса, қалбда зилзила тинмас...*

Шоир айтадики, арабларда бир эру хотин ўзаро низо чиқариб, уни бартараф этиш учун қозига мурожаат этадилар. Қози икки гувоҳ талаб қилади. Гувоҳлардан бири аёлнинг юзини кўргачгина ўз фикрини айтиши мумкинлигини аён қилади:

*“Паранжида ким бор – билмасак,
Юзин очсин”, – дейди бир гувоҳ.*

*Эр эркак-да, бир қалқди юрак
Ҳали бекор бўлмаган никоҳ.*

*“Йўқ очмайсан юзингни. Ишон
Камлик бўлмас маҳрдан”, – деди.*

Ўз қадрини англаган жувон:

“Ўтдим маҳр баҳридан”, – деди.

Кўринаяптики, шоир қабоҳатга юзланган аёлга ҳайрон қолиш баробарида ор талашаётган эркакка ачинапти ҳам. Шоир наздида аёл агар эри билан яшашни истамаса, бунини қози ҳузурида ошкор айтиши мумкин. Аммо унинг бегона эркак олдида юзини очиши беодобликдир. “Майли, – дейди шоир, – бунини арабча дея қолайлик...” Сўнг шоир ўзбек халқ ривоятларидан биринини сўзлашга киришади. Унга кўра бир полвон қиз кураш майдонида бир неча йигитларни йиқитади. Навбатдаги йигинда бир барваста йигит ҳалиги кураги ерга тегмаган кизни чунонам кўтариб, елкасига қўяди ва ўз уйи сари олиб кетади. Кимдир чиқиб, қўли билан улар кетаётган томонга ишора қилади. “Никоҳини ўқидим” – дейди. Полвон қиз барваста йигит никоҳида ўнта ўғил кўради. Сўнг қазо қилади. Бу ўша ички асарнинг фоже хотимасини билдиради. Уни сўнгги манзилга кузатадилар. Шоир “унинг тобутини ўша курашда йиқилган йигитлар елкаларида кўтариб олиб кетдилар”, деган ғояни асар бағрига сингдиради. Бу гапда жуда катта маърифий ҳикмат бор. Муаллиф “қанча кучли бўлмасин, аёл аёллигича колмоғи лозим. Унга бешик тебратиш ярашади, кураш тушиш аёл кишининг иши эмас”, демоқчи. Достон сўнггида эса ғоявий жиҳатдан юқоридаги икки ривоят мазмунини кескин рад этадиган ўзбекча ривоят қаламга олинади. Унда шоир халқимиз тарихида қадимдан мавжуд бўлган ривоятни назм риштасига тортади. Қўкон хони Амир Умархон ва малика Нодира муносабати мисолида ўзбек аёлининг садоқати улуғланади. Унда маликанинг ақли, заковати, ўз хожасига вафодорлиги нихоятда қизиқарли ёритилган. Гўё шоир тайёр сюжетга янги поэтик либос кийдирган. Ал-қисса: Қўкон хони Амир Умархон оилавий можароларнинг бирида малика Нодирага “ҳазинадан ўзинг учун нимаки қиммат-

баҳо, зарур бўлса, ўшани олиб, уйингга кетавер”, дейди ва ўзи ётоғига кириб уйқуга кетади. Бир пайт хон отнинг оёқ товушидан уйғониб қараса, аравада бети ёпиқ аёл уни саҳро бўйлаб олиб кетаётир. Хон нега ёлғизлигини, уни ким, қаерга олиб кетаётганини сўраса, бети ёпиқ аёл шундай жавоб беради:

*Амрингизни билдиму вожиб
Тўлиқ адо этаётирман.
Энг керакли, қимматбаҳо деб
Сизни олиб кетаётирман.*

*Сўз деёлмай қолган Умархон
Бир уради пешонасига.
Қайта никоҳ ўқитиб, шодон
Кириб келар кошонасига.*

Сўнг шоир дostonга хотима ясайди:

*Мен мозийдан сўз очдимми бас,
Қилишим шарт қиссадан ҳисса.
Аммо нетай буларни эмас,
Ўшаларни бир кўргим келса.*

Кўрдингизми, ана шундай ибратли, хароратли сатрларни ёзган шоир 2002 йил 42 ёшида борлик оламни тарк этади. Уни яқинлари ота-боболари мангу макон топган Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги “Пошшо пирим” қабристонига дафн этадилар. Агар у тирик бўлганда, миллий шеърятимизнинг бугунги ва келгуси равнақи учун ўзининг муносиб улушини қўшган бўлур эди. На чора? Ўлим – ҳақ!

Аъзам Ўктам чакмоқдек ялт этди-ю, сўнди. Аммо мана шу қисқа муддатли ёғду узоқ вақт шеърят касрини, минглаб китобхонлар қалбини нурафшон этади, иншооллоҳ.

Яратган Эгам ўтюррак шоир қабрини нурга тўлдирсин, омин!

СҮНГГИ СҮЗ

ёхуд сиз кутган китоб хотимаси

Азиз китобхон! Сиз билан суҳбатимиз ҳам интиҳосига етди. Мазкур учрашувлар мен учун анча мароқли кечди. Рости, сиз билан суҳбатда, умуман, зерикмадим. Нокамтарлик туюлмаса, бир гап айтай: мазкур рисоладаги мақолаларнинг бирортаси ҳам зўрма-зўраки, қайсидир шоирга ёки олимга хушомад қилиш учун ёзилмади. Ҳар бир сўз каминанинг қалбидан отилиб чиққан самимий мулоҳазалар. Сиз мен билан баҳслашинг, мунозарага киришинг. Шунда сизнинг онгингизда ҳам, менинг тафаккуримда ҳам ўзгариш, эҳтимол юксалиш содир бўлар.

Биласизми, дунёда сўз лаззати, шеър завкидан устун нарсаси бўлмайди. Сиз севиб тинглайдиган қўшиқларнинг асоси, аввало, шеърдир. Эсингизда бўлса, суҳбатларимиздан бирининг пешлавҳаси Бобур шохнинг гўзал бир мисраси эди: “Ёр улдулки, шеърга майли бўлса...” Нақадар топиб айтилган. У фақат биргина мақоланинггина эмас, умуман, китобдаги ҳамма мақолаларнинг умумий руҳи ва ғоясига тегишли маёқдир. Чиндан ҳам шеърга майли, ҳаваси, интилиши бўлмаган ёрзинҳор-базинҳор ёр бўлмайди. Бобур мирзо айтаётирки, шеърни ўқиш, ёдлаш шарт эмас, аммо унга нисбатан киши қалбида муҳаббат, ўзгача завқ бўлмоғи лозим. Ният буки, сизни ҳеч қачон шеър завки, шеър лаззати, шеър майли тарк этмасин!

МУНДАРИЖА

Б.Тўхлиев. Адабиёт муаллимининг жасорати.....	5
Аввали суҳан ёхуд сиз кутган китобга дебоҳа.....	8

БУЮК САЛТАНАТГА САЁҲАТ

Фаридиддин Атторга таъзим.....	10
Саъдийдан саккиз сабоқ.....	19
Турон маликасининг сирли ўлими.....	23
Хадичабегим ҳийласи.....	27
Дорулқазо нима?.....	29
Аржумандбону васияти.....	31

СЎЗ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Ибрат ва ҳикмат достони.....	36
Ато рози эрса.....	48
Навоийни севган нозанин.....	54
«Мажолис ун-нафоис»да темурийзодалар сиймоси.....	60
Чорам асбобин тузунг.....	63
Бизни қурбон айлагач.....	68

ИЗДОШЛИК ЖИЛОЛАРИ

Вафо ва садоқат тимсоли.....	74
Юруб сўрдум табиблардин.....	82
“Юсуф ва Зулайхо”нинг муаллифи баҳсида.....	85
Олим улдурки.....	90
Тилим шаҳдини сўр.....	96
Аввалгиларга ўхшамас.....	104
Кирма ағёр базмига.....	113
Бир байт балоғати.....	119

ҲАЖВИЯНИНГ «ЗАҲАР» ХАНДАСИ

Ўзбек нега юзга кирмайди?.....	124
Абдулла Орипов ҳажвиялари.....	134
Ҳажвий ғазаллар устаси.....	141

АДАБИЙ ТАНҚИД МИНБАРИДА

Талаба билан учрашув.....	150
Ёзувчининг ифода қалити.....	155
Рим императорининг “она”си.....	159
“Санъат”ми ё “иллатми”?.....	164
Жим турган ким?.....	170
Муҳаррирда алаим маним.....	180

ИЛМИЙ ТАФАККУР ЖАБҲАСИДА

1.Мозийдан зиё излаб.....	188
2.Романга хос илмий тафаккур.....	194
3.Нутқ ва нафосат.....	202
4.Олимнинг сийрати.....	206

БИР ЛАҲЗА ХОТИРА ҚЎЙНИДА

Софликка мойиллик саодати.....	214
Тийнати пок, фитрати тоза.....	221
Аъзам Ўктам соғинчи.....	225
Сўнгги сўз ёхуд сиз кутган китоб хотимаси.....	233

Адабий-илмий нашр

Мусахҳиҳа: Ҳилола Болтабоева
Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

“MUMTOZ SO‘Z”
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

Тел.:241-60-33

Нашриёт лицензияси АIN№ 103. 15.07.2008.
Теришга берилди: 11.04.2014.
Босишга рухсат этилди: 18.06.2014.
Қоғоз бичими 60x84. 1/32. Офсет қоғози.
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб нашриёт табағи 14,0.
Шартли босма табағи 14,8. Адади 200.
Баҳоси келишилган нарҳда


“MUMTOZ SO‘Z”
масъулияти чекланган жамияти
матбаа бўлимида чоп этилди.

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.:241-81-20



Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ

Таржимаи ҳоли оддий зиёлилар каби: қишлоқ мактаби, олий таълим академия таҳсили. 1999 йилда мумтоз адабиёт йўналишида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 2000-2004 йилларда Қарши Давлат университетининг Ўзбек адабиёти кафедрасида ишлаган. 2012 йил сентябрдан Ангрен академик лицейида ўқитувчилик қилади. Қалами - ўтқир. Аъмоли - Адолат. Ўтиқоди - Ҳақиқат. Яшаш тарзи - илм ва амал бирлиги учун курашиш. Уч рисоласи, юздан ортиқ адабий-илмий ва маърифий мақоласи чоп этилган. Мазкур рисола ёш мунаққид изланишларининг тўртинчи ҳосиласи.



ISBN 978 9943-398-98-6

